

**“Педагогик психология ва  
психология ўқитиши  
методикаси”  
фанидан**

**МАРГУЗАЛАР МАТНИ**

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

<b>1-МАВЗУ</b>	<b>Педагогик психологиянинг предмети, вазифалари ва аҳамияти</b>
<b>Мақсад ва вазифалар</b>	Талабаларни педагогик психология фанининг предмети, мақсади ва вазифалари билан таништириш. Бу фаннинг инсонийлик, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, маънавият, маданият ҳақидаги, камолотга эришиш йўлларини кўрсатувчи фан эканлигини, моҳияти ва асосларини тушунтириш. Унинг ҳуқуқий демократик давлат тузиш, фуқаролилк жамияти қуришнинг моддий-маънавий асосларини эгаллашни ўргатувчи, миллий ғоя, миллий мафкурани шакллантирувчи фан эканлигини уқтириш. Мавзуга оид тарқатма материалларнинг талабалар томонидан якка ва гурӯҳий асосда ўзлаштириб олинишини таъминлаш, сұхбат-мунозара орқали ўзлаштиришни назорат қилиш.
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>- педагогик психологиянинг объекти ва предмети;</li><li>- педагогик психология фанининг мақсад ва вазифалари;</li><li>- педагогик психология тушунчалари;</li><li>- педагогик психологиянинг тармоқлари;</li><li>- педагогик психологиянинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги;</li><li>- педагогик психологиянинг пайдо бўлиш босқичлари ва фан сифатида шаклланиши.</li></ul>
<b>Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси</b>	<b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. <b>Шакл:</b> аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш. <b>Восита:</b> тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар <b>Усул:</b> ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. <b>Назорат:</b> савол-жавоблар
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Маърузачи қисқа вақт ичida барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади. <b>Талаба:</b> Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичida кўп маълумотга эга бўлади.. Педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	

## **1 - МАВЗУ: Педагогик психологиянинг предмети, вазифалари ва аҳамияти (2 соат)**

### **Режа:**

1. Педагогик психология фанининг бошқа психология соҳаси орасида тутган ўрни.

2. Ўқишиш, ўқитишиш, тарбия ва касб танлаш педагогик психологиянинг предмети эканлиги.

3. Педагогик психологиянинг ўрта ва олий мактаб таълим системаси билан узвий боғлиқ эканлиги

4. Педагогик психология фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.

Мамлакатимиздаги мавжуд барча ўкув юртлари таълим-тарбияни тўғри, илмий асосда ташкил этиш учун бу жараённинг ўзига хос педагогик қонуниятларини, унинг механизмларини, шунингдек, фаол, мустақил ҳамда ижобий тафаккур жараёнини замонавий билимлар асосида таркиб топтиришнинг самарали усулаирни билиши лозим бўлади.

Маълумки кейинги ўн йил мобайнида мамлакатимиздаги барча таълим тизимларида таълим ишларининг мазмуни тубдан ўзгарди. Таълимнинг экспериментал равишда текширилган янги усувлари (масалан, интерфаол таълим методлари) жорий қилинмоқда.

Педагогик психология - илмининг тармоғи сифатида, таълим ва тарбиянинг шахсга самарали таъсири этувчи омиллари, қонуниятлари ва механизмларини ўрганувчи фандир.

Болалар ва ёшларнинг мактабдаги ҳамда бошқа таълим-тарбия муассасаларидағи фаолият ва ҳатти-харакатларининг педагогик қонуниятларини ўрганувчи педагогик психология икки фанни, яъни психология ва педагогика фанларининг туташган жойидан ўрин эгаллагандир. Педагогик психологиянинг предмети мактабда билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш қонуниятларини, бу жараёнларда содир бўладиган индивидуал тафовутларни, ўқувчиларда фаол, мустақил ва ижодий тафаккурни таркиб топтириш қонуниятлари ташкил этади. педагогик психология таълим-тарбиянинг таъсири билан ўқувчилар психикасида содир бўладиган ўзгаришларни ҳам тадқиқ этади. бундан ташқари, ўкув материалларининг ўқувчиларга мос келиши, турли таълим методларининг педагогик жиҳатдан самарадорлиги, дарсликлар, ўкув қуроллари, асбоб-ускуналар ва мактаб ишларининг тартибиға нисбатан бўлган педагогик талаблар каби муаммоларни ҳам педагогик психология ўрганади.

Ҳозирги вақтда педагогик психологиянинг энг муҳим вазифаларидан бири мактабдаги таълим жараёнини янада такомиллаштиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бу нарса янги таълим дастурига ўтиш муносабати билан боғлиқдир. Педагогик психология шу билан бирга ўқувчилар шахсининг таркиб топиш жараёнини турли тарбиявий тадбирларнинг ўқувчиларга кўрсатадиган таъсирини ўрганади ҳамда ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашнинг педагогик асосларини тадқиқ этади.

Ниҳоят, Педагогик психология таълим – тарбия жараёнининг ташкилотчиси бўлган ўқитувчи шасини, унинг педагогик фаолият хусусиятларини ўрганади. Бунда ўқитувчининг таълим – тарбия ишларидағи ютуқларни таъминловчи сифатларни ажратиб кўрсатиш билан бирга унинг билим, кўнкима, малака ва қобилятларининг таркиб топиши ҳамда тараққиётининг психологик жараёнлари аниқланади.

Шу боис педагогик психология фанини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, у бошқа фанлар сингари тараққиётнинг умумий тамойилларига: олий нерв фаолияти қонунларига, психофизиология қонунларига бу соҳада тўпланган илмий маълумотларга таяниб, инсон психикасининг кечиши ривожланиши, ўзгариши юзасидан баҳс юритади.

Педагогик психология илмининг алоҳида предмети сифатида XIX – асрнинг бошларида вужудга келган бўлишига қарамай, унинг мустақил фан сифатида ривожланиши ва қарор топиш йўли анча мураккаб кечгандир. Мазкур илмнинг ривожланишига турли дунёқарашлар ўртасида олиб борилган доимий кураш катта таъсир кўрсатган. Жамият тарихий тараққиётининг у ёки бу босқичида қандай дунёқараш устуворлигига қараб, текширишлар даражаси ва сифати, олинган натижаларни қандай изоҳлаш зарурлиги белгилаб берилган.

Ўтмишда аждодларимиз инсоннинг психологик қонунятларини изчил, атрофлича, муайян илмий йўналишда ўрганмаган бўлсаларда, бироқ алломаларнинг қўлёзмаларида мазкур ҳолатларнинг намоён бўлиши, инсон камолоти тўғрисида қимматли фикрлари ҳозиргача юксак аҳамият касб этади.

Абу Наср Форобий педагогика масалаларини ва улар билан боғлиқ бўлган психологик, физиологик муаммоларни ижобий ҳал этишда инсонни ҳар тамонлама яхлит ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган қисмлардан иборат деб айтади. Форобий мавжудотни билишда илм–фаннынг ролини ҳал этувчи омил деб билади, унингча инсон танаси, мияси, сезги органлари туғилишда мавжуд, лекин ақлий билими, маънавийлиги, руҳи, интеллектуал ва аҳлоқий хислатлари, ҳарактери, дини, урф–одатлари, маълумоти ташқи мухит, бошқа инсонлар ва шу кабилар билан мулоқотда вужудга келади, инсон ўз фаолияти ёрдамида уларни эгаллайди, уларга эришади. Унинг ақли фикри, руҳий юксалишининг энг етук маҳсули бўлади деб таъкидланади.

Абу Райхон Беруний таълим ва трбиянинг мақсади, вазифалари ва мавқеи, инсон, ёш авлоднинг ривожланиши ҳақидаги фикрлари чин маънода инсонпарварлик ва инсоншунослик замирада яратилган. Билим ва тарбиянинг табиатга уйғунлик тамойилларини мутафаккирининг барча асарларида кузатиш мумкин. У инсонни табиатнинг бир қисми деб таъкидлайди.

Беруний таълим жараёнининг табиатига чуқур кириб бориб, болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш асосига қурилган ўқитш табиатга уйғунлигини уқтиради.

Беруний педагогик ижодида инсон ва унинг баҳт–саодати, таълим–тарбияси, камолоти бош масала бўлган.

Ўрта асрда яшаб, ижод этган донишманд, табобат илмининг дохийси Абу Али ибн Сино инсон руҳияти, жанг ва қалбнинг бирлиги, инсон организмининг тузилиши ундага нерв фаолияти ва уларнинг тармоқланиши, ҳолатлари ҳақидаги қимматли маълумотлари ҳозирга қадар тиббиётнинг муҳим негизини ташкил этади.

Юсуф Ҳожибнинг бош масалаларида бири комил инсонни тарбиялашдир. Адиб ўз асасларида энг комил, жамиятнинг ўша даврдаги талабларига жавоб бера оладиган инсонни қандай тасаввур қилган бўлса, шу асосда у ўз тамойилларини изчил баён этади. «Қудадғу билиг» («Саодатга йўлловчи») асари таълим ва тарбия, маънавий камолотнинг йўл–йўриқларини усулларини, чора тадбирларини ўзида мужассамлаштирган, ахлоқ ва одобга доир маънавий манбадир.

Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», «Хирандномаи Искандари», «Тухтафул ахрор» ва бошқа асарларида илм-маърифат, таълим-тарбия, касб-хунар ўрганиш, инсон ижобий фазилатлари ҳақидаги фикрлари ифодаланган.

Алишер Навоийнинг «Ҳазойинул маоний», «Маҳбубул қулуб» ва бошқа асарларида етук баркамол инсоннинг ахлоқи, маънавияти, ўзгаларга муносабати, истеъоди ва кобилияти тўғрисида қимматли мулоҳазалар юритилган. Ана шу психологик мезонлар ижтимоий адолат қарор топиш учун муҳим аҳамиятга эга экани такидланган. Шунингдек, Навоий асарларида ёш авлодни баркамол инсон сифатида шаклланишида ота-онанинг роли, аёлларнинг иффатлилиги, кишиларнинг камтарлиги ҳақидаги фикр мулоҳазалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Навоий «Ҳамса»сининг ҳар бир достонида буқилмас ирода, қаътиятилилк, итоат, инсонпарварлик туйғулари, ижодий хаёлот, инсоннинг мураккаб ички кечинмалари моҳирона ёритилган. Шунингдек Маҳмуд Қошғарий, Улуғбек, Нақшбандий, Оғаҳийнинг ёшлар тарбиясига, ахлоқ-одоб, феъл-автор, оиласвий ҳаёт, кишилараро муносабатларга доир қарашлари уларнинг асарларида равон ва ихчам баён этилганлигини таъкидлаш мумкин.

Ёш авлоднинг таълим ва тарбия билан боғлиқ психологик муаммолари йирик рус олимлари, файласуф ва ёзувчиларни ҳам мунтазам жалб этиб келган. Россияда психологик тадқиқот намуналари Шарқ ва Ғарб маданияти таъсирида инсон руҳияти билан боғлиқ турли асарларда шаклланиб келган. Дастребки педагогик-психологик мазмундаги асарлар XVII-XVIII диний-ахлоқий негизда ёритилгандир. В.Н.Татищев, А.Н.Радищев, Н.И.Новиков ва бошқаларнинг асарларидағи дастребки қарашлари ҳам психик тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари, психик ривожланишдаги тафовутлар билан йўғрилгандир.

Рус тарихчиси В.Н.Татищевнинг «Фанлар ва билим юртларининг фойдаси тўғрисида сұхбат» китобида фанларнинг таснифи, билимларнинг аҳамияти, тил нутқининг мавқеи, ёш даврларининг хусусиятлари билан боғликлиги кўрсатилган.

А.Н.Радищев биринчилар қатори бола психик тараққиётини табиий-илмий йўсинда асослаб беришга уринди. Унинг «Петербургдан Москвага саёҳат» китоби бу боада педагогик-психологик сирасидан муносиб ўрин

эгаллайди. Ёзувчининг фикрича инсон ташқи муҳит ҳақидаги таассуротларини сезгилар орқали идрок этади, шу йўсинда унинг тафаккури, улғайиб шаклланади.

Н.И.Новиков башарият фаровонлигини кўзлаб, ёшлар ва болалар ўртасида фойдали билимларни кенг тарғибот этиш учун уларни ўзига хос йўсинда тарбияламоқ зарур деб айтади. Унинг асарларида инсоннинг камолоти учун тафаккур, хотира, ахлоқ, ҳис-туйғу ва тақлидчанлик алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.

Россияда педагогик психология фанининг ривожланиш тарихида К.Д.Ушинскийнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Унинг фикрича психология фанининг асосий вазифаси тарбиянинг мақсадини аниқлашга, таълим-тарбия натижаларини тўғри баҳолашга, шулар асосида янги метод ва усуслар яратишга, педагогик тажрибани таҳлил қилиш ва умумлаштиришда муҳим ўрин тутади деб айтади. К.Д.Ушинскийнинг «Инсон тарбия предметидир» асарида педагогик таъсир жараёни ҳисобланган инсоннинг психологик хусусиятлари, унинг ўзига хос томонлари ўз аксини топган.

Шунингдек, Россияда илмий психологияни ривожлантиришда Н.Ф.Каптерев, И.А.Сикорский, А.П.Негаев, А.Ф.Лазурский, П.Ф.Лесгафт, И.М.Сеченов, И.П.Павлов, П.П.Блонский сингари олимлар бу боада ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Таъкидлаш жоизки, айниқса, Л.С.Виготский, С.Л.Рубинштейн, А.Р.Лурия, А.И.Лебницьев, М.Я.Басовлар томонидан яратилган янги илмий назариялар, чунончи психиканинг маданий-тарихий тараққиёт ва тараққиётнинг ўзаро муносабат назарияси, психик тараққиётда фаолиятнинг мавқеи сингари илмий-назарий қарашлар ҳозиги кун психология ўқитиши методикаси ва педагогик психология фанининг таянч тушунчалариданdir.

Ўтган асрнинг ўрталарида вужудга келган турли назариялар, қарашлар, ўқув фаолияти ва таълимнинг талқинлари (Д.Н.Богоявленский, Н.А.Менчинская, П.Я.Гальперин, З.И.Калмыкова, Н.Ф.Галызина, Д.Б.Эльконин В.В.Давыдов, Л.В.Занков, Л.Н.Ланда, А.А.Любинская, Н.В.Кузьмина ва бошқалар) нафақат педагогик тажрибани, балки психология фанининг бу тармоғини илмий-амалий бойитишга асос бўлди.

Айниқса, сўнгги йилларда ўқув материалини ўзлаштиришнинг механизлари (С.Л.Рубинштейн, Н.Кабакова-Меллер, Л.Б.Ительсон); ҳақида (П.И.Зинченко, А.А.Смирнов, В.Я.Ляудис); тафаккур (Н.Ф.Шемякин, А.М.Матюшкин); идрок (Ю.Б.Гиппенреттер); болаларда нутқининг ривожланиши (М.И.Лисина, А.А.Венгер); шахснинг ривожланиши (Б.Г.Ананьев, Л.И.Вожович, В.С.Мухина); мулоқот ва нутқ (В.А.Артемов, А.А.Леонтьев, В.А.Кан-Калик); психик ривожланишнинг даврлари (П.П.Блонский, А.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, Д.Б.Эльконин, Б.Г.Ананьев, А.В.Петровский); ўқувчиларнинг ақлий фаолияти ва истеъодод муаммолари (А.А.Бодалев, Н.С.Лейтес, Н.Д.Левитов, В.А.Крутецкий)га бағишлиланган қатор илмий тадқиқотлар ўз фанининг янада ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмокда.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда инсон психологик хусусиятлари билан боғлиқ тажрибаларга асосланган илмий назария ва йўналишлар вужудга келди. Одам психик табиатини турлича талқин қилишига қарамай, бу назариялар маълум даражада педагогик психология ривожланишига туртки бўлдилар. Бу борада Э.Метерман, С.Холл, К.Бюлер, Э.Клапаред, Э.Дюркгейм, П.Жане, Ж.Пиаже, А.Валлон, Дж.Брунер ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини эътироф этиш мумкин.

Француз психологи Э.Дюркгейм – улғайиш – кишиларнинг ҳистойғуларни ўзлаштириши эканлигини, шу боис, идрок қилинган тасаввурлар боланинг, руҳий фаолиятини ифодалашини, боланинг тажриба, анъана, урфодатларни тақлид орқали эгаллашини, биологияда ирсият қанчалик аҳамиятли бўлса, тақлид ҳам жамиятда шундай ўрин тутишини уқтиради.

Яна бир француз психологи П.Жаненning фикрига кўра, инсон психикаси ижтимоий муносабатларга боғлиқ, зотан жамият ва табиат ўртасидаги турли алоқалар тизимишининг шаклланиши инсоннинг улғайишини белгилайди. У алоқа сифатида ҳатти-ҳаракатни тушунади, бу эса кишининг атроф-муҳитга шахсий муносабатидан бошқа нарса эмас, албатта. П.Жаненning таъкидлашича, энг қимматли, аҳамиятли, ижтимоий ҳаракат ҳамкорлигидаги фаолиятда ўз ифодасини топади, шахслараро ташқи муносабатлар ривожланишнинг муҳим тамойили ҳисобланади.

Америкалик Дж.Брунер шахснинг таркиб топиши билан таълим ўртасида ўзаро алоқа мавжудлигини таъкидлаб, инсоннинг камолот сари интилиши билим олиш самарадорлигини оширса, ўқитишнинг такомиллашуви унинг ижтимоийлашувини жадаллаштиради, деб уқтиради.

Шунингдек, Ж.Пиаже, Э.Торндайн, Дж.Уотсон, Ф.Гальтон, А.Анастази, А.Бике, Т.Симонлар ҳам бола психик тараққиётида таълимнинг мавқенини, уларнинг ақлий хусусиятларини, дастурли таълим, кўнікма ва малакаларнинг аҳамиятини, машқларнинг ўрнини илмий-амалий асослаб беришда муҳим ўрин эгаллайдилар. Бу таълимотлар ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Мамлакатимизда ҳам психология ўқитиш методикаси ва педагогик психология фанининг муҳим муаммоларига доир қатор илмий-амалий тадқиқотлар педагог ва психолог олимлар томонидан олиб борилмоқда. Мазкур муаммолар ҳозирги замон фанининг методологик тамойиллари асосида, яқин ва узоқ хорижий мамлакатларда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг ютуқлари ва ғоялари ҳақидаги маълумотларга эга бўлган ҳолда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бормоқда. Бу борада Т.Қори-Ниёзий, С.Ражабов, П.И.Иванов, М.Воҳидов, М.Г.Давлетшин, Э.Ғозиев, Р.Гайнутдинов, Б.Қодиров, Р.Суннатова, Р.Тошимов, А.Жабборов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини эътироф этиш мумкин. Жумладан, ўқувчиларнинг техник қобилияtlари, ўқув мотивлари, замонавий мактаб ўқувчисининг психологик қиёфаси М.Г.Давлетшин ва унинг издошлари Р.Гайнутдинов, А.Жабборов, Ф.Ҳайдаровлар томонидан, тафаккур ва таълимни бошқариш муаммоси Э.Ғ.Ғозиевнинг ташаббусида, истеъдодли

ўқувчилар ва касб танлаш муаммоси Б.Р.Қодиров раҳбарлигига, болаларнинг ақлий фаолият муаммоси Р.И.Суннатовалар томонидан самарали олиб борилмоқда.

Ҳозирги пайтда республикамиздаги етакчи олийгоҳларнинг кафедра ва лабораторияларида ўқувчиларнинг психология-физиологик хусусиятлари билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш юқори малакали мутахассислар томонидан маҳсус техникалар билан жиҳозланган шароитларда илмий-тадқиқот ишлари самарали йўлга қўйилган.

Фаннинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнида унга таъсир кўрсатиб келган барча назариялар, илмий ва амалий маълумотлар, йўналишлар ҳозирги кунга қадар ўзининг аҳамиятини сақлаб келмоқда ва фаннинг истиқболида ҳам муҳим илмий – назарий манба ҳисобланиб қолиши, табиийдир.

Биологик қонуниятларни ўта жиддий, ўйлаб ташкил қилинган ҳамда муайян режа асосида олиб бориладиган текширишлар орқали холисона аниқлаш мумкин. Биологик тадқиқотлар жараёнини қуидаги асосий босқичларига бўлиш мақсадга мувофиқдир:

1. Муаммонинг қўйилиши. Ҳар қандай илмий – текшириш ишлари каби, чунончи, психологиядан олиб бориладиган илмий текшириш ишлари ҳам назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муаммони аниқлашдан, шунингдек бу муаммо фанда қанчалик очилганини билиш учун мазкур мавзуга оид адабиётларни таҳлил қилишдан бошланади.

2. Тадқиқот методикасини танлаш. Биологик тадқиқотлар турли методлар (бу методлар ҳақида қуида батафсил фикр юриталади) билан олиб борилади. Текширишларнинг муваффақиятли чиқиши кўп жиҳатдан методни тўғри танлашга боғлиқ бўлади.

3. Аниқ маълумотларни тўплаш. Тўпланган маълумотлар ўрганилаётган муаммога мос бўлиши ёки уларни тўплаш мақсадга мувофиқ характерда олиб борилиши зарур. Илмий маълумотларга бўлган асосий талаб уларнинг обьектив, тўла ва изчил бўлишидир. Тўпланган маълумотлар ўрганилаётган муаммони ҳар жиҳатдан характерлаб бериши керак.

4. Аниқ маълумотларни ишлаш. Тўпланган маълумотларни математик ва мантиқий жиҳатдан ишлаб чиқиш умимиликни, хусусийликни топиш ва уларни тасодифий материаллардан ажратиш имконини беради. Бунда тўпланган материалларнинг ўртача миқдори (арифметик, квадрат ва ҳ.к.з), процент ва бошқалар аниқланади, сонга оид маълумотлар жадвалларда жойлаштирилади, график, диаграмма ва чизмаларда ўз аксини топади. Мураккаб мутаносибликтаги маълумотларни топишда эса вариацион статистика методлари қўлланилади.

5. Конуниятларнинг ифодаланиши. Бу тадқиқотнинг энг қийин ва маъсулиятли босқичи ҳисобланади. Чунки бу босқичда маълумотларнинг моҳиятига қанчалик чуқур тушунилганлиги, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб, босқич маълумотидан ҳар турли холоса чиқариш мумкин. Кўпинча чиқарилган холосалар таҳминий ҳарактерга эга бўлиб, кейинги текширишлар, аниқлашлар учун асос бўлади.

6. Конунийтни амалда қўллаш. Аниқланган қонунийтлар маълум бир амалиёт соҳасида қўлланилади. Амалда қўллаш аниқланган қонунийтнинг тўғрилигига батамом ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Кўпинча ўқитувчилар ўз амалий фаолиятларида ҳамиша шахсий тажрибаларини ва бошқаларнинг тажрибаларини умумийлаштирадилар. Бироқ шундай бўлса ҳам, ҳар ҳолда, бундай умумлаштиришлар илмий жиҳатдан етарли асосланган бўлмайди, яъни, муҳим аниқлик ва теранлик билан ажралиб турмайди.

### **Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:**

1. Абу Наср Форобийнинг «Бахт-саодатга эришув» асарини мутолаа қилинг ва алломанинг қуйидаги қарашларини ёзма баён этинг:
  - а) инсоний камолотга эришувда ақлий билишнинг аҳамияти.
  - б) иродавий фазилатларни ҳосил қилиш ва одатга айлантиришда инсон қудрати, таълим ва тарбиянинг кучи ҳақида.
  - в) ёшларнинг касб-хунар ва иш-тажрибани эгаллаши тўғрисида.
2. Педагогик психология фанининг вужудга келиш сабабларини кўрсатинг.
3. Фаннинг предмети, назарий ва амалий вазифалари нималардан иборат? Унинг истиқболи ҳақида нима дея оласиз?
4. Психологияда тадқиқотларни ташкил этиш ва илмий методлари ҳақида маълумот беринг.

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

<b>2-МАВЗУ</b>	<b>Педагогик психологиянинг принциплари ва илмий-тадқиқот методлари</b> Педагогик психология фанининг асосий присиплари ва илмий тадқиқот методлари билан талабаларни таништириш. Фаннинг салоҳияти ва обрўси ҳам биринчи навбатда ўша методлар ёрдамида тўпланган маълумотларнинг <b><u>ишончлилиги ва валидлилигига</u></b> боғлилигини ўргатиш.
<b>Мақсад ва вазифалар</b>	
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>- Педагогик психология фанининг асосий методлари.</li><li>- Педагогик психологиянинг принциплари.</li><li>- Педагогик психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари.</li><li>- Амалий педагогик психологиянинг йўналишлари.</li></ul>
<b>Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси</b>	<b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. <b>Шакл:</b> аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш. <b>Восита:</b> тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар <b>Усул:</b> ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. <b>Назорат:</b> савол-жавоблар
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Маърузачи қисқа вақт ичida барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади. <b>Талаба:</b> Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичida кўп маълумотга эга бўлади.. Педагогик психологик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	

## **2-МАВЗУ: Педагогик психологиянинг принциплари ва илмий-тадқиқот методлари**

### **Режа**

1. Педагогик психология фанининг асосий методлари.
2. Педагогик психологиянинг принциплари.
3. Педагогик психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари.
4. Амалий педагогик психологиянинг йўналишлари.

**Психологиянинг асосий методлари.** Аниқ изланиш предметига эга бўлган ҳар қандай фан ўша предметининг моҳиятини ёритиш ва материаллар тўплаш учун маҳсус усуллар ва воситалардан фойдаланади ва улар фанинг **методлари** деб юритилади. Фанинг салоҳияти ва обрўси ҳам биринчи навбатда ўша методлар ёрдамида тўпланган маълумотларнинг **ишончлилиги ва валидлилигига** боғлиқ бўлади. Бу фикрлар бевосита психологияга ҳам алоқадор бўлиб, методлар масаласи бу фанда жуда катта аҳамиятга молик масала сифатида харалади. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, психик ходисаларни бевосита қўл билан ушлаб, кўз билан илғаб, қулоқ билан сезиши қийин. Лекин жуда қўплаб фанлар билан фаол ҳамкорлик шунга олиб келганки, психологиянинг ҳар бир тармоғи ўз вазифаларини ечиш ва маълумотларга эга бўлиш учун қўплаб методларни синовлардан ўтказиб, энг ишончли ва мукаммалларини сақлаб қолган.

Математик статистика ва эҳтимоллар назариясининг психология соҳасида қўлланилиши ва унда эришилган муваффакиятлар аввало ҳар бир методнинг ишончлилик даражасини аниқлаш, қолаверса, тўпланган маълумотларнинг қай даражада асосли ва валид эканлигини исботлашга ёрдам беради.

1-жадвалда асосий психологик методлар ва уларни қўллаш шакллари келтирилган.

Жадвалда келтирилган методлар ёрдамида тадқиқотчи ёки қизиқкан шахс у ёки бу психик жараён, холат ёки шахс хусусиятлари тўғрисида бирламчи маълумотлар тўплайди, тўпланган маълумот яна тахлил қилинади ва маҳсус тарзда ишлатилиши мумкин.

*1-жадвал.*

### ***Психологиянинг асосий методлари***

АСОСИЙ МЕТОДЛАР	Асосий методларнинг варианлари
КУЗАТИШ МЕТОДИ	Ташқи (объектив кузатиш) Ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш) Эркин кузатув Стандартлаштирилган Груп ичида кузатиш Груп ташқарисида кузатиш
СЎРОҚ МЕТОДЛАРИ	Оғзаки сўроқ Ёзма сўроқ

	Эркин сўроқ (сұхбат) Стандартлаштирилган сўроқ
ТЕСТЛАР МЕТОДИ	Тест - сўров Тест - топширик Проектив тест Социометрик тест
ЭКСПЕРИМЕНТ	Табиий эксперимент Лаборатория эксперименти
МОДЕЛЛАШТИРИШ	Математик моделлаштириш Мантиқий моделлаштириш Техник моделлаштириш Кибернетик моделлаштириш

**Кузатиш методи** табиий методлар жумласига киради. Ташқи кузатув мохияттан кузатилувчи хулқ - авторини бевосита ташқаридан туриб, кузатиш орқали маълумотлар тўплаш усулидир. Ўз - ўзини кузатиш эса одам ўзида кечаётган бирор ўзгариш ёки ходисани ўзи ўрганиш мақсадида маълумотлар тўплаш ва қайд этиш усулидир.

Эркин кузатув кўпинча бирор ижтимоий ходиса ёки жараённи ўрганиш мақсад қилиб қўйилганда қўлланилади. Масалан, байрам арафасида аҳолининг кайфиятини билиш мақсадида кузатув ташкил қилинса, олдиндан махсус режа ёки дастур бўлмайди, кузатув обьекти ҳам қатъий бўлиши шарт эмас. Ёки дарс жараёнида болаларнинг у ёки бу мавзу юзасидан умумий муносабатларини билиш учун ҳам баъзан эркин кузатиш ташкил этилиши мумкин. Стандартлаштирилган кузатув эса, бунинг акси бўлиб, нимани, қачон, ким ва кимни кузатиш қатъий белгилаб олинади ва махсус дастур доирасидан чиқмасдан, кузатув олиб борилади.

Ижтимоий ҳамда педагогик психологияда гурухий жараёнларнинг шахс хулқ - авторига таъсирини ўрганиш мақсадида бевосита ичкаридан кузатув ташкил қилинади, бунда кузатувчи шахс ўша гурух ёки оила ҳаётига табиий равишда қўшилади ва зимдан кузатиш ишларини олиб боради. Бу бир қарашда контрразведкачиларнинг фаолиятини ҳам эслатади. Шу йўл билан олинган маълумотлар бир томондан табиийлиги ва муфассаллиги билан қимматли бўлса, иккинчи томондан, агар кузатувчида конформизм хислати кучли бўлса, ўзи ҳам гурух ҳаётига жуда киришиб кетиб, ундаги айрим ходисаларни субъектив равишда қайд этадиган бўлиб қолиши ҳам мумкин. Гурухий феноменларни ташқаридан кузатиш бунинг акси - яъни кузатувчи гурухга ёки кузатилаётган жараёнга нисбатан четда бўлади ва фақат бевосита кўзи билан кўрган ва эшитганлари асосида хulosалар чиқаради.

Умуман, кузатиш методининг ижтимоий ҳаёт, профессионал кўрсатгичларни қайд қилишда сўзсиз афзалликлари бор, лекин шу билан бирга кузатувчининг профессионал маҳорати, кузатувчанлиги, сабр - қаноатига боғлиқ бўлган жиҳатлар, яна тўпланган маълумотларни субъектив равишда тахлил қилиш хавфи бўлгани учун ҳам бироз ноқулайликлари ҳам бор, шунинг учун ҳам у бошқа методлар билан биргалиқда ишлатилади.

**Сўров методи** ҳам психологиянинг барча тармоқларида бирламчи маълумотлар тўплашнинг анъанавий усулларидан ҳисобланади. Унда текширилувчи текширувчи томонидан қўйилган қатор саволларга муҳтасар жавоб қайтариши керак бўлади.

Оғзаки сўроқни ёки баъзан уни оддийгина қилиб, сухбат методи деб аталади, ўтказадиган шахс унга маълум даражада тайёргарлик кўргач сўроқ ўтказади. Агар мабодо унинг профессионал маҳорати ёки тажрибаси бунга етарли бўлмаса, сўров ўз натижаларини бермаслиги мумкин. Лекин маҳоратли сўровчи ушбу метод ёрдамида инсон руҳий кечинмаларига алоқадор бўлган ноёб маълумотларни тўплаш имконига эга бўлади.

**Ёзма сўроқ ёки анкетанинг** афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида кўпгина одамлар фикрини ўрганиш мумкин бўлади. Унга киритилган саволлар, улардан кутиладиган жавоблар (ёпиқ анкета), ёки эркин ўз фикрини баён этиш имкониятини берувчи (очиқ анкета) сўровномалар аниқ ва равон тилда жавоб берувчилар тушуниш даражасига монанд тузилган бўлса, шубҳасиз, қимматли бирламчи материаллар тўпланади.

Сўроқнинг ҳам эркин ва стандартлаштирилган шакллари мавжуд бўлиб, биринчисида олдиндан нималар сўралиши қатъий белгилаб олинмайди, иккинчи шаклида эса, хаттоки, компьютерда дастури ишлаб чиқилиб, минглаб одамларда бир хил талаблар доирасида сўроқ ўтказилиши назарда тутилади.

**Тестлар** охирги пайтда ҳаётимизга дадил кириб келган текширув усуллари сирасига киради. Улар ёрдамида бирор ўрганилаётган ходиса хусусида ҳам сифат, ҳам миқдор характеристикаларини олиш, уларни кўпчиликда қайта - қайта синаш ва маълумотларни корреляцион анализ орқали ишончлиликка текшириш мумкин бўлади. Айни тестга қўйилган талаб ҳеч қачон ўзгармайди, хаттоки, шундай тестлар борки, улар турли миллат ва элат вакилларида, турли даврларда ҳам ўзгармаган ҳолда ишлатилаверади. Масалан, Равеннинг ақлий интеллектни ўлчаш, Кэттельнинг ва Айзенкнинг шахс тестлари шулар жумласидандир.

**Тест** - сўров олдиндан қатъий тарзда қабул қилинган саволларга бериладиган жавобларни тақозо этади. Масалан, Айзенкнинг 57 та саволдан иборат тести шахсдаги интроверсия - экстроверсияни ўлчайди, саволларга “ҳа” ёки “йўқ” тарзида жавоб бериш сўралади.

**Тест** - топшириқ одам хулқи ва холатини амалга оширган ишлари асосида баҳолашни назарда тутади. Масалан, шахс тафаккуридаги креактивлиликни аниқлаш учун кўпинча бир қарашда оддийгина топшириқ берилади: берилган 20 та доира шаклидаги шакллардан ўзи хоҳлаганча расмлар чизиш имконияти берилади. Маълум вақт ва тезликда бажарилиш суръати, расмларнинг ўзига хос ва бетакрорлигига қараб шахс фикрлаши жараёнининг нақадар ностандарт, ижодий ва креактивлигига баҳо берилиб, миқдорий кўрсатгич аниқланади. Бу методларнинг умумий афзаллиги уларни турли ёш, жинс ва касб эгаларига нисбатан қўллашнинг қулайлиги, бир гуруҳда натижа бермаса, бошқа гуруҳда яна қайта текширув ўтказиш

имкониятининг борлиги бўлса, камчилиги - баъзан текшириувчи агар тестнинг моҳиятини ёки қалитини билиб қолса, сунъий тарзда унинг кечишига таъсир қўрсатиши, фактларни фалсификация қилиши мумкинлигидир.

Тестлар ичida **проектив тестлар** деб номланувчи тестлар ҳам борки, тестнинг асл мақсади текшириувчига сир бўлади. Яъни шундай топшириқ бериладики, текшириувчи топшириқни бажараётиб, нимани аниқлаши мумкинлигини билмайди. Масалан, машҳур Роршахнинг “сиёҳ доғлари” тести, ёки ТАТ(тематик апперцепцион тест), тугалланмаган хикоялар каби тестларда бир нарсанинг проекциясидан гўёки иккинчи бир нарсанинг моҳияти аниқланади. Ўша 1921 йилда қашф этилган “сиёҳ доғлари” ва уларга қараб текшириувчининг нималарни эслаётганлиги, доғлар нималарга ўхшаётганлигига қараб, унинг шахс сифатидаги йўналишлари, ҳаётий тамойиллари, қадриятларига муносабати, ишни бажариш пайтидаги эмоционал ҳолатлари аниқланади. Бу тестлар жуда ноёб, қимматли, лекин уни фақат профессионал психологина қўллаши ва натижаларни моҳирона тахлил қилиши талаб қилинади.

**Психологик экспериментнинг** моҳияти шундаки, унда атайлаб шундай сунъий бир вазият шакллантирилади ва ташкил этиладики, айнан шу вазиятда қизиқтираётган психик жараён ёки ходиса ажратилади, ўрганилади, таъсир қўрсатилади ва баҳоланади. Агар табиий эксперимент ўша қизиқтираётган феномен текшириувчи учун табиий ҳисобланган шароитларда (масалан, меҳнат жараёнида, каникулда ёзги лагерда, лицей аудиториясида ва шунга ўхшаш) мақсадли ташкил этилиб, ўрганилса, лаборатория эксперименти махсус жойларда, махсус асбоб - ускуналар воситасида атайлаб ўрганилади. Масалан, диққатингизнинг хусусиятларини билиш керак бўлса, психология лабораториясида махсус тахистоскоп деб аталган мослама ёрдамида ёки “Ландольт ҳалқачалари” деб номланган жадваллар ёрдамида ўрганиш мумкин бўлади. Ҳаттоқи, ижтимоий муносабатлар борасида ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, лидерлик ва конформлилик ходисаларини текшириш учун *группавий интеграторлар ва гомеостат* деб номланувчи мосламалар яратилган ва улар ёрдамида гурухдаги турли хил ходисалар ўлчанганди.

**Моделлаштириш** методи кузатиш, сўроқ, эксперимент ёки бошқа усуллар ёрдамида ўрганилаётган ходисанинг туб моҳияти очилмаган шароитларда қўлланилади. Бунда ўша ходисанинг умумий хоссаси ёки асосий параметрлари моделлаштирилиб, ўша модель асосида тадқиқотчини қизиқтирган жиҳат ўрганилади ва хulosалар чиқарилади.

Моделлар техник, мантикий, математик ёки кибернетик бўлиши мумкин. Математик модел асосида ўрганилган ходисага машҳур тадқиқотчилар Вебер - Фехнерларнинг сезирликнинг қуи ва юқори чегарасини аниқлашга қаратилган математик формуласи ва шу асосда тўпланган маълумотлар тахлилини мисол қилиш мумкин. Мантикий моделлар ёрдамида кўпинча инсон ақли ва тафаккури жараёнлари ва қонунларини ҳисоблаш машиналари иш принциплари билан қиёслаш орқали

тузилган ғоялар ва символлар ишлатилади. Кибернетик моделлаштиришда эса ғоялар психологиясини ЭХМ даги математик программалаштириш тамойиллариға мослаштириш назарда тутилади. ҳозир күпгина мураккаб шахс хусусиятлари ҳам программалаштирилган бўлиб, улар алгоритмлар асосда қисқа фурсатда күпгина сифатларни кўплаб параметрлар нуқтаи назаридан ҳисоблаб натижаларни умумлаштиришга имкон бермоқда. Кўпинча математик ўйинлар ғояси одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасини ўрганишда ҳам қўлланилмоқда. Маълум бўлишича, одамнинг фикрлаш операциялари билан ЭХМ ларнинг ишлаш принциплари ўртасида маълум уйғунлик бор экан, бу эса мураккаб психик жараёнларни моделлаштириш орқали инсон ақлу - заковати чегарасини янада кенгайтириш истиқболини беради.

Умуман психологиянинг ва унинг ҳар бир алоҳида тармоқларининг ўзига хос методлари бор. Улар ижтимоий хулқ ва алоҳида индивид ички дунёсини комплекс тарзда ўрганиш имконини беради. Гап шундаки, уларни ўз вақтида ва профессионал тарзда қўллай билиш ва олинган натижалардан тўғри хulosалар чиқара олишдир.

**Психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари.** Ҳозирги замон илм - фанининг қадри ва аҳамияти унинг нечоғли амалиётга кириб бориб, тадбиқий салоҳияти ортиб бориши билан баҳоланади. Психологиянинг охирги йиллардаги тараққиёти ҳам айнан ана шу мезон талабларига жавоб бериши билан характерланади.

Амалий ҳамда тадбиқий психология соҳаларининг ўзига хос жиҳатлари аввало шундан иборатки, улар жамиятнинг бевосита бугунги кундаги талаблари ва буюртмаларига кўра иш юритади. Жамиятимизда эса психологик билимларни бевосита амалиётга тадбиқ этишга эҳтиёж катта. Биргина Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини оладиган бўлсак, унинг бажарилиши ва муваффақиятли амалга оширилиши учун психологиянинг аралашуви зарур. Жойларда ташкил этилган Ташхис марказларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ўкувчилардаги ривожланиш тенденциялари, ақлий ўсиш омиллари ва иқтидорига қараб таълим - тарбияни ташкил этишлари учун қатор диагностик тадбирларни ўtkазишлари зарурки, бу тадбирлар охир - оқибат реал самара бериши лозим. Таъкидлаш зарурки, тадбиқий психологиядаги “самара”ни ўлчаш мезонлари билан назарий психологиядаги самара тушунчалари бироз фарқ қиласди. Яъни, бу ерда бевосита буюртманинг бажарилиши сифатига буюртмачининг ўзи баҳо беради. Шунинг учун ҳам амалий психологиянинг алоҳида тармоғи бўлмиш социал психология билимларга амалдаги эҳтиёжни уч асосий сабаб билан тушунтириши мумкин: а) кичик корхона ёки йирик фирмалардан тортиб, токи хукумат даражасидаги идоралар ҳам ўз фаолияти самарадорлигини ошириш учун тобора инсонлар фаолияти ва улардаги резервлардан омилкорона фойдаланишининг психологик манбаларини қидириш лозимлигини тушуниб етмоқдалар; б) профессионал психологларнинг ўзи ҳам ўз ишларидан келадиган обрў - эътиборнинг амалий соҳаларида ишлай олиш қобилияtlарига боғлиқ эканлигини тушуниб

етмоқдалар; в) амалиётда ишлаётган бошқа соҳа вакиллари ҳам агар психологоик тайёргарликдан ўтган бўлсалар, ишни ташкил қилишга уқувлари яхшироқ ва ишлари унумлироқ бўлишини тушуниб етмоқдалар. Шунинг учун ҳам кўплаб янги турдаги марказ ва фирмалар, қўшма корхоналарда амалиётчи психологлар ишламоқдалар.

**Амалий психологиянинг асосий йўналишлари. Саноат ва ишлаб чиқариш соҳаси.** Саноат ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида тадбиқий ишлар биринчи навбатда конкрет ташкилотда кадрлар захирасини тўғри ва оқилона ташкиллашдан тортиб, ходимлар иш шароитлари ва меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар комплексини илмий равишда ўрганиб, ҳаётда натижа олишга каратилган ҳаракатлар мажмуудир. Хозирги бозор муносабатлари шароитида ушбу йўналишдаги тадбиқий ишларнинг икки соҳасини ажратиш мумкин:

маркетинг хизматлари  
ходимлар (персонал) билан ишлаш.

Биринчиси энг замонавий ва муҳим иш бўлиб, бу ерда психологнинг вазифаси “Нимани?” ва “Ким?” харид қилиб олишга эҳтиёжи борлигини ўрганишга кўмаклашишдир. Чунки, талаб билан эҳтиёж бевосита шахсга ва унинг психологоик муносабатлари тизимиға алоқадор категориялар бўлиб, бозор ва рақобат шароитида корхона ёки ташкилотларнинг самарали ишлаб кетиши энг аввало харидоргир товар маҳсулотларни ажратиб, уларнинг одамлар талаб - эҳтиёжига қанчалик мослигини аниқ тахлил қилишдан бошланади. Маркетинг муносабатлари аслида одамлар ўртасидаги соф психологоик муносабатлар бўлиб, унинг негизида одамлар ўртасидаги жонли мулоқот ва таъб ва дидлар тарбияси ётади. Шунинг учун биз бугун одамларда тўғри маркетинг тафаккурини шакллантириш воситаларини қидиришимиз ва талаб - таклиф муносабатларини реал ишлаб чиқариш имкониятлари билан мувофиқлаширишда инсон психологияси хусусиятларини инобатга олиб ишлашга ўрганишимиз керак. Масалан, шундай “Case Study”ни олайлик: Психологияни қандай қилиб сотиш мумкин(яъни, Психологоик маълумотлар ва билимларни)? Биз аниқ ва тўғри жавоблар олишимиз керак бўлган саволлар қуидагилар бўлади:

**Нима сотилади?** - Тест натижалари

**Нима учун?** - нима қилиб бўлса ҳам, пул ишлаш, ўз имкониятларни текшириш, шахсий иш очиш;

**Ким ?** - фирма ёки конкрет кишилар;

**Нима ?** - хилма - хил тестлар батареяси;

**Кимга ?** - турли касб эгалари, ўқувчиларга, ходимларга;

**Қаерда? Қачон?** - зарурат бўлган ҳар қандай жойда;

**Қандай қилиб?** - минимал вақт сарфлаб, тез ва соз;

**Қанча?** - тест ўтказувчиларнинг сони ва имкониятига қараб;

**Ким билан?** - шу фирма ходимлари билан .....

Демак, маркетинг хизматида жавоб берилиши зарур бўлган саволлардан кўриниб турибдики, ҳар бир саволга бериладиган жавобнинг

орқасида конкрет одамлар, уларнинг қобилиятлари, манфаатлари ва иш унуми ётади. Шунинг учун бу соҳада психологияк хизмат зарур.

Иккинчи соҳа - кадрлар ва улар билан бевосита ишлаш соҳаси. Бу кадрларни ишга жалб этишда билиш зарур бўлган қобилиятлар ва шахсий фазилатлардан тортиб, уларни тўғри йўналтириш, ўз жойига қўйиш, ташкилот доирасида гурухларни шакллантириш, ходимларга маълумотларни ўз вақтида етказиш билан боғлиқ кадрлар сиёсатини олиб боришга алоқадор хизматдир. Психолог бу ўринда асосан маслаҳатчи - консультант ва эксперт сифатида роль ўйнайди.

**Психологиянинг принциплари.** Хар бир давр ўз кишилари онгиде беихтиёр сиёсий онгни шакллантиради ва одамлар унинг тамойилларига бўйсунадилар. Сиёсат борасидаги психологик масалаларга психолог аралашувининг зарурати ҳар доим бўлмаса - да, айrim пайтларда - йирик ислоҳотлар бошланиши арафасида, сайлов олди компанияларда, янги сиёсий лидерларнинг халқ томонидан қабул қилиниши жараёнлари, қўпчилик аудиторияга зарур маълумотларни етказиш, ижтимоий установкаларни ўзгартириш, сиёсий арбоблар имиджини омма онгига сингдириш пайтларида психологик таъсир воситаларидан ўринли фойдаланиш, маслаҳатлар бериш ва айrim гурухлар эътиқодига таъсир этиш керак бўлганда керак бўлади.

Сиёсий соҳада ишлаётган психолог ўзига хос жиҳатлари бўлиб, унга қуйидагилар киради:

а)сиёсатда психолог аралашуви қўпчилик оммага бевосита алоқадор бўлмайди;

б) зарурат туғилганда, психолог шундай тез ва ишончли ўлчайдиган методикаларни ишлатадики, уларнинг натижалари сир сақланиб, ўша буюртмачи - сиёсатчининг талабига кўра изланишлар олиб борилади;

в) психолог ҳар бир сиёсатчи учун шундай ишончли шахс бўлиши лозимки, ундан одамларнинг кайфиятлари, реакциялари, хис - кечинмалари хусусида аниқ маълумотлар сўралади;

г) ўзига хос қийинчилик шундан иборатки, жамоатчилик психолог қиёфасида қўпинча лидернинг бевосита “одамини” кўришга мойил бўлиб, лидернинг ўзи ҳам баъзан ўта профессионал психологдан хадиксираб қолиши мумкин.

Шунинг учун юқорида таъкидлаганимиздек, зарур пайтларда сиёсий арбоблар психолог хизматига мурожаат қилишлари ва ундан асосан бирор жиддий ижтимоий проектларни қабул қилиш жараённида ёрдам беришини сўраш мумкин. Бунинг учун психологдан жамоатчилик фикрини психологик тахлил қилиб бериш, ва шу асосда фуқароларнинг установкалари ва кайфиятларига ижобий таъсир кўрсатувчи омилларни биргаликда ажратиш вазифасини ҳал қилишлари мумкин. Сайлов олди компанияларда эса, психологнинг асосий вазифаси одамларнинг кайфиятини ўргангандан ҳолда даъвогар имиджини шакллантиришга, одамларга ёқтиришга сабаб бўладиган шахсий фазилатлар алгоритмини тузиш, омма олдига чиқишга психологик тайёрлаш, рақибларнинг бахсланиши маданияти ва этикаси борасида

психологик йўл - йўриқ ва усууллар борасида маълумотлар алмашиниш керак бўлади.

Ўзбекистон шароитида сиёсий психологиянинг ўзи жуда заиф ривожланган тармоқ бўлгани сабабли ҳам уни ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда ривожлантириш давр талабларидан биридир.

**Педагогик психологиянинг тадбиқий ишлари.** Ўзбекистонда энди шаклланаётган, лекин назарий нуқтаи назардан маълум анъаналарга эга бўлган соҳадир. 1998 йилнинг Президентимиз томонидан “Оила йили” деб эълон қилиниши жойларда психологик хизмат ўчоқларининг пайдо бўлишига ва у ерларда психологик хизматидан фойдаланишни англашга туртки бўлди. Психолог бу ерларда ёшлардаги оила ва никоҳ борасидаги тасаввурларнинг тўғри шаклланишидан тортиб, токи муаммоли, хаттоки, ажрим бўлган оила аъзоларига психологик маслаҳатлар бериш, “ишонч телефонлари” орқали маслаҳатлар уюштиришни ўз зиммасига олади.

**Маориф соҳасидаги амалий ишлар** бошқа соҳаларга нисбатан анчагина яхши тажрибага эга. Айниқса, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури қабул қилингандан сўнг ташкил қилинган янги типдаги таълим муассасалари - академик лицейлар ва касб - хунар колледжларига бир нечтадан психологлар штати киритилган ва улар айнан тадбиқий муаммолар - боланинг ўқув жараёнига психологик жиҳатдан тайёрлигини диагностика қилишдан тортиб, профессионал ва касб маҳоратини ривожлантиришгача бўлган барча муаммоларни ҳал қилишга “аралашади”.

Хукуқбузарликнинг олдини олиш ва қонунга зид ҳаракат қилганларни психологик реабелитация қилиш муаммоси ҳам ҳар доим ҳам психолог аралашувини талаб қилиб келган. Чунки жиноятчи ёки хукуқбузар шахси ўз - ўзидан шаклланиб қолмайди, уни шакллантирувчи омиллар, мотивлар ва болани қайта тарбиялаш ва реабелитация масалалари ижтимоий психологик жараёнлар моҳиятини билиш ва уларга фаол таъсир кўрсатиш талаб қиласди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёшлар ўртасида хукуқий маърифат ва хукуқий маданиятни шакллантиришга жуда катта эътибор қаратилган ва бу ишда амалиётчи ходим - психологнинг ўрни ва роли катта бўлади.

Юқорида эътироф этилган психологиянинг тадбиқий соҳалари учун умумий нарса шуки, бу соҳаларда ишлаганлар аввало яхши психодиагност, яъни психология методларини ўз ўрнида самарали ишлатишни билиши, ва яхшигина психотерапевт ва психокорректор - яъни, аниқланган муаммо ёки “касалликни” тузатувчи моҳир профессионал бўлиши кераклигини тақозо этади.

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

<b>3-МАВЗУ</b> <b>Мақсад ва вазифалар</b> <b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	<b>Психик тараққиёт назариялари</b> Биогенетик, Социогенетик, Психоанализ, Психодинамистика, когнитивистик ва персонологик назариялар билан танишириш. Биогенетик назария ва унинг йўналишлари. Социогенетик назария: ижтимоийлашув назарияси. Психоанализ назарияси. Психодинамистика, когнитивистик ва персонологик назариялар.
<b>Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси</b>	<b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. <b>Шакл:</b> аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш. <b>Восита:</b> тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар <b>Усул:</b> ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. <b>Назорат:</b> савол-жавоблар
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Маърузачи қисқа вақт ичидаги барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади. <b>Талаба:</b> Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичидаги кўп маълумотга эга бўлади.. Педагогик психологик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устидаги ишлар, мавзуни ҳаётини воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.

### **3-МАВЗУ: Психик тараққиёт назариялари (2-соат)**

#### **Режа:**

Биогенетик назария ва унинг йўналишлари.

Социогенетик назария: ижтимоийлашув назарияси.

Психоанализ назарияси.

Психодинамистик, когнитивистик ва персонологик назариялар.

Психология Фани замонавий таълимотга асосланган ҳолда инсон шахсининг таркиб топишини асосан учта омилнинг таъсирига боғлиқлигини далиллар асосида изоҳлаб беради. Улардан биринчиси инсон туғилиб вояга етадиган ташқи ижтимоий мухитнинг таъсири, иккинчиси одамга узоқ муддат давомида мунтазам тарзда бериладиган таълим-тарбиянинг таъсири ва учинчиси одамга туғма равишда, тайёр ҳолда бериладиган наслий хусусиятларнинг таъсиридир.

Маълумки, ҳар бир одам ўзига хос, бошқаларда айнан такрорланмайдиган ижтимоий мухитда. Конкрет ижтимоий муносабатда, яъни маълум оила, жамоа ва жамиятда, одамлар орасида яшаб ўсади, шаклланади.

Бу ижтимоий муносабатларга одам жамият аъзоси сифатида, маълум синфнинг, у ёки бу ижтимоий гурӯхнинг намоёндаси сифатида ва ниҳоят, ташкил қилинганлик ва уюшқоқлик даражаси турлича бўлган муайян жамоаларнинг фаол аъзоси сифатида қатнашади.

Шахснинг моҳияти ўз табиати жиҳатидан ижтимоий характерга эгадир. Шахсдан барча психик хусусиятларини, ижодий фаоллигининг ривожланиши манбалари унинг теварак-атрофидаги ижтимоий мухитда, жамиятдадир. Инсон шахси сабабий боғлиқликда бўлиб, унинг ижтимоий турмуши билан белгиланади. Манна шу маънода шахснинг тараққиёти одамлар билан муносабатда юзага келадиган ижтимоий тажрибани эгаллаш жараёнидан иборатдир. Бунинг натижасида инсоннинг психик хусусиятлари, ахлоқий фазилатлари, характеристери, иродавий сифатлари, қизиқишлиари, эътиқод ва дунёқараши таркиб топади.

Мухит, маълум мақсадга қаратилган таълим ва тарбия, азалдан берилган, генетик жиҳатдан қатъий белгиланган ниманидир намоён қилиш учун шароитгина бўлиб қолмай, балки инсон психик хусусиятларини таркиб топтиради.

Бу борада, биринчидан, шуни таъкидлаш керакки, одам мухит таъсири остидаги пассив объект бўлмай, балки фаол мвжудотдир. Шунинг учун ташқи ҳаёт шароити, ташқи таъсир инсон психикасини белгиламайди, балки одамнинг мухит билан бўлган ўзаро таъсири орқали, унинг мухитдаги фаолияти орқали белгилайди. Шу сабабли мухитнинг таъсири ҳақида эмас, балки одамнинг теварак-атрофидаги мухит билан фаол ўзаро таъсири ҳақида гапириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, психиканинг ривожланиши оқибат натижада ташқи шароитларга, ташқи таъсиротларга боғлиқдир. Лекин бу ривожланишини бевосита ташқи шароитдан ва ташқи вазиятдан келтириб чиқариб бўлмайди.

Бу шароитлар ҳамда вазиятлар ҳамиша одамнинг ҳаётий тажрибаси, унинг шахси, индивидуал психологик хусусиятлари ва психик қиёфаси орқали таъсир қиласди. Манна шу маънода ташки индивиднинг ўзига хос психикаси ва шахсий тарифасини ўз ичига олган ички шароит орқали билвосита таъсир қиласди.

Учинчидан, одам фаол мавжудот сифатида ўзи ҳам онгли равишда ўз шахсини ўзгартириши, яъни ўзи-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиши мумкин. Лекин бу жараён атроф-муҳитдан ажralган ҳолда эмас, балки муҳит билан мослашган ҳолда ва муҳит билан ўзаро муносабатда содир бўлади.

Юқоридагилардан хулоса чиқариб шуни айтиш мумкинки, одамнинг (боланинг, ўқувчининг) ижтимоий ташкил топган ва фаол фаолияти унинг психик ривожланишининг асоси, воситаси ҳамда шартидир.

Ўз-ўзидан маълумки, одамнинг психик ривожланиши учун табиий, биологик имкониятлар ниҳоятда зарурдир. Инсон психик хусусиятлари меъёрида таркиб топиши учун муайян даражадаги биологик тузилиш, инсон мияси ва нерв системаси бўлиши шарт. Бу табиий хусусиятлар психик ривожланишни ҳаракатга келтирувчи кучлар, омиллар эмас, балки фақат дастлабки шароитлардир, холос.

Табиий хусусиятлар тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч эмаслигига қарамай, инсон психик тараққиётига таъсир кўрсатади.

Биринчидан, табиий хусусиятлар психик хусусиятлар тараққиётининг турли йўлларини ва усусларини белгилаб беради. Инсон нерв системасининг хусусиятлари ўз-ўзига шахснинг ҳеч қандай психик хусусиятларини белгиламайди. Ҳеч бир меъёрдаги бола дадил ёки кўрқоқ, иродали ёки иродасиз. Мехнатсевар ёки ялков, интизомли ёки интизомсиз бўлиб туғилмайди. Агарда тарбия тўри ташкил қилинса, нерв системасининг исталган типи асосида ҳарактернинг барча ижтимоий қимматли хислатларини шакллантириш мумкин. Масалан, сабот-матонат ва ўз-ўзини тута билиш хислатини нерв системасининг типи шиддатли бўлган болаларда ҳам, ёки нерв системасининг типи вазмин бўлган болаларда ҳам тарбиялаш лозим ва тарбияласа бўлади. Бироқ биринчи ҳолдаги болаларни тарбиялаш иккинчи ҳолдагиларни тарбиялашга қараганда қийинроқ бўлади. Ҳар иккала ҳолда керакли сифатларни тарбиялаш йўллари ва усуслари ҳам турлича бўлади.

Иккинчидан табиий хусусиятлар одамнинг бирор соҳада эришган ютуқлари даражасига ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, қобилият куртакларида туғма индивидуал фарқлар мавжуд. Шу сабабли баъзи одамлар бошқа одамлардан маълум бир фаолиятни эгаллаш имконияти жиҳатидан устун туришади. Баъзида эса аксинча бирор-бир фаолият турини эгаллаш имконияти жиҳатидан эса улардан онгсизлик қилишлари мумкин. Манна шу маънода олганда одамлар ўз қобилиятларини баробар ривожлантириш имкониятига эга эмаслар. Гарчи табиий куртаклар ўқувчиларнинг психик ривожланиши учун маълум аҳамиятга эга бўлса ҳам (шу сабабли, масалан, таълим жараёнида айрим ўқувчилардан бошқа ўқувчиларга нисбатан кўпроқ зўр бериш талаб қилинади, айрим ўқувчига ўқитувчи кўпроқ куч сарфлайди,

эътибор беради ва кўпроқ вақт ажратади), бу куртакларнинг ўзи психик тараққиётда ҳал қилувчи роль ўйнамайди.

Турли йўналишга эга бўлган психологлар, бир томондан таълим ва тарбия, иккинчи томондан эса ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабати муаммосини кенг доирада муҳокама қилмоқдалар.

Ривожланиш дейилганда одатда ҳодисаларнинг ҳар икки тури тушунилади ва бу тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир: 1) миянинг ўз биологик, органик етилиши, унинг анатомик-биологик тузилиши жиҳатидан етилиши; 2) психик (ақлий) ривожланишнинг маълум ўсиш даражалари сифатидаги, ўзига хос ақлий етилиш сифатидаги психик ривожланиш. Ўз-ўзидан маълумки, ақлий ривожланиш мия тузилишининг биологик ечилиши билан боғлиқдир ва бу хусусият таълим-тарбия ишларида албатта ҳисобга олиниши лозим, чунки таълим миянинг органик жиҳатдан етилишини инкор эта олмайди. Бироқ мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишини муҳитга, таълим-тарбияга мутлақо боғланмаган ҳолда ўзининг қатъий биологик қонунлари асосида содир бўлади, деб бўлмайди. Муҳит, таълим-тарбия ва тегишли машқ мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишига ёрдам беради.

Бу жараёнда таълим қандай мавқега эга? Таълим ривожланишига нисбатан етакчи вазифани бажарадими ёки аксинча? Бу муаммонинг ҳал қилиниши таълим жараёнининг мазмuni ва методикасини, ўқув дастурлари ва дарслекларнинг мазмунини белгилаб беради.

Жумладан немис психологи В.Штерн: таълим психик ривожланишнинг орқасидан боради ва унга мослашади деган фикрни олға сурган эди. Бу фикрга қарама-қарши рус психологи Л.С.Виготский боланинг психик ривожланишида таълим ва тарбиянинг етакчилик роли бор деган қоидани биринчи бўлиб илгари сурди ва уни: таълим ривожланишданолдиндан боради ва уни ўз орқасидан эргаштириб олиб боради, деб аниқ ифодалаб беради. юКорида баён қилинган биринчи фикрга мувофиқ таълим фақат ривожланиш томонидан эришилган нарсалардан фойдаланади. Шунинг учун ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига аралашмаслик, унга ҳалакит бермаслик, балки таълим учун имконият етилгунча чидам Билан пассив кутиб туриш керак. Швейцариялик психолог Ж.Пиаженинг назарияси ҳам Айни шу ғоялар Билан йўғрилгандир.

Ж.Пиаженинг фикрича, боланинг ва мактаб ўқувчисининг ақлий ўсиши ўзининг ички қонунлари асосида ривожлана бориб, сифат жиҳатдан ўзига хо сбир қатор генетик босқичларни босиб ўтади. Таълим бу ақлий етилиш жараёнини фақат бир қадар тезлатишга ёки секинлаштиришга қобилдир, лекин у ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига ҳеч қандай жиддий таъсир курсата олмайди. Демак, таълим ривожланиш қонунларига бўйсуниши керак. Масалан, болада мантиқий тафаккур ечилмай туриб, уни мантиқий фикр юритишга ўргатиш фойдасиздир. Таълимнинг турли босқичлари боланинг тегишли психологик имкониятлар пишиб етиладиган муайян ёшига қатъий назар боғлиқлиги анна шундан келиб чиқади.

Бизнинг фикримизча, таълим етакчи ролни бажаради, таълим ва ривожланиш эса ўзаро бир-бирига боғлиқдир; улар алоҳида содир бўладиган икки жараён бўлмай, балки бир бутун жараёндир. Таълимсиз тўла ақлий ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Таълим ривожланишга туртки бўлади, ривожланишни ўз ортидан эргаштириб боради. Зарур шароит туғилганда таълим мантиқий фикрлаш малакасини таркиб топтиради ва тегишли ақлий ривожланиш учун замин бўлади. Лекин таълим ривожланишга туртки бўлиши билан бир вақтда ўзи ривожланишга таянади, эришилган ривожланиш даражасининг хусусиятларини, ривожланишнинг ички қоидаларини, албатта, инобатга олади. Таълимнинг имкониятлари жуда кенг бўлса-да, бироқ чексиз эмас. Йирик рус психологи Л.С.Виготский таълим ва тараққиёт муаммосига ижтимоий-тарихий жараён нуқтаи-назаридан ёндашиб, билимларни ўзлаштириш инсониятнинг тарихий тараққиётида яратилган маданиятда иштирок этиш жараёнидир, деб таъкидланади. У олға сурган психик функциялар тараққиётининг маданий-тарихий назариясига қўра, психик фаолият тараққиёти унинг «табиий» шаклини бевосита қайта қурган ҳолда, турли аломатлар билан аввал ташқи, сўнг ички ифодаланишни назарда тутиб, «маданий» шаклини эгаллаш тушунилади.

Шу муносабат билан Л.С.Виготскийнинг психологияга киритган «психик тараққиётнинг энг яқин зонаси» тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. бунинг асл моҳияти, боланинг мустақил фаолияти катталар Билан ҳамкорликда, унинг раҳбарлигида амалга оширилади. Л.С.Виготский томонидан киритилган «психик тараққиётнинг энг яқин зонаси» тушунчаси «таълим тараққиётдан олдинда боради» деган умумий қоиданинг яққол мазмунини тушуниш учун имконият яратади.

Э.Торндайк ва Ж.Пиаженинг таълим билан тараққиётни айни бир нарса деб тушунтиришига қарамай Л.С.Виготский: «Бола тараққиётини ҳеч маҳал мактаб таълимидан ташқаридаги соя деб хисоблаш мумкин эмас»-деб таъкидлайди. Бундан ташқари, таълим ва тараққиёт бир-бирига тобе бўлмаган жараёнлардир, деган йўналишдаги психологларни ҳам у қаттиқ танқид қиласиди. П.Г.Блонский таълимнинг бола тараққиётидаги ўрнига алоҳида аҳамият беради. Шунинг учун ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши тўғридан-тўғри мактаб дастури мазмунига боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, таълим жараёнида болалар маълум қоида асосида фаолият қилишга одатланадилар. Таълим таъсири натижасида ўқувчиларда ўз-ўзини ва ўзининг ақлий фаолиятини назорат қилиш юзага келади. Психологолимлардан В.В.Давыдов, П.Я.Гальперин, Н.А.Менчинская, А.А.Люблинская, Д.Б.Эльконин, Э.Ф.Фозиевлар ўзларининг тадқиқотларида таълимнинг тараққиётдаги етакчи ролини таъкидлашади.

Психик тараққиётнинг омиллари ва шароитлари аниқлаб олинган тақдирда ҳам, психикада юзага келадиган ўзшгаришларнинг манбалари, психик ривожланишни харакатга келтирувчи кучлар нималардан иборат, деган саволнинг туғилиши, табиийдир.

Боланинг, мактаб ўқувчисининг психик ривожланишини харакатга келтирувчи кучлар мураккаб ва турли-тумандир. Ривожланишнинг

моҳиятини қарама-қаршиликлар курашидан, ички зиддиятлар курашидан иборат, боланинг, мактаб ўқвчисининг психик ривожланишини бевосита ҳаракатга келтирувчи кучлар таълим ва тарбия жараёнида юзага келадиган ҳамда бартараф қилинадиган эскилик ва янгилик ўртасидаги қарама-қаршиликлардан иборатdir. Бундай зиддиятларга, масалан, фаолият томонидан юзага келадиган янги эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар; боланинг ўсиб бораётган жисмоний ва руҳий имкониятлари билан эски, таркиб топган ўзаро муносабат шакллари ва фаолият турлари ўртасидаги зиддиятлар; жамият, жамоа, катта одамлар томонидан кундан-кунга ортиб бораётган талаблар билан психик тараққиётнинг мазкур даражаси ўртасидаги зиддиятлар киради.

Масалан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчида мустақил иродавий фаолиятга нисбатан бўлган тайёрлик билан ҳатти-ҳаракатларнинг мавжуд вазиятга ёки бевосита ички кечинмаларга боғлиқлиги ўртасида зиддият мавжуддир. Ўсмирларда эса энг қучли зиддиятлар бир томондан, унинг ўзига ўзи баҳо бериши ва ўз талаблари даражаси ва иккинчи томондан, атрофдагиларнинг унга нисбтан бўлган муносабатлари ҳақидаги ички кечинмаси ўртасида, шунингдек, ўзининг жамоадаги реал мавқеи тўғрисидаги ички кечинмаси ўртасида; катта одамлар ҳаётида тўла хуқуқли аъзо сифатида қатнашиши эҳтиёжи билан бунга ўз имкониятларининг мос келмаслиги ўртасида пайдо бўлади.

Кўрсатилган барча зиддиятлар бирмунча юқори даражадаги психик фаолиятларни таркиб топтириш орқали бартараф қилинади. Натижада бола, мактаб ўқувчмси психик ривожланишининг янада юксакроқ босқичига кўтарилади. Эҳтиёж қондирилади- зиддият йўқолади. Бироқ қондирилган эҳтиёж, янги эҳтиёжни туғдиради. Бу зиддият бошқа бир зиддият билан алмашинади-тараққиёт давом этади.

Ривожланиш фақат соф микдор ўзгаришалри жараёнидан, яъни қандайдир психик ҳодисаларнинг, хусусият ва сифатларнинг кўпайиши ёки камайишидан иборат бўлиб қолган, балки сифат жиҳатдан янги хусусиятларнинг, яъни янгидан ҳосил қилинган сифатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Психологлар психик ривожланишнинг умумий қонуниятлари борлигини қайд этиб кўрсатмоқдалар. Бироқ мухит таъсирига нисбатан бу қонуниятлар иккиласмичидир, чунки бу қонуниятларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳаёт шароитига, фаолиятга ва тарбияга боғлиқдир. Манна шундай умумий қонуниятларга биринчи навбатдар психик ривожланишнинг нотекислиги киради. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай шароитда, ҳатто таълим ва тарбиянинг энг кўлай шароитларида ҳам шахснинг турли психик белгилари, функциялари ва хусусиятлари ривожланишнинг бита даражасида тўхтаб турмайди. Боланинг ривожланишидаги айрим давларда психиканинг у ёки бу йўналишларда ривожланиши учун ниҳоятда қулай шароитлар пайдо бўлади ва бу шароитларнинг баъзилари вақтинчалик, ўткинчи характерда бўлади. У ёки бу психик хусусиятлар ва сифатларнинг ривожланиши учун энг қулай

шароитлар бўлган анна шундай ёш даврлари сензитив даврлар деб аталади. (Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев). бундан сензитивлик даврининг мавжудлигига миянинг органик жиҳатдан етилиш қонунияти ҳам, айrim психик жараёнлар ва хусусиятлар ҳам, ҳаётий тажриба ҳам сабаб бўлади.

Шундай қилиб, боланинг, мактаб ўқувчисининг психик ривожланиши-мураккаб тараққиёт жараёнидир.

Инсон шахсини таркиб топиши ва психик ривожланишнинг шароитлари. Биологик ва ижтимоий омиллар.

Психик ривожланиш ва бу ўзгаришларга сабаб бўладиган кучлар ўртасидаги муносабат қонунларини ўрганиш – ёш психологияси ва педагогик психология фанининг муҳим ва долзарб муаммоларидан биридир.

Инсон шахснинг психик ривожланиши ва унинг шаклланиши мураккаб тадқиқот жараёнидир. Зеро, унинг ўзига хос хусусиятларива қонуниятларини асосли илмий билиш, ўқувчи шахсига педагогик жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг зарур шартидир.

Инсон – биосоциал мавжудотдир. Унинг бирлиги, бир томондан, кишининг психик, туғма равишда ташкил топган хусусиятлар (масалан, кўриш ёки эшлиш сезгиларнинг, шунингдек, олий нерв тузилишининг ўзига хос хусусиятлари), иккинчи томондан эса фаолиятнинг онгли субъект ива ижтимоий тараққиётнинг фаол иштирокчиси сифатида унинг хулқ-атвор (масалан, ахлоқий одатлар) хусусиятларида намоён бўлади.

Хўш одам психикаси ва ҳатти-ҳракатларида намоён бўладиган бу хусусиятларни нималар сирасига киритиш мумкин? Инсон психикасининг табиати биологикми ёки инқилобий ҳарактерга эгами?

Инсон шахснинг таркиб топиши ва психик ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг муаммоси ўз моҳияти жиҳатидан ғоявий ҳарактерга эга. Шу боис бу масалани ҳал қилишда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли оқимлар, йўналишлар майдонга келган. Инсон шахснинг таркиб топишини тушунтиришда майдонга келган биринчи оқим биогенетик концепция, назария бўлса, иккинчи оқим социогенетик концепциядир.

Инсон шахснинг таркиб топишини тушунтиришга интилевчи биогенетик оқим XIX асрнинг иккинчи ярмида майдонга келган.

Бола психик хусусиятларининг туғма табиати ҳақидаги таълимот шу вақтга қадар аксарият психология мактабларининг асосини ташкил этиб келмоқда. Мазкур таълимот инсон психикасининг барча умумий ва индивидуал хусусиятлари табиат томонидан белгиланган, унинг биологик тузилишига тенглаштирилгандир, психик ривожланиш эса, ирсий йўл Билан азалдан белгиланиб, инсон организмига жойлаштирилган шу хусусиятларнинг маромига етилиш жараёнидан иборат деб таъкидлайди. Маълумки, наслий хусусиятлар туғма йўл билан наслдан наслга тайёр ҳолда берилади, бироқ шундай бўлишига қарамай бу оқим намоёндалари инсон шахси ва унинг барча хусусиятлари «ички қонунлар» асосида, яъни наслий хусусиятлар негизида майдонга келадиган нарса, биологик олимларга боғлиқдир, деб таъкидлайдилар.

Биогенетик таълимот, инсон қобилиятларининг ривожланиш даражаси (чунончи, имкониятларнинг чегараси, унинг энг юксак нуқтаси) тақдир томонидан белгиланиб қўйилганлигини, ўқувчи имкониятлари ва қобилиятларини махсус тестлар ёрдамида аниқлаб, ундан сўнг таълим жараёнини унинг ирсият томонидан белгиланган тараққиёт даражасига мослаштириш, уларнинг ақлий истеъодод даражаларига қараб турли мавқедаги мактабларда таҳсил олиши зарур деб таъкидлашади.

Чунончи, бу йўналиш тарафдорларидан, америкалик психолог Э.Пюрндейх ўқувчиларнинг «табиий кучлари» ва «туғма майллар»ини психик ривожланишнинг етакчи омили қилиб кўрсатиб, муҳитнинг, таълим-тарбиянинг таъсири-иккинчи даражалидир, деб айтади.

Австралиялик психолог К.Бюлер болаларнинг фақат ақлий тараққиётигина эмас, балки аҳлоқий ривожланиши ҳам наслий томондан белгилангандир, деб таъкидлайди.

Америкалик педагог ва психолог Дж.Дьюи-инсон табиатини ўзгартириб бўлмайди, одам ирсият воситасида ҳосил қилган эҳтиёжлари ва психик хусусиятлари Билан туғилади. Бу эҳтиёжлар ва психик хусусиятлар тарбия жараёнида намоён бўлиб, баъзида ўзгариши, тарбиянинг эса миқдорини белгилаб берувчи мезондир, деб ҳисоблайди.

Веналик врач-психолог З.Фрейд мазкур оқим намоёндаси сифатида шахснинг фаоллигини, уни ҳаракатга келтирувчи кучларни қўйидаги тарзда тушунтиришга интилади. Одам ўзининг қадимий ҳайвон тариқасидаги авлод-аждодларидан наслий йўл билан ўтган инстинктив майлларнинг намоён бўлиши туфайли фаолдир. З.Фрейднинг фикрига кўра, инстинктив майллар асосан жинсий инстинктлар шаклида намоён бўлади. З.Фрейд, шахснинг фаоллигини даставвал жинсий майллар билан боғлайди. Бироқ инстинктив майллар жамиятда худи ҳайвонот оламидагидек эркин намоён бўлавермайди. Жамиятдаги жамоа ҳаёти одамни, ундаги мавжуд инстинктив майлларни (яъни жинсий майларни) жуда кўп жиҳатдан чеклаб қўяди. Оқибатда одам ўзининг кўп инстинктлари ва майлларини босишга, тормозлашга мажбур бўлади. Унинг таълимотига кўра, тормозланган инстинкт ва майлар йўқолиб кетмайди, балки бизга номаълум бўлган онгиззик даражасига ўтказилиб юборилади. Онгиззик даражасидаги бундай инстинктлар ва майллар ҳар турли «комплекслар»га бирлашадилар, гўё инсон шахси фаоллигининг ҳақиқий сабаби Айни шу «комплекслар»нинг намоён бўлишидир. З.Фрейднинг таълимотидан, унинг очиқдан-очиқ биологизоторлик тарғиботчиси эканлигини, инсон щахсининг фаоллигини жинсий майлардан иборат эканлиги ҳақидаги назарияси илмий асосга эга эмаслигини эътироф этиш мумкин.

Бундай таълимотлардан, хусусан дин ҳомийлари кенг фойдаланиб, инсоннинг тақдирни анна шу илмлар билан чамбарчас боғлиқдир, деб таъкидлашади.

Инсон щахсининг таркиб топишини ўрганиш давомида юзага келган Яна бир таълимот-социогенетик концепция-қобилиятларнинг тараққиётини фақат теварак-атрофдаги муҳитнинг таъсири билан тушунтиради. Бу

йўналиш ўз замонаси учун илгор ҳисобланган XVIII аср француз олими К.Гельвеций таълимотидан бошланган. К.Гельвецийнинг таълимотига кўра, барча одамлар ақлий ва аҳлоқий ривожланиши учун туғилишданоқ мутлақо бир хил табиий имкониятга эга бўладилар. Шунинг учун одамларнинг психик хусусиятларидаги фарқ фақатгина муҳит ва тарбиянинг турлича таъсир қилиши билан вужудга келади, деб тушунтирилади. Бу назария одамларнинг психик, руҳий, оқибатда ижтимоий тенгсизлиги уларнинг туғма хусусиятлари деган таълимотга қарши қаратилган эди. Бу назариянинг хорижий мамлакатлардаги ҳозирги турли намоёндалари психиканинг ривожланишида ижтимоий муҳитнинг ғоят даражада муҳим роли борлигини эътироф этадилар.

Инсон шахсининг таркиб топишини ўрганиш давомида юзага келган социогенетик концепция фанда экспериментларнинг ривожланиши Билан боғлиқdir. Маълумки XYII асрнинг охирива XYIII асрнинг бошларида табиий фанлар жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Ўша пайтда ҳамманинг дикқат-эътибори мўъжизакор тажрибага қаратилган эди. Бу ҳодиса инсон шахсининг таркиб топиши масаласига ҳам таъсир қилмай қолмайди.

Социогенетик концепция намоёндалари инсоннинг бутун тараққиёти, шу жумладан шахсий хусусиятларнинг таркиб топиши асосан тажрибага боғлиқdir. Бу назарияда шахсда рўй берадиган ўзгаришларни жамиятнинг тузилиши, ижтимоийлашиш усуллари, атрофидаги одамлар Билан ўзаро муносабат воситалари асосида тушунтирилади. Бу таълимотга кўра инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётдаги ижтимоий шарт-шароитларнинг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

Чунончи, англиялик олим Джон Локк дунёга келган янги чақалоқ боланинг руҳини топ-тоза доскага, тахтага ўхшатади. Унинг фикрича, боланинг топ-тоза тахта тарзидаги руҳига нималарни ёзиш мутлақо катта одамлар ихтиёрларидадир. Шунинг учун боланинг қандай одам бўлиб етишиши, яъни унда қандай шахсий фазилатларнинг таркиб топиши бола ҳаётдан оладиган тажрибага, ўзгалар билан мулоқот жараёнида оладиган ҳаётий тушунча ва тасаввурларига боғлиқdir, деб таъкидлайди.

Бу таҳлил этган ҳар иккала йўналишнинг намоёндалари, ўз манфаатларининг ташқи жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши бўлишига қарамай, инсоннинг психик хуссиятларини ё наслий, биологик омиллар таъсири остида, ёки ўзгармас муҳит таъсирида аввалдан белгиланган ва ўзгармас нарса, деб эътироф этадилар.

Маълумки одам шахс сифатида мунтазам қандайдир фаолиятда таркиб топиб боради, ривожланади, унинг фаоллиги намоён бўлади. Агарда ҳайвонлар теварак-атрофдаги ташқи муҳитга пассив мослашиб, ҳаёт фаолиятларида табиатдаги, яъни ташқи муҳитдаги тайёр нарсалардан фойдалансалар, одам эса теварак-атрофидаги ташқи муҳитга фаол таъсир кўрсатиб, уни ўз иродасига бўйсундиради, ҳамда ўзгартириб, ўз эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилдиради.

Кузатишлар жараёнида шу нарса маълум бўлди-ки, одамдаги туғма, ирсий механизмлари унинг, психик ривожланишига таъсири кўрсатади-ю, бироқ унинг мазмунини ҳам, шахсий фазилатларини ҳам белгилаб Бера олмайди. Таъкидлаш зарурки, муҳит ҳам бола психикасини ривожлантиришда муайян роль ўйнайди. Фақат бунинг учун болани ўқитаётган кишиларнинг таъсири натижасида бола анна шу муҳитни фаол равища ўрганиб олиши, табиийдир.

Психология фани замонавий таълимотга асосланган ҳолда инсон шахсининг таркиб топишини асосан учта омилнинг таъсирига боғлиқлигини далиллар асосида изоҳлаб беради. Улардан биринчиси инсон туғилиб вояга етадиган ташқи ижтимоий муҳитнинг таъсири, иккинчиси одамга узок муддат давомида мунтазам тарзда бериладиган таълим-тарбиянинг таъсири ва учинчиси одамга туғма равища, тайёр ҳолда бериладиган наслий хусусиятларнинг таъсиридир.

Маълумки, ҳар бир одам ўзига хос, бошқаларда айнан такрорланмайдиган ижтимоий муҳитда. Конкрет ижтимоий муносабатда, яъни маълум оила, жамоа ва жамиятда, одамлар орасида яшаб ўсади, шаклланади.

Бу ижтимоий муносабатларга одам жамият аъзоси сифатида, маълум синфнинг, у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг намоёндаси сифатида ва ниҳоят, ташкил қилинганлик ва уюшқоқлик даражаси турлича бўлган муайян жамоаларнинг фаол аъзоси сифатида қатнашади.

Шахснинг моҳияти ўз табиати жиҳатидан ижтимоий ҳарактерга эгадир. Шахсдан барча психик хусусиятларини, ижодий фаоллигининг ривожланиш манбалари унинг теварак-атрофидаги ижтимоий муҳитда, жамиятдадир. Инсон шахси сабабий боғлиқликда бўлиб, унинг ижтимоий турмуши билан белгиланади. Манна шу маънода шахснинг тараққиёти одамлар билан муносабатда юзага келадиган ижтимоий тажрибани эгаллаш жараёнидан иборатdir. Бунинг натижасида инсоннинг психик хусусиятлари, ахлоқий фазилатлари, ҳарактери, иродавий сифатлари, қизиқишилари, зътиқод ва дунёқараши таркиб топади.

Муҳит, маълум мақсадга қаратилган таълим ва тарбия, азалдан берилган, генетик жиҳатдан қатъий белгилangan ниманидир намоён қилиш учун шароитгина бўлиб қолмай, балки инсон психик хусусиятларини таркиб топтиради.

Бу борада, биринчидан, шуни таъкидлаш керакки, одам муҳит таъсири остидаги пассив объект бўлмай, балки фаол мвжудотдир. Шунинг учун ташқи ҳаёт шароити, ташқи таъсири инсон психикасини белгиламайди, балки одамнинг муҳит билан бўлган ўзаро таъсири орқали, унинг муҳитдаги фаолияти орқали белгилайди. Шу сабабли муҳитнинг таъсири ҳақида эмас, балки одамнинг теварак-атрофдаги муҳит билан фаол ўзаро таъсири ҳақида гапириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, психиканинг ривожланиши оқибат натижада ташқи шароитларга, ташқи таъсиротларга боғлиқдир. Лекин бу ривожланишини

бевосита ташқи шароитдан ва ташқи вазиятдан келтириб чиқариб бўлмайди. Бу шароитлар ҳамда вазиятлар ҳамиша одамнинг ҳаётий тажрибаси, унинг шахси, индивидуал психологик хусусиятлари ва психик қиёфаси орқали таъсир қиласди. Манна шу маънода ташқи индивиднинг ўзига хос психикаси ва шахсий тарибасини ўз ичига олган ички шароит орқали билвосита таъсир қиласди.

Учинчидан, одам фаол мавжудот сифатида ўзи ҳам онгли равишда ўз шахсини ўзгартириши, яъни ўзи-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиши мумкин. Лекин бу жараён атроф-муҳитдан ажralган ҳолда эмас, балки муҳит билан мослашган ҳолда ва муҳит билан ўзаро муносабатда содир бўлади.

Юқоридагилардан хулоса чиқариб шуни айтиш мумкинки, одамнинг (боланинг, ўқувчининг) ижтимоий ташкил топган ва фаол фаолияти унинг психик ривожланишининг асоси, воситаси ҳамда шартидир.

Ўз-ўзидан маълумки, одамнинг психик ривожланиши учун табиий, биологик имкониятлар ниҳоятда зарурдир. Инсон психик хусусиятлари меъёрида таркиб топиши учун муайян даражадаги биологик тузилиш, инсон мияси ва нерв системаси бўлиши шарт. Бу табиий хусусиятлар психик ривожланишни ҳаракатга келтирувчи кучлар, омиллар эмас, балки факат дастлабки шароитлардир, холос.

Табиий хусусиятлар тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч эмаслигига қарамай, инсон психик тараққиётига таъсир кўрсатади.

Биринчидан, табиий хусусиятлар психик хусусиятлар тараққиётининг турли йўлларини ва усулларини белгилаб беради. Инсон нерв системасининг хусусиятлари ўз-ўзига шахснинг ҳеч қандай психик хусусиятларини белгиламайди. Ҳеч бир меъёрдаги бола дадил ёки қўрқоқ, иродали ёки иродасиз. Меҳнатсевар ёки ялқов, интизомли ёки интизомсиз бўлиб туғилмайди. Агарда тарбия тўри ташкил қилинса, нерв системасининг исталган типии асосида ҳарактернинг барча ижтимоий қимматли хислатларини шакллантириш мумкин. Масалан, сабот-матонат ва ўз-ўзини тута билиш хислатини нерв системасининг типи шиддатли бўлган болаларда ҳам, ёки нерв системасининг типии вазмин бўлган болаларда ҳам тарбиялаш лозим ва тарбияласа бўлади. Бироқ биринчи ҳолдаги болаларни тарбиялаш иккинчи ҳолдагиларни тарбиялашга қараганда қийинроқ бўлади. Ҳар иккала ҳолда керакли сифатларни тарбиялаш йўллари ва усуллари ҳам турлича бўлади.

Иккинчидан табиий хусусиятлар одамнинг бирор соҳада эришган ютуқлари даражасига ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, қобилият куртакларида туғма индивидуал фарқлар мавжуд. Шу сабабли баъзи одамлар бошқа одамлардан маълум бир фаолиятни эгаллаш имконияти жиҳатидан устун туришади. Баъзида эса аксинча бирор-бир фаолият турини эгаллаш имконияти жиҳатидан эса улардан онгсизлик қилишлари мумкин. Манна шу маънода олганда одамлар ўз қобилиятларини баробар ривожлантириш имкониятига эга эмаслар. Гарчи табиий куртаклар ўқувчиларнинг психик ривожланиши учун маълум аҳамиятга эга бўлса ҳам (шу сабабли, масалан, таълим жараёнида айрим ўқувчилардан бошқа ўқувчиларга нисбатан кўпроқ

зўр бериш талаб қилинади, айрим ўқувчига ўқитувчи кўпроқ куч сарфлайди, эътибор беради ва кўпроқ вақт ажратади), бу куртакларнинг ўзи психик тараққиётда ҳал қилувчи роль ўйнамайди.

Турли йўналишга эга бўлган психологлар, бир томондан таълим ва тарбия, иккинчи томондан эса ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабати муаммосини кенг доирада муҳокама қилмоқдалар.

Ривожланиш дейилганда одатда ҳодисаларнинг ҳар икки тури тушунилади ва бу тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир: 1) миянинг ўз биологик, органик етилиши, унинг анатомик-биологик тузилиши жиҳатидан етилиши; 2) психик (ақлий) ривожланишнинг маълум ўсиш даражалари сифатидаги, ўзига хос ақлий етилиш сифатидаги психик ривожланиш. Ўз-ўзидан маълумки, ақлий ривожланиш мия тузилишининг биологик ечилиши билан боғлиқдир ва бу хусусият таълим-тарбия ишларида албатта ҳисобга олиниши лозим, чунки таълим миянинг органик жиҳатдан етилишини инкор эта олмайди. Бироқ мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишини муҳитга, таълим-тарбияга мутлақо боғланмаган ҳолда ўзининг қатъий биологик қонунлари асосида содир бўлади, деб бўлмайди. Муҳит, таълим-тарбия ва тегишли машқ мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишига ёрдам беради.

Бу жараёнда таълим қандай мавқега эга? Таълим ривожланишига нисбатан етакчи вазифани бажарадими ёки аксинча? Бу муаммонинг ҳал қилиниши таълим жараёнининг мазмuni ва методикасини, ўқув дастурлари ва дарслекларнинг мазмунини белгилаб беради.

Жумладан немис психологи В.Штерн: таълим психик ривожланишнинг орқасидан боради ва унга мослашади деган фикрни олға сўрган эди. Бу фикрга қарама-қарши рус психологи Л.С.Виготский боланинг психик ривожланишида таълим ва тарбиянинг етакчилик роли бор деган қоидани биринчи бўлиб илгари сурди ва уни: таълим ривожланишданолдиндан боради ва уни ўз орқасидан эргаштириб олиб боради, деб аниқ ифодалаб беради. юқорида баён қилинган биринчи фикрга мувофиқ таълим фақат ривожланиш томонидан эришилган нарсалардан фойдаланади. Шунинг учун ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига аралашмаслик, унга ҳалақит бермаслик, балки таълим учун имконият етилгунча чидам Билан пассив кутиб туриш керак. Швейцариялик психолог Ж.Пиаженинг назарияси ҳам Айни шу ғоялар Билан йўғрилгандир.

Ж.Пиаженинг фикрича, боланинг ва мактаб ўқувчисининг ақлий ўсиши ўзининг ички қонунлари асосида ривожлана бориб, сифат жиҳатдан ўзига хо сбир қатор генетик босқичларни босиб ўтади. Таълим бу ақлий етилиш жараёнини фақат бир қадар тезлатишга ёки секинлаштиришга қобилдир, лекин у ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига ҳеч қандай жиддий таъсир курсата олмайди. Демак, таълим ривожланиш қонунларига бўйсуниши керак. Масалан, болада мантиқий тафаккур ечилмай туриб, уни мантиқий фикр юритишга ўргатиш фойдасиздир. Таълимнинг турли босқичлари боланинг тегишли психологик имкониятлар пишиб етиладиган муайян ёшига қатъий назар боғлиқлиги анна шундан келиб чиқади.

Бизнинг фикримизча, таълим етакчи ролни бажаради, таълим ва ривожланиш эса ўзаро бир-бирига боғлиқдир; улар алоҳида содир бўладиган икки жараён бўлмай, балки бир бутун жараёндир. Таълимсиз тўла ақлий ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Таълим ривожланишга туртки бўлади, ривожланишни ўз ортидан эргаштириб боради. Зарур шароит туғилганда таълим мантиқий фикрлаш малакасини таркиб топтиради ва тегишли ақлий ривожланиш учун замин бўлади. Лекин таълим ривожланишга туртки бўлиши билан бир вақтда ўзи ривожланишга таянади, эришилган ривожланиш даражасининг хусусиятларини, ривожланишнинг ички қоидаларини, албатта, инобатга олади. Таълимнинг имкониятлари жуда кенг бўлса-да, бироқ чексиз эмас. Йирик рус психологи Л.С.Виготский таълим ва тараққиёт муаммосига ижтимоий-тарихий жараён нуқтаи-назаридан ёндашиб, билимларни ўзлаштириш инсониятнинг тарихий тараққиётида яратилган маданиятда иштирок этиш жараёнидир, деб таъкидланади. У олға сўрган психик функциялар тараққиётининг маданий-тарихий назариясига қўра, психик фаолият тараққиёти унинг «табиий» шаклини бевосита қайта қўрган ҳолда, турли аломатлар билан аввал ташқи, сўнг ички ифодаланишни назарда тутиб, «маданий» шаклини эгаллаш тушунилади.

Шу муносабат билан Л.С.Виготскийнинг психологияга киритган «психик тараққиётнинг энг яқин зонаси» тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. бунинг асл моҳияти, боланинг мустақил фаолияти катталар Билан ҳамкорликда, унинг раҳбарлигида амалга оширилади. Л.С.Виготский томонидан киритилган «психик тараққиётнинг энг яқин зонаси» тушунчаси «таълим тараққиётдан олдинда боради» деган умумий қоиданинг яққол мазмунини тушуниш учун имконият яратади.

Э.Торндайк ва Ж.Пиаженинг таълим билан тараққиётни айни бир нарса деб тушунтиришига қарамай Л.С.Виготский: «Бола тараққиётини ҳеч маҳал мактаб таълимидан ташқаридаги соя деб хисоблаш мумкин эмас»-деб таъкидлайди. Бундан ташқари, таълим ва тараққиёт бир-бирига тобе бўлмаган жараёнлардир, деган йўналишдаги психологларни ҳам у қаттиқ танқид қиласиди. П.Г.Блонский таълимнинг бола тараққиётидаги ўрнига алоҳида аҳамият беради. Шунинг учун ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши тўғридан-тўғри мактаб дастури мазмунига боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, таълим жараёнида болалар маълум қоида асосида фаолият қилишга одатланадилар. Таълим таъсири натижасида ўқувчиларда ўз-ўзини ва ўзининг ақлий фаолиятини назорат қилиш юзага келади. Психолог-олимлардан В.В.Давыдов, П.Я.Гальперин, Н.А.Менчинская, А.А.Люблинская, Д.Б.Эльконин, Э.Ф.Фозиевлар ўзларининг тадқиқотларида таълимнинг тараққиётдаги етакчи ролини таъкидлашади.

Психик тараққиётнинг омиллари ва шароитлари аниқлаб олинган тақдирда ҳам, психикада юзага келадиган ўзшгаришларнинг манбалари, психик ривожланишни харакатга келтирувчи кучлар нималардан иборат, деган саволнинг туғилиши, табиийдир.

Боланинг, мактаб ўқувчисининг психик ривожланишини харакатга келтирувчи кучлар мураккаб ва турли-тумандир. Ривожланишнинг

моҳиятини қарама-қаршиликлар курашидан, ички зиддиятлар курашидан иборат, боланинг, мактаб ўқвчисининг психик ривожланишини бевосита ҳаракатга келтирувчи кучлар таълим ва тарбия жараёнида юзага келадиган ҳамда бартараф қилинадиган эскилик ва янгилик ўртасидаги қарама-қаршиликлардан иборатdir. Бундай зиддиятларга, масалан, фаолият томонидан юзага келадиган янги эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар; боланинг ўсиб бораётган жисмоний ва руҳий имкониятлари билан эски, таркиб топган ўзаро муносабат шакллари ва фаолият турлари ўртасидаги зиддиятлар; жамият, жамоа, катта одамлар томонидан кундан-кунга ортиб бораётган талаблар билан психик тараққиётнинг мазкур даражаси ўртасидаги зиддиятлар киради.

Масалан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчида мустақил иродавий фаолиятга нисбатан бўлган тайёрлик билан ҳатти-ҳаракатларнинг мавжуд вазиятга ёки бевосита ички кечинмаларга боғлиқлиги ўртасида зиддият мавжуддир. Ўсмирларда эса энг қучли зиддиятлар бир томондан, унинг ўзига ўзи баҳо бериши ва ўз талаблари даражаси ва иккинчи томондан, атрофдагиларнинг унга нисбтан бўлган муносабатлари ҳақидаги ички кечинмаси ўртасида, шунингдек, ўзининг жамоадаги реал мавқеи тўғрисидаги ички кечинмаси ўртасида; катта одамлар ҳаётида тўла хуқуқли аъзо сифатида қатнашиши эҳтиёжи билан бунга ўз имкониятларининг мос келмаслиги ўртасида пайдо бўлади.

Кўрсатилган барча зиддиятлар бирмунча юқори даражадаги психик фаолиятларни таркиб топтириш орқали бартараф қилинади. Натижада бола, мактаб ўқувчмси психик ривожланишининг янада юксакроқ босқичига кўтарилади. Эҳтиёж қондирилади- зиддият йўқолади. Бироқ қондирилган эҳтиёж, янги эҳтиёжни туғдиради. Бу зиддият бошқа бир зиддият билан алмашинади-тараққиёт давом этади.

Ривожланиш фақат соф микдор ўзгаришалри жараёнидан, яъни қандайдир психик ҳодисаларнинг, хусусият ва сифатларнинг кўпайиши ёки камайишидан иборат бўлиб қолган, балки сифат жиҳатдан янги хусусиятларнинг, яъни янгидан ҳосил қилинган сифатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Психологлар психик ривожланишнинг умумий қонуниятлари борлигини қайд этиб кўрсатмоқдалар. Бироқ мухит таъсирига нисбатан бу қонуниятлар иккиласмичидир, чунки бу қонуниятларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳаёт шароитига, фаолиятга ва тарбияга боғлиқдир. Манна шундай умумий қонуниятларга биринчи навбатдар психик ривожланишнинг нотекислиги киради. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай шароитда, ҳатто таълим ва тарбиянинг энг кўлай шароитларида ҳам шахснинг турли психик белгилари, функциялари ва хусусиятлари ривожланишнинг бита даражасида тўхтаб турмайди. Боланинг ривожланишидаги айрим давларда психиканинг у ёки бу йўналишларда ривожланиши учун ниҳоятда қулай шароитлар пайдо бўлади ва бу шароитларнинг баъзилари вақтинчалик, ўткинчи характерда бўлади. У ёки бу психик хусусиятлар ва сифатларнинг ривожланиши учун энг қулай

шароитлар бўлган анна шундай ёш даврлари сензитив даврлар деб аталади. (Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев). бундан сензитивлик даврининг мавжудлигига миянинг органик жиҳатдан етилиш қонунияти ҳам, айрим психик жараёнлар ва хусусиятлар ҳам, ҳаётий тажриба ҳам сабаб бўлади.

Шундай қилиб, боланинг, мактаб ўқувчисининг психик ривожланиши-мураккаб тараққиёт жараёнидир.

Педагогик психологиянинг таникли намоёндаси В.А.Крутецкий инсоннинг онтогенетик камолотини қуидаги босқичлардан иборатлигини таъкидлайди:

1. Чакалоқлик (туғилгандан 10 кунликкача);
2. Гўдаклик (10 кунликдан 1 ёшгача);
3. Илк болалик (1 ёшдан 3 ёшгача);
4. Боғчагача давр (3 ёшдан 5 ёшгача);
5. Боғча ёши (5 ёшдан 7 ёшгача);
6. Кичик мактаб ёши (7 ёшдан 11 ёшгача);
7. Ўсмирлик (11 ёшдан 15 ёшгача);
8. Илк ўспиринлик ёки катта мактаб ёши (15 ёшдан 18 ёшгача).

Юқоридаги тасниф пухталигидан, уларга қандай нуқтаи назардан ёндашилганлигидан қатъий назар инсон камолотини тўла ифодалаб боришга ожизлик қиласди.

Мазкур назариялар инсоннинг шахс сифатида шаклланиши босқичлари ҳақида кўпроқ маълумот беради, холос. Уларда ёшлиқ, етуклик, қарилик даврларининг хусусиятлари, қонуниятлари тўғрисида назарий ва амалий маълумотлар етишмайди. Шунга қарамай улар ўрта мактаб педагогик психология фани учун алоҳида аҳамият касб этади.

Хозирги замон психологиясининг йирик вакили А.В.Петровенц инсон камолотига шахснинг таркиб топишига ижтимоий-психологик нуқтаи назардан ёндашиб, шахснинг шаклланиши қуидаги босқичларда амалга ошишини таъкидлайди:

- 1) Илк болалик (мактабгача тарбия ёшидан олдинги давр) -туғилганидан 3 ёшгача.
- 2) Боғча даври - 3 ёшдан 7 ёшгача.
- 3) Кичик мактаб ёши даври - 7 ёшдан 11 ёшгача.
- 4) Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик) даври - 11 ёшдан 15 ёшгача.
- 5) Юқори синф ўқувчиси (илк ўспиринлик) даври - 15 ёшдан 17 ёшгача.

А.В.Петровенцнинг таснифи мукаммал бўлса-да, камолотнинг оралиқ босқичларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаламайди. Ваҳоланки, ўсиш ижтимоий қоидаларга мувофиқми ёки аксинча, қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар икала йўналишнинг ҳам оралиқ жабхалари бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Маълумки, ҳар бир ёш давр, ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади, буларга: оиласда ва мактабда бола ҳолатининг ўзгариши, таълим ва тарбия

шаклларининг ўзгариши ҳамда боланинг янги фаолият турлари, организмидаги айрим хусусиятларнинг етилиши снгари жараёнларни киритиш мумкин.

Мана шу муносабат билан ҳозирги психологияда ёш даврларини шу нуқтаи назардан табақалаш мақсаддага мувофиқдир:

Илк болалик даври-туғилгандан 3 ёшгача;

Боғча даври-3 ёшдан 6, 7 ёшгача;

Кичик мактаб ёши даври-6, 7 ёшдан 10, 11 ёшгача;

Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик даври)- 10, 11 ёшдан 14, 15 ёшгача;

Илк ўспиринлик (коллеж ва лицей ўқувчилари)- 14, 15 ёшдан 17, 18 ёшгача.

Умуман психологлар томонидан ёш даврларини табақалаштиришнинг пухта илмий-методологик негизга эга бўлган қатор назариялари ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда улар онтогенетик қонуниятларни ёритишга катта ҳисса қўшиб, унинг назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилишда мухим ўрин эгаллаб келмоқда. Бироқ, ҳозир онтогенезни тўла ёритишга хизмат қила оладиган назарияси яратиш зарурияти мавжуддир.

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

<b>4-МАВЗУ</b>	<b>Таълим жараёнини бошқариш. Таълим ва ақлий тараққиёт. Таълимни индивидуаллаштириш</b>
<b>Мақсад ва вазифалар</b>	Таълим - жуда кенг маънога эга булиб, у билим, куникма ва малакаларни узлаштириш, урганиш, ургатиш. Мактабларда фан асослари, яъни узаро мантикий болгланган, укувчиларни ёшига мос ва табиат жамият хамда тафаккурнинг муҳим тараккиёт конунларини тугри тушунишга ёрдам берувчи фаннинг асосий томонлари урганилади. Шунинг учун хам укув фанларининг тузилиши дастурлар мактабнинг таълим-тарбия вазифаларига, укувчиларининг ёш хусусиятларига жавоб берадиган булиши лозим. Шундагина ёш авлодни хар томонлама камол топган шахс килиб тарбиялашда катта ахамият касб этади.
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	Таълимни ва билимларни ўзлаштиришни бошқариш муаммолари хамда имкониятлари. Бошқаришнинг методологик ва назарий асослари. Чет эл психологиясида таълим ва тараққиёт муаммолари. Ўқиши типлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Таълимни индивидуаллаштиришда диагностик методикалардан фойдаланиш.
<b>Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси</b>	<b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. <b>Шакл:</b> аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш. <b>Восита:</b> тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар <b>Усул:</b> ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. <b>Назорат:</b> савол-жавоблар
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Маърузачи қисқа вақт ичидаги барча талabalар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талabalар фаоллигини оширади. Талabalарда дарсга нисбатан қизиқиши ўйғотади. Ўз олдига кўйиган мақсадига эришади. <b>Талаба:</b> Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гуруҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичидаги кўп маълумотга эга бўлади.. Педагогик психологик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётини воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	

#### **4-МАВЗУ: Таълим жараёнини бошқариш. Таълим ва ақлий тараққиёт. Таълимни индивидуаллаштириш (2 соат)**

**Режа:**

Таълимни ва билимларни узлаштиришни бошқариш муаммолари ҳамда имкониятлари.

Бошқаришнинг методологик ва назарий асослари.

Чет эл психологисида таълим ва тараққиёт муаммолари.

Ўқиши типлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Таълимни индивидуаллаштиришда диагностик методикалардан фойдаланиш.

Таълим - жуда кенг маънога эга булиб, у билим, қуникма ва малакаларни узлаштириш, урганиш, ургатиш жараёнидир. Бу таъриф хозирги замон таълими учун етарли эмас. Чунки хозир мустакиллик даврида таълим узининг мазмуни билан укувчиларга билим, қуникма ва малакалар бериш билан бирга, укувчиларни хозирги замон руҳида миллий кадрлар, жаҳон маданияти ва маорифининг илгор гояларидан оқилона фойдаланиб тарбия берувчи, бола шахсини ривожлантирувчи, уни мустакил фикрлашга ургатувчи, илмий тушунча ва изланишларга лаёкатли килувчи таълим ҳамдир.

Таълим икки томонлама жараён;

1-дан, укувчи томонидан бажариладиган, бошқариладиган,

2-дан, укувчи томонидан бажариладиган жараёндир.

Демақ, таълим жараёни урганиш ва ургатиш, урганиб олиш ва уни хаётга тадбик этиш хусусияти билан изохланади.

Урганиш (укитиш) - бу укутувчининг укувчиларга билим, қуникма ва малакалар бериш, уларда янги ҳакикатни очишга кодир булган ижодий, мантикий тафаккурни тарбиялашдир.

Урганиш- бу укувчиларнинг укитувчи тамонидан берилган билимларни, қабул килишлари жараёни, узларида билиш кобилияларини, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларни таркиб топтириш жараёнидир. Бу пассив мушоҳада жараёни эмас, балки укитувчи томонидан укувчиларга бериладиган билим ва малакаларни фаол равишда кайта ишлаш жараёнидир.

Урганишнинг асосий моҳияти шундаки, бунда - укиш жараёнода укувчилар мустакил равишда билим ола билиш ва бу билимлардан фойдалана олиш қуникмасини уз ичига олувчи ақлий ва жисмоний меҳнат элементларини ўзига синдиради.

Таълимнинг муваффакияти укув материалларнинг мазмунигагина, таълим усусларигагина эмас, балки у куп жихатдан укувчининг кандай укиётганлигини билишга, яъни укувчининг ёш хусусиятларига, ақлий тараққиёти ва фаоллигига мувоғик малакаларни узлаштириш жараёнининг психологик асосларини билишга ҳам бөглиkdir.

Укиш жараёни - укувчининг узига хос хусусиятларига хам, унинг психик ривожланишининг (акллий, змокионал, иродавий жихатдан) индивидуал тавсифномасига, унда укишга нисбатан карор топган муносабатларига, унинг кизикиш-хавасларига бодликдир. Бошкача килиб айтганда, таълим жараёни укувчига нимани ва кандаи килиб узлаштиришнинг оддий бир хил натижаси эмас, яъни сиртдан таъсир киладиган шарт-шароитларнинг окибати эмас, балки укувчининг индивидуал-психолог хусусиятларига бодлик равишда амалга оширилади.

Таълимни ижодий узлаштириш, урганиш, билим эгаллаш 3 омилга:

1. Нимани укитишга;
2. Ким укитади ва кандаи укитишга;
- 3 Кимни укитишга бодлик.

1- холда: укитиш характери узлаштирилаётган материалларга, унинг мазмунига ва кандаи тизимда етказиб берилаётганлигига бодлик.

2- холда: а) укитувчининг услубий маҳоратига;  
б) иш тажрибасига;  
г) унинг билимига бодлик;

3- холда: а) кимни, кандаи укувчини укитишга;  
б) психик ривожланишининг индивидуал тавсифномасига;  
в) кизикиш ва хавасларига бодликдир.

Урганиш - билимларни узлаштириш информация олиш, эсда саклаш ва уни англаб колишинига эмас, балки билимларни кейинчалик, укув ишида шунингдек, меҳнат жараёнида, умуман турмушга тадбиқ килиш кобилиятига эга булишдир.

Билимларни урганиб олиш, уни узлаштириш куйидаги психологик компонентлар асосида булади.

1. Укувчиларнинг укишга ижодий муносабатда булиши :
2. Материал билан бевосита танишиш жараёни :
3. Олинган материални фаол равишда кайта ишлаш жараёни булган фикрлаш (тафаккур )

4 Кабул килинган ва ишлаб чиқилган ахборотни эсда олиб колиш ва эсда саклаш жараёни.

Агар укувчида узлаштиришнинг ана шу компонентларини(таркибий кисмларини) хисобга олиб таълим берилса, хар бир компонентда таълимни узлаштириш жараёнига эътибор берилса, укувчи уни мувафаккиятли узлаштиради.

Урганиш - йул-йулакай, тасодифий ва режали булиши мумкин. Йул-йулакай урганиш - турли материал ва информаяцияларни турли шароитда урганишдир. Бунда укувчи материални изланишлар, куп китобларни мутолаа килиш оркали урганади. Бундай урганиш инсон хаётининг турли фаолиятлари давомида руй беради.

Режали урганиш эса материалларни мунтазам равишда режа асосида, максадга каратилган фаолият оркали урганиш демакдир. Шунинг учун хам урганиш – фаолият хисобланади. Урганиш бу стихияли жараён эмас, балки у

максадга каратилган, режалаштирилган жараёндир. Урганиш - материални узлаштириш – бу онгли жараёндир. Шунинг учун у фаол жараён хамдир. Чунки укувчи уқитувчи томонидан идрок килинган материални узининг тажрибасига, хаётга боғлаш билан вокеликка онгли муносабатда булади.

Урганиш жараёни уқитувчи шахсига, унинг педагогик фаолиятга кандай тайёргарлигига, уз билимларини укувчилар онгиға етказиб берисига унда укувчиларнинг хусусиятларининг хисобга олишга, таълимни хаётга ва болалар тарбиясига боғлаб олиб боришга боғликдир. Демак, урганишнинг хар иккала томонлама жараён эканлиги, у укувчи ва уқитувчи фаолиятини бошқарилишини талаб килади.

2. Укувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш, таълим жараёнини бошқариш - педагогик психологиянинг хал килиниши лозим булган масалалардан биридир.

Купчилик психологлар таълим жараёнини, яъни укувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш кийин деб таъкидлайдилар. Лекин уни бутунлай бошқариб булмайдиган жараён дейиш нотугридир. Чунки бу аник максад кузлаб таълим бериш гоясига зиддир. Бирок, уқитувчи таълимни ташкил этади, унга раҳбарлик килади, уни амалга оширади дейиш хам уни бошқарилади деган маънони бермайди. Чунки биз бошқариладиган таълим деб шундай таълимни айтамизки, бунда хар бир боланинг харакатлари назорат килиниши, уқитувчи таълимнинг хар бир боскичидаги укувчиларни билимларни узлаштириши ёки муайян куникма ва малакаларни хосил килиш хакида узлуксиз ахборот олиб ва янги материалларни хамда утилган материалларни узлаштирилганлиги характеристига караб тақдим килиниши лозим. Уқитувчи таълим жараёнида укувчиларинг билимларни узлаштириш жараёнини ва аклий ривожланишнинг боришини хамма вакт хам назорат кила олмайди. Бу хозирги таълим жараёнинг жиддий камчилигидир.

Жаҳон психологларининг фикрича, билимларнинг бошқарышнинг мумкин булган йули - узлаштириш жараёнини берилган топширикнинг узлаштириш жараёни сифатида маҳсус ташкил этишдир. Бу соҳада яхширок ишланган тизим П.Я.Гальпериннинг аклий харакатларини этап(боскичмабоскич) буйича таркиб топтириш назариясига асосланган таълим тизимиdir. Бу назарияга мувофик, одамнинг онтогенетик ривожланишидаги харакатлар интериоризацияси деган жараёнлар, яъни ташкии харакатларнинг аста-секин ички аклий харакатларга айланиши жараёнлари руй беради. Даставвал укувчилар ташкии моддий харакат билан иш куради «факат шундан кейингина харакатнинг интеграцияси: яъни унинг ички харакатга, энди бутунлай боланинг аклида вое буладиган харакатга айланиши руй беради», деб ёзади А. Н. Леонтьев (Проблемы развития психики, иккинчи нашри, М. «Мысль» 1965.383 бет) Таълим жараёнини бошқарышда П.Я.Гальпериннинг узлаштириш жараёнини маҳсус ташкил килиш, таълимни этаплар асосида ташкил килиш назарияси мухимдир.

Бу этаплар куйидагича :

I –боскич - Болага узлаштириш учун йул-йуриклар курсатилмайди.

II-боскич - Узлаштириш учун йул-йуриклар курсатилади ва укувчи уни бажаришга киришади.

III-боскич - Моддий харакат боскичи булиб, бунда харакат ё предметларда ёки уларнинг тасвиirlарида (схема, чизмалар, макетлар ва хоказо) олиб борилади, улар нарсалар билан таккосланилади.

IV- боскич - Кейин шу харакатларнинг узини нарсаларга таянмай баланд овоз(нутк) воситасида бажарилади.

V- боскич - баланд овоз воситасида харакат килишни ички режага кучириш – бу худди уша ташки нуткнинг узи, лекин «уз ичида харакат килиши»дир.

VI- боскич – ички нутқдаги «узи учун» харакат кисмидир.

Аклий харакатларни боскичма-боскич таркиб топтириш шу жараён кайси шарт ва усуллар ёрдамида таркиб топган булса, ана шу шарт ва усуллар тизими томонидан детерминлаштирилган экан, бу уларни эгаллаш, бошкариши мумкин эканлигини англатади. П.Я. Гальперин раҳбарлигига утказилган тадқикотлар фикрлаш харакатларини курсатиб утилган принцип буйича таркиб топтириш таълим жараёнини самарали бошкариш имконини беради.

2. Кишининг фаолият жараёни одамнинг узини ураб олган объектив дунёга фаол муносабатда булишининг энг муҳим шаклларидан биридир. Шу фаолият туфайли одам билан ташки дунё уртасида реал bogланиш амалга ошади.

Педагогик психология укув холатларинг асосий шаклларини уйин, таклид килиш, меҳнат, тақорлаш ва ёд олиш, синаб куриш ва хатоларни аниклаш, машкланиш ва укув вазифаларини хал килиш, мустакил фикрлаш, шунингдек хиссий алока килиш, нарсаларни кул билан харакатга келтириш ролли уйинлар, укув профессионал фаолият кабилар билан белгилайди. Буларнинг хаммаси таълимни муваффакиятли узлаштиришга, урганиш фаолиятини енгиллаштиришга, янги билимлар хакида чукур тасаввурлар колдиришга, уларни хотирада узок вакт саклаб туриш ва керак вактда эсга туширишга ёрдам бериш асосий омиллардан хисобланади.

Уйин болаларнинг ижодий фаолияти булиб, атроф хаётдаги вокеликни айнан узидагидек эмас, балки уни узича акс эттириш, баъзи нарсаларни узлаштириш, узига уйлаб чиқариш жараёнидир. Болалар уйинларда хаёл килади, ижод килиш элементлари куринади, фикр юритади, уларни уз нутқида баён этиш оркали ривожланади.

Меҳнат фаолияти укувчи шахсига хар томонлама таъсир килади. Хар томонлама ривожланиш шахсни тарбиялашнинг асосий шарти, шахснинг онгли фаоллигидир. Меҳнатда укувчи шахсининг характеристи ва иродаси тарбияланади, кузатувчанлиги, диккати ривожланади. Меҳнат фаолияти укувчиларда нарсаларнинг узини ва уларнинг шаклларини, харакатларини масофани ва бошкаларни эсда колдириш билан бөгликдир. Одамнинг онгли ва максадга каратилган меҳнат фаолияти хар вакт маълум мотивларнинг булишини такозо килади. Меҳнат фаолиятида мотивлар одам эҳтиёжлари сабабли пайдо булади. Укувчиларнинг укув фаолиятига кизикишлари у ёки

бу фаннинг узлаштиришга интилиши, билимларини кенгайтириш хам маълум мотивлар асосида булади.

Укиш фаолияти жараёнида укиш, урганиш мотиви узгаради ва таркиб топади. Укиш фаолияти дастлабки йилларда укувчи уйда уни уришмасликлари учун, яхши баҳо олиш максадида укиши мумкин. Урта мактаб йилларида укув предметларига дифференциал кизикиш пайдо булади ва шу асосда фан муаммоларига кизикиш юзага келади ва натижада усмирларда билимга булган кизикишларини кондиришга каратилган билимларни эгаллаш мотивлари пайдо булади.

Маълумки 1997 йил 25 августда «Таълим тугрисидаги конун» кабул килинди. Унинг II бобида таълим тизими ва унинг турлари аник курсатиб берилди. Унга мувофик, таълим уз Давлат тили, дастури ва таълим муассасаларни билан белгиланиб, у ягона ва узлуксиз таълим тизимидир. «Таълим тугрисидаги Конун»га биноан, болалар ёшлигидан бошлаб то ишлаб чикириш жараёнида хам таълим олиш хуқукига хаклидирлар. Умрининг охиригача хам инсон вокеликни тинмай урганиб боради. Таълим турлари мактабгача таълим, умумий ва урта таълим, урта маҳсус таълим, олий таълим, олий укув юртларидан кейинги таълим, малака ошириш, мактабдан ташкари таълим, оиласдаги таълим тизими билан изохланади. Бу таълим тизими ёшларга билим, куникма ва малака бериш билан кифояланмай, балки уларнинг комил инсон килиб етиштириш каби буюк вазифаларни бажаради. Укувчилар билими хаёт тажрибалари билан бодланган булиши лозим. Фан асосларини хаёт билан, мустакил ривожланиш амалиёти билан мустаҳкам бодлаб урганиш, уни ишлаб чикиш меҳнати билан кушиб олиб бориш талаб этилади. Шундагина укувчилар билимларини ошиши ва бойиши учун, укувчи шахснинг таркиб топиши учун катта имкониятлар вужудга келади. Укув амаллари ва ургатувчи амаллар укувчини назарий олган билимларини амалга татбик килишда, бевосита ишлаб чикириш (завод, фабрика, курилиш ва хоказо) билан бодлик булишда катта ахамият касб этади ва болани келгуси хаётга, фаолиятга, касбга тайёрлайди.

4. Таълим жараёнини муваффакиятли ташкил этиш унга таъсир этувчи омилларга хам бодликдир. Бу омиллар ички ва ташки омиллардир.

Ички омилларга –диккат ва установкалар киради. Яъни таълим жараёнида укитувчининг укувчилар диккатини ташкил килиши, уларни турли холатларида турлича диккат хусусиятларидан фойдалана олиш, диккатнинг баркарорлик ва ихтиёрийлик хусусиятини шакллантиришдаги усуллардан фойдаланиб укувчи диккатини ривожлантириб боришдир. Шунингдек, укувчиларнинг хам узига жалб килиш, узлаштиришга кийналадиган, диккати тарқок укувчилар билан узаро муносабатлар урнатиш таълим муваффакиятини белгилайди.

Бола хар кандай таълим жараёнида хам, у болани кизиктирадими, зериктирадими ундан катъий назар, дастур мазмунини эгаллашга тайёр туришлари куп жихатдан укитувчи шахсига бодликдир.

Шунингдек, ички омилларга укувчининг дангасалиги, ишёкмаслиги, уз иродасини ташкил кила олмаслиги, лаёкатининг пастлиги хам киради.

Ташки омилларга укув материалларининг мазмунни ва шаклини максадга йуналтириш даражаси, укувчининг бир синфда икки йил колиши, бир мактабдан иккинчисига кучиб утиши, уқитувчиларнинг узгариб туриши ва уларни укув жараёнига муносабати, укувчини касал булиб колиши кабилар киради. Булар укувчиларни билимларни узлаштириши ва уни укиб олишга таъсир килади ва хатто узлаштириш жараёнини пасайишга сабаб булади.

Таълим мазмунини тула ва чукур узлаштиришда такрорлаш мухим ахамиятга эга. Бунинг учун такрорлаш аник бир максадга каратилган булиши, у онгли яъни англанган булиши, такрорлаш материални эсдан чикармасдан олдин булиши, такрорлашда ассоциация конунларига риоя килиб, материални бир-бирига boglab такрорланиши, кийин материалларни энг мухим хусусиятларини ажратиб, уни ён дафтарга ёзиб ёки тагини чизиб такрорлаш мухимдир. Энг асосий такрорланган материални онгда кайта жамлаб чикишдир. Бунда укиб урганилган материал ётиш олдидан ёки бошка машгулотлар билан шугулланиш жараёнинда уни ичида такрорлаб чикилса узлаштирилган ва узлаштирилмаган материал аник билиб колади ва укувчи узлаштирилмаган материални китобни очиб укиб олса у материал унинг билим бойлигига айланади.

Такрорлашда ёд олишни ташкил килиш хам ахамиятлидир. Ёд олиш хронологик ракамларни, формула ва коидаларни билишда булиши мумкин. Лекин материални ёд олишда унинг мазмунига алоҳида эътибор бериш лозим. Агар ёд олинаётган материални мазмунига тушуниб, уни бир-бирига boglab укиб олишга эътибор берилмаса, ундай холда курук ёд олинган материал тезлик билан унутилади ёки у укувчидан баҳо олгунга кадар етади ва кейин эсидан чикади.

Уқитувчи укувчиларни укув материалларни узлаштиришларида бунга албатта эътибор беришлари лозим.

Шунингдек, таълим жараёнинда уқитувчи берган янги билим ва информацияларни укувчилар томонидан узлаштирилганликларини билишда таълимдаги кайтарма алока мухимдир. Кайтарма алока жараёни хамма жараёнлардан хам айникса янги мавзуларни мустахкамлаш ёки утилган мавзуни такрорлаш жараёнинда булади. Уқитувчи синф укувчиларини узлаштирган янги мавзу мазмунини аниклашда мавзу буйича қуплаб майдай саволлар бериш ва карточкалар таркатиш оркали амалга ошириш мумкин. Кайтарма алока оркали мавзуни мазмунини кандай узлаштириб олганини аниклаш ва у келгуси мавзуни муваффакиятли узлаштириш гарови булади.

Билимларни узлаштириб бориш турли куникма ва малакалар хосил килишга таъсир курсатади. Хар кандай куникма билимларсиз булмайди. Таълими куникмалар (ёзиш, укиш ва хисоблаш урганиб олиш) куникмани биринчи турига киради. Куникма ва малакаларни иккинчи турига умумий меҳнатга доир булиб, улар касб-хунар таълими жараёнинда такомиллашади.

Шунингдек, бу куникма ва малакалар синфдан ташкари машгулотларда фанлар буйича тугаракларда, кул меҳнати дарсларида: когоздан, картондан, газламалардан, пластилиндан, турли нарсалардан тайёрлаш йули билан хосил килинади. Хар бир уқитувчи куникма ва малакалар хосил килишни конуниятларини билмоги лозим .

Куникма, малакалар куйидаги конуниятларга асосланади.

Малакалар хосил килишдаги нотекисликлар (яъни: бунда ижобий ютуклар билан бирга хато, нотугри харакатлар хам килинади.)  
Хамма укувчиларда хам малакалар бир хил шаклланавермайди.

Малакалар кучиши ва тормозланиши мумкин.  
Бунда(белгилари мустахкамланган малакалар янги малакаларни хосил килишга ижобий таъсир килади) ва янги малакаларни узлаштириши тезлашади.

Малакалар юксалиши ва пасайиши мумкин.

Бунда машқ катта роль уйнайди. Таълим жараёнида билим ва тушунчалар шаклланиб бориши мухим масалалардан биридир.

Хар бир фанлар буйича бериладиган билим ва тушунчаларни узлаштириш жараёни бевосита укувчиларни психик жараёнларни ривожланиб боришига уларда кобилият ва кизикишларнинг шаклланишига таъсир курсатиш билан бирга уларни аклий ва ахлокий жихатдан шаклланишига ёрдам беради. Чунки умумий маълумотлар мактабларда фан асослари, яъни узаро мантикий bogланган, укувчиларни ёшига мос ва табиат жамият хамда тафаккурнинг мухим тараккиёт конунларини тугри тушунишга ёрдам берувчи фаннинг асосий томонлари урганилади. Шунинг учун хам укув фанларининг тузилиши дастурлар мактабнинг таълим-тарбия вазифаларига, укувчиларининг ёш хусусиятларига жавоб берадиган булиши лозим. Шундагина ёш авлодни хар томонлама камол топган шахс килиб тарбиялашда катта ахамият касб этади.

Илмий тушунчаларни эгаллаш, муайян фактларни турмушдаги нарсалар орасидаги bogланишларни идрок килиш, уларни изохлай билиш, мустакил равишда умулаштира олиш ва хulosалар чикара билиш демакдир.

Бошлангич синфданок табиат ва жамият хаётидаги ходисалар конунияларни очиб бериш ва уларни укувчи онгига сингдириш жараёнида укувчиларни чукур илмий билимлар билан куроллантириб бориш, максадга мувофиқдир. Шунинг учун уқитувчи уз фанини канчалик содда усуlda баён килмасин, у чукур илмий булишни талаб килади. Таълимнинг илмий булиши тугрисидаги талаб уқитувчининг укув материали мазмунигагина эмас, балки унинг шу материални ёритиб бериш характерига ва укувчиларнинг бу билимларни узлаштириб олишларига хам bogлиқдир. Уқитувчи укувчиларни уйлашга, фикр юритишга ургатиши зарур.

Урганилаётган воқеалар ва нарсаларни улар хакидаги оғзаки ахборотларни идрок этиш жараёни, тасаввурлар, образлар тушунчаларни

таркиб топтириш жараёни белгиларни таккослаш, чогишириш, кисмларга ажратиш, умумий жихатларни топиш, анализ ва синтезни уз ичига олувчи актив тафаккур шуни талаб килади.

Билимларни узлаштириш, тушунчалар хосил килиш жараёни бу билан тугалланмайди. Укувчилар билимларни тугри узлаштирганликларини, улар олган билимларни янги воеаларни билиб олишга кандай тадбик эта олишларини, янги факт ва мисолларни тушунтиришга, янги объектларининг маълум хоссаларини топишга, амалий вазифаларни хал этишга канчалик тадбик эта олишларини аниклаш йули билан текшириш талаб килинади. Натижада укувчилар узлаштирган билим ва тушунчаларнинг хакикий эканини тасдиклайдилар ва улар онгода таркиб топаётган тасавурлар, тушунчалар вокеликни канчалик тугри акс эттиришни аниклаш имконини беради.

Укувчиларнинг фикр юритиш фаолияти маҳсус аклий жараёнлар асосида амалга ошади. Яъни материални муҳим ва муҳим булмаган хусусиятларни аниклаш, улар уртасидаги тафовутлари белгилаш оркали бола мустакил фикр юритади. Педагогик психологияда укувчиларнинг аклий фаолиятида конкретдан абстракга - буюмлар ва ходисаларнинг узини куришдан улар хакида тушунчалар таркиб топтиришга хамда таърифлар, конунларни узлаштиришга, буюмлар тушунчаларнинг умумлаштирилган умумий хусусиятлари ва сифатлари хакида мавхум фикр юритишга утиш жараёни катта урин эгаллади. Таълим жараённада ижодий тафаккур шаклланиб боради. Ижодий тафаккур максадни амалга ошириш йулида тугиладиган саволлар асосида («бу нима учун шундай килинган», «бундай килса булмайдими?» ва х.к) пайдо булади ва саволларга жавоб берувчи иш-харакатларни тасаввур килиш ва уйлашда ривожланади. Ижодий тафаккур амалий тафаккур (теварак-атрофдаги вокеликни узлаштириш йули билан узимизга керакли реал нарсаларни ва ходисаларни олишга ёки яратишга каратилган тафаккур) асосида пайдо булади. Амалий тафаккур узига хос хусусиятга эга. Яъни амалий муҳокамаларда укувчини объектларга, муайян максадларга таъсир утказиш йули билан шу объектларга узгартириш мумкинлигига катъий килиб айтилади ёки рад килинади. Натижада «буни бундай килиш мумкин ёки килиб булмайди», «бу мана шундай килинади» деб уни уз муҳокамаларида акс эттиради. Мактабларда купинча фанларни урганиш вва уни саноатда, кишлок хужалигига тадбик килиш укувчиларнинг ижодий тафаккурини усишига ёрдам беради. Укувчиларда техника ихтирочилик, саноат, кишлок хужалиги масалаларига булган кизикишлар, моделлар, конструкциялар ясаш, электротехника билан шугулланиш, дала ишларида катнашиш кабилар ижодий тафаккурни шаклланиши ва ривожланиб боришида энг асосий усууллардадир.

Хозирги кунда укувчиларнинг билиш фаолиятини фаол, мустакил, ижодий тафаккурини авж олдириш мактаб таълимнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланиб бормокда. Демак, таълимнинг асоси -укитувчининг укувчиларга етказадиган мул-кул ахборотини эсда олиб

колиш эмас, балки бу ахборотни олиш жараёнида укувчиларнинг узлари актив иштирок этиши, уларнинг мустакил фикр юритишини, мустакил билим олиш кобилиятини, маълумотни ошириш кобилиятини аста-секин шакллантириб боришдан иборат булмоги лозим. (назорат саволларини ёзиш керак)

Инсон шахснинг психик ривожланиши ва унинг шаклланиши мураккаб тадқиқот жараёнидир. Зоро, унинг ўзига хос хусусиятларива қонуниятларини асосли илмий билиш, ўқувчи шахсига педагогик жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг зарур шартидир.

Инсон – биосоциал мавжудотдир. Унинг бирлиги, бир томондан, кишининг психик, туғма равища ташкил топган хусусиятлар (масалан, кўриш ёки эшитиш сезгиларнинг, шунингдек, олий нерв тузилишининг ўзига хос хусусиятлари), иккинчи томондан эса фаолиятнинг онгли субъект ива ижтимоий тараққиётнинг фаол иштирокчиси сифатида унинг хулқ-атвор (масалан, ахлоқий одатлар) хусусиятларида намоён бўлади.

Хўш одам психикаси ва ҳатти-хракатларида намоён бўладиган бу хусусиятларни нималар сирасига киритиш мумкин? Инсон психикасининг табиати биологикми ёки инқилобий характерга эгами?

Инсон шахснинг таркиб топиши ва психик ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг муаммоси ўз моҳияти жиҳатидан ғоявий характерга эга. Шу боис бу масалани ҳал қилишда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли оқимлар, йўналишлар майдонга келган. Инсон шахснинг таркиб топишини тушунтиришда майдонга келган биринчи оқим биогенетик концепция, назария бўлса, иккинчи оқим социогенетик концепциядир.

Инсон шахснинг таркиб топишини тушунтиришга интилевчи биогенетик оқим XIX асрнинг иккинчи ярмида майдонга келган.

Бола психик хусусиятларининг туғма табиати ҳақидаги таълимот шу вақтга қадар аксарият психология мактабларининг асосини ташкил этиб келмоқда. Мазкур таълимот инсон психикасининг барча умумий ва индивидуал хусусиятлари табиат томонидан белгиланган, унинг биологик тузилишига тенглаштирилгандир, психик ривожланиш эса, ирсий йўл Билан азалдан белгиланиб, инсон организмига жойлаштирилган шу хусусиятларнинг маромига етилиш жараёнидан иборат деб таъкидлайди. Маълумки, наслий хусусиятлар туғма йўл билан наслдан наслга тайёр ҳолда берилади, бироқ шундай бўлишига қарамай бу оқим намоёндалари инсон шахси ва унинг барча хусусиятлари «ички қонунлар» асосида, яъни наслий хусусиятлар негизида майдонга келадиган нарса, биологик олимларга боғлиқдир, деб таъкидлайдилар.

Биогенетик таълимот, инсон қобилиятларининг ривожланиш даражаси (чунончи, имкониятларнинг чегараси, унинг энг юксак нуқтаси) тақдир томонидан белгиланиб қўйилганлигини, ўқувчи имкониятлари ва қобилиятларини махсус тестлар ёрдамида аниқлаб, ундан сўнг таълим жараёнини унинг ирсият томонидан белгиланган тараққиёт даражасига мослаштириш, уларнинг ақлий истеъдод даражаларига қараб турли мавқедаги мактабларда таҳсил олиши зарур деб таъкидлашади.

Чунончи, бу йўналиш тарафдорларидан, америкалик психолог Э.Пюрндейх ўқувчиларнинг «табиий кучлари» ва «туғма майллар»ини психик ривожланишнинг етакчи омили қилиб кўрсатиб, муҳитнинг, таълим-тарбиянинг таъсири-иккинчи даражалидир, деб айтади.

Австралиялик психолог К.Бюлер болаларнинг фақат ақлий тараққиётигина эмас, балки аҳлоқий ривожланиши ҳам наслий томондан белгилангандир, деб таъкидлайди.

Америкалик педагог ва психолог Дж.Дьюи-инсон табиатини ўзгартириб бўлмайди, одам ирсият воситасида ҳосил қилган эҳтиёжлари ва психик хусусиятлари Билан туғилади. Бу эҳтиёжлар ва психик хусусиятлар тарбия жараёнида намоён бўлиб, баъзида ўзариши, тарбиянинг эса миқдорини белгилаб берувчи мезондир, деб ҳисоблайди.

Веналик врач-психолог З.Фрейд мазкур оқим намоёндаси сифатида шахснинг фаоллигини, уни ҳаракатга келтирувчи кучларни қуидаги тарзда тушунтиришга интилади. Одам ўзининг қадимий ҳайвон тариқасидаги авлод-аждодларидан наслий йўл билан ўтган инстинктив майлларнинг намоён бўлиши туфайли фаолдир. З.Фрейднинг фикрига кўра, инстинкттив майллар асосан жинсий инстинктлар шаклида намоён бўлади. З.Фрейд, шахснинг фаоллигини даставвал жинсий майллар билан боғлайди. Бироқ инстинкттив майллар жамиятда худи ҳайвонот оламидагидек эркин намоён бўлавермайди. Жамиятдаги жамоа ҳаёти одамни, ундаги мавжуд инстинктив майлларни (яъни жинсий майлларни) жуда кўп жиҳатдан чеклаб қўяди. Оқибатда одам ўзининг кўп инстинктлари ва майлларини босишга, тормозлашга мажбур бўлади. Унинг таълимотига кўра, тормозланган инстинкт ва майллар йўқолиб кетмайди, балки бизга номаълум бўлган онгизлиқ даражасига ўтказилиб юборилади. Онгизлиқ даражасидаги бундай инстинктлар ва майллар ҳар турли «комплекслар»га бирлашадилар, гўё инсон шахси фаоллигининг ҳақиқий сабаби Айни шу «комплекслар»нинг намоён бўлишидир. З.Фрейднинг таълимотидан, унинг очиқдан-очиқ биологизоторлик тарғиботчиси эканлигини, инсон щахсининг фаоллигини жинсий майлардан иборат эканлиги ҳақидаги назарияси илмий асосга эга эмаслигини эътироф этиш мумкин.

Бундай таълимотлардан, хусусан дин хомийлари кенг фойдаланиб, инсоннинг тақдири анна шу илмлар билан чамбарчас боғлиқдир, деб таъкидлашади.

Инсон щахсининг таркиб топишини ўрганиш давомида юзага келган Яна бир таълимот-социогенетик концепция-қобилиятларнинг тараққиётини фақат теварак-атрофдаги муҳитнинг таъсири билан тушунтиради. Бу йўналиш ўз замонаси учун илғор ҳисобланган XVIII аср француз олимни К.Гельвеций таълимотидан бошланган. К.Гельвецийнинг таълимотига кўра, барча одамлар ақлий ва аҳлоқий ривожланиши учун туғилишданоқ мутлақо бир хил табиий имкониятга эга бўладилар. Шунинг учун одамларнинг психик хусусиятларидаги фарқ фақатгина муҳит ва тарбиянинг турлича таъсир қилиши билан вужудга келади, деб тушунтирилади. Бу назария одамларнинг психик, руҳий, оқибатда ижтимоий тенгизлиги уларнинг туғма

хусусиятлари деган таълимотга қарши қаратилган эди. Бу назариянинг хорижий мамлакатлардаги ҳозирги турли намоёндалари психиканинг ривожланишида ижтимоий муҳитнинг ғоят даражада муҳим роли борлигини эътироф этадилар.

Инсон шахсининг таркиб топишини урганиш давомида юзага келган социогенетик концепция фанда экспериментларнинг ривожланиши Билан боғлиқдир. Маълумки XYII асрнинг охирива XYIII асрнинг бошларида табиий фанлар жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Ўша пайтда ҳамманинг диққат-эътибори мўъжизакор тажрибага қаратилган эди. Бу ходиса инсон шахсининг таркиб топиши масаласига ҳам таъсир қилмай қолмайди.

Социогенетик концепция намоёндалари инсоннинг бутун тараққиёти, шу жумладан шахсий хусусиятларнинг таркиб топиши асосан тажрибага боғлиқдир. Бу назарияда шахсда рўй берадиган ўзгаришларни жамиятнинг тузилиши, ижтимоийлашиш усуллари, атрофидаги одамлар Билан ўзаро муносабат воситалари асосида тушунтирилади. Бу таълимотга кўра инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётдаги ижтимоий шарт-шароитларнинг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

Чунончи, англиялик олим Джон Локк дунёга келган янги чақалоқ боланинг руҳини топ-тоза доскага, тахтага ўхшатади. Унинг фикрича, боланинг топ-тоза тахта тарзидаги руҳига нималарни ёзиш мутлақо катта одамлар ихтиёрларидадир. Шунинг учун боланинг қандай одам бўлиб етишиши, яъни унда қандай шахсий фазилатларнинг таркиб топиши бола ҳаётдан оладиган тажрибага, ўзгалар Билан мулоқот жараёнида оладиган ҳаётий тушунча ва тасаввурларига боғлиқдир, деб таъкидлайди.

Бу таҳлил этган ҳар икала йўналишнинг намоёндалари, ўз манфаатларининг ташқи жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши бўлишига қарамай, инсоннинг психик хусусиятларини ё наслий, биологик омиллар таъсири остида, ёки ўзгармас муҳит таъсирида аввалдан белгиланган ва ўзгармас нарса, деб эътироф этадилар.

Маълумки одам шахс сифатида мунтазам қандайдир фаолиятда таркиб топиб боради, ривожланади, унинг фаоллиги намоён бўлади. Агарда ҳайвонлар теварак-атрофдаги ташқи муҳитга пассив мослашиб, ҳаёт фаолиятларида табиатдаги, яъни ташқи муҳитдаги тайёр нарсалардан фойдалансалар, одам эса теварак-атрофидаги ташқи муҳитга фаол таъсир кўрсатиб, уни ўз иродасига бўйсундиради, ҳамда ўзгартириб, ўз эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилдиради.

Кузатишлар жараёнида шу нарса маълум бўлди-ки, одамдаги туғма, ирсий механизмлари унинг, психик ривожланишига таъсир кўрсатади-ю, бироқ унинг мазмунини ҳам, шахсий фазилатларини ҳам белгилаб Бера олмайди. Таъкидлаш зарурки, муҳит ҳам бола психикасини ривожлантиришда муайян роль ўйнайди. Факат бунинг учун болани ўқитаётган кишиларнинг таъсири натижасида бола анна шу муҳитни фаол равищда ўрганиб олиши, табиийдир.

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

<b>5-МАВЗУ</b> <b>Мақсад ва вазифалар</b>	<b>Тарбия психологияси. Тарбия методлари ва формалари</b> Тарбия психологияси , тарбия методлари билан таништириш - Шахснинг тарбиялашда ушбу методларнинг ахамияти ва моҳиятини тушунтириш. - Шахсни тарбиялаш методлари ва формалари. - Ақлий, эстетик ва меҳнат тарбияси методларининг ўзига хос хусусиятлари. - Тарбияси қийин ва ўзлаштиrmовчи ўқувчилар билан ишлаш методлари. - Жинсий тарбиялаш.
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	<b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, “Бахс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. <b>Шакл:</b> аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш. <b>Восита:</b> тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар <b>Усул:</b> ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. <b>Назорат:</b> савол-жавоблар
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Маърузачи қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади.
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	<b>Талаба:</b> Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.. Педагогик психологик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.

## **5- МАВЗУ: Тарбия психологияси. Тарбия методлари ва формалари Режа:**

Шахсни тарбиялаш методлари ва формалари.

Ақлий, эстетик ва меҳнат тарбияси методларининг ўзига хос хусусиятлари.

Тарбияси қийин ва ўзлаштирмовчи ўқувчилар билан ишлаш методлари.

Жинсий тарбиялаш.

Тарбия шахсни шакиллантириш максадига каратилган ва унда хаётий эътиод ва хис-туйгулар, маънавий хулк-атвор хосил килиш жараёнидир. «Таълим-тарбияни янги замон талаблари даражасига кутариш усиб келаётган ёш авлодларимизнинг порлок келажагини гармоник устириш имкониятини яратиш» (И.Каримов Узб.Р Президенти, Олий Мажлиснинг IX сес.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури) хозирги куннинг асосий масаласидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури шуни назарда тутадики, бошка мухим масалалар каторида Миллий кайта тикланиш мафкураси ва жамият бойликлари асосида укувчиларни маънавий ва ахлокий хислатларини устириш, укувчиларнинг хулк маданиятини шаклантириш, баркамол наслни тарбиялаб етиштириш оркали хакикий инсон килиб тарбиялаш лозим.

Хозирги замон тарбиясининг максад ва вазифалари аввало, ёшларни чинакам маърифатли киши килиб, инсон кадрини, миллий кадриятларини узлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустакил давлатимининг жаҳон хамжамиятида узига муносаб, обрули урин эгалайдиган фидойи инсонни тарбиялашдир.

II. Тарбия - маҳсус фаолият сифатида муайян дастурнинг, англаб олинган максадининг мавжудлиги билан, таъсир курсатишининг маҳсус ишлаб чиқилган ва асослаб берилган воситалари шакллари хамда усулларини кулланиши билан тасодифий ва стихияли таъсирлардан ажралиб туради. Соглом тарбиявий вазиятсиз муккаммал шахс вужудга келмайди.

Укувчиларнинг хаёти ва фаолиятини тугри ташкил килиш, ижобий ахлокий, ижтимоий хулк-атвор тажрибаси шахснинг таркиб топишида мухим ахамиятга эга. Маълумки, биргина фаолиятнинг узида шахснинг хар-хил ва хатто бир-бирига қарама-карши сифатларини таркиб топтириш мумкин. Бунинг асосида мактаб укувчиси амал киладиган мотивлар ётади. Бу хулк-атвор шахсан укувчининг узи учун кандай маънога эга булишига караб, унда хар-хил сифатларни таркиб топишига сабаб булади.

M: Укувчи уртогини принципиал асосда танкид килса – унда катъйлик, халоллик; агар уз айбини уртогига қўйиш булса – худбинлик индивидуализм, эгоизм пайдо булади.

Фаолият – одамни шахс сифатида шакиллантириш асоси хисобланади. Бола уйин, укиш ва меҳнат фаолиятига кандай муносабатда булса, унда шу фаолият асосида ижобий ва салбий сифатлар шаклланиши мумкин. Укиш ва уйинга ижобий муносабат, илмга интилишга кизикиш, меҳнатсеварлик

кабилар билан, салбий муносабат эса ишёкмаслик, дангасалик узини идора кила олмаслик кабилар шаклланишига сабаб булади.

Шунинг учун хам фаолиятининг етакчи типларини уюштириш бола шахсини шаклланишига максадга мувофик таъсир этиш воситасидир...

Ахлокий эхтиёжларнинг туб мохијти бу: 1) инсоннинг ахлокийлиги бошқалар билан мулокотда булишини ижтимоий шарт-шароит мавжуд булишини; 2) индивдуал онгнинг ахлокий томонларни шакилланишини ижтимоий шарт-шароитдаги тарбияга bogликлиги билан белгиланади. Ва нихоят, хаётнинг конкрет холларини хисобга олган холда ахлокий эхтиёжни хис-туйгуга, фикрлашига bogликлиги мухимdir.

Ахлокий фазилатларни намаён булиши ижтимоий бурч тушунчаси бола онгига кандай сингдирилишига bogлик . Бурч- бу жамият ва жамоанинг инсон олдига куйган турли-туман талабларини ифодаловчи тушунчадир. Ижтимоий бурч – кенг маънодаги тушунча булиб, бу одамийлик, ватанпарварлик бурчи, касб бурчи, ота-она олдидағи бурчдир.

III. Ёшларнинг ахлокий фазилатларини тарбиялашда умуминсоний ва миллий бойликлардан фойдаланиш мухимdir. Чунки умуминсоний ва миллий бойликлар хамда уларнинг шахс шаклланишидаги роли ахамиятлидир. Миллий анъаналар, урф-одатларимизнинг тикланиши миллий, умумбашарий ва умуммаънавий кадриятларга асосланган ахлок нормаларини яратиш ва уларни болаларимиз, ёшларимиз онгига сингдириш оркали уларни жамиятилиз учун фидокор, билимдон инсон килиб тарбиялашга асос була олади.

Миллий анъаналар - хар бир халкнинг маънавий хаётининг махсули булиб, уша халкнинг ижтимоий фикри миллий анъаналарни уларнинг маънавий эхтиёжига айлантиради. Миллий анъаналар ёшларда ижтимоий онгни тарбиялайди, уларнинг хар томонлама камолга етган инсон булиб этишишида мухим урин тутади. У шахс характерини ижобий томонга шаклантиришда фаол иштирок этади, ёшлар мафкурасига психологик таъсир килади.

IV. Бола шахсини тарбиялашда ижтимоий фойдали фаолият хам мухим рол уйнайди. Чунки у тарбиянинг энг кулагай шарти ва воситаси хисобланади.

Ижтимоий фойдали фаолият, меҳнат тарбия воситаси булиши учун:

боланинг меҳнати ижтимоий фойдали меҳнат булишига;

ижтимоий кийматга эга булган фойдали махсулот меҳнат натижаси булишига;

меҳнат жамоа меҳнати булишига;

у ташабусскор ва ижодий меҳнат булишига;

меҳнатда уз-узини уюштириш ва мустакил фаоллик курсатишнинг хар хил шакллари куланилишига ахамият бериш керак.

Укувчилярнинг меҳнати - уларнинг узлари учун кизикарли булиши;

Боланинг кучига мос булиши;

Укув фаолияти билан bogлик булиши;

Меҳнат учун жазолашга мутлако йул куйилмаслик керак.

Шуни синчиклаб пухта, вижданан бажариш мехнат анжомларини асраш ва тежашга ургатадиган булиши лозим.

V. Болалар жамоаси ва унинг тарбиявий имкониятлари. . . .

VI. Тарбияси «кийин» булган болалар билан ишлаш:

- а) уларнинг индивидуал хусусиятларини аниклаш;
- б) кизикиш ва эътиқодларини хисобга олиш;
- в) тарбиявий усулларини танлаш;
- г) тарбиянинг маҳсус шароитларини аниклаш.

VII. Шахснинг маънавий сифатларини шакллантиришда маънавий онг ва хулк-атвор бирлиги мухимдир. Ёшларни уз-узини англаши, яхши-ёмон ва адолатли-адолатсизликни хис килган холда уни уз-узига татбик килиши, узини тарбиялаш тарбиянинг психологик механизмини ташкил киласи.

Уз – узини тарбиялашда 4-та вазифа назарда тутилади

узида шахснинг ижобий хислатларини тарккий этиришга ва уз хулк-атворидаги ёмон томонлардан холис булишга интилиш.

Укувчига уз шахсига танкидий муносабатда булишига, уз хулк-атворидаги хусусиятларини диккат билан ва окилона тушуниб олишида, уз камчиликларини яккол куришда, уз нуксонларини фахмлаб олишида ёрдамлашиш.

Уз-узини тарбиялаш режасини тузишда, шахс хулк-атвори хислатларини кайси хусусиятларини тараккий эттириш, кайсисига бархам бериш кераклигини аниклаш.

Тарбиячи уз-узини тарбиялашнинг окилона йулларини аниклаши.

VIII. Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш

Ватанпарварликни шакллантиришда:

А) Она-ватанга мухабbat, уни севиш, эъзозлашга ургатиш.  
Б) Мустакил Узбекистон тушунчасининг мохиятини укувчилар онгига сингдириш.

В) Ёшларни халкимиз анъаналарига, удумларига, тили ва маданияти, рухиятига хурмат билан карашга ургатиш.

Г) Буюк дахоларимиз колдирган маънавий меросларни асраб авайлаш, уларнинг тарихини бугунги кун учун ахамиятини идрок этиш

Д) Ёшларда соглом куч, соглом тафаккур, иймон-эътиқодни уйготиш

Е) Ватан олдидаги масъулият, миллат манфаати учун курашнинг мохиятини англаш.

Ж) Укувчиларда униб усган юртига, вояга етказган ота-онасига ва таълим-тарбия берган устозига таъзим килиш малакасини шакллантириш.

Ватан ва ватанпарварлик эгизак

Назорат саволлари:

Тарбия нима?

Хозирги мустакиллик даврида тарбия жараёнида кандай муваммолар пайдо булди ва уни кандай килиб бартараф килинмокда?

Фаолият шахс таракиётида кандай роль уйнайди?

Етакчи фаолият ва шахс шаклланишини кандай изохлайсиз?

Умуминсоний ва миллий бойликларни шахс тараккиёти ва тарбияси таъсири тавсифномасини беринг?

Ижтимоий фойдали фаолият ва шахс тарбияси орасида кандай боғликлек бор?

Болалар жамосини кандай ташкил килинади?

Миллий онг нима?

Миллий гуурчى?

Ёшларни ватанпарварлик рухида кандай тарбияланади?

Тарбияси кийин болалар билан кандай иш усулларидан фойдаланилади?

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

<b>6-МАВЗУ</b>	<b>Ўқувчилар колективи ва шахс. Шахсни касб танлашга йўналтириш</b> Шахс ва жамоа шу билан бирга ўқувчилар колективи тўғрисида тушунча бериш. Касб танлашнинг таркибий қисмлари ва босқичлари билан батафсил таништириш.
<b>Мақсад ва вазифалар</b>	1. Ўқувчилар колективи тўғрисида тушунча. Шахс ва жамоа. 2. Шахс ва тенгдошлар билан мулоқот. Шахслараро мулоқот ва муносабат муаммолари. 3. Лидер ҳақида тушунча. Расмий ва норасмий лидерлар муаммоси. 4. Касб танлашнинг таркибий қисмлари ва босқичлари. 5. Профессиограмма. 6. Касбга оид предметларни ўзлаштириш даражаси.
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	<b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. <b>Шакл:</b> аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш. <b>Восита:</b> тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар <b>Усул:</b> ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. <b>Назорат:</b> савол-жавоблар
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Маърузачи қисқа вақт ичida барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади. <b>Талаба:</b> Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичida кўп маълумотга эга бўлади.. Педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	<b>6 – мавзуу:</b> <b>Ўқувчилар колективи ва шахс. Шахсни касб танлашга йўналтириш (2 соат).</b>

**Режа:**

1. Ўқувчилар колективи тўғрисида тушунча. Шахс ва жамоа.

2. Шахс ва тенгдошлар билан мулоқот. Шахслараро мулоқот ва муносабат муаммолари.
3. Лидер ҳақида тушунча. Расмий ва норасмий лидерлар муаммоси.
4. Касб танлашнинг таркибий қисмлари ва босқичлари.
5. Профессиограмма.
6. Касбга оид предметларни ўзлаштириш даражаси.

**Шахс ва унинг фаоллиги.** Жамият билан доимий муносабатни ушлаб турувчи, ўз-ўзини англаб, ҳар бир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи шахсга хос бўлган энг муҳим ва умумий хусусият - бу унинг **фаоллигидир**. Фаоллик (лотинча “actus” - ҳаракат, “actus” - фаол сўзларидан келиб чиқсан тушунча) шахснинг ҳаётдаги барча хатти - ҳаракатларини намоён этишини тушунтирувчи категориядир. Бу - ўша оддий қўлимизга қалам олиб, бирор чизиқча тортиш билан боғлиқ элементар ҳаракатимиздан тортиб, токи ижодий уйғониш пайтларимизда амалга оширадиган мавҳум фикрлашимизгача бўлган мураккаб ҳаракатларга алоқадор ишларимизни тушунтириб беради. Шунинг учун ҳам психологияда шахс, унинг онги ва ўз-ўзини англаши муаммолари унинг фаоллиги, у ёки бу фаолият турларида иштироки ва уни уddaлаши алоқадор сифатлари орқали баён этилади.

Фанда инсон фаоллигининг асосан икки тури фарқланади:

**A. Ташқи фаоллик** - бу ташқаридан ва ўз ички истак-ҳохишларимиз таъсирида бевосита кўриш, қайд қилиш мумкин бўлган ҳаракатларимиз, мушакларимизнинг ҳаракатлари орқали намоён бўладиган фаоллик.

**B. Ички фаоллик** - бу бир томондан у ёки бу фаолиятни бажариш мобайнидаги физиологик жараёнлар (моддалар алмашинуви, қон айланиш, нафас олиш, босим ўзгаришлари) ҳамда, иккинчи томондан, бевосита психик жараёнлар, яъни аслида кўринмайдиган, лекин фаолият кечишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўз ичига олади.

Мисол тариқасида ҳаётдан шундай манзарани тасаввур қиласлик: узоқ айрилиқдан сўнг она ўз фарзанди висолига етди. Ташқи фаолликни биз онанинг боласига интилиши, уни қучоқлаши, юзларини сийлаши, кўзларидан оқсан севинч ёшларida кўрсақ, ички фаоллик - ўша кўз ёшларини келтириб чиқарган физиологик жараёнлар, ички соғинчнинг асл сабаблари (айрилиқ муддати, нофорлик туфайли айрилиқ каби яширин мотивлар таъсири), кўриб идрок қилгандаги ўзаро бир-бирларига интилишни таъминловчи ички, бир қарашда кўз билан илғаб бўлмайдиган эмоционал ҳолатларда намоён бўлади. Лекин шу манзарани бевосита гувоҳи бўлсак ҳам, уни ифодалаган расмни курсак ҳам, тахминан қандай жараёнлар кечеётганлигини тасаввур қилишимиз мумкин. Демақ, иккала турли фаоллик ҳам шахсий тажриба ва ривожланишнинг асосини ташкил этади. Бир қарашда ҳар бир конкрет шахсга ва унинг эҳтиёжларига боғлиқ бўлиб туюлган бундай фаоллик турлари аслида ижтимоий ҳарактерга эга бўлиб, шахснинг жамият билан бўладиган мураккаб ва ўзаро муносабатларининг оқибати ҳисобланади.

Инсон фаоллиги “ҳаракат”, “фаолият”, “хулқ” тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ва унинг онги масаласига бориб тақалади.

Шахс айнан турли фаолликлар жараёнида шаклланади, ўзлигини намоён қиласи ҳам. Демак, фаоллик ёки инсон фаолияти пассив жараён бўлмай, у онгли равишда бошқариладиган фаол жараёндир. Инсон фаоллигини мужассамлаштирувчи ҳаракатлар жараёни **фаолият** деб юритилади. Яъни, **фаолият** - инсон онги ва тафаккури билан бошқариладиган, ундаги турлитуман эҳтиёжлардан келиб чиқадиган, ҳамда ташқи оламни ва ўз-ўзини ўзгартириш ва такомиллаштиришга қаратилган ўзига хос фаоллик шаклидир. Бу - ёш боланинг реал предметлар мөхиятини ўз тасаввурлари доирасида билишга қаратилган ўйин фаолияти, бу - моддий неъматлар яратишга қаратилган меҳнат фаолияти, бу - янги кашфиётлар очишга қаратилган илмий - тадқиқотчилик фаолияти, бу - рекордларни кўпайтиришга қаратилган спортчининг маҳорати ва шунга ўхшаш. Шуниси характерлики, инсон ҳар дақиқада қандайдир фаолият тури билан машғул бўлиб туради.

**Фаолият турлари. Жисмоний ва ақлий ҳаракатлар.** Хар қандай фаолият реал шарт-шароитларда, турли усулларда ва турлича қўринишларда намоён бўлади. Қилинаётган ҳар бир ҳаракат маълум нарсага - предметга қаратилгани учун ҳам, фаолият предметли ҳаракатлар мажмуи сифатида тасаввур қилинади. Предметли ҳаракатлар ташқи оламдаги предметлар хусусиятлари ва сифатини ўзгартиришга қаратилган бўлади. Масалан, маъruzani конспект қилаётган талабанинг предметли ҳаракати ёзувга қаратилган бўлиб, у аввало ўша дафтардаги ёзувлар сони ва сифатида ўзгаришлар қилиш орқали, билимлар заҳирасини бойитаётган бўлади. Фаолиятнинг ва уни ташкил этувчи предметли ҳаракатларнинг айнан **нималарга йўналтирилганига** қараб, аввало ташқи ва ички фаолият фарқланади. **Ташқи фаолият** шахсни ўраб турган ташқи муҳит ва ундаги нарса ва ҳодисаларни ўзгартиришга қаратилган фаолият бўлса, **ички фаолият** - биринчи навбатда ақлий фаолият бўлиб, у соғ психологик жараёнларнинг кечишидан келиб чиқади. Келиб чиқиши нуқтаи назаридан ички - ақлий, психик фаолият ташқи предметли фаолиятдан келиб чиқади. Дастроб предметли ташқи фаолият рўй беради, тажриба орттириб борилган сари, секин-аста бу ҳаракатлар ички ақлий жараёнларга айланиб боради. Буни нутқ фаолияти мисолида оладиган бўлсак, бола дастробки сўзларни қаттиқ товуш билан ташқи нутқида ифода этади, кейинчалик ичиди ўзича гапиришга ўрганиб, ўйлайдиган, мулоҳаза юритадиган, ўз олдига мақсад ва режалар қўядиган бўлиб боради.

Хар қандай шароитда ҳам барча ҳаракатлар ҳам ички-психологик, ҳам ташқи - мувофиқлик нуқтаи назаридан онг томонидан бошқарилиб боради. Хар қандай фаолият таркибида ҳам ақлий, ҳам жисмоний - мотор ҳаракатлар мужассам бўлади. Масалан, фикрлаётган донишмандни кузатганимисиз? Агар ўйланайётган одамни зийраклик билан кузатсангиз, ундаги етакчи фаолият ақлий бўлгани билан унинг пешоналари, кўзлари, хаттоки, тана ва қўл ҳаракатлари жуда муҳим ва жиддий фикр хусусида бир тўхтамга келолмаётганидан, ёки янги фикрни топиб, ундан мамнуният ҳис қилаётганлигидан дарак беради. Бир қарашда ташқи элементар ишни амалга ошираётган - мисол учун, узум кўчатини ортиқча барглардан халос этаётган

боғбон ҳаракатлари ҳам ақлий компонентлардан холи эмас, у қайси баргнинг ва нима учун ортиқча эканлигидан англаб, билиб туриб олиб ташлайди.

Ақлий ҳаракатлар - шахснинг онгли тарзда, ички психологик механизмлар воситасида амалга оширадиган турли-туман ҳаракатларидир. Экспериментал тарзда шу нарса исбот қилинганки, бундай ҳаракатлар доимо мотор ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ҳаракатлар қўйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

**перцептив** - яъни булар шундай ҳаракатларки, уларнинг оқибатида атрофдаги предметлар ва ходисалар тўғрисида яхлит образ шаклланади;

**мнемик фаолият**, нарса ва ходисаларнинг моҳияти ва мазмунига алоқадор материалнинг эслаб қолиниши, эсга туширилиши ҳамда эсда сақлаб турилиши билан боғлик мураккаб фаолият тuri;

**фикраш фаолияти** - ақл, фаҳм - фаросат воситасида турли хил муаммолар, масалалар ва жумбоқларни ечишга қаратилган фаолият;

**имажитив** - (“image” -образ сўзидан олинган) фаолияти шундайки, у ижодий жараёнларда ҳаёл ва фантазия воситасида ҳозир бевосита онгда берилмаган нарсаларнинг хусусиятларини англаш ва ҳаёlda тиклашни тақозо этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай фаолият ҳам ташқи ҳаракатлар асосида шаклланади ва мотор компонентлардан иборат бўлиши мумкин. Агар ташқи фаолият асосида психик жараёнларга ўтиш рўй берган бўлса, бундай жараённи психологияда **интериоризация** деб аталади, аксинча, ақлда шаклланган ғояларни бевосита ташқи ҳаракатларда ёки ташқи фаолиятга кўчирилиши **экстериоризация** деб юритилади.

Фаолият турлари яна онгнинг бевосита иштироки даражасига кўра ҳам фарқланади. Масалан, шундай бўлиши мумкинки, айrim ҳаракатлар бошида ҳар бир элементни жиддий равишда, алоҳида-алоҳида бажаришни ва бунга бутун диққат ва онгнинг йўналишини талаб қиласди. Лекин вақт ўтгач, бора-бора унда онгнинг иштироки камайиб, кўпгина қисмлар автоматлашиб боради. Бу оддий тилга ўгирилганда, малака ҳосил бўлди дейилади. Масалан, ҳар биримиз шу тарзда хат ёзишга ўрганганимиз. Агар малакаларимиз қатъий тарзда биздаги билимларга таянса, фаолиятнинг мақсади ва талабларига кўра ҳаракатларни муваффақиятли бажаришни таъминласа, биз буни **кўникмалар** деб атамиз. Кўникмалар - доимо биздаги аниқ билимларга таянади. Масалан, кўникма ва малакалар ўзаро боғлик бўлади, шунинг учун ҳам ўкув фаолияти жараёнида шаклланадиган барча кўникмалар ва малакалар шахснинг муваффақиятли ўқишини таъминлайди. Иккаласи ҳам машқлар ва қайтаришлар воситасида мустаҳкамланади. Агар, фақат малакани оладиган бўлсак, унинг шаклланиш йўллари қўйидагича бўлиши мумкин:

оддий намойиш этиш йўли билан;  
тушунтириш йўли билан;

кўрсатиши билан тушунтиришни уйғулаштириш йўли билан.

Ҳаётда кўникма ва малакаларнинг аҳамияти катта. Улар бизнинг жисмоний ва ақлий уринишларимизни енгиллаштиради ва ўқишида, меҳнатда, спорт соҳасида ва ижодиётда муваффақиятларга эришишимизни таъминлайди.

Фаолиятни классификация қилиш ва турларга бўлишнинг яна бир кенг тарқалган усули - бу барча инсонларга хос бўлган асосий фаоллик турлари бўйича табақалашдир. Бу - мулоқот, ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятларидир.

**Мулоқот** - шахс индивидуал ривожланиши жараёнида намоён бўладиган бирламчи фаолият турларидан бири. Бу фаолият инсондаги кучли эҳтиёжлардан бири - инсон бўлиш, одамларга ўхшаб гапириш, уларни тушуниш, севиш, ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шахс ўз тараққиётини айнан шу фаолият турини эгаллашдан бошлайди ва нутқи орқали (вёрбал) ва нутқсиз воситалар (новербал) ёрдамида бошқа фаолият турларини мукаммал эгаллашга замин яратади.

**Ўйин** - шундай фаолият турики, у бевосита бирор моддий ёки маънавий неъматлар яратишни назарда тутмайди, лекин унинг жараёнида жамиятдаги мураккаб ва хилма-хил фаолият нормалари, ҳаракатларнинг символик андозалари бола томонидан ўзлаштирилади. Бола токи ўйнамагунча, катталар хатти-ҳаракатларининг маъно ва моҳиятини англаб етолмайди.

**Ўқиш** фаолияти ҳам шахс камолотида катта роль ўйнайди ва маъно касб этади. Бу шундай фаоллики, унинг жараёнида билимлар, малака ва турли кўникмалар ўзлаштирилади.

**Меҳнат** қилиш ҳам энг табиий эҳтиёжларга асосланган фаолият бўлиб, унинг мақсади албатта бирор моддий ёки маънавий неъматларни яратиш, жамият тараққиётига хисса қўшишдир.

Ҳар қандай касбни эгаллаш, нафақат эгаллаш, балки уни маҳорат билан амалга оширишда фаолиятнинг барча қонуниятлари ва механизmlари амал қиласди. Оддийгина бирор касб малакасини эгаллаш учун ҳам унга алоқадор бўлган маълумотларни эслаб қолиш ва керак бўлганда яна эсга тушириш орқали уни бажариш бўлмай, балки ҳам ички (психик), ҳам ташқи (предметга йўналтирилган) ҳаракатларни онгли тарзда бажариш билан боғлиқ мураккаб жараёнлар ётишини унутмаслик керак. Лекин ҳар бир шахсни у ёки бу фаолият тури билан шуғулланишига мажбур қилган психологик омиллар - сабаблар муҳим бўлиб, бу фаолият мотивларидир.

**Ижтимоий хулқ мотивлари ва шахс мотивацияси.** Юқорида биз танишиб чиқсан фаолият турлари ўз - ўзидан рўй бермайди. Шахснинг жамиятдаги ижтимоий хулқи ва ўзини қандай тутиши, эгаллаган мавқеи ҳам сабабсиз, ўз - ўзидан рўй бермайди. Фаолиятнинг амалга ошиши ва шахс хулқ - атворини тушунтириш учун психологияда “мотив” ва “мотивация” тушунчалари ишлатилади.

“Мотивация” тушунчаси “мотив” тушунчасидан кенгроқ маъно ва мазмунга эга. **Мотивация** - инсон хулқ-атвори, унинг боғланиши, йўналиши

ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуини билдиради. Бу тушунча у ёки бу шахс хулқини тушунтириб бериш керак бўлганда ишлатилади, яъни: “нега?”, “нима учун?”, “нима мақсадда?”, “қандай манфаат йўлида?” деган саволларга жавоб қидириш - мотивацияни қидириш демакдир. Демак, у хулқнинг мотивацион таснифини ёритишга олиб келади.

Шахснинг жамиятда одамлар орасидаги хулқи ва ўзини тутиши сабабларини ўрганиш тарбиявий аҳамиятг эга бўлган нарса бўлиб, масалани ёритишнинг икки жиҳати фарқланади: **а)** ички сабаблар, яъни хатти-харакат эгасининг субъектив психологик хусусиятлари назарда тутилади (мотивлар, эҳтиёжлар, мақсадлар, мўлжаллар, истаклар, қизиқишлиар ва ҳоказолар); **б)** ташқи сабаблар - фаолиятнинг ташқи шарт-шароитлари ва ҳолатлари. Яъни, булар айни конкрет ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўладиган ташқи стимуллардир.

Шахс хулқ-авторини ичкаридан, ички психологик сабаблар туфайли бошқариш одатда **шахсий диспозициялар** ҳам деб аталади. Улар шахс томонидан англаниши ёки англанмаслиги ҳам мумкин. Яъни, баъзан шундай бўладики, шахс ўзи амалга оширган иши ёки ўзидаги ўзгаришларга нисбатан шаклланган муносабатнинг хақиқий сабабини ўзи тушуниб етмайди, “Нега?” деган саволга “Ўзим ҳам билмай қолдим, билмайман”, деб жавоб беради. Бу англанмаган диспозициялар ёки установкалар деб аталади. Агар шахс бирор касбга онгли тарзда қизиқиб, унинг барча сир-асрорларини эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилса, бунда вазият бошқачароқ бўлади, яъни, диспозиция англанган, онгли хисобланади.

Шу нуқтаи назардан **мотив** - конкретроқ тушунча бўлиб, у шахсдаги у ёки бу хулқ-авторга нисбатан турган мойиллик, ҳозирликни тушунтириб берувчи сабабни назарда тутади. Машхур немис олими Курт Левин мотивлар муаммоси, айниқса, шахсдаги ижтимоий хулқ мотивлари борасида катта кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориб, шу нарсани аниқлаганки, ҳар бир одам ўзига хос тарзда у ёки бу вазиятни идрок қилиш ва баҳолашга мойил бўлади. Шуниси ажабланарлики, ўша бир конкрет вазият хусусидаги турли шахсларнинг баҳолари ҳам турлича бўлади. Бундан ташқари, бир шахснинг ўзи ҳам ўзидаги ҳолат, кайфиятга боғлиқ ҳолда бир хил вазиятни алоҳида ҳолларда турлича идрок қилишга мойил бўларкан. Шунинг учун ҳам одамнинг айни пайтдаги реал ҳаракатларини ўша маълум шароитдаги ички ва ташқи стимулларга унинг берган баҳоси ёки реакцияси сифатида қарамай, балки унда шунга ўхшаш ҳолатларни идрок қилишга ички бир ҳозирлик - диспозициянинг мавжудлиги билан тушунтириш тўғрироқ бўлади. Шу маънода шахс хулқининг мотивацияси турли шароитлардан ортирилган тажрибага таянган, онгли тахлиллар, хаттоки, ижтимоий тажриба нормаларининг таъсирида шаклланадиган сабаблар комплексини ўз ичига олади. Масалан, техника олийгохларида: “Материалларнинг қаршилиги” номли курс бор дейлик. Шу курсни ўзлаштириш ва ундан синовдан ўтиш кўпчиликка осонликча рўй бермайди. Ҳали курс бошланмасданоқ, ёш талабаларда шу курс ва унинг талабларига нисбатан шундай установка

шаклланадики, албатта, бу курс қийин, уни олиб борувчи ўқитувчи ўта талабчан, қаттиқкүл ва хоказо деган. Бундай мотивация мана неча авлод талабалар бошдан кечираётган холат. Энди конкрет шахснинг дарс жараёни бошланган кейинги ҳаракатлари конкрет мотивлар билан изохланади ва тиришқоқ талаба учун бу фан ҳам бошқа фанлар қатори тинимсиз изланиш, ўз вақтида дарсларни тайёрлашни талаб қилса, бошқаси учун (дангасароқ талаба учун) бу дарсдан кейин дарс йўқ ва у қачон шу семестр тугашини кутиб ҳаракат қиласи.

Ҳар қандай мотивларнинг орқасида шахснинг эҳтиёжлари ётади. Яъни, мақсадли қаётда шахсда аввал у ёки бу эҳтиёжлар пайдо бўлади ва айнан уларнинг табиати ва заруратига боғлиқ тарзда хулқ мотивлари намоён бўлади. Мисол учун талабанинг ўкув фаолиятини олиш мумкин. Билим олиш мақсади билим, илм олиш, қизиқувчанлик эҳтиёжини пайдо қиласи. Бу эҳтиёж тараққиётнинг маълум бир даврида, масалан, боғча ёшидан бошлаб қониқтирила бошлайди. Болага сотиб олиб берилган китоблар, дафтар ва бошқа ўкув қуроллари, маълум таълим масканида ташкил этилган шарт - шароитлар ва у ердаги бевосита билим олишга қаратилган фаолиятнинг ўзи, бола учун мотив ўрнини босади. Яна бир оддий мисол: қўлингизда китоб бор. Сиз хали уни ўқиши бошламадингиз. Лекин ўқиши истаги бор, шу истакнинг ортида эса, ўша мазмунни билиш ва унинг тагига етиш эқтиёжи туради. Рус олими Р. Немов шахсдаги мотивацион соҳани қўйидагича тасаввур қиласи.

Умуман, ҳар қандай шахсдаги мавжуд эҳтиёжларни икки гурухга бўлиш мумкин:

*Биологик эҳтиёжлар* - бу - физиологик (ташналиқ, очлик, уйқу), жинсий, мослашув эҳтиёжлари.

*Ижтимоий эҳтиёжлар* - бу - меҳнат қилиш, билиш, эстетик ва ахлоқий-маънавий эҳтиёжлар.

Эҳтиёжларни биологик ҳамда ижтимоий турларга бўлганимиз билан шу нарсани унутмаслигимиз лозимки, шахсдаги ҳар қандай эҳтиёжлар ҳам ижтимоийлашган бўлади, яъни, улар ўша жамият ва муҳитдаги қадриятлар, маданий нормалар ва инсонлараро муносабатлар характеристига боғлиқ бўлади. Масалан, энг табиий ва тушунарли ҳисобланган бизнинг емишга - овқатга бўлган эҳтиёжимизни олсак, у ҳам конкрет муҳитга қараб турлича ҳаракатларни келтириб чиқаради. Яна мисол учун, тўй маросимлари ёки жуда тўкин дастурхон атрофида ўтирган одам нима учун шунчалик кўп овқат истеъмол қилиб юборганини билмай қолади. Агар бу табиат қўйни ёки пахта даласидаги хашар бўлса-чи, бир бурда иссиқ нон ҳам бутун танага роҳат бахш этувчи малҳам бўлиб, очликни билинтиrmайди. Камтарона дастурхондан овқат еб ўрганган киши оз-оз ейишга ўрганса, ёшлигидан нормадан ортиқ еб ўрганган одам врач олдига бориб, ўзи учун оздирувчи дори-дармон сўраса сўрайдики, лекин уйда ўзи емишини назорат қилиши кераклигини билмайди. Демак, бу ҳам маданиятга, этикага, оила муҳитига бевосита боғлиқ нарса экан -да.

Умуман шахс ижтимоий хулқи мотиви хақида гап кетганда, унинг икки томони ёки элементи ажратилади: **ҳаракат дастури ва мақсад**. Ҳаракат

дастури мақсадга эришишинг воситаларига аниқлик киритади. Шунинг учун ҳам дастурда назарда тутилган воситалар мақсадга эришишни оқлаши керак, акс ҳолда дастур хеч нарса бермайди. Масалан, баъзи ота-оналар фарзандларини яхши тарбиялаш ва ундан идеалларидағи шахс етишиб чиқишини орзу қилиб, унинг олдига жуда оғир тарбиявий шартларни қўядилар, бола эркинлиги бўғилади, у қатъий назорат муҳитида ушланади. Оқибатда бола кейинчалик бошқариб бўлмайдиган, қайсар, унча-мунча ташқи таъсирга берилмайдиган бўлиб қолиб, ҳар қандай бошқа ижтимоий шароитда қийналадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам мотив ҳар доим англанган, эҳтиёжлар мувофиқлаштирилган ва мақсадлар ва унга етиш воситалари аниқ бўлиши керак. Шундагина ижтимоий хулқ жамиятга мос бўлади.

**Мотивларнинг турлари.** Турли касб әгалари фаолияти мотивларини ўрганишда мотивлар характерини билиш ва уларни ўзгартериш муаммоси аҳамиятга эга. Шундай мотивлардан бири турли хил фаолият соҳаларида **муваффақиятга эришиш мотиви** бўлиб, бундай назариянинг асосчилари американлик олимлар Д. Макклелланд,

Д. Аткинсон ва немис олимни Х. Хекхаузенлар ҳисобланади. Уларнинг фикрича, одамда турли ишларни бажаришини таъминловчи асосан икки турдаги мотив бор: **муваффақиятга эришиш мотиви** ҳамда **муваффақиятсизликлардан қочиш мотиви**. Одамлар ҳам у ёки бу турли фаолиятларни киришишда қайси мотивга мўлжал қилишларига қараб фарқ қиласидилар. Масалан, факат муваффақият мотиви билан ишлайдиганлар олдиндан ишонч билан шундай иш бошлайдиларки, нима қилиб бўлса ҳам ютуққа эришиш улар учун олий мақсад бўлади. Улар ҳали ишни бошламай туриб, ютуқни кутадилар ва шундай ишни амалга оширишса, одамлар уларнинг барча харакатларини маъқуллашларини биладилар. Бу йўлда улар нафақат ўз куч ва имкониятларини, балки барча ташқи имкониятлар - таниш - билишлар, маблағ каби омиллардан ҳам фойдаланадилар.

Бошқача хулқ - атворни муваффақиятсизликдан қочиш мотивига таянган шахсларда кузатиш мумкин. Масалан, улар биринчилардан фарқли, ишни бошлашдан аввал нима бўлса ҳам муваффақиятсизликка дучор бўлмасликини ўйладилар. Шу туфайли уларда кўпроқ ишончсизлик, ютуққа эришишга ишонмаслик, пессимизмга ўхшаш ҳолат кузатилади. Шунинг учун бўлса керак, охир - оқибат улар барibir муваффақиятсизликка учраб, “Ўзи сира омадим юришмайдиган одамман-да” деган холосага келадилар. Агар биринчи тоифали шахслар бир ишни муваффақиятли тугатгач, кўтаринки рух билан иккинчи ишга киришишса, иккинчи тоифа вакиллари, ҳар қандай ишни якунлагандан сўнг, унинг натижасидан қатъий назар, рухан тушкунликка тушадилар ва оғриниш ҳисси билан бошқа ишга киришадилар. Бу ўринда *талафчанлик* деган сифатнинг роли катта. Агар муваффақиятга йўналган шахсларнинг ўзларига нисбатан қўйган талаблари даражаси ҳам юқори бўлса, иккинчи тоифа вакилларининг талаблари аксинча, паст бўлади. Бундай ташқари ҳар биримиздаги ўзимиздаги реал қобилияtlар тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳам ушбу мотивларнинг фаолиятдаги ўрнига таъсир

кўрсатади. Масалан, ўзидаги қобилиятларга ишонган шахс хаттоки, мағлубиятга учраса ҳам, унчалик қайғурмайди, кейинги сафар ҳаммаси яхши бўлишига ишонади. Ишончсиз шахс эса кичкина берилган танбех ёки танқидни ҳам жуда катта руҳий азоб билан қайғуриб бошдан кечиради. Унинг учун ҳам шахснинг у ёки бу вазиятларда қайғуриш сифати ҳам маълум маънода мотивлар характерини белгилайди.

Шундай қилиб, мотивлар тизими бевосита шахснинг меҳнатга, одамларга ва ўз - ўзига муносабатларидан келиб чиқади ва унданга характер хусусиятларини ҳам белгилайди. Уларнинг ҳар биримизда реал шартшароитларда намоён бўлишини бирор масъулиятли иш олдидан ўзимизни тутишимиз ва муваффакиятларга эришишимиз билан баҳоласак бўлади. Масалан, масъулиятли имтиҳон топшириш жараёнини олайлик. Баъзи талабалар имтиҳон олдидан жуда қайғурадилар, хаттоки, қўрқадилар ҳам. Улар учун имтиҳон топшириш жуда катта ташвишдай. Бошқалар эса бу жараёни босиқлик билан бошдан кечириб, ичидан хаяжонланаётган бўлсалар ҳам, буни бошқаларга билдирамайдилар. Яна учинчи тоифа кишилари умуман бегам бўлиб, сира койимайдилар. Табиий, шунга мувофиқ тарзда, ҳар бир тоифа вакиллари ишининг муваффакияти ва фаолиятнинг самараси турлича бўлади. Бунга ҳар бир шахсдаги даъвогарлик даражаси ҳам таъсир қиласди. Даъвогарлик даражаси юқорироқ бўлганлар билган - билмаганини исбот қилишга уринсалар, ана шундай даражаси пастлар бор билганини ҳам яхши айтиб беролмай, яна ўқитувчи билан тортишмайдилар ҳам.

Шунинг учун ҳам ҳар биримиз ижтимоий фаолият мотивларидан ташқари, шахсий хислатларимизни ҳам билишимиз ва онгли тарзда хулқимизни бошқара олишимиз керак.

**Мотивларнинг англанганлик даражаси: ижтимоий установка ва уни ўзгартириш муаммоси.** Юқорида таъкидлаганимиздек, мотивлар, яъни хатти-харакатларимизнинг сабаблари биз томонимиздан англаниши ёки англамаслиги қам мумкин. Юқорида келтирилган барча мисолларда ва холатларда мотив аниқ, яъни шахс нима учун у ёки бу турли фаолиятни амалга ошираётганлигини, нима сабабдан муваффакиятга эришаётганлиги ёки мағлубиятга учраганини билади. Лекин ҳар доим ҳам ижтимоий хулқимизнинг сабаблари бизга аён бўлавермайди. Англамаган ижтимоий хулқ мотивлари психологияда ижтимоий установка (инглизча “attitud”) ходисаси орқали тушунтирилади.

Ижтимоий установка шахснинг ижтимоий объектлар, ходисалар, гурухлар ва шахсларни идрок қилиш, баҳолаш ва қабул қилишга нисбатан шундай тайёргарлик холатики, у бу баҳо ёки муносабатнинг аслида қачон шаклланганлигини аниқ англамайди. Масалан, Ватанимизни ҳаммамиз севамиз, байроғимиз муқаддас, немис инвесторларга ишонамиз, негрларга раҳмимиз келади, тижорат ишлари билан шуғулланадиганларни албатта пулдор, бадавлат, деб ҳисоблаймиз ва хакозо. Бу тасаввурлар, баҳо ва хиссиётлар қачон ва қандай қилиб онгимизда ўрнашиб қолганлигига эътибор бермасдан юқорида санаб ўтган хиссиётларни бошдан кечираверамиз. Мана

шуларнинг барчаси ижтимоий установкалар бўлиб, уларнинг мазмун моҳияти аслида ҳар бир инсон ижтимоий тажрибаси давомида шаклланади ва узоқ муддатли хотирада сақланиб, конкрет вазиятларда рўёбга чиқади.

Америкалик олим Г. Оллпорт ижтимоий установканинг уч компонентли тизимини ишлаб чиқсан:

А. Когнитив компонент - установка объектига алоқадор билимлар, гоялар, тушунча ва тасаввурлар мажмуи;

Б. Аффектив компонент - установка объектига нисбатан субъект ҳис қиласидиган реал ҳиссиётлар (симпатия, антипатия, лоқайдлик каби эмоционал муносабатлар);

В. Харакат компоненти - субъектнинг объектга нисбатан реал шароитларда амалга ошириши мумкин бўлган қаракатлари мажмуи (хулқда намоён бўлиш).

Бу уччала компонентлар ўзаро бир - бирлари билан боғлиқ бўлиб, вазиятга қараб у ёки бу компонентнинг роли устиворроқ бўлиши мумкин. Шуни айтиш лозимки, компонентлараро монандлик бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, айрим талабалар талабалик бурчи ва тартиб - интизом билан жуда яхши таниш бўлсаларда, ҳар доим ҳам унга риоя қиласермайдилар. “Тасодифан дарс қолдириш”, “жамоатчилик жойларида тартибни бузиш” каби холатлар когнитив ва харакат компонентларида уйғунлик йўқлигини кўрсатади. Бу бир қарашда сўз ва иш бирлиги принципининг турли шахсларда турлича намоён бўлишини эслатади. Агар одам бир неча марта била туриб, ижтимоий хулққа зид харакат қилса, ва бу нарса бир неча марта қайтарилса, у бу холатга ўрганиб қолади ва установкага айланиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз ижтимоий нормалар ва санкциялар воситасида бундай қарама - қаршилик ва тафовут бўлмаслигига ёшларни ўргатиб боришимиш керак. Бу шахснинг истиқболи ва фаолиятининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

<b>7-МАВЗУ</b>	<b>Бўлғуси ўқитувчи шахси. Ўқитувчининг педагогик қобилиятлари.</b> Уқитувчи бола шахсини шакллантиради, маънавий, хаётий ва илмий эътиқодларни, кизикиш ва идеалларни шакллантиради. 1. Бўлғуси педагог олдига қўйиладиган асосий психологик талаблар. 2. Педагогнинг умуминсоний фазилатлари. 3. Ўқитувчининг махсус сифатлари. 4. Педагогик фаолиятнинг психологик хусусиятлари. 5. Педагогик қобилиятга умумий тушунча.
<b>Мақсад ва вазифалар Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	<b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. <b>Шакл:</b> аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш. <b>Восита:</b> тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар <b>Усул:</b> ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. <b>Назорат:</b> савол-жавоблар
<b>Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Маърузачи қисқа вақт ичida барча талabalар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талabalар фаоллигини оширади. Талabalardа дарсга нисбатан қизикиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади. <b>Талаба:</b> Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичida кўп маълумотга эга бўлади.. Педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни хаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.
<b>Кутиладиган натижалар</b>	
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	

## **7-МАВЗУ: Бўлгуси ўқитувчи шахси. Ўқитувчининг педагогик қобилиятлари.**

### **Режа:**

1. Бўлгуси педагог олдига қўйиладиган асосий психологик талаблар.
2. Педагогнинг умуминсоний фазилатлари.
3. Ўқитувчининг маҳсус сифатлари.
4. Педагогик фаолиятнинг психологик хусусиятлари.
5. Педагогик қобилиятга умумий тушунча.

Педагогик фаолият—бу укитувчининг укув жараёнидаги фаоллигидир.

Маълумки, укитувчи педагогик фаолиятнинг энг муҳим таянчи, функциясидир. У умумий таълимни ислоҳ килишда, ёш авлодни хар томонлама шакллантиришда муҳим рол уйнайди. Халқимиз улар қулига шириндан-шакар жигаргушаларини ишониб топширадилар. Укитувчи бола шахсини шакллантиради, маънавий, хаётий ва илмий эътиқодларни, кизикиш ва идеалларни шакллантиради. Умуман олганда, укитувчилар қулида ёш авлодимизнинг такдири ётади. Уларни баҳтли ва баҳтиёр, бадбаҳт ва ёмон булиши хам, олим ва золим булиши хам укитувчиларимизга боғлик. Шунинг учун хам укитувчи жамиятимизнинг етук угил кизларини тарбиялашда алоҳида урин эгаллади. Педагогик фаолият хамма фаолиятлар ичida узининг чукур инсоний мазмуни билан ажралиб туради. У узининг маъсулияти ва унинг юракдан хис кила билиши билан ахамиятлидир. Унинг мазмуни эса укитувчи шахсининг фаолияти мотивлари билан белгиланади. Агар бу мотивлар таълим-тарбия жараёнида узокни кузлаган, маълум ижобий максадларга қаратилган булса - бу олийжаноб идеалларнинг пайдо булишига, укитувчини бола калбига чукуррок киришига, изланишига, янги билимлар системасини болаларимизга сингдиришига, уларда укишга, меҳнатга нисбатан ижобий, онгли муносабатларни тарбиялашга олиб келади ва аксинча....

Педагогик фаолият мотивларининг мазмуни таълим-тарбия ишини муваффакиятини белгиловчи омил хисобланади.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш ва уни кайта куриш укитувчи шахси олдига катта вазифалар ва талаблар куяди.

1. Укитувчи узининг соглом дунёкараши, аник инсоний йуналиши, гоявий-сиёсий эътиқодининг юксак даражада эканлиги, уз вазифасини вижданан бажариши;

2. Болаларга, педагогик меҳнатга меҳр куйиши, болалар жамоаси билан ишлаш ва бирга булишга мойиллиги;

3. Тарбиявий ишларнинг сифатига ахамият бериш ва уларни хаётга эътиқодли килиб тарбиялаш;

4. Укувчилар, ота-оналар ва турли миллатлар орасидаги ижобий ва самимий муносабатларни урнатилиши;

5. Таълим жараёнини такомиллаштириш, унда укувчиларни билиш ва фикр юритиш жараёнини фаоллаштириш. Мустакил, фаол ва ижодий тафаккурни шакллантириш;

6. Таълим жараёнида укувчиларни махсус ва умумий кобилияларини шакллантириш;

7. Ёшларни меҳнатга нисбатан онгли муносабатда булишини шакллантириш малакасига эга булиш;

8. Таълимнинг мазмунини такомиллаштириш ва интенсивлантиришда уни янги, самарали методларини кидириб топиш ва ундан фойдаланиш;

9. Таълим-тарбиянинг эффектив йулларини топа билиш. Укувчиларнинг психологик кобилияларини тушуниш ва унга караб индивидуал муносабатда булиш;

10. Укувчиларни хозирги замон талабига биноан тарбиялаш, уз миллатининг урф-одатлари, ахлоклари руҳида шакллантириш каби катор вазифаларни хал кила оладиган булмоги лозимдир.

Бу вазифаларни хал килиш турли вазиятларда турлича булиши мумкин.

1-вазиятда: укитувчининг профессионал билимларни эгаллаши, уз устида самарали ишлаши, фан янгиликларидан фойдаланиши, изланиши, уз билимларини мустакил равишда амалга тадбик кила олиши билан ;

2-вазият: укитувчининг мустакил, фаол, ижодий иш кура билишига:

3-вазиятда: укувчилар фаолиятини анализ килиши, унинг ижобий ва салбий томонларини урганиш, улардан уз ишида фойдаланиш ёки танкидий карашга булган муносабатида;

4-вазият: укитувчининг таълим-тарбия ишида содир булган камчиликлар ва уларга булган муносабатлари, яъни уларни бартараф кила олиши ёки сабр-каноат билан ишлаш кобилиятнинг турлича булиши.

5-вазият: укитувчининг укувчи шахсини турлича шакллантиришига, уларда билим, малака ва куникмаларни хосил килишга булган муносабати уни хар томонлама келгуси фаолиятга тайёргарлик даражаси билан боғлиқдир. Бу вазиятлар укитувчининг педагогик фаолияти мазмунини ташкил киласи.

Агар педагогик фаолият: 1-дан, педагогик йуналишнинг активлигини; 2-дан, ижтимоий буюртмаларни кандай бажарилишини, 3-дан, шахсни уз ичига олади. Педагогик фаолият бошқа фоалиятлар орасида энг мураккаб ва таълим-тарбия беришдан олий максадга каратилган фаолиятдир. Шунинг учун бу фаолиятнинг тури, тузилиши хам укитувчи шахси олдига куйилган ижтимоий талабларнинг канчалик мураккаблигини курсатиши мумкин.

Педагогик фаолият турларига:

Таълимий фаолият.

Тарбиявий фаолият.

Ташкилотчилик фаолияти.

Ташвиқотчилик фаолият.

Уз устида ишлаш фаолияти

Маслаҳат бериш, болаларга йул-йурик курсатиш фаолияти.

Педагогик фаолият структурасига:

таълим-тарбиявий ишларнинг максад ва вазифаларининг мотивларини аниклаш;

укувчиларга таълим-тарбиявий таъсир курсатиш усулларини танлай олиш;

укувчиларни назорат килиш ва уларнинг фаолияти, билимларини баҳолай олиш киради.

Педагогик фаолиятнинг бу структурасида бевосита унинг компонентлари:

- 1) конструктив,
- 2) ташкилотчилик,

3) коммуникатив фаолиятлар ётади. Чунки, таълим-тарбиянинг максад ва вазифаларининг мотивларини белгилаш, унга таъсир этувчи усулларни танлаб олиш, куллаш; укувчиларни назорат килиш ва билимларни баҳолаш бевосита укитувчининг конструктив, яъни таълим жараёнини ташкил этишга, унинг ташкилотчилиги ва таълимни бошкариши, укувчилар билан узаро муносабати ва уларнинг билимлари, имкониятларини баҳолай олишига, укувчилар калбига кира олишига баглийдир.

Конструктив компонент - укитувчининг дарс(машгулот) ва дарс(машгулот)дан ташкари буладиган тарбиявий ишларни ишлаб чикиш, унга тегишли булган усуллар ёки методларни танлай билиши, укувчиларга чукур билим бера олиши, дарсни фаоллаштириши ва интенсивлаштириш (тезлатиш) йулларини, муаммоли вазиятларни пайдо кила олиш ва уни укувчилар олдига куя билишдаги фаолият компонентидир.

Педагогик фаолиятнинг бу компоненти мактабни ислоҳ килиш жараёнида жамиятимиз хаёти, ривожи учун зарур булган комил инсонни тарбиялашда укитувчилар олдига улкан талабларни куяди.

Ташкилотчилик компоненти - бу компонент конструктив компонент билан баглик булиб, у бутун укув фаолияти ва тарбиявий ишларни ташкил килиш малакасидан иборатdir.

Ташкилотчилик фаолиятида уч йуналиш:

Баён этиш,

Уз хулкини дарс ва тарбиявий ишларда ташкил кила билиш, бошкариш.

Укувчилар фаолиятини ташкил килиш асосида амалга ошади.

Укув ва билиш фаолиятини ташкил килишда укувчиларнинг индивидуал иш фаолиятини ташкил килиш, жамоа фаолиятини, ота-оналар ва мактабга ёрдам берадиган ташкилотлар ишини бошкариш хам шу фаолиятнинг иш мазмунини ташкил этади.

Коммуникатив фаолият - бу фаолият укитувчининг укувчилар, ота-оналар ва мактаб маъмурияти билан узаро муносабатларини уз ичига олади. Укитувчи билан укувчилар орасидаги муносабат укув фаолиятининг мазмунини кандай булишини белгилайди.

Айникса, бошлангич синф укувчилари укитувчини асосан, билим даражасига караб эмас, балки унинг сахийлиги, диккат-эътибори, эмоционал муносабатларига караб баҳолайди.

Укитувчининг укувчиларга булган эмоционал муносабатларини 5 типга ажратиш мумкин: 1) эмоционал-ижобий фаоллик,  
2) эмоционал-ижобий пассивлик,  
3) эмоционал-салбий фаоллик,  
4) эмоционал-салбий пассивлик ,  
5) мувозанатсизлик.....

Бундай муносабатнинг хар бири болага таъсир курсатади ва узаро муносабатларнинг мазмунини, сифати ташкил килади. Укувчилар шу муносабатларга турлича берилишларида уларни укишга, меҳнатга булган турли муносабатлари шаклланади.

III. Хар бир шахснинг узига хос хусусияти мавжуд. Хар бир шахснинг ижобий ва салбий хусусиятлари хам мавжуд. Аммо миллий мактаб укитувчиси шахсининг узига хос хусусиятлари ва сифатлари, кобилияtlари, менимча, хам бошка кишиларнидан фарқ килмоги, у иложи борича бола учун, укувчи (талаба) учун идеал булмоги, унга таклид килишига муносаб булмоги лозим. Чунки укитувчи кулида булгуси инсоннинг тақдири ётади (буни кайтариб тақрорлайман). Укитувчи шахсининг профессионал, яъни касбга йуналувчи сифатлари, аввало, унинг билим ва билим беришга булган эҳтиёжи, истеъодод ва кобилияти, ахлоқий сифатлари: ҳакконийлиги принципиаллиги, талабчанлиги, меҳрибонлиги, уз бурчини хис килишидир. Укитувчининг профессионал аҳамиятга эга булган мухим сифатлари - болани севиши, укувчининг ички дунёсини тушунишга кобилятилиги, уларга максадга мувоғик педагогик таъсир курсатиши, укувчининг айни пайтдаги (хозирги) психологик холатини тушуниб, ёш хамда индивидуал хусусиятларини хисобга олиб иш куришидир.

Рус ёзувчиси А. М. Горький ажойиб совет педагоги А.С. Макаренко хакида гапириб: «У, болаларга булган чинакам меҳр утида ёнар эди» деган. Болаларга нисбатан хушёрлик меҳрибонлик, самимиyлик, сузсиз севиши машхур педагог В. А. Сухомлинскийнинг энг ажойиб хислатлари эди, унинг узи хам, калбининг болаларга булган меҳри лиммо-лим тулганлиги хакида ёзиб бундай деган эди: «Мамлакатимиздаги барча болаларни багримга босгим ва эркалагим келади» ( Тарбия хакида, деган китобидан. 1963).

Укитувчи узининг соглом дунёкараши, аник йуналиши, гоявий-сиёсий эътиқодининг юксаклиги билан бошқалардан ажралиб турмоги лозим. Укувчиларга, педагогик меҳнатга меҳр куйиш, болалар жамоаси билан ишлаш ва бирга булишга мойиллиги, укитувчи ва укувчилар орасидаги узаро тугри муносабатда булиш хам унинг мухим хислатидир ва таълим тарбиянинг муваффакиятли белгилайдиган мухим омил хамдир.

Юкорида санаб утилган бу сифатларни хар бир талаба узида кандай шакллангалигини хис килиб курмоги мухимдир.

Яхши, олийжаноб педагог булиши учун бу етмайди. Педагог юкоридаги купгина сифатлар билан бирга узининг профессионал фаолияти мотивларини англаганлиги мухимдир. Укитувчининг профессионал мотивлари бошка мотивлар каби мураккаб тузилишга эгадир. Бунга аввало, укитувчи касбини танлаш мотиви киради: 1) укитувчи меҳнат жараёнида

пайдо буладиган мотивлар 2) педагог фаолиятини такомиллаштирадиган мотивлар. Ушбу мотивлар уз бурчини, маъсулиятини, хис килишда ватанпарварлик ва интернационализм туйгулари асосида бевосита шаклланади.

Педагогик касбни танлаш мотиви болалар билан ишлашга кизикиш, укитувчилариға таклид килиш, ташкилотчилик кобилияти булишни уз ичига олади. Педагогик касбни танлаш мотиви педагогик кобилият жараёнида, педагогика коллежи, педагогика институтлари ва университетларда укиш давомида хосил булади. Бунда укитувчи ва мураббийларнинг роли нихоятда катта.

Булгуси укитувчи нима учун бу касбни танлашни билмоги, уни хис килмоги, керак(тусатдан пединститутга кириш ва турли сабаблар...) чунки педагогик касбга булган йуналиш, педагогик кобилиятни шаклланишига сабаб булади.

Педагогик кобилият - бу шахснинг аклий, эмоционал-иродавий хислатларини ифодалаш педагогик фаолиятга кизикиш, интилиш, изланиш хусусиятидир.

Психологлардан Ф.Н.Гоноболин, Н.В.Кузмина, Н.Д. Левитова И.В.Страховлар педагогик кобилиятнинг куп киррали эканлигини курсатиб бердилар. Улар укитувчи булиш учун кандайdir бир ёки бир неча сифатлар етарли эмаслигини ва укитувчи куйидаги кобилиятларга эга булишини, ёки педагогик кобилият структурасига кирадиган кобилиятларни курсатиб бердилар. Буларга:

Дидактик кобилият- укитувчининг укувчиларга янги билимларни, информаяцияларни тушунарли килиб баён килиши

Академик кобилият - укитувчининг узи укитадиган предметига оид ва унга бевосита керак булган фанларни билишга булган кобилияти (М.Математик –геометрия, алгебра, астрономия, физика...)

Перцептив кобилият - укитувчининг укувчиларга хос хусусиятларни, уларнинг кизикишлари ва имкониятларини билган холда уларнинг калбига, ички дунёсига кириш кобилияти.

Нутк кобилияти –укитувчининг укув материалини аник, равон ва тушунарли баён кила билиш кобилияти. Нутк ёрдамида ва пантомимика воситасида уз хис-туйгуларини тушунтира билиш кобилиядир.

Ташкилотчилик кобилияти – бу укувчиларнинг кизикишлари, идеаллари, йуналишлари дунёкарашларини хисобга олиб, таълим- тарбия ишларини ташкил килиш, укувчиларни жипслаштириш, жамоани уюштира олиш, уз шахсий ишини ташкил кила олиш кобилиядир.

Авторитар кобилият - укувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир курсатиш, улар орасида, педагогик жамоа уртасида обру козона олиш кобилияти бир. Узининг талабчанлиги, самимийлиги, одиллиги билан жамоа орасида ажралиб туриш кобилиядир.

Коммуникатив кобилият - бу укитувчининг укувчилар билан тугри муносабат урната олиши, укувчиларга тугри ёндашиш йулини топа

билиши, узаро самимий муносабатлар урната олиш, улар билан бирга хамнафас булиш кобилиятидир.

Педагогик хаёл – хам педагогик кобилият таркибига киради. Укитувчи узи таълим-тарбия бераётган укувчинини кандай характерли хусусиятга эгалигига караб, уни келгусида ким ва кандай инсон булишини била оладиган, унда кандай фазилатлар шаклланиши мумкинлиги олдиндан айтиб бера оладиган кобилиятидир.

Диккатни ташкил кила билиш кобилияти – бу – (Крутецкийнинг «Пед.психологиянинг асослари» китобида Страхов И.В буни – диккатни таксимлаш кобилияти – деб курсатади) – укитувчини уз ва укитувчилар диккатини ташкил кила билиш, укувчиларнинг турли хилдаги диккат турлари холатларидан фойдалана олиш, уз диккатини дарс жараёнида таксимлай олиш ва унда бирор керакли объектни, укувчини диккат эътиборидан тушириб колдирмаслик кобилиятидир. Укитувчи шу кобилиятга эга булгандагина, у таълим жараёнини муваффакиятли уюштира олади.

(Талабаларга савол: Сизда кандай педагогик кобилиятлар мавжуд? Бу кобилиятларни кандай шакллантириш мумкин. Бахс.)

Педагогик кобилиятларни шакллантириш учун: 1) талаба ёки укитувчи тинмай уз устида ишлаши, машк килиши, 2) изланиши, 3) таълимнинг самарали методларидан фойдаланиши, 4) педагогик фаолиятда хамма вакт фаол иштирок этиши, 5) укитувчиларнинг дарсларига кириб, тахлил килиб, ундан узига тегишли хуносалар чикариб олиши, 6) фаолият жараёнида пайдо буладиган кийинчиликларга бардош бериши, тусикларни бартараф килиши, 7) уз олдига куйган олий максадни кулга киритишга доимо интилиши ва яна, яна изланиши, 8) болани уз боласи жигаргушаси каби севиши лозим, 9) кузатувчанликни ривожлантириши ва х.к.

III. Укув фаолияти самарадорлигини таъминлашда укитувчилар билан укувчилар орасидаги психолого-педагогик масалалар мухимdir.

Укитувчи билан укувчи орасидаги узаро муносабат аввало, укитувчининг ёшлик ва индивидуал муносабатларини хисобга олган холда булишга асосланиши лозим. Бунинг учун бошлангич синф укувчиси I-синфга келган укувчиларни бояга давридаги хусусиятларни билиши, укувчига сездирмаган холда ундаги салбий хусусиятларни олдини олиши, самимий муносабатлар асосида унинг фикрларини билиб олиши ва унга озор бермаган холда таъсир курсатиш талаб килинади. Бу уринда укитувчининг педагогик одоби катта ахамиятга эга.

Педагогик одоб нима?

Педагогик одоб - бу узини педагогик жамоа ва укувчилар жамоаси орасида тута билиши, уз маъсулиятини хис килган холда педагогик фаолиятга муносабатда булиш, укитувчининг укитувчилар хамда укувчилар билан тугри ва самимий муносабатда булиши, укувчи шахсини хурмат килиши, ахлок коидаларига риоя килган холда иш куриши, уларга гамхур булишдир.

Буюк рус педагоги К.Д. Ушинский педагогик одоб хакида шундай деб ёзади: « Мактабда хазилга йул куювчи жиддийлик хукм суриши лозим,

аммо хамма иш хазилга, эрмакка, сертакаллуфликка, адолат тирнок ичидан кир излашга, яхшилик мулойимликка, тартиб бачканаликка айланиб кетмаслиги керак. » ( О классной дисциплине, II- томах , I том. 1953 г. 160 стр )

Педагог укувчига таъсир курсатувчи энг самарали усулларни топа олиши, тарбиявий таъсир усулларини қуллашда педагогик нуктаи –назардан энг яхши чорага риоя кила билиши, конкрет педагогик вазифани, укувчи шахсининг хусусият ва имкониятларини ва муайян педагогик вазиятни хисобга олиб иш куриши максадга мувофикдир.

Укувчилар билан булган муносабатда ва исталган педагогик таъсирни қуллашда меъёрни сезиш, арзимаган иш учун кескин, купол ва укувчини хафа киладиган даражада танбех бериш, укувчиларда норозилик, хафагарчилик пайдо килиш хам хакикий педагогнинг иши эмас.

Укувчилар билан булган муносабатда укитувчини адолатлилиги алоҳида урин эгаллади. Адолатли муносабат укувчиларни укитувчига якинлаштиради. Унинг обрусини оширади ва бундай укитувчига нисбатан укувчиларда хурмат хисси уйгонади. Адолатсизлик – купинча(хамма вакт) ёмон окибатларга олиб келади ва бундай сифат умуман укитувчига ёт булиши керак.

Укувчилар укитувчини бушанглигини, лакмалигини принципсизлигини, иродасизлигини ёктирмайдилар. Укувчилар куполлик билан мажбур килмасдан, куркмасдан, шунингдек кераксиз расмиятчиликсиз талаб кила оладиган, шу йул билан уз максадига эриша оладиган укитувчиларни жуда хурмат киладилар.

Демак, укитувчи билан укувчилар орасидаги узаро самими муносабат, бир-бирини тушунган холда иш куриш, укувчининг психологик хусусиятларини эътиборга олиб уни баҳолаш, педагогик баҳога нисбатан одиллик, бола шахсиятини хакоратламай иш куриш педагогик одоб ва муносабатларнинг асосини ташкил килади. Укитувчи узаро муносабатларни бошкариш учун аввало, мана шу муносабатнинг сабаби ва характерини булиши шарт. Шунинг учун хам хозирги кунда рус психологлари (Я.Л. Коломинский, В.М. Галузинский ва бошк.) укитувчи ва укувчилар орасидаги муносабатларни характери масаласини урганиб, унда укувчи хакида хulosса чикишига шошилмаслик, уни турли фаолиятлар процессида кузатиш, дангаса, интизомсиз укувчиларнинг ички дунёсини тушуниб, уларни кизикиш ва идеяларини, психологик йуналишини, дунёкараш ва эътиодларини билиб, унга таъсир курсатиш ва унда самимиликка – бу оркали жиддий ва талабчанликка эътибор берган холда муомала килиш максадга мувофиқлигини курсатиб бердилар.

Укитувчининг укувчилар билан буладиган муомала услуби шундай булиши лозим. У керак ва керак булмаган ишга аралашмаслик, мактаб хаётидаги ишлар, турли хил холатларга нисбатан сабр, чидам билан муносабатда булиши, болаларни ишларига иложи борича аралашмаслик, у ёки бу тадбирларни ташкил килишда ташаббус курсатавермасликдан иборатдир(ташаббус болалардан чикиши керак). Укитувчи мактаб

маъмуриятининг юкоридан, мактаб укитувчиларининг «пастрок»дан буладиган кургазмаларга кур-курона берилавермаслиги лозим. Акс холда укитувчи янгиликка, мустакилликка интила олмайди.

Хар кандай иш фаолиятида у узининг педагогик билим ва малакаларидан фойдаланадиган ва уни амалга, мактаб хаётига татбик киладиган булмоги лозим.

Укитувчи укувчиларга психолого-педагогик тавсифнома тузишда хам укувчиларни хар томонлама урганиши, оилавий шароити билан танишиши, унинг укишга ва предметларни урганишга, узлаштиришга булган муносабатларини; идрок, хотира ва тафаккур хусусиятларини, меҳнатга булган (онгли, ижобий ёки акси) муносабатини билиши; укувчининг характер хислатлари, темпераменти ва маҳсус кобилияти хусусиятларини аник билган холда ёзиши лозим. Тавсифнома объектив характерга эга булиши ва ундан келгусида бошка укитувчилар фойдаланиш имкониятига эга булишини назарда тутиб ёзилиши шарт.

Укувчи шахсини баҳолаш укитувчининг одоби, педагогик тактига боғлиқдир. Педагогик тант (лот. *tastus* – тегиши, сезиши, одоб) атрофдаги кишилар билан муомала ва муносабатда булишда меъёр хиссига риоя килишдан иборат ахлок нормасидир. Тант – шахснинг аклий хамда ахлокий камолат даражасини курсатувчи мезон хисобланади. Демак, укувчи шахсини баҳолашда укитувчи ахлок меъёридан четга чикмаслиги талаб этилади.

Мактабни ислоҳ килиш шароитида укитувчининг уз устида ишлаши алоҳида аҳамиятга эгадир. Психологик нуктаи назардан укитувчи уз устида тинмай ишлаши, узининг билим ва малакаларини кенгайтириб бориши унинг фаолиятини асосини ташкил килади. Чунки: 1) уз устида ишлаш, янгиликлар излаш укитувчи олдига куйган вазифани ҳакконийлигини очиб бериш; 2) укувчига янги информаялар бериш билан бирга, унда шунга нисбатан кизикишлар уйготиш, авваллари олган билимларга солиштириб куриш; 3) уз касбига йуналишни шакллантириш имконини беради.

Уз устида ишлаш оркали укитувчи уни педагогик фаолиятга татбик килади. Уз устида ишлаш укитувчи шахсининг касбга йуналтирилган фаолиятини мазмун ва сифат жихатидан кайта куришга, умумий-сиёсий билимларини такомиллаштиришга, фан соҳасидаги янгиликларни билиш ва уни хаётга татбик этишга, маданий хаётимиздаги янгиликлар билан танишишга олиб келади.

Укитувчининг уз устида ишлаши, изланишининг конкрет мазмуни ва шакли бир канча нарсаларга боғлиқ: ёшга, педагогик тажрибага, яшаш шароитига, укитаётган преметига, кизикишларига, укувчиларнинг билим ва тайёргарлик даражасига боғлиқдир.

Шуни айтиш керакки, «интилганга толе ёр» дейишганидек, укитувчи изланса, уз устида ишласа у доимо олийжаноб укитувчи булиши мумкин.

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

<b>9-МАВЗУ</b>	<b>Талабалар шахсини ўрганиш методлари.</b>
<b>Мақсад ва вазифалар</b>	Талаба шахсини характеристи, қобилиятлари, темпераменти, фаолият мотивацияси ва бошқаларга алоқадор сифатлари билан батафсил маълумот бериш.
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Олий мактабда шахсни ўрганиш имкониятлари.</li><li>2. Шахсни ўрганиш методларининг классификацияси.</li><li>3. Талабалар шахсини тадқиқ қилишда қўлланиладиган асосий методикалар.</li><li>4. Талабада шахс хусусиятларини шаклланганлик даражаси.</li><li>5. Шахс билан олиб бориладиган коррекцион ишлар.</li></ol>
<b>Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси</b>	<b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. <b>Шакл:</b> аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш. <b>Восита:</b> тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар <b>Усул:</b> ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. <b>Назорат:</b> савол-жавоблар
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Маърузачи қисқа вақт ичida барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади. <b>Талаба:</b> Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичida кўп маълумотга эга бўлади.. Педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	

## **9 – мавзу: Талабалар шахсини ўрганиш методлари.**

### **Режа:**

1. Олий мактабда шахсни ўрганиш имкониятлари.
2. Шахсни ўрганиш методларининг классификацияси.
3. Талабалар шахсини тадқиқ қилишда қўлланиладиган асосий методикалар.
4. Талабада шахс хусусиятларини шаклланганлик даражаси.
5. Шахс билан олиб бориладиган коррекцион ишлар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир шахс ўзига хос қайтарилилмас дунё. Дунёда бир - бирига айнан ўҳашаш бўлган икки кишини топиш жуда мушкул. Одам ташқи қиёфаси, бўйи - бости билан бошқа бирор кимсага ўхшаши мумкин, лекин феъли, мижози ва шахс сифатидаги хусусиятлари нуқтаи назаридан айнан бир хил инсонлар бўлмайди. ҳаттоқи, олимлар битта тухумда ривожланган эгизакларда ҳам жуда қўп жиҳатдан айнан ўхшашликни қайд қилишган, шахсий сифатларидаги корреляцияда эса баъзи тафовутлар аниқланган.

Шахс - қайтарилилмас, у ўз сифатлари ва борлиги билан ноёбdir. Ана шу қайтарилилмаслик ва ноёбликнинг асосида унинг индивидуал психологияк хусусиятлари мажмуи ётади. Шу ўринда биз юқорида таъриф берган шахс тушунчаси билан ёнма - ён ишлатиладиган яна икки тушунчага изоҳ бериш ўринли деб ҳисоблаймиз. Бу - “индивидуид” ва “индивидуаллик” тушунчаларидир. “*Индивид*” тушунчаси умуман “одам” деган тушунчани тўлдириб, унинг ижтимоий ва биологик мавжудот сифатида мавжудлигини тасдиқлайди ва уни бир томондан, бошқа одамлардан фарқловчи белги ва хусусиятларини ўз ичига олади, иккинчи томондан, ўзига ва ўзига ўхшашларга хос бўлган умумий ва характерли хусусиятларни қамраб олади. Демак, индивид - инсонга алоқадорлик фактини тасдиқловчи илмий категориядир.

“*Индивидуаллик*” - юқоридаги иккала тушунчага нисбатан торроқ тушунча бўлиб, у конкрет одамни бошқа бир конкрет одамдан фарқловчи барча ўзига хос хусусиятлар мажмуини ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан шахс тизимини таҳлил қиласидиган бўлсак, шахснинг индивидуаллигига унинг қобилиятлари, темпераменти, характери, иродавий сифатлари, эмоциялари, хулқига хос мотивация ва ижтимоий установкалари киради. Айнан шу қайд этиб ўтилган категориялар шахсдаги индивидуаллилкни таъминловчи категориялардир. Унинг маъноси шундаки, бўйи, эни, ёши, сочининг ранги, кўз қарашлари, бармоқ харакатлари ва шунга ўхшаш сифатлари бир хил бўлган инсонларни топиш мумкин, лекин характери, қобилиятлари, темпераменти, фаолият мотивацияси ва бошқаларга алоқадор сифатлари мажмуи бир хил бўлган одамни топиб бўлмайди. Улар - индивидуалдир.

Қобилиятлар - шахсдаги шундай индивидуал, турғун сифатларки, улар одамнинг турли хил фаолиятдаги кўрсатгичлари, ютуқлари ва кийинчиликлари сабабларини тушунтириб беради.

*Темперамент* - инсоннинг турли вазиятларда нарса, қодиса, холатлар ва инсонларнинг хатти-харакатларига нисбатан реакциясини тушунтириб берувчи хусусиятлари мажмуудир.

*Характер* - шахснинг алоҳида инсонлар ва инсонлар гурухи, ўз - ўзига, вазиятлар, нарсалар ва ҳодисаларга нисбатан муносабатларидан орттирадиган сифатларини ўз ичига олади.

*Иродавий сифатлар* - ҳар биримизнинг ўз олдимиизга мақсад қўйиб, унга эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишимизни таъминловчи маълум сифатларимиз мажмuinи ўз ичига олади.

*Эмоциялар ва мотивация* эса атрофимизда содир бўлаётган ҳодисалар, бизни ўраб турган одамлар ва уларнинг хатти-қаракатларини руқан қандай қабул қилиб, уларга билдирадиган қиссий муносабатларимизни билдирувчи сифатларимиз бўлиб, улар айни вазиятлардаги реал холатларимиздан ва уларнинг онгимизда акс этишидан келиб чиқади.

*Ижтимоий установка* - юқоридаги барча хусусиятлар комплексига эга инсоннинг турли ижтимоий вазиятлардаги фаолият ва харакатларга рухан ҳозирлиги ва муносабат билдириш услубидан келиб чиқадиган чуқур ички холатидир.

Биз юқорида санаб ўтган индивидуал психологик хусусиятларнинг аҳамияти катта. Улар бизнинг жамиятдаги ўрнимиз, обрў - эътиборимиз, ишдаги ва ўқищдаги ютуқларимиз, инсон сифатидаги киёфамизни, ким эканлигимизни, керак бўлса, ўзлигимизни белгилайди. Ким билан қаерда учрашмайлик, ўша инсоннинг бугунги холати, кайфияти, бизга ва биз билдираётган фикрларга муносабати, ҳамкорликда ишлаш тилак - истакларига доимо эътибор берамиз ва бу масала биз учун муҳим бўлади. Ҳудди шундай сұхбатдош ҳам сұхбатнинг бошиданоқ, бизни ўргана бошлайди. Чунки агар сұхбатдошлар бир - бирларини билсалар биргаликдаги фаолиятни самарали ташкил этиш ва ундан фойда олиш имконияти кўпроқ бўлади. Шунинг учун ҳам ишда ҳам, дам олишга отланган чоғда ҳам, қаерда бўлса ҳам ўзимизга “қўшни” танлаганда унинг инсон сифатида қандай эканлигига қизиқамиз. Агар сұхбатдош ёки шерик бизга таниш бўлмаса, уни таниганлардан олдиндан сўраб ҳам оламиз ва бунда айнан унинг нимага қобиллиги, феъли, ишга, одамларга муносабатини сўраймиз ва хоҳлаймизки, у тўғрисида “Жуда хушфеъл, одамгир ...”каби таснифларни эшитгимиз келади. Бирор ерга ишга кираётган пайтда ҳам раҳбар албатта ўзига яқин одамлардан янги ходимнинг характерини, қобилиятини ва муҳим нарсаларга муносабатини албатта сўрайди ва шу асосда сұхбатга тайёрланади.

Демак, индивидуал сифатлар бизнинг онгли ҳаётимизнинг ажралмас қисми, идрокимиз, хотирамиз ва фикрларимиз йўналтирилган муҳим предмет экан. Чунки айнан улар бизнинг турли фаолиятларни амалга ошириш ва ишларни бажаришдаги индивидуал услубимизга бевосита алоқадор. Кимdir жуда чақон, тез иш қиласи, лекин сифатсиз. Кимdir жуда яхши қойилмақом иш қиласи, лекин жуда секин, кимdir ишга юзаки қараб, номига уни бажарса, бошқа бир одам унга бутун вужуди ва эътиқоди билан муносабатда бўлиб, тинимсиз изланади ва жамият учун манфаат қидиради. Шунинг учун

ҳам индивидуалликнинг фаолият ва мулоқотдаги самарасини инобатга олиб, энг мухим индивидуал - психологик хусусиятларни алоҳида ўрганамиз.

**Шахс иқтидори ва қобилияtlар диагностикаси.** Одамларнинг ўкув, меҳнат ва ижодий фаолиятидаги ўзига хосликни тушунтириш учун психология фани биринчи навбатда қобилияtlар ва иқтидор масаласига мурожаат қиласди. Чунки қобилияtlи одамдан аввало жамият манфаатдор, қолаверса, ўша инсоннинг ўзи ҳам қилган ҳар бир харакатидан ўзи учун наф кўради.

Қобилияtlар муаммоси энг аввало инсон ақлу - заковатининг сифати, ундаги малака, кўникма ва билимларнинг борлиги масаласи билан боғлик. Айниқса, бирор қасбнинг эгаси бўлиш истагидаги ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салоҳияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишишини кафолатлагани учун ҳам психологияда кўпроқ қобилият тушунчаси ақл заковат тушунчаси билан боғлаб ўрганилади. ҳар бир нормал одам ўзининг ақлли бўлишини хоҳлайди, “Мен ақллиман” демаса-да, қилган барча ишлари, гапирган гапи, юритган мулоҳазаси билан айнан шу сифат билан одамлар уни мақташларини хоҳлайди. “Ақлсиз, нодон” деган сифат эса ҳар қандай одамни, хаттоки, ёш болани ҳам ҳафа қиласди. Яна шу нарса характерлики, айниқса, бизнинг шарқ ҳалқларида бирор кимсага нисбатан “ўта ақлли” ёки “ўта нодон” иборалари ҳам ишлатилмайди, биз бу хусусиятларни ўртача таснифлар доирасида ишлатамиз: “Фалончининг ўғли анчагина ақлли бўлиби, наригининг фарзанди эса бироз нодон бўлиб, ота - онасини куйдираётган эмиш” деган иборалар аслида “акллилик” категорияси инсоннинг юрагига яқин энг нозик сифатларига алоқадорлигини билдиради.

Илм - фандаги анъаналар шундайки, ақл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлик сифатлар жуда кўплаб тадқиқотлар обьекти бўлган. Олимлар қобилияtlарнинг ривожланиш механизmlари, уларнинг психологик таркиби ва тизимини аниқлашга, ишончли методикалар яратиб, ҳар бир кишининг ақли сифатига алоқадор бўлган кўрсатгични ўлчашга уринганлар. Кўпчилик олимлар одам интеллектида унинг вербал (яни сўзларда ифодаланадиган), миқдорий (сонларда ифодаланадиган), фазовий кўрсатгичларни аниқлаб, уларга яна мантиқ, хотира ва ҳаёл жараёнлари билан боғлик жиҳатларни ҳам қўшганлар.

Ч. Спирмен факториал анализ методи ёрдамида юқорида санаб ўтилган кўрсатгичлар ўртасида боғлиқлик борлигини исбот қилиб, ақлнинг ҳақиқатан ҳам мураккаб тузилмага эга бўлган психик хусусият эканлигини кўрсатди. Бошқа бир олим Дж. Гильфорд эса ақлни бир қатор ақлий операциялар (анализ, синтез, таққослаш, мавхумлаштириш, умумлаштириш, системага солиш, классификация қилиш) натижасида намоён бўладиган хусусият сифатида ўрганишни таклиф этган. Бу олимлар ақл сўзидан қўра интеллект сўзини кўпроқ ишлатиб, бу сўзининг ўзига хос талқини борлигига эътиборни қаратганлар. Чунки уларнинг фикрича, интеллектуал потенциалга эга бўлган шахснигина қобилияtlи, деб аташ мумкин. Интеллектуал потенциал эса бир томондан ҳаётдаги барча жараёнларга, бошқа томондан - шахсга бевосита алоқадор тушунча сифатида қаралган ва унинг аҳамияти шундаки, у

борлиқни ва бўладиган ходисаларни олдиндан башорат қилишга имкон беради. Шу ўринда “интеллект” сўзининг лўғавий маъносини тушуниб олайлик. Интеллект - лотинча сўз - intellectus - тушуниш, билиш ва intellectum - ақл сўzlари негизидан пайдо бўлган тушунча бўлиб, у ақл - идрокнинг шундай бўлагики, уни ўлчаб, ўзгартириб, ривожлантириб бўлади. Бу - интеллект ва у билан боғлиқ қобилиятлар ижтимоий характерга эга эканлигидан дарак беради. Дарҳакиқат, қобилиятлар ва интеллектга бевосита ташки муҳит, ундаги инсоний муносабатлар, яшаш даври таъсир кўрсатади. Буни биз бугунги кунимиз мисолида ҳам кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Янги авлод вакиллари - келажагини XX1 аср билан боғлаган ўғил-қизларнинг интеллект даражаси уларнинг ота - боболариникидан анча юқори. Ҳозирги болалар компьютер техникасидан тортиб, техниканинг барча турлари жуда тез ўзлаштириб олмоқда, жаҳон тилларидан бир нечтаси билиш кўпчилик учун муаммо бўлмай қолди, минглаб топшириқлардан иборат тестларни ҳам ёшлар ўзлаштиришда қийналмаяптилар. Қолаверса, оила муҳитининг ақл ўсишига таъсирини ҳамма билса керак. Агар бола оиласида илк ёшлигидан маърифий муҳитда тарбияланса, унинг дуннёқараши кенг, хоҳлаган соҳа предметларидан бериладиган материалларни жуда тез ва қийинчиликсиз ўзлаштира олади. ҳаттоқи, бундай болага олий ўқув юритида бериладиган айrim предметлар мазмuni ҳам ўта тушунарли, улар янада мураккаброқ масалаларни ечишни хоҳлайди.

**Қобилиятлардаги туғма ва орттирилган сифатлар.** Баъзан ўта иқтидорли ва қобилиятли бола ҳақида гап кетса, ундаги бу сифат туғма эканлигига ишора қилишади. Талантли, гениал олим, санъаткор ёки мутахассис ҳақида гап кетса ҳам худди шундай. Умуман қобилиятларнинг туғма ёки орттирилган эканлиги масаласи ҳам олимлар дикқат марказида бўлган муаммолардан. Психологияда туғмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар **лаёқатлар** деб юритилди ва унинг икки хили фарқланади : табиий лаёқат ва ижтимоий лаёқат. Биринчиси одамдаги туғма хусусиятлардан - олий нерв тизими фаолиятининг хусусиятлари, миянинг ярим шарларининг қандай ишлаши, кўл - оёқларнинг биологик ва физиологик сифатлари, билиш жараёнларини таъминловчи сезги органлари - кўз, қулок, бурун, тери кабиларнинг хусусиятларидан келиб чиқса (булар наслий ота - онадан генетик тарзда ўтади), ижтимоий лаёқат - бола туғилиши билан уни ўраган муҳит, мулоқот услублари, сўзлашиш маданияти, қобилиятни ривожлантириш учун зарур шарт - шароитлар (улар ота - она томонидан яратилади)дир. Лаёқатлилик белгиси - бу ўша индивидга алоқадор бўлиб, у бу иккала лаёқат муҳитини тайёрича қабул қиласи.

Қобилиятсизлик ва интеллектнинг пастлиги сабабларидан ҳам бири шуки, ана шу икки хил лаёқат ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, гениал рассом оиласида бола туғилди дейлик. Унда рассомчилик учун туғма, генетик белгилар отаси томонидан берилган дейлик. Лекин боланинг онаси фарзандининг ҳам рассом бўлишини хоҳламаслиги, ўзига ўхшаш қўшикчи бўлишини хоҳлаши мумкин. Аёл болани ёшлигидан факат мусиқа муҳитида тарбиялайди. Табиий лаёқатнинг ривожи учун ижтимоий лаёқат муҳити йўқ,

ижтимоий лаёқат ўсиши учун эса табиий, туғма лаёқат йўқ бўлгани сабабли, болада ҳеч қандай талант намоён бўлмаслиги, у оддийгина мусиқачи ёки қўшиқчи бўлиш билан чекланиши мумкин. Интеллект тестлари ва қобилиятдаги туғма ва орттирилган белгиларни ўрганишнинг психологик аҳамияти айнан шунда. Илк ёшлидан боланинг ўзидағи мавжуд имкониятларни ривожлантириш шарт - шароитини яратиш ишини тўғри йўлга қўйиш керак.

Орттирилган сифати шуки, бола токи билим, малака ва кўникмаларни ўстириш борасида харакат қилмаса, энг кучли туғма лаёқат ҳам лаёқатлигича қолиб, у иқтидорга айланмайди. Энг талантли, машхур шахсларнинг энг буюк ишлари, эришилган улкан муваффақиятларининг тагида ҳам қисман лаёқат ва асосан тинимсиз меҳнат, интилиш, ижодкорлик ва билимга чанқоқлик ётган. Шуни ҳам унутмаслик керакки, қобилиятызиз одам бўлмайди. Агар шахс адашиб, ўзидағи ҳақиқий иқтидор ёки лаёқатни билмай, касб танлаган бўлса, табиий, у атрофдагиларга лаёқатсиз, қобилиятызиз кўринади. Лекин аслида нимага унинг қобилияти борлигини ўз вақтида тўғри аниқлай олишмагани сабаб у бир умр шу тоифага кириб қолади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир онгли инсон ўзидағи қобилият ва зеҳнни илк ёшлидан билиб, ўша ўзи яхши кўрган, “юраги чопган” иш билан шуғулланса, ва ундан қониқиш олиб, қобилиятини ўстиришга имконият топиб, ютуқларга эришса, биз уни **иқтидорли** деймиз. Иқтидор - инсоннинг ўз хатти - харакатлари, билимлари, имкониятлари, малакаларига нисбатан субъектив муносабатидир. Иқтидорли одам гениал ёки талантли бўлмаслиги мумкин, лекин у ҳар қандай ишда мардлик, чидамлилик, ўз - ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби фазилатларга эга бўлиб, ўзлари шуғулланаётган ишни бажонидил, ситқидилдан бажаради. Улар ана шундай харакатлари билан баъзи ўта истеъдодли, лекин камхаракат кишилардан кўра жамиятга кўпроқ фойда келтиради. Иқтидорли инсонда истеъдод соҳиби бўлиш имконияти бор, зеро **истеъдод** - ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва такрорланмас қобилиядир. У тинимсиз меҳнат, ўз қобилиятини такомиллаштириб бориш йўлида барча қийинчилкларни енгиш ва иродаси, бутун имкониятларини сафарбар қилиш натижасида қўлга киритилади.

**Қобилиятларнинг психологик структураси.** Қобилиятлар аввалом бор умумий ва *максус* турларга бўлинади ва ҳар бирининг ўз психологик тизими ва тузилиши бўлади. Шахснинг умумий қобилиятлари ундаги шундай индивидуал сифатлар мажмуики, улар одамга бир қанча фаолият соҳасида ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва натижаларга эришишга имкон беради. Масалан, техника олий ўқув юртининг талабаси ҳам ижтимоий - гуманитар, ҳам аниқ фанлар, ҳам техника фанлари соҳасидаги билимларни ўзлаштира олади. Бунда унга умумий билимдонлик, нутқ қобилиятлари, тиришқоқлик, чидам, қизиқувчанлик каби қатор сифатлар ёрдам беради.

Максус қобилиятлар эса маълум бир соҳада ютуқларга эришиш, юқори кўрсатгичлар беришга имкон берувчи сифатларни ўз ичига олади. Масалан, спорт соҳаси билан бухгалтерлик ҳисоб-китоби бўйича ишлаётган икки кишида ўзига хос максус қобилиятлар бўлмаса бўлмайди.

Ҳар бир қобилият ўзининг тизимига эга. Масалан, математик қобилиятни оладиган бўлсак, унинг таркибига умумлаштириш малакалари, ақлий жараёнларнинг эгилувчанлиги, мавхум тафаккур қила олиш каби қатор хусусиятлар киради. Адабий қобилиятларга улардан фарқли, ижодий ҳаёл ва тафаккур, хотирадаги ёрқин ва кўргазмали образлар, эстетик хислар, тилни мукаммал билишга лаёқат; педагогик қобилиятларга эса - педагогик одоб, кузатувчанлик, болаларни севиш, билимларни ўзгаларга беришга эҳтиёж каби қатор индивидуал хоссалар киради. Ҳудди шунга ўхшаш қолган барча қобилиятларни ҳам зарур сифатлар тизимида таҳлил қилиш мумкин ва бу катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

**Қобилиятлар ва қизиқишлиар диагностикаси.** Амалий психологиянинг бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири лаёқат куртакларини илк ёшлиқдан аниқлаш, интеллект даражасига қўра шахс қобилиятлари йўналишини очиб беришдир. Шунинг учун ҳам ҳозирда кўплаб интеллект тестлари ва қобилиятларни диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқилган ва улар муваффақиятли тарзда амалиётда қўлланмоқда.

Қобилиятларни ўлчаш муаммоси XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларига келиб изчил ҳал қилина бошланди. Хорижда бундай ишлар Спирмен, Бине, Айзенк ва бошқалар томонидан ўрганилди. Улар қобилиятлар ва иқтидорни ўрганиш учун маҳсус тастлардан фойдаландилар. Бу тестларнинг умумий моҳияти шундаки, уларда топшириқлар тизими тобора қийинлашиб борувчи тестлар - топшириқлар батареясидан иборат бўлади. Масалан, Айзенкнинг машҳур интеллект тести 40 та топшириқдан иборат бўлиб, у интеллектуал жараёнларнинг кечиши тезлигини ўлчайди. Бу ерда вақт мезони муҳим ҳисобланади. Бошқа муаммилар секин ишлаш - қобилиятсизлик белгиси эмас деб, бошқачароқ усулларни ўйлаб топганлар. Кўпчилик олимлар учун, масалан, рус олимлари учун қобилиятни ўлчашнинг ишончли мезони - бу шахс ютуқларини ва унинг қобилиятидаги ўзгаришларни бевосита фаолият жараёнида қайд этишдир. Рус олими Е.А. Климов ёшлар иқтидорининг йўналишини аниқлаш мақсадида фаолият ва қасб - хунар соҳаларини асос қилиб олиб, методика яратди ва унинг “Профессионал - диагностик сўрвнома” деб атади. Шундай қилиб, у барча касбларни уларнинг йўналтирилган соҳасига қўра 5 тоифага бўлди:

- П(Т) - табиат (ўсимлик, ҳайвонлар, микроорганизмлар);
- Т - техника (машина, материаллар, энергиянинг турлари) ;
- Ч(О)- одам (одамлар гуруҳи, жамоалар);
- З (Б)- белгилар (турли маълумотлар, белгили символлар);
- Х (С)- бадиий, ижодий образлар (тасвирий санъат, мусиқа).

Сўрвнома шу турли касбларга мойилликни аниқлайди. Унга 20 жуфт саволлар киритилган бўлиб, текширилувчи маҳсус жавоб варақасида қай даражада у ёки бу машғулот тури билан шуғулланишга мойиллигини белгилаши керак. Чунончи, ўша иш унга жуда ёқса, З та “плюс”, умуман ёқса - 2 та ва сал ёқса - 1 та плюс қўяди. Ёқмаса, мос ҳолда З та, 2 та ва 1 та “минус” белгиси қўйиши керак. Қуйида биз сизга шу сўрвномани келтирамиз.

**Дифференциал - диагностик сўровнома.**

1	ҳайвонларни парвариш қилиш	ёки 1б	машина ва ускуналарга қарашиб
2а	касал одамларга ёрдам бериш, уларга қарашиб	ёки 2б	жадвал, схема ва ҳм учун дастурлар тузиш
3а	китоблар, расм ва плакатлар сифатини назорат қилиш	ёки 3б	ўсимликлар холати ва ривожини кузатиш, парвариш қилиш
4а	материалларни қайта ишлаш(ёқоч, мато,метал, пластмасса)	ёки 4б	товарларни харидорга етказиш(реклама, сотиши)
5а	Илмий - оммабоп китобларни муҳокама қилиш	ёки 5б	бадиий асар (пьеса, концертлар)ни муҳокама қилиш
6а	ҳайвон болаларини парвариш қилиш	ёки 6б	Малакаларни орттириш борасида ўртоқлар, кичик ёшлиларни машқ қилдириш
7а	расм ва тасвиirlардан нусха кўчириш(ёки мусиқа асбобини тузатиш)	ёки 7б	Юк кўратувчи воситани (кран, трактор, тепловоз) бошқариш
8а	Одамларга зарур маълумот етказиш (маълумотлар бюроси, экспурсияда)	ёки 8б	кўргазма, витриналарни жихозлаш, пьеса ёки концертлар тайёрлаш
9а	нарсалар, маҳсулотлар, (кийим, техника) уйларни таъмирлаш	ёки 9б	матн, жадвал, расмдаги хатоларни тўғрилаш
10а	ҳайвонларни даъволаш	ёки 10б	қисоб-китоблар қилиш
11а	Экинларнинг янги навини яратиш	ёки 11б	янги саноат маҳсулотларини лойихалаш, конструкция қилиш
12а	одамлар ўртасидаги бахс, тортишувларда қатнашиш, уларни ишонтириш, тушунтириш	ёки 12б	чизмалар, схема ва жадвалларни таҳлил қилиш (текшириш, аниқлаш, тўғрилаш)
13а	бадиий ҳаваскорлик тўгараги ишида қатнашиш	ёки 13б	микроблар ҳаётини кузатиш ва ўрганиш
14а	тиббиёт асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатиш	ёки 14б	одамларга тиббий ёрдам кўрсатиш

15a	кузатган ходиса, воқеалар түғрисида тафсилот ёзиш	ёки 15б	воқеаларни бадиий бўёқларга акс эттириш
16a	касалхонада лаборатория анализини ўтказиш	ёки 16б	касалларни қабул қилиш, улар билан сұхбатлашиш, ташхис кўйиш
17a	буюмлар ёки деворларни бўяш, расмлар солиш	ёки 17б	биноларни монтаж қилиш, машина ҳамда ускуналарни йифиш
18a	тенгкурлар ёки кичик болалар билан походлар уюштириш	ёки 18б	саҳнада ўйнаш, концертларда иштирок этиш
19a	чертежга қараб машина, кийимларни тайёрлаш, уй қуриш	ёки 19б	чизмачилик, чертежлар, хариталардан нусха кўчириш
20a	ўсимликлар, боғ ва ўрмон хашоратларига қарши курашиш	ёки 20б	клавишили машиналарда ишлиш(ёзув машинкаси, телетайп, терув машинаси)

Ушбу сўровномага жавоб варақаси ҳам илова қилинади.

#### ДДС нинг жавоб варақаси.

П	Т	Ч	З	Х	П	Т	Ч	З	Х
1а	1б	2а	2б	3а	11а	11б	12а	12б	13а
3б	4а	4б	5а	5б	13б	14а	14б	15а	15б
6а		6б		7а	16а		16б		17а
	7б	8а		8б		17б	18а		18б
	9а		9б			19а		19б	
10а			10б		20а			20б	

Юқорида тавсия этилган сўровнома аслида шахснинг у ёки бу машғулотлар турига қизиқишини аниқлаш орқали унда ривожлантирилиши лозим бўлган малака ва кўникумларни аниқлаб олишга ёрдам беради. Чунки профессонал маҳорат фақат билим, юксак малака ва тинимсиз меҳнат ҳисобига ривожланишини унутмаслик керак.

**Темперамент ва фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари.** Шахснинг индивидуал хусусиятлари ҳақида гап кетганда, уларнинг туғма, биологик хусусиятларига алоҳида эътибор берилади. Чунки аслида бир томондан шахс ижтимоий мавжудот бўлса, иккинчи томондан - биологик яхлитлик, туғма сифатларни ўз ичига олган субстрат - индивид ҳамдир. Темперамент ва лаёқатлар индивиднинг динамик - ўзгарувчан психик фаолияти жараёнини таъминловчи сифатларини ўз ичига олади. Бу сифатларнинг аҳамияти шундаки, улар шахсада кейин онтогенетик тараққиёт жараёнида шаклланадиган бошқа хусусиятларга асос бўлади. Одам темпераментига алоқадор сифатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар одам бир фаолият туридан иккинчисига, бир эмоционал холатдан бошқасига, бир малакаларни

бошқаси билан алмаштирган пайтларда реакцияларнинг эгилувчан ва динамиклигини таъминлайди ва шу нуктаи назардан қараганда ***темперамент*** - шахс фаолияти ва хулқининг динамик (ўзгарувчан) ва эмоционал - ҳиссий томонларини характерловчи индивидуал хусусиятлар мажсмудидир.

Темперамент хусусиятлари шахснинг ички тузилмаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг намоён бўлиши унинг конкрет вазиятларга муносабатини, экстремал вазиятларда ўзини қандай тутишини белгилаб беради. Масалан, инсон турли вазиятларда ўзини турлича тутади: олий ўкув юртида талабалар сафига қабул қилганлиги тўғрисидаги ахборотни эшитган боланинг ўзини тутиши, ёки ҳаётнинг оғир синовлари (яқин кишининг ўлими, ишдан хайдалиш, дўстнинг хоинлиги каби) пайтида одам беихтиёр намоён қиласидаги реакциялари унинг темпераментидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам иккала вазиятни ҳам кимдир оғир - босиқлик билан, бошқаси эса ўзини йўқотгудек даражада хис - ҳаяжон билан бошидан кечиради. Шунинг учун ҳам темпераментнинг шахс шаклланиши ва ижтимоий муҳитда ўзига хос мавқени эгаллашидаги аҳамияти жуда катта. Ўзини босиб олган, ҳаёт қийинчиликларини сабр - бардош билан кўтарадиган инсоннинг одамлар орасидаги обруси ҳам баланд бўлади. Бу унинг ўз - ўзига нисбатан хурматини ҳам оширади, ишга, одамларга ва нарсаларга муносабатини такомиллаштириб боришига имкон беради. Темпераментнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у ҳаётий воқеалар ва вазиятларни, жамиятдаги ижтимоий гуруҳларни “яхши - ёмон”, “аҳамиятли - аҳамиятсиз” мезонлари асосида ажратишга имкон беради. Яъни, темпрамент одамнинг ижтимоий объектларга нисбатан “сезгиригини” тарбиялайди, профессионал маҳорат ва касб малакасининг ошиб боришига ёрдам беради.

Темпераментал хусусиятлар аслида туғма ҳисоблансада, шахсга бевосита алоқадор ва англанадиган бўлгани учун ҳам маълум маънода ўзгариб боради. Шунинг учун ҳам туғилган чоғида сангвиникка ўхшаш харакатлар намоён қилган болани умрининг охиригача фақат шундайлигича қолади, деб бўлмайди. Демак, ҳар бир темперамент хусусиятларини ва унинг шахс тизимга алоқасини билиш ва шунга яраша хулосалар чиқариш керак.

Академик С. Павлов темперамент хусусиятларини белгилаб берувчи уч олий нерв тизими хоссаларини ажратган эди:

**куч**, яъни нерв тизимининг кучли қўзғатувчилар таъсирига бардоши, шунга кўра одамлардаги меҳнатга яроқлилик, чидам каби сифатларнинг намоён бўлиши:

**муозанатлашганик**, яъни асабдаги тормозланиш ва қўзғалиш жараёнларининг ўзаро мутоносиблиги, шунга кўра, ўзини тута олиш, босиқлик каби сифатлар ва уларга тескари сифатларнинг намоён бўлиши;

**харакатчаник**, яъни қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларидағи ўзаро алмасиниш жараёнининг тезлиги ва харакатчанлиги маъносида. Қуйидаги расмда нерв жараёнлари билан темперамент типлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик асосида темперамент типлари акс эттирилган.

## **НЕРВ СИСТЕМАСИННИГ ТИПЛАРИ**

Мувозанатлашган	мувозантсиз	инерт	кучсиз
-----------------	-------------	-------	--------

сангвиник	холерик	флегматик	меланхолик
-----------	---------	-----------	------------

### **ТЕМПЕРАМЕНТ**

Шундай қилиб, асаб тизими билан боғлиқ индивидуал сифатларни билиш шарт, чунки улар бевосита меҳнат ва ўқиш жараёнларини ҳар бир инсон томонидан, унинг манфаатларига мос тарзда ташкил этишга хизмат қиласи. Асабга боғлиқ бўлган табиий хусусиятлармизни ҳам умуман ўзгармас деб айтолмаймиз, чунки табиатда ўзгармайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам охириги йилларда ўтказилаётган тадқиқотларда шахс тизимида шундай маъқул, “ҳаётий кўрсатгичли” хусусиятлар тизимини ўрганилмоқда ва унда темпераментга алоқадор сифатлар ҳам назарда тутилмоқда. Масалан, В.С. Мерлин темпераментнинг психологик таснифи ва уларнинг ҳаётий вазиятларда намоён бўлишини бошқариш масаласида кўп ишлар қилган. Унинг фикрича, инсонда мавжуд бўлган фаоллик, босиқлик, эмоционал тетиклик, ҳиссиётларнинг тезда намоён бўлиши ва ўзгарувчанлиги, кайфиятнинг турғунлиги, беҳаловатлилик, ишchanлик, янги ишга киришиб кетиши, малакаларнинг тез ҳосил бўлиши каби қатор сифатлар асосида шахсдаги ўша экстроверсия ва интроверсия хоссалари ётади ва уларни ҳам ўзgartириш ва шу орқали темпераментни бошқариш мумкин.

**Характер ва шахс.** Кундалик ҳаётимизда “характер” сўзи энг кўп ишлатиладиган сўзлардан. Уни биз доимо бирорларга баҳо бермоқчи бўлсақ, ишлатамиз. Бу сўзнинг маъносини олимлар “босилган тамға” деб ҳам изоҳлашади. Тамғалик аломатлари нимада ифодаланади ўзи?

*Характер - шахсдаги шундай психологик, субъектив муносабатлар мажмууки, улар унинг борлиққа, одамларга, предметли фаолиятга ҳамда ўз-ўзига муносабатини ифодалайди.* Демак, “муносабат” категорияси характерни тушунтиришда асосий ҳисобланади. Б.Ф. Ломовнинг таъбирича, характер шахс ички дунёсининг асосини ташкил этади ва уни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Муносабатларнинг характердаги ўрни хусусида фикрлар экан, В.С.Мерлин уларнинг мазмунида икки компонентни ажаратади:

а) **эмоционал - когнитив** - борлиқ муҳитнинг турли томонларини шахс қандай эмоционал хис қилиши ва ўзида шу оламнинг эмоционал манзарасини яратиши;

б) **мотивацион - иродавий** - маълум характерлар ва хулқни амалга оширишга ундовчи кучлар. Демак, бизнинг муносабатларимиз маълум маъно ва мазмун касб этган муносабатлар бўлиб, уларнинг ҳар бирида бизнинг хиссий кечинмаларимиз акс этади ва характеримиз намоён бўлади.

Машхур рус олими, психология фанининг методологиясини яратган С.Л. Рубинштейн шахснинг ўзига хослиги ва характерологик тизимда учта асосий тузилмаларни ажратган эди;

**Муносабатлар ва йўналиш** шахдаги асосий кўринишлар сифатида - бу шахснинг ҳаётдан нимани кутиши ва нимани хоҳлаши.

**Қобилиятлар** ана шу тилақ - истакларни амалга ошириш имконияти сифатида - бу одамнинг нималарга қодир эканлиги.

**Характер** имкониятлардан фойдаланиш, уларни кенгайтиришга қаратилган турғун, барқарор тенденциялар, яъни бу одамнинг к и м эканлиги.

Бу нуқтаи назардан қараганда ҳам, характер шахснинг “танаси”, борлиги, конституциясидир. Характернинг бошқа индивидуал психологик хусусиятлардан фарқи шуки, бу хусусиятлар анча ўзгарувчан ва динамик, орттирилгандир. Шунинг учун ҳам мактабдаги таълимдан олий ўқув юртидаги таълимга ўтиш фактининг ўзи ҳам ўспиринда маълум ва муҳим ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Умуман, конерет шахс мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ҳар бир алоҳида объектлар, нарсалар, ходисаларга мос тарзда характернинг тури қирралари намоён бўлишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, уйда (кatta ўзбек оиласи мисолида оладиган бўлсак) катта ёшли ота - оналар олдида ўта босик, кўнувчан, ҳар қандай буюрилган ишни эътиrozсиз бажарадиган киши, ўз касбдошлари орасида доимо ўз нуқтаи назарига эга бўлган, гапга чечан, керак бўлса, қайсар, дадил бўлиши, кўчада жамоатчилик жойларида беғам, лоқайд, бирор билан иши йўқ кишидай туюлиши, ўзига нисбатан эса ўта талабчан, лекин эгоист, ўз - ўзига баҳоси юқори бўлиши мумкин. Демак, характернинг психологик тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг борлиқдаги объектлар ва предметли фаолиятга нисбатан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам психологияда характернинг қуйидаги тизими эътироф этилади:

*Мехнат фаолиятида намоён бўладиган характерологик хусусиятлар - меҳнатсеварлик, меҳнаткашлик, ташаббускорлик, ишга лаёкат, ишга қобиллик, масъулият, дангасалик, қўнимсизлик ва бошқалар.*

*Инсонларга нисбатан бўлган муносабатларда намоён бўладиган характерологик сифатлар - одобилик, меҳрибонлик, такт, жонсараклик, дилгирлик, мулоқатга киришувчанлик, алтруизм, ғамхўрлик, раҳм - шафқат ва бошқалар.*

*Ўз - ўзига муносабатга алоқадор херектерологик сифатлар - камтарлик, камсуқумлилик, мағрурлик, ўзига бино қўйиш, ўз ўзини танқид, ибо, шарму - ҳаё, манмансираш ва бошқалар.*

*Нарсалар ва ходисаларга муносабатларда намоён бўладиган хусусиятлар - тартиблик, оқиллик, саронжом - саришталик, қўли очиқлик, зиқналик, тежамкорлик, покизалик ва бошқалар.*

Юқорида санаб ўтилган сифатлар аслида шахснинг ҳаётдаги йўналишларидан келиб чиқади. Чунки йўналиш - одамнинг борлиққа нисбатан танловчан муносабатининг акс этишидир. Бундай йўналиш турли

шаклларда намоён бўлади: диққатлилик, қизиқувчанлик, идеаллар, маслаклар ва хиссиётларда.

Характер хусусиятларининг нималарда намоён бўлиши, уларнинг белгилари масалси ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир.

Аввало характер инсоннинг *хатти- қаракатлари ва амалларида* намоён бўлади - одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган характерлари унинг **к и м** эканлигидан дарак беради.

*Нутқининг хусусиятлари* (баланд товуш билан ёки секин гапириши, тез ёки босиқлиги, эмоционал бой ёки жонсиз) ҳам характернинг йўналишини белгилайди.

*Ташқи қиёфа* - юзининг очик ёки тунд эканлиги, кўзларининг самимий ёки жоҳиллиги, қадам босишлари - тез ёки босик, майда қадам ёки салобатли, туриши - виқорли ёки камтарона, буларнинг ҳаммаси характерни ташқаридан кузатиб ўрганиш белгиларидир.

Лекин характер ва унинг ривожланиши, намоён бўлиши учун умумий қонуният шуки, у ташқи муҳит таъсирида, турли хил муносабатлар тизимида шаклланади ва шароитлар ўзгариши билан ўзгаради. Ҳар бир касб - хунар ўзининг талаблари мажмуи - профессограммасига эгаки, у шу касб билан шуғулланаётганлардан ўзига хос психологик қирралар ва хоссалар бўлишини тақозо этади (психометрия). Шунинг учун ҳам врачнинг, ўқитувчининг, мухандиснинг, ҳарбийларнинг, артистларнинг ва бошқаларнинг профессионал сифатлари ҳақида алоҳида гапирилади. Ана шу касб соҳиблари, уларнинг иш мобайнида кўрсатадиган индивидуаллиги ичida эса характерологик ўзига хослик катта аҳамиятга эга ва буни нафақат шахснинг ўзи, балки уни ўраб турган бошқалар ҳам яхши билишлари керак.

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

<b>10-МАВЗУ</b>	<b>Психология ўқитиши методикаси фанининг предмети, вазифалари ва аҳамияти</b>
<b>Мақсад ва вазифалар</b>	Бу соҳа буйича билим бериш уларда касбий куникма ва малакаларни шакллантиришни такомиллаштириш учун куйидаги йирик юналишларда ижодий психологик-педагогик изланишларни амалга ошириш лозим. <ol style="list-style-type: none"><li>1. Психология фанининг методологик муаммолари ва уларнинг талқини.</li><li>2. Психологиянинг назарий материаллари ва уларнинг тахлили.</li><li>3. Психология ўқитишида этнопсихологик механизмлардан фойдаланиш.</li><li>4. Унинг оммавий талқини, тадбикӣ жабхаларини мукаммаллаштириш:</li><li>5. Ўқитишининг маҳсулдор, фаол ва инноватсион методларини таълим тизимиға ёйиш.</li><li>6. Психология ўқитишида гуманизатсия<ol style="list-style-type: none"><li>1. Олий мактаб талабларида психология курслари бўйича тушунтириш.</li><li>2. Янги билим бериш ва онгига сингдиришдан иборат кўнимкамларни мустақил ўқув фаолиятида, ҳамкорликда, амалий ва семинар машғулотларда баҳс, дискуссия, коллоквиум ва маъruzalarда татбиқ қилиш.</li><li>3. Психология ўқитиши методикаси барча фан тармоқлари юзасидан маълумотларни узатиш ва шахслараро мкнособат ўрнатишининг муҳим воиталари, усуслари, малакалари билан бўлғуси психологларни куроллантириш.</li><li>4. Педагогик маҳорат, инновация, вазият, шароит, муаммо хусусиятларини шакллантириш.</li><li>5. Психология ўқитиши методикаси предмети.</li></ol></li></ol>
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	<b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. <b>Шакл:</b> аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш. <b>Восита:</b> тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар <b>Усул:</b> ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. <b>Назорат:</b> савол-жавоблар
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Маърузачи қисқа вақт ичida барча талabalар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талabalар фаоллигини оширади. Талabalарда дарсга нисбатан қизикиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади. <b>Талаба:</b> Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гуруҳ билан ишлашни ўрганади. Нутки ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичida кўп маълумотга эга бўлади.. Педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни хаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	

## **10 – МАВЗУ: Психология ўқитиши методикаси фанининг предмети, вазифалари ва аҳамияти**

### **Р Е Ж А:**

1. Олий мактаб талабларида психология курслари бўйича тушунтириш.
2. Янги билим бериш ва онгига сингдиришдан иборат кўникмаларни мустакил ўқув фаолиятида, ҳамкорликда, амалий ва семинар машғулотларда баҳс, дискуссия, коллоквиум ва маъruzalardarda татбиқ қилиш.
3. Психология ўқитиши методикаси барча фан тармоклари юзасидан маълумотларни узатиш ва шахслараро мкносабат ўрнатишнинг муҳим воиталари, усуллари, малакалари билан бўлғуси психологларни куроллантириш.
4. Педагогик маҳорат, инновация, вазият, шароит, муаммо хусусиятларини шакллантириш.
5. Психология ўқитиши методикаси предмети.

Кейинги йилларда ўқитувчиларни психологик билимлар билан куроллантириш масаласига алоҳида эътибор берилмокда. Ҳозирги шароитда келажак авлоднинг етук, баркамол инсон қилиб тарбиялашда ўқитувчиларнинг ўрни бениҳоя ошган. Шунинг учун булажак ўқитувчидан олий ўқув ютида ўз мутахассисликларини чукур эгаллашдан ташкири ўқувчилар психикасидаги ёш ва индивидуал хусусиятларни фарқлай олишга, бола тараққиёти жараёнини кузатишдан тўғри психологик-педагогик хуносалар чиқара билишга ўрганиш талаб этилмокда. Чунки бу – таълим ва тарбия сирларини мукаммал эгаллайдиган ўқитувчилар тайёрлашнинг муҳим шарти хисобланади.

Агар педагог инсонни хар томонлама етук килиб тарбияламокчи булса, яъни комил инсонни вояга етказиш учун уни, хар томонлама урганиши керак. Психологиянинг назарий муаммоларини чукур урганмай туриб, мазкур фандан хеч булмаганда содда ва бажарилиши осон бўлган амалий машгулотлар Ўтказиш куникима ва малакаларини эгалламай туриб, Ўқувчиларнинг психик хусусиятларини билишга эришиб булмайди, албатта.

Кухна ва хамиша навкирон мамлакатимиз учун ижтимоий тараккиёт психологик нуктаи назардан идрок килинса, мантикий таҳлил этилса, ҳалкимизнинг этнопсихологик билимлардан таълим ва тарбия жараённада фойдаланганлиги, харбий юришларда жангчиларга психологик таъсир Ўтказганлиги, уларда ишонч ва эътиқод хисси уйготганлиги, муомаланинг вербал ва новербал куринишларини амалиётда қулланганлиги, Урта асрларнинг Форобий, Беруний, Хоразмий сингари забардац олимларининг ижодий маҳсулларидан тортиб то XX асрнинг 30-йиллари оралигига илмий тадқиқотлар килинганлиги бунга исбот талаб килинмайдиган хакикатdir.

Ўзбекиёнда олий мактабларда психология ўқув фани сифатида 1928 йилдан уқитиб келинмокда. (Худди шу даврда Л.С. Виготский Урта Осиёда, Ўзбекиёнда оммавий Маъruzalар укиганлиги мазкур жааённи тезлаштирган асосий омил бўлганлигига хеч шак-шубха юк»).

Психология фанининг ижтимоий хаётда нуфӯзи хар сония сайин ортиб бормокда. Шу туфайли педагогика инциутлари ва билим юртларида уни ўқитиш юлга куйила бошланди. Мазкур соҳа буйича юкори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Урта Осиё Давлат Университетида 1938 йилда (Ҳозир Миллий Университет) логика ва психология булимни очилди. 50-йилларнинг 2-ярмидан бошлаб педагогика инциутларида ва билим юртларида психология булимлари очилди. Айникса қисқа муддатли 15 ва 9 ойлик оммавий психологлар тайёрлаш курсларининг оммавийлашуви психолог-мутахассисларга эхтиёжнинг кучайганлигини билдиради.

Ҳозирги даврда республикамизнинг барча олий мактаблари ва ўкув юртларида, хатто мактабларида психологик билимлар алоҳида эътибор билан уқитилмоқда. (шахримизнинг 23-мактабидаги банк синфида хам психология фани уқитилади).

Мамлакатимизда олий таълим куп бошқичли тизимга (бакалавриат, магицратура, аспирантура, докторантура) утиш муносабати билан психология фанини ўқитишнинг Ўзига хос ташкил этишни такозо этмоқда, демак, талабаларга бу соҳа буйича билим бериш уларда касбий кунимга ва малакаларни шакллантиришни такомиллаштириш учун куйидаги йирик юналишларда ижодий психологик-педагогик изланишларни амалга ошириш лозим.

1. Психология фанининг методологик муаммолари ва уларнинг талқини.

2. Психологиянинг назарий материаллари ва уларнинг таҳлили.

3. Психология ўқитишда этнопсихологик механизмлардан фойдаланиш.

4. Унинг оммавий талқини, тадбикӣ жабхаларини мукаммаллаштириш:

а) амалиёт, практикум, лаборатория машгулотлари сифат даражасини кутариш.

б) диагноцик, прогноцик методикалар хамда теңлардан фойдаланиш.

в) индивидуал ва ижтимоий тренингларни оммавийлаштириш.

5. Ўқитишнинг махсулдор, фаол ва инноватсион методларини таълим тизимиға ёйиш.

6. Психология ўқитишда гуманизация – ассотсианизм, психоанализ, когнитивизм, гештальтпсихология, эмпиризм, гуманизм психология ва бошка юналишларни илмий методологик, илмий назарий ва амалий жихатлардан нуксон кидирмасдан, балки уларнинг энг окилона, тараккийпарвар томонларини амалиётга тадбик этиш тавсияномасини ишлаб чиқиши зарур.

Жаҳон психологиясида яратилган методлар, методикалар, тензорлар, анкеталар, замонавий аппаратлар, лабораория машгулотлари Ўтказиш инструкцияси, тренинг, компьютер дацурлари, практикум, психологик кабинетлардан фойдаланиш услуги ва кулланмаларни махаллий шароитга мослаштириш ва уни синаб куришни кенг юлга куйиш оркали.

Инсоннинг муайян хусусиятларини тўла очиш имкониятига эришиш. Психологиянинг предмети ва обьекти мавхум шахс, ходиса, хулк-атвор, фаолият ва муаммога каратилмаслиги балки реал инсон, маълум ёш, аник жинс хусусиятлари юзасидан маълумот беришга юналтирилганлиги айни муддаодир. Ана шу жараёндагина табиатга ва жамиятга муносабат шахс билан фавқулотдаги вазият билан Ўзвий boglab urgаниш имкониятини яратади. Назарий муаммони амалий турмуш билан алокасини окилона тушунтириш ва яккол намуна келтириш оркали уларга шарх бериш талқинини жонлантиради, талабани инсоний фазилат сифат ва хислатлардан андоза олишга етаклайди.

Психология принциплари мавзууни ўқитишида ва унинг детерминаторлари онг ва фаолият бирлигига Ўзвийлик, уйгунашув Ўзаро аюла этувчанлик хусусиятлари тугрисида тараккиётнинг психологик табиати, унда обьектив ва субъектив шарт-шароитлар хамда омиллар уларнинг бошқичлари усиши (биологик) ривожланиш (психик), камолот, тараккиёт юзасидан долзарб яккол муаммолар моҳияти билан boglab ахборот бериш фаннинг тадбикйлигини кучайтиришга хизмат килади. Онг ва унинг психологик тавсифи тугрисида маълумот берилаётганда инсон онги мавжудот дейиш билан чекланмасдан, балки у онгсизлик онгоцлилик ва онглилик холатларини муносабатлари, функциялари Ўзгариши уларнинг Ўзаро Ўзлуксиз равишда урин алмаштириб туришини таъминлашни таъкидлаб утиш муаммоларидан айрим чигалликларга ёрдам беради.

Замонавий кадрлар олдига куйиладиган энг муҳим вазифалардан бири – малакали мутахассислар сифатида Ўзлигини Ўз кобилиятлари, индивидуаллиги, шахсий фазилат хамда хислатларини билган тарзда атрофдагилар меҳнатини окилона ташкил этиш ва ижтимоий фойдали меҳнатнинг бошка соҳаларида иктидорли касб соҳиби сифатида фаолия кўрсатишdir. Бу уринда инсон руҳияти конуниятларини урганувчи психология фанининг урни ва роли бенихоя каттадир.

XXI асрда жуда куплаб давлатларда бўлгани каби дунё харитасида муносиб урин олган муцакил Ўзбекионда хам барча соҳаларда туб ислохотлар бошланди. Бу ислохотларнинг барчаси инсон омилини хар качонгидан хам юкори савияга кутариб, унинг кучи, идроки салоҳияти, руҳий хамда маънавий баркамоллигини бевосита тараккиёт, ривожланиш ва сивилизатсия билан Ўзвий bogladidi. Бунда инсон ва унинг мукаммаллиги, Ўз уцида ишлаши, Ўз мукаммаллиги хусусида кайгуриши муаммоси хар качонгидан хам долзарб масалага айланди.

Янги давр хар бир инсондан Ўз ички имкониятларини адекват билиш, шу билимлар захираси билан якинларни ва хамкасларни психик дунёсини билишни талаб килмоқда. Буюк Сукрот Ўз даврида «Ўз-Ўзингни бил» деган шиорни уртага ташлаган эди. Янги давр бу билимлар ёнига «Ўз ёнингдагиларни ва уларнинг килаётган ишларини хам бил» деган шиорни хар качонгидан хам долзарб килиб куйди. Айни шу муаммони ечишда Ҳозирги замон психология илми ва амалиётининг роли бенихоят каттадир.

Шунинг учун хам нафакат психологиядан мутахассислар тайёрлайдиган билим даргохларида, балки барча билим даргохларида, хаттохи янги типдаги мактаблар – литсейлар ва коллежларда хам сабок бериш режалаштирилганлиги сабабли педагогика факултетининг «педагогика ва психология» хамда мактабгача тарбия мутахассислари тайёрланадиган гурухларда психология ўқитиши методикаси фани киритилган. Мазкур курснинг асосий мақсади булажак педагог-психологлар учун зарурий тавсиялар – психологиядан Маъruzалар амалий машгулотлар, лаборатория машгулотлари ташкил этиши методикаси – яъни уларни янги педагогик технология асосида қандай ташкил этиши кайси илгор усул ва воситалардан фойдаланилса, самарадорликка эришиш мумкинлиги талабалар билан биргаликда урганилади, талабалар билимини баҳолаш, педагогик амалиёт давомида олиб бориладиган ишлар, талабаларнинг муцакил ишларини ташкил этиши ҳақида маълумотлар берилади. Буларнинг барчаси булажак педагог-психологлар учун Ўз иш фаолиятларини ташкил этишда катта ёрдам беради, таълим жараёнини, дарсдан ташкари талабалар фаолиятини тўла ва окилона бошкара олишларига кумаклашади. Бу вазифаларни мукаммал эгаллаш айникса булгуси педагоглар учун зарур. Чунки Ўқитувчилик касби барча касбларнинг онасиdir – яъни Ўқитувчи барча касб эгаларини тарбиялайди. Ўқитувчи мактабдаги таълим – тарбия жараёнининг асосий ташкилотчисидir. Таълим-тарбия даврий ходиса эмас, у муттасил давом этадиган узлуксиз жараёнdir. Ўқитувчи ўкувчилар учун хамма жойда ибрат булиши зарур. У ўз фанини яхши билиши билан биргаликда ўкувчиларнинг психология ва ёш хусусиятларини, индивидуал хусусиятларини яхши билиши, тарбиянинг кулай ва самарали усулларини кўллашда психологик билимларга таяниши зарур. Бола рухиятини билмасдан туриб уларнинг калбига юл топа олмайди, болалар билан мулокотда булиш малакасини эгаллаш, уларни фаол ва муцакил, ижодий фикрлашга ургатиш, кобилиятларини шакллантириш учун психологияни билиш талаб қилинади ва булажак педагоглар бу уринда психологиядан олган билимлар тизимиға суюнадилар. Ота-оналар билан ишлашда хам психологик билимлар ёрдам беради. Нафакат ота-оналар, балки атрофдаги бошка кишиларга хам психологик билимларни таргиб этиши зарур. Чунки кишилар ўз хаёт ва фаолиятрини ўзаро мулокотсиз ташкил этолмайдилар. Мулокотлар давомида хам хар бир шахс ўз шеригининг (Ўқитувчи – Ўқувчининг, раҳбар-ходимнинг, мутахассис – ўз хамкасбларининг, эр-хотиннинг, хотин-ернинг, ака-уканинг ва х.к.) психологик холатини, қизиқиши ва эҳтиёжларини, кобилият ва имкониятларини тугри баҳолай олиши, унинг урнига ўзини куя билиши, «шериги» нинг ёш хусусиятларини хам хисобга олишини билишига психологиядан берилган билимлар ёрдам беради.

Ёш мутахассис – педагог-психологларга бу борада нималарга эътибор беришлари зарурлигини мазкур курс билан танишиш даврида билиб борадилар.

Психология ўқитиши методикаси фанини урганишда маъruzалар лаборатория ва амалий машгулотлар ташкил этилади. Баъзи мавзулар

муцакил урганиш учун тавсия этилади – буланинг барчаси булгуси психолог – педагогларнинг ўз соҳаларини мукаммал эгаллаш ва олган назарий билимларини амалиётда муваффакият билан қўллашларига ёрдам беради.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Психологик билимларнинг хар бир инсон учун ахамиятини асослаб беринг?
2. Психологик билимларнинг педагог ва тарбиячилар учун ахамияти қандай?
3. Психологияни ўқитишда маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларининг ўрни қандай?
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қўйилган вазифаларни амалга оширишда психологиянинг урни

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

### **11-МАВЗУ**

**Психологияни ўқитиши мақсади. Талабалар шахсини такомиллаштириш соҳасида психология ўқитиши методикасининг мақсади**

**Мақсад ва вазифалар**

Талабаларда билиш фаолиятининг ривожланиш даражаси, ақлий харакатининг англанганлик ёки егалланганлик кўрсаткичи, ўқишига муносабати шакллантириш.

**Ўқув жараёнининг мазмуни**

1. Бўлғуси педагогик кадрларнинг касбий кўнималари орасида психологик вазиятнинг ўрни ва мақсадга йўналганлиги.

2. Педагогик фаолиятнинг таълим тарбия ва ўқув методик жараёнда психология муаммолари ва вазиятларини ечиш (ҳал қилиш)нинг ўзига хослиги

3. Олий ўқув юртларида талаба шахсини камол топтириш, такомиллаштириш соҳасида психология ўқитиши методикаси курсининг бош мақсади.

**Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси**

**Метод:** Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади.

**Шакл:** аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш.

**Восита:** тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар

**Усул:** ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида.

**Назорат:** савол-жавоблар

**Ўқитувчи:**

Маърузачи қисқа вақт ичидаги барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиши уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади.

**Талаба:**

Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичидаги кўп маълумотга эга бўлади..

Педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.

**Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)**

## **11 - МАВЗУ: Психологияни ўқитиши мақсади. Талабалар шахсини тақомиллаштириш соҳасида психология ўқитиши методикасининг мақсади РЕЖА:**

1. Бўлғуси педагогик кадрларнинг касбий кўниммалари орасида психологик вазиятнинг ўрни ва мақсадга йўналганлиги.
2. Педагогик фаолиятнинг таълим тарбия ва ўқув методик жараёнда психология муаммолари ва вазиятларини ечиш (хал қилиш)нинг ўзига хослиги
3. Олий ўқув юртларида талаба шахсини камол топтириш, тақомиллаштириш соҳасида психология ўқитиши методикаси курсининг бош мақсади.

Психология фанида гуманицик ғояларни тадқиқот қилиш ишлари чет элларда, асосан, АҚШда “Гуманицик психология” деб номланган музақил соҳада, илмий йўналишда (Ш.Бюлер, А.Маслоу, К.Роджерс, Р.Олпорт кабиларнинг асарларида) ўз ифодасини топган эди. Мазкур йўналиш намояндадарининг таълимотларида шахснинг ўзини ўзи тақомиллаштириш, ўзини ўзи фаоллаштириш, ўзлигини англаш (ўзини ўзи англаш), ўз ички имкониятларини тўла рўёбга чиқариш ғоялари акс этган бўлиб, инсонларда адолат туйғуси, вижданлилик, инсонпарварлик, маслак, гўзаллик ва ҳаққонийлик хисларини шакллантиришга қаратилгандир.

Гуманицик психология соҳасининг муҳим жиҳатларидан яна бири-бу шахснинг мавҳум (абцракт), пассив инсон сифатида тадқиқот обьекти сингари тасаввур этмасдан, балки унинг ҳамкорлик фаолияти, шахслараро муносабатнинг teng ҳуқуқли аъзоси эканлигини тан олинганликдан иборатдир. Лекин бу таълимотнинг заиф томонлари ҳам мавжуд бўлиб, у нарса инсоннинг биopsихологик (биологик омиллар, туғма майл, иқтидор аломатлари, темперамент) шарт-шароитларнинг ролига ортиқча баҳо берганлигига намоён бўлади. Ваҳоланки, инсон ижтимоий муносабатлар маҳсули, ижтимоий муҳит меваси бўлиб ҳисобланади. Шунга қарамасдан, ҳозирги даврда ҳам гуманицик психологияниң илғор ғоялари, тизими, тадқиқот услублари ўз долзарбилигини сақлаб қолгандир. Гуманицик психология намояндадари тўплаган натижаларини миллий психология, ижтимоий гармония, муайян муҳит, ҳудудий хусусиятлардан келиб чиқсан ҳолда таҳлил қилиш орқали олий мактаб таълим-тарбиясида гуманицик ғояларни сингдириш имкониятини яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, то ҳозирги давргача республика олий ўқув юртларида психология ўқитиши аҳволи замон, ижтимоий тараққиёт, инсоннинг тайёргарлик даражаси (ақл-заковоти) талабига ҳеч қандай жавоб бермайди. Бу ҳолатнинг бир неча обьектив ва субъектив омиллари мавжуддир: биринчидан, олий мактаб кафедраларининг психолог мутахассислари билан таъминланмаганлиги (ҳоҳиши мавжуд ҳар қандай ўқитувчи сабоқ бермоқда): иккинчидан, олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган психологлар малакасини ошириш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги: учинчидан, курсларда Маъruzalар катта гуруҳ тизимида

ўқилаётганлиги: тўртинчидан, қўшимча машғулотлар ва талабалар билан индивидуал ишларни ўтказиш учун факултетларда зарур шарт-шароитлар яратилмаганлиги: бешинчидан, дарсликлар, ўқув қўлланмалар етишмаслиги: олтинчидан, аксарият психология соҳаси бўйича оммавий тарзда дацурлар чоп этилмаганлиги: еттинчидан, психология фанига нисбатан панжа оцидан қараш ҳолларининг учраётганлиги (иккинчи даражали предмет сифатида): саккизинчидан, олий таълим вазирлиги қошида психология фани ва кадрларнинг мувофиқлаштирув кенгаши мавжуд эмаслиги ва ҳоказо.

Юқорида санаб ўтилган негатив ҳолатларга қарамай, психология фанини ўқитишни такомиллаштириш, таълим самарадорлигини ошириш мақсадида қатъий принтсипга, муайян хусусиятга эга бўлган контсептсия ишлаб чиқилди. Унинг асосий моҳияти қуидагиларда ўз ифодасини топгандир.

Фан ўқитишда ҳар қандай илмий контсептсияга оқилона ёндашиш ва таҳлил ўтказишни амалга ошириш, Чунки илмий психологик йўналишлар ғарб, шарқ, буржуа, идеализик сингари “ёрликлар” оцида талқин қилиш анъанага айланган эди. Бугун ана шу қарашлар, контсептсиялар моҳиятини қайтадан кўриб чиқиши, бир қолипдаги талқиндан воз кечиш, у ёки бу назарияларни талабаларнинг ўзи ҳал қилишларига шароит яратиш, ўқитувчи-профессорлар шахсий нуқтаи назарини мажбуран ўтказишдан сақланиш. Ана шу тариқа, биз жаҳон психологлари яратган дурдоналар билан талабаларнинг ўзи танишиш имкониятларига сунъий ғов яратилган эди.

Жаҳон психологияси фанининг ўнлаб илмий мактаблари мавжуддир. Жумладан, бихевиоризм, гешталтпсихология, ассотсионизм, психоанализ, вюртсбург, психогенетик, эмпиризм, когнитивизм, гуманизм психология ва бошқаларнинг илмий-методологик, илмий-назарий, эмпирик-амалий жиҳатидан нуқсон қидирмасдан, балки энг оқилона томонларини амалиётга татбиқ қилиш тавсияномасини ишлаб чиқиши.

Жаҳон психологиясида яратилган методлар, методикалар, тецлар, анкеталар, замонавий аппаратлар, лаборатория машғулотлари ўтказиш инструкцияси, тренинг, практикум, психологик кабинетни жиҳозлаш услуби, дарслик ва қўлланмаларни маҳаллий шароитга мослаштириш ва синаб кўриш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш орқали инсоннинг муайян хусусиятини тўла очиш имкониятига эришиш.

Психологиянинг предмети ва обьекти мавхум шахс, ҳодиса, хулқатвор, фаолият ва муомалага қаратилмаслиги, балки реал инсон, муайян ёш, аниқ жинс хусусиятлари юзасидан маълумот беришга йўналтиришлиги мақсадга мувофиқ. Ана шу жараёндагина табиатга ва жамиятга муносабатни шахси билан, фавқулоддаги вазият билан Ўзвий боғлаб ўрганиш имконияти яратилади. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда биосфера ва неосферадан келиб чиқиши жоиз. Назарий муаммонинг амалий турмуш билан алоқасини оқилона тушунтириш ва яққол намуна келтириш орқали уларга шарҳ бериш талқинини янада жонлантиради, инсоний фазилат, хислат ва сифатлардан андоза олишга талабани етаклайди.

Психология соҳаларининг ҳар бирида ҳам марказий тимсол инсон шахси бўлганлиги учун уларнинг ўртасидаги қонуният, шарт-шароит хусусиятлари шу инсонга сицемали ёндашишни тақозо қилади. Мазкур ёндашиш шахснинг кўп қирраларини турлича вазиятларда рўй бериш орқали аниқланиши, унинг тўғрисида ишончлироқ маълумот олиш шароитини юзага келтиради, Мавзулараро алоқани изчил равишда амалга ошириш инсоннинг алоҳида хусусияти, фазилати, кечинмалари, ҳолатлари, ҳис-туйғулари, иродавий сифати, иқтидори, қобилияти, қизиқиши ва эҳтиёжини яхлит олиб қараш имконини вужудга келтиради. Шахс учун ўзини ўзи такомиллаштириш воситаларидан унумлироқ фойдаланиш сари талабани ундайди.

Психология соҳасининг ҳар қайсиси реал шахснинг индивидуал (услуб, сезирлик, таъб, хусусият, ишchanлик) ва типологик (олий нерв фаолияти тоифаси, қонунияти, хусусияти, туғма майл, темперамент, ички имконият ва бошқалар) хусусиятларининг намоён бўлиши ҳодисаси тадқиқ қилинади. Таълим жараёнини гуманизатсиялаш эса ҳар бир талабанинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиш, маълумотни қабул қилиш тезлиги тушуниш даражаси материалларни хотирада сақлаш имкониятидан келиб чиқсан ҳолда ёндашишни талаб қилади. Токи талабани ўзлаштириш суръати, жавоб реактсияси, ақлий имконияти ўқитувчи томонидан тўғри ҳисобга олишга эришилсин.

Психологик билимлар билан чуқурроқ танишиш мақсадида иқтидорли, яхши ўзлаштирувчи, бўш ўзлаштирувчи талабаларнинг барча тоифалари билан индивидуал ишлаш жадвалини тузиш ва унда уларнинг ҳар бирининг диққат кўлами, хотира хусусиятлари, фаҳм-фаросат ҳажми, фикр юритиш доирасини эътиборга олиб, топшириқ миқдори, мураккаблиги, шуғулланиш вақтини белгилаш олий мактабда гуманизик ғояни қарор топтириш ишига хизмат қилади.

Курс ва битирув мавзуини танлашда талабаларга эрк бериш, уларни ёқтирган, қизиқтирган соҳаларга жалб қилиш: мазкур жараёнда уларнинг имконияти, иқтидори, ижодий фаолияти, ёзма нутқ қобилиягини ҳисобга олиб муддат белгилаш ва талабчанликка дифферентсиал муносабатни амалга ошириш маъқул. Фақат мана шу йўллар билангина уларнинг шахсиятига нисбатан хурмат туйғусини намойиш қилиш мумкин.

Рейтинг сицемаси синовлари жараёнда талабаларнинг индивидуал-типологик, ёш хусусияти, жинсий тафовути, қизлик иффати, ибоси, ҳаёси: йигитлик ғурури, шаъни, масъуллиги, турмуш тажрибаси, фавқулоддаги психологик ҳолатларга эътибор бериш инсонпарварлик ғоясини инобатга олишни яққол намунаси ҳисобланади.

Жаҳон психологияси фанининг ютуқлари илмий контсептсиялари этнопсихологик ҳолатга мослаштириб баён қилиш, тўпланган дурдоналардан реал шахснинг амалиётда фойдаланиш йўлларини уқтириб ўтиш, билимларни пухта, барқарор ўзлаштириш имкониятини тудиради. Билимларни ўзлаштиришда миллий психологик қонуниятлар, маънавиятлар, қадриятлар, цереотиплар, идентификатсия, аппертсептсия, антитсипатсия,

аттрактсия, рефлексия категорияларининг роли ва аҳамиятига эътибор бериш этнопсихологик хусусиятларни ҳисобга олиш айни муддаодир. Гуманицик ўқитиши йўлларидан бири-ўқитувчи билан талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини вужудга келтириш, умумий ўқиш фаолиятини ҳамкорлик жараёнига айлантиришдан иборатдир. Бу ҳолатда талаба маълумотларни тингловчи ролидан унинг ҳамкорликда эгаллаш функтсиясини бажарувчи шерик даражасига ўсиб ўтади. Аввал тақлид, кейин идентификатсия ва охирида рефлексия йўллари билан билимларни ўзлаштириш фаолияти доирасини кенгайтиради.

Ўқитишинг гуманистик йўллари хилма-хил бўлиб, улардан энг самарадор бўлганлари муаммоли ўқитиши, суггеция, эвристик, программалаштириш, ўзини ўзи бошқариш, ақлий фаолиятнинг босқичли амалга ошириш, назарий умумлаштириш (умумлашмадан яққоллик сари) жаҳон психологиясида кенг кўламда қўлланиб келинмоқда.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

Психология ўқитиши мақсади ва моҳияти.

Фан ўқитишида илмий контсептсияларга ёндошув.

Курс ва битириув иши мавзусини танлаш.

Билимларни ўзлаштиришда миллий психологик хусусиятларни ҳисобга олиш.

Ўқитишинг гуманистик йўлларини тахлил қилиш.

Жаҳон психологиясида яратилган методлар, методикалар.

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

### **12-МАВЗУ**

**Мақсад ва вазифалар**

**Ўқув жараёнининг мазмуни**

**Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси**

**Кутиладиган натижалар**

**Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)**

**Таълим жараёнини характеристикаси ва психология ўқитиши формаси. Таълим жараёнига технологик ёндошув**

Ўзлаштириш назариялари хамда таълим жараёнида ушбу назарияларни қўллашга ўргатиш. Билимларни ўзлаштиришнинг психологик назарияси билан таништириш.

1. Ўзлаштириш назарияси нуктаи назаридан ўқув жараёнини ташкил қилишнинг умумий тавсифи.

2. Билимларни ўзлаштиришнинг психологик назариялари.

3. Таълим методикаларининг классификацияси ва уларнинг изчиллик принципи бўйича танлаш.

4. Ўқитишининг актив ва инновацион методлари тавсифи.

5. Программалаштирилган, муаммоли ва ҳамкорлик таълим методларининг моҳияти.

6. Яхлит курс бўйича машғулотларнинг моҳиятига кўра тизимга солиш, уларни режалаштириш ва ташкил қилиш.

**Метод:** Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади.

**Шакл:** аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш.

**Восита:** тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар

**Усул:** ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида.

**Назорат:** савол-жавоблар

**Ўқитувчи:**

Маърузачи қисқа вақт ичидаги барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиши уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади.

**Талаба:**

Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичидаги кўп маълумотга эга бўлади..

Педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётини воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.

## **12 – мавзу: Таълим жараёнини характеристикиси ва психология ўқитиши формаси. Таълим жараёнига технологик ёндошув (2 соат)**

### **Режа:**

1. Ўзлаштириш назарияси нуқтаи назаридан ўқув жараёнини ташкил қилишнинг умумий тавсифи.
2. Билимларни ўзлаштиришнинг психологик назариялари.
3. Таълим методикаларининг классификацияси ва уларнинг изчиллик принципи бўйича танлаш.
4. Ўқитишнинг актив ва инновацион методлари тавсифи.
5. Программалаштирилган, муаммоли ва ҳамкорлик таълим методларининг моҳияти.
6. Яхлит курс бўйича машғулотларнинг моҳиятига кўра тизимга солиш, уларни режалаштириш ва ташкил қилиш.

Психология Фани замонавий таълимотга асосланган ҳолда инсон шахсининг таркиб топишини асосан учта омилнинг таъсирига боғлиқлигини далиллар асосида изоҳлаб беради. Улардан биринчиси инсон туғилиб вояга етадиган ташқи ижтимоий муҳитнинг таъсири, иккинчиси одамга узоқ муддат давомида мунтазам тарзда бериладиган таълим-тарбиянинг таъсири ва учинчиси одамга туғма равишда, тайёр ҳолда бериладиган наслий хусусиятларнинг таъсиридир.

Маълумки, ҳар бир одам ўзига хос, бошқаларда айнан такрорланмайдиган ижтимоий муҳитда. Конкрет ижтимоий муносабатда, яъни маълум оила, жамоа ва жамиятда, одамлар орасида яшаб ўсади, шаклланади.

Бу ижтимоий муносабатларга одам жамият аъзоси сифатида, маълум синфнинг, у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг намоёндаси сифатида ва ниҳоят, ташкил қилинганлик ва уюшқоқлик даражаси турлича бўлган муайян жамоаларнинг фаол аъзоси сифатида қатнашади.

Шахснинг моҳияти ўз табиати жиҳатидан ижтимоий характерга эгадир. Шахсдан барча психик хусусиятларини, ижодий фаоллигининг ривожланиш манбалари унинг теварак-атрофидаги ижтимоий муҳитда, жамиятдадир. Инсон шахси сабабий боғлиқликда бўлиб, унинг ижтимоий турмуши билан белгиланади. Манна шу маънода шахснинг тараққиёти одамлар билан муносабатда юзага келадиган ижтимоий тажрибани эгаллаш жараёнидан иборатдир. Бунинг натижасида инсоннинг психик хусусиятлари, ахлоқий фазилатлари, характеристери, иродавий сифатлари, қизиқишилари, эътиқод ва дунёқараши таркиб топади.

Муҳит, маълум мақсадга қаратилган таълим ва тарбия, азалдан берилган, генетик жиҳатдан қатъий белгиланган ниманидир намоён қилиш учун шароитгина бўлиб қолмай, балки инсон психик хусусиятларини таркиб топтиради.

Бу борада, биринчидан, шуни таъкидлаш керакки, одам муҳит таъсири остидаги пассив объект бўлмай, балки фаол мвжудотдир. Шунинг учун ташқи хаёт шароити, ташқи таъсир инсон психикасини белгиламайди, балки одамнинг муҳит билан бўлган ўзаро таъсири орқали, унинг муҳитдаги

фаолияти орқали белгилайди. Шу сабабли муҳитнинг таъсири ҳақида эмас, балки одамнинг теварак-атрофдаги муҳит билан фаол ўзаро таъсири ҳақида гапириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, психиканинг ривожланиши оқибат натижада ташқи шароитларга, ташқи таъсиротларга боғлиқдир. Лекин бу ривожланишини бевосита ташқи шароитдан ва ташқи вазиятдан келтириб чиқариб бўлмайди. Бу шароитлар ҳамда вазиятлар ҳамиша одамнинг ҳаётий тажрибаси, унинг шахси, индивидуал психологик хусусиятлари ва психик қиёфаси орқали таъсир қиласи. Манна шу маънода ташқи индивиднинг ўзига хос психикаси ва шахсий тарифасини ўз ичига олган ички шароит орқали билвосита таъсир қиласи.

Учинчидан, одам фаол мавжудот сифатида ўзи ҳам онгли равишда ўз шахсини ўзгартириши, яъни ўзи-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиши мумкин. Лекин бу жараён атроф-муҳитдан ажralган ҳолда эмас, балки муҳит билан мослашган ҳолда ва муҳит билан ўзаро муносабатда содир бўлади.

Юқоридагилардан хулоса чиқариб шуни айтиш мумкинки, одамнинг (боланинг, ўқувчининг) ижтимоий ташкил топган ва фаол фаолияти унинг психик ривожланишининг асоси, воситаси ҳамда шартидир.

Ўз-ўзидан маълумки, одамнинг психик ривожланиши учун табиий, биологик имкониятлар ниҳоятда зарурдир. Инсон психик хусусиятлари меъёрида таркиб топиши учун муайян даражадаги биологик тузилиш, инсон миёси ва нерв системаси бўлиши шарт. Бу табиий хусусиятлар психик ривожланиши ҳаракатга келтирувчи кучлар, омиллар эмас, балки факат дастлабки шароитлардир, холос.

Табиий хусусиятлар тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч эмаслигига қарамай, инсон психик тараққиётига таъсир кўрсатади.

Биринчидан, табиий хусусиятлар психик хусусиятлар тараққиётининг турли йўлларини ва усулларини белгилаб беради. Инсон нерв системасининг хусусиятлари ўз-ўзига шахснинг ҳеч қандай психик хусусиятларини белгиламайди. Ҳеч бир меъёрдаги бола дадил ёки қўрқоқ, иродали ёки иродасиз. Мехнатсевар ёки ялқов, интизомли ёки интизомсиз бўлиб туғилмайди. Агарда тарбия тўри ташкил қилинса, нерв системасининг исталган типи асосида характернинг барча ижтимоий қимматли хислатларини шакллантириш мумкин. Масалан, сабот-матонат ва ўз-ўзини тута билиш хислатини нерв системасининг типи шиддатли бўлган болаларда ҳам, ёки нерв системасининг типи вазмин бўлган болаларда ҳам тарбиялаш лозим ва тарбияласа бўлади. Бироқ биринчи ҳолдаги болаларни тарбиялаш иккинчи ҳолдагиларни тарбиялашга қараганда қийинроқ бўлади. Ҳар иккала ҳолда керакли сифатларни тарбиялаш йўллари ва усуллари ҳам турлича бўлади.

Иккинчидан табиий хусусиятлар одамнинг бирор соҳада эришган ютуқлари даражасига ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, қобилият куртакларида туғма индивидуал фарқлар мавжуд. Шу сабабли баъзи одамлар бошқа одамлардан маълум бир фаолиятни эгаллаш имконияти жиҳатидан устун туришади. Баъзида эса аксинча бирор-бир фаолият турини эгаллаш

имконияти жиҳатидан эса улардан онгизлик қилишлари мумкин. Манна шу маънода олганда одамлар ўз қобилиятларини баробар ривожлантириш имкониятига эга эмаслар. Гарчи табиий куртаклар ўқувчиларнинг психик ривожланиши учун маълум аҳамиятга эга бўлса ҳам (шу сабабли, масалан, таълим жараённида айрим ўқувчилардан бошқа ўқувчиларга нисбатан кўпроқ зўр бериш талаб қилинади, айрим ўқувчига ўқитувчи кўпроқ куч сарфлайди, эътибор беради ва кўпроқ вақт ажратади), бу куртакларнинг ўзи психик тараққиётда хал қилувчи роль ўйнамайди.

Турли йўналишга эга бўлган психологлар, бир томондан таълим ва тарбия, иккинчи томондан эса ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабати муаммосини кенг доирада муҳокама қилмоқдалар.

Ривожланиш дейилганда одатда ҳодисаларнинг ҳар икки тури тушунилади ва бу тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир: 1) миянинг ўз биологик, органик етилиши, унинг анатомик-биологик тузилиши жиҳатидан етилиши; 2) психик (ақлий) ривожланишнинг маълум ўсиш даражалари сифатидаги, ўзига хос ақлий етилиш сифатидаги психик ривожланиш. Ўз-ўзидан маълумки, ақлий ривожланиш мия тузилишининг биологик ечилиши билан боғлиқдир ва бу хусусият таълим-тарбия ишларида албатта ҳисобга олиниши лозим, чунки таълим миянинг органик жиҳатдан етилишини инкор эта олмайди. Бироқ мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишини муҳитга, таълим-тарбияга мутлақо боғланмаган ҳолда ўзининг қатъий биологик қонунлари асосида содир бўлади, деб бўлмайди. Муҳит, таълим-тарбия ва тегишли машқ мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишига ёрдам беради.

Бу жараёнда таълим қандай мавқега эга? Таълим ривожланишига нисбатан етакчи вазифани бажарадими ёки аксинча? Бу муаммонинг хал қилиниши таълим жараёнининг мазмуни ва методикасини, ўкув дастурлари ва дарслкларнинг мазмунини белгилаб беради.

Жумладан немис психологи В.Штерн: таълим психик ривожланишнинг орқасидан боради ва унга мослашади деган фикрни олға сурган эди. Бу фикрга қарама-қарши рус психологи Л.С.Виготский боланинг психик ривожланишида таълим ва тарбиянинг етакчилик роли бор деган қоидани биринчи бўлиб илгари сурди ва уни: таълим ривожланишданолдиндан боради ва уни ўз орқасидан эргаштириб олиб боради, деб аниқ ифодалаб беради. юКорида баён қилинган биринчи фикрга мувофиқ таълим фақат ривожланиш томонидан эришилган нарсалардан фойдаланади. Шунинг учун ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига аралашмаслик, унга ҳалақит бермаслик, балки таълим учун имконият етилгунча чидам Билан пассив кутиб турish керак. Швейцариялик психолог Ж.Пиаженинг назарияси ҳам Айни шу ғоялар Билан йўғрилгандир.

Ж.Пиаженинг фикрича, боланинг ва мактаб ўқувчисининг ақлий ўсиши ўзининг ички қонунлари асосида ривожлана бориб, сифат жиҳатдан ўзига хо сбир қатор генетик босқичларни босиб ўтади. Таълим бу ақлий етилиш жараёнини фақат бир қадар тезлатишга ёки секинлаштиришга қобилдир, лекин у ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига ҳеч қандай жиддий

таъсир курсата олмайди. Демак, таълим ривожланиш қонунларига бўйсуниши керак. Масалан, болада мантиқий тафаккур ечилий туриб, уни мантиқий фикр юритишига ўргатиш фойдасизdir. Таълимнинг турли босқичлари боланинг тегишли психологик имкониятлар пишиб етиладиган муайян ёшига қатъий назар боғлиқлиги анна шундан келиб чиқади.

Бизнинг фикримизча, таълим етакчи ролни бажаради, таълим ва ривожланиш эса ўзаро бир-бирига боғлиқдир; улар алоҳида содир бўладиган икки жараён бўлмай, балки бир бутун жараёндир. Таълимсиз тўла ақлий ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Таълим ривожланишга туртки бўлади, ривожланиши ўз ортидан эргаштириб боради. Зарур шароит туғилганда таълим мантиқий фикрлаш малакасини таркиб топтиради ва тегишли ақлий ривожланиш учун замин бўлади. Лекин таълим ривожланишга туртки бўлиш билан бир вақтда ўзи ривожланишга таянади, эришилган ривожланиш даражасининг хусусиятларини, ривожланишнинг ички қоидаларини, албатта, инобатга олади. Таълимнинг имкониятлари жуда кенг бўлса-да, бироқ чексиз эмас. Йирик рус психологи Л.С.Виготский таълим ва тараққиёт муаммосига ижтимоий-тарихий жараён нуқтаи-назаридан ёндашиб, билимларни ўзлаштириш инсониятнинг тарихий тараққиётида яратилган маданиятда иштирок этиш жараёнидир, деб таъкидланади. У олга сурган психик функциялар тараққиётининг маданий-тарихий назариясига кўра, психик фаолият тараққиёти унинг «табиий» шаклини бевосита қайта қурган ҳолда, турли аломатлар билан аввал ташқи, сўнг ички ифодаланишни назарда тутиб, «маданий» шаклини эгаллаш тушунилади.

Шу муносабат билан Л.С.Виготскийнинг психологияга киритган «психик тараққиётнинг энг яқин зонаси» тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. бунинг асл моҳияти, боланинг мустақил фаолияти катталар Билан ҳамкорликда, унинг раҳбарлигига амалга оширилади. Л.С.Виготский томонидан киритилган «психик тараққиётнинг энг яқин зонаси» тушунчаси «таълим тараққиётдан олдинда боради» деган умумий қоиданинг яқзол мазмунини тушуниш учун имконият яратади.

Э.Торндайк ва Ж.Пиаженинг таълим билан тараққиётни айни бир нарса деб тушунтиришига қарамай Л.С.Виготский: «Бола тараққиётини ҳеч маҳал мактаб таълимидан ташқаридаги соя деб ҳисоблаш мумкин эмас»-деб таъкидлайди. Бундан ташқари, таълим ва тараққиёт бир-бирига тобе бўлмаган жараёнлардир, деган йўналишдаги психологларни ҳам у қаттиқ танқид қиласиди. П.Г.Блонский таълимнинг бола тараққиётидаги ўрнига алоҳида аҳамият беради. Шунинг учун ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши тўғридан-тўғри мактаб дастури мазмунига боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, таълим жараёнида болалар маълум қоида асосида фаолият қилишга одатланадилар. Таълим таъсири натижасида ўқувчиларда ўз-ўзини ва ўзининг ақлий фаолиятини назорат қилиш юзага келади. Психолог-олимлардан В.В.Давыдов, П.Я.Гальперин, Н.А.Менчинская, А.А.Люблинская, Д.Б.Эльконин, Э.Ф.Фозиевлар ўзларининг тадқиқотларида таълимнинг тараққиётдаги етакчи ролини таъкидлашади.

Психик тараққиётнинг омиллари ва шароитлари аниқлаб олинган тақдирда ҳам, психикада юзага келадиган ўзгаришларнинг манбалари, психик ривожланиши ҳаракатга келтирувчи кучлар нималардан иборат, деган саволнинг туғилиши, табиийдир.

Боланинг, мактаб ўқувчисининг психик ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучлар мураккаб ва турли-тумандир. Ривожланишнинг моҳиятини қарама-қаршиликлар курашидан, ички зиддиятлар курашидан иборат, боланинг, мактаб ўқувчисининг психик ривожланишини бевосита ҳаракатга келтирувчи кучлар таълим ва тарбия жараёнида юзага келадиган ҳамда бартараф қилинадиган эскилик ва янгилик ўртасидаги қарама-қаршиликлардан иборатдир. Бундай зиддиятларга, масалан, фаолият томонидан юзага келадиган янги эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар; боланинг ўсиб бораётган жисмоний ва руҳий имкониятлари билан эски, таркиб топган ўзаро муносабат шакллари ва фаолият турлари ўртасидаги зиддиятлар; жамият, жамоа, катта одамлар томонидан кундан-кунга ортиб бораётган талаблар билан психик тараққиётнинг мазкур даражаси ўртасидаги зиддиятлар киради.

Масалан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчидаги мустақил иродавий фаолиятга нисбатан бўлган тайёрлик билан ҳатти-ҳаракатларнинг мавжуд вазиятга ёки бевосита ички кечинмаларга боғлиқлиги ўртасида зиддият мавжуддир. Ўсмирларда эса энг қучли зиддиятлар бир томондан, унинг ўзига ўзи баҳо бериши ва ўз талаблари даражаси ва иккинчи томондан, атрофдагиларнинг унга нисбтан бўлган муносабатлари ҳақидаги ички кечинмаси ўртасида, шунингдек, ўзининг жамоадаги реал мавқеи тўғрисидаги ички кечинмаси ўртасида; катта одамлар ҳаётида тўла хукукли аъзо сифатида қатнашиши эҳтиёжи билан бунга ўз имкониятларининг мос келмаслиги ўртасида пайдо бўлади.

Кўрсатилган барча зиддиятлар бирмунча юқори даражадаги психик фаолиятларни таркиб топтириш орқали бартараф қилинади. Натижада бола, мактаб ўқувчими психик ривожланишининг янада юксакроқ босқичига кўтарилади. Эҳтиёж қондирилади- зиддият йўқолади. Бироқ қондирилган эҳтиёж, янги эҳтиёжни туғдиради. Бу зиддият бошқа бир зиддият билан алмашинади-тараққиёт давом этади.

Ривожланиш фақат соф микдор ўзгаришалри жараёнидан, яъни қандайдир психик ҳодисаларнинг, хусусият ва сифатларнинг кўпайиши ёки камайишидан иборат бўлиб қолган, балки сифат жихатдан янги хусусиятларнинг, яъни янгидан ҳосил қилинган сифатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Психологлар психик ривожланишининг умумий қонуниятлари борлигини қайд этиб кўрсатмоқдалар. Бироқ мухит таъсирига нисбатан бу қонуниятлар иккиламчидир, чунки бу қонуниятларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳаёт шароитига, фаолиятга ва тарбияга боғлиқдир. Манна шундай умумий қонуниятларга биринчи навбатдар психик ривожланишининг нотекислиги киради. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай шароитда, ҳатто таълим ва тарбиянинг энг кўлай шароитларида ҳам

шахснинг турли психик белгилари, функциялари ва хусусиятлари ривожланишнинг бита даражасида тўхтаб турмайди. Боланинг ривожланишидаги айрим давларда психиканинг у ёки бу йўналишларда ривожланиши учун ниҳоятда қулай шароитлар пайдо бўлади ва бу шароитларниң баъзилари вақтинчалик, ўткинчи характерда бўлади. У ёки бу психик хусусиятлар ва сифатларниң ривожланиши учун энг қулай шароитлар бўлган анна шундай ёш давлари сензитив давлар деб аталади. (Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев). бундан сензитивлик даврининг мавжудлигига миянинг органик жиҳатдан етилиш қонунияти ҳам, айрим психик жараёнлар ва хусусиятлар ҳам, ҳаётий тажриба ҳам сабаб бўлади.

Шундай қилиб, боланинг, мактаб ўқувчисининг психик ривожланиши-мураккаб тараққиёт жараёнидир.

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

### **13-МАВЗУ**

#### **Мақсад ва вазифалар**

#### **Ўқув жараёнининг мазмуни**

#### **Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси**

#### **Кутиладиган натижалар**

#### **Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)**

#### **Психология курсидан маъруза машғулотларига тайёрланиш ва уларни ўтказиш**

Маруза унга қўйиладиган талаблар хамда психологияда марузалар самарадорлигини ошириш тўғрисида умумий тушунчалар бериш.

1. Маъруза машғулотларида методлар тизимини қўллаш.
2. Маъруза – талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашнинг асосий воситаси.
3. Маърузага қўйиладиган талаблар.
4. Психологияда маъruzalар самарадорлигини ошириш.
5. Маъруза турлари ва уларни ташкил этиш усуллари.
6. Маърузачи – педагог шахсига қўйиладиган талаблар.

**Метод:** Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади.

**Шакл:** аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш.

**Восита:** тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар

**Усул:** ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида.

**Назорат:** савол-жавоблар

#### **Ўқитувчи:**

Маърузачи қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади.

#### **Талаба:**

Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади..

Педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.

## **13 – М А В З У: Психология курсидан маъруза машғулотларига тайёрланиш ва уларни ўтказиши (2 соат)**

**Р Е Ж А:**

1. Маъруза машғулотларида методлар тизимини қўллаш.
2. Маъруза – талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашнинг асосий воситаси.
3. Маърузага қўйиладиган талаблар.
4. Психологияда маърузалар самарадорлигини ошириш.
5. Маъруза турлари ва уларни ташкил этиш усуллари.
6. Маърузачи – педагог шахсиға қўйиладиган талаблар.

Хозирги кунгача психологик билимларнинг манбаи хисобланган дарсликлар ва ўқув кулланмалари баёний хусусиятга эга булиб оддийдан мураккабга, якколлиқдан мавхумликка, хусусийдан умумийга томон фикр йуналишига асослангандир. Манбаларга нисбатан бундай ёндошиш талабаларга «тайёр билим» ларни узлаштиришга, репродуктивлик эса етакчи таълим принципи сифатида пухта жой эгаллашга олиб келади, бу нарса уз навбатида талабаларнинг ижодий тафаккури (преатив фаолият) ва ижодий изланишларни сустлаштиради. Репродуктив (ижодий) фикрлашнинг тараккийпарвар принципи, илгор гояси талабалар мустакиллигини шакллантиради. Продуктив уқитиш йулларидан бири таълим жараёнини ўқитувчи билан талаба уртасидаги хамкорлик жараёнига айлантиришdir. Бу холатда талаба маълумотларнинг тингловчиси ролидан аста-секин, боскичма-боскич, фазама-фаза уни хамкорликда эгаллаш функциясини бажарувчи teng хукукли шерик даражасига усib утади. Аввал таклид, кейин идентификация ва охирида рефлексион йуллар, уз-узини бошкариш билан янги билимларни узлаштириш фаолияти доирасини кенгайтиради.

Этнопсихологик конунлар тугрисида талабаларга маълумот беришда умуминсоний, умумтариҳий тажрибаларни эгаллаш инсон тараккиётининг узига хос шакли тарикасида талкин килиш мухим ахамият касб этади. Психология мохиятига маънавият, кадрият ва руҳият уртасидаги изчил алока, баркамол шахс боскичлари, унинг объектив ва субъектив шарт шароитлари каби масалаларни сингдириш – инсоншунослик фани учун мухим ахамиятга эгадир.

Мустакиллик туфайли олий таълим тарбиясида кенг ва чукур имкониятлар яратилди. Охирги йилларда олий таълим даргоҳларида психологик тушунча, конуниятлар, принциплардан кенг фойдаланилмокда. Олий таълимда бўлажак ўқитувчиларнинг психологик тайёргарлиги 1-навбатда уларнинг онги, тафаккури ва хотирасида психологик тушунча коида ва принципларнинг шакллантириш билан боғлик. Бу жараён жуда мураккаб, ҳар дарсда талаба уз психологик лугат дафтарида 20-30 психологик тушунча ва атамаларни ажратади – лугавий маъносини дафтарда ёзади. Натижада бу тушунча ва атамалар талаба онгига чукуррок сингади, хотирасида узок вакт сакланади.

Психик ходисалар жуда мураккаб ва куп кирралидир. Аммо улар канчалик мураккаб булмасин, уларни самарали актив метод ва усуллар ёрдамида ўрганиш оркали студентларнинг материаллари сифатли узлаштиришларига эриши мумкин. Мана шу самарали усуллардан бири – психология курсини уқитиша курсатмалилик методидан кенг фидаланишdir. Психология курсида курсатмалиликнинг турли хилларидан:

А – психологик тажрибалар. Б – тасвирий курсатмалилик (расмлар, жадваллар, макетлар). В - оғзаки (суз) иллюстрациялар ва Г – техник воситалардан фойдаланишdir (компьютер, техникаси, дисклар, пластиналар, кинофильмлар, магнитафон ленталари)

Тарбиячи – педагогларнинг ижтимоий хаётдаги роли ва обрусини кутариш, уларнинг касбий тайёргарлигини тубдан яхшилаш хозирги замон талабидир. Шундай экан психологиядан ташкил этиладиган маъруза, семинар ва лаборатория машғулотлари педагогика институтларида булгуси мутахассислар тайёрлашда асосий уринлардан бирини эгаллайди.

Психология фанини уқитиши педагогика институтларининг студентларига 1-курсданок бошланади. Табиийки студентлар психология дарслиги ва кулланмаларнинг дастлабки боблариданок фалсафа, физиология, психология ва педагогикага доир жуда куп тушунча ва атамаларга дуч келадилар. Бундан ташкари студентлар уқишининг дастлабки даврида хали илмий адабиётлар устида ишлаш методикасини билмайдилар. Бу эса студентларнинг психология фанини узлаштиришда анчагина кийинчиликларни тугдиради. Мана шу кийинчиликларни бартараф этишга ёрдамлашиш маъруза пайтида, семинар ва лаборатория машғулотларида психология фани буйича ташкил этилган тугаракларда олиб борилади. Уларда студентларнинг шахс, ижтимоий-психологик ходисалар хакидаги қарашлари шаклланади.

Психологик адабиётлар материаллари асосида илмий психологияга доир назарий масалаларни биргаликда фронтал тарзда мухокама қилинади. Студентларга утилган мавзуларга доир билимлари, ёзган рефератлари, маърузалари мухокама қилинади.

Лаборатория машғулотларида студентлар билан психологик конуниятларни аниклашга доир утказилган амалий тажрибалар оркали уларнинг психик ходисаларга тегишли назарий билим ва тушунчаларни амалий жиҳатдан тахлил қилинади. Уларда психология назарияси ва амалиётининг бирлиги таъминлайди.

Семинар машғулотларида психологиянинг умумий илмий назарий конунлари психологик адабиётлардан йигилган маълумотларни тахлил килиш оркали студентлар томонидан узлаштириб олиниши зарур булган тушунчалар конкретлаштирилади. Лаборатория машғулотларида эса психология хакидаги назарий билимларни кандай килиб амалда куллаб бориш кераклиги студентларнинг фаол иштирокида бажариладиган экспериментлар оркали курсатиб борилади. Лаборатория машғулотлар психология уқитишининг таркибий кисмларидан биридир. Чунки

психология фани уз предметига оид конуниятларни аниклаш ва илмий хулосалар чикаришда асосий эксперимент ва кузатишлар оркали йигилган конкрет далилларга таяниб иш куради. Шунинг учун психологик тадқиқотларнинг экспериментал методикасини ўрганиб олмасдан туриб психологиянинг асосларини узлаштириш кийин. Бундан ташкари лаборатория машғулотлари студентларнинг психологиядан лекция тинглаш ва маҳсус адабиётларни ўрганиб бориш йуллари билан узлаштирилиб олган назарий билимларни кандай килиб амалда куллаб бориш кераклиги студентларнинг фаол иштирокида бажариладиган экспериментлар оркали курсатиб борилади. Лаборатория машғулотлар психология уқитишнинг таркибий кисмларидан биридир. Чунки психология фани уз предметига оид конуниятларни аниклаш ва илмий хулосалар чикаришда асосий эксперимент ва кузатишлар оркали йигилган конкрет далилларга таяниб иш куради. Шунинг учун психологик тадқиқотларнинг экспериментал методикасини ўрганиб олмасдан туриб психологиянинг асосларини узлаштириш кийин. Бундан ташкари лаборатория машғулотлари студентларнинг психологиядан маъруза тинглаш ва маҳсус адабиётларни ўрганиб йуллари билан узлаштирилиб олган назарий билимларни мустахкамлади. Жамиятнинг ҳар кандай тараккиёт боскичида меҳнат самарадорлигини ва унинг сифатини юксалтириш муаммоси ишлаб чикаришнинг барча соҳаларида 1-даражали ахамиятга эгадир. Бу эса олий таълим тизимида ишлаётган одамлар меҳнатига хам таалуклидир. Аслини олганда ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва мафкуравий муаммоларнинг ечими куп жихатдан кадрларни тайёрлаш сифатига боғлиkdir. Шу боисдан ҳалк таълими учун ўқитувчи кадрларни тайёрлашга айникса алоҳида эътибор каратиш зарурдир. Республикамизда хаётнинг барча соҳаларида гоят катта узгаришлар, катта курилишлар юз берәётган, ҳалкнинг турмуш тарзи тубдан узгараётган одамлар онгida жиддий узгаришлар руй берәётган хозирги кунда ўқитувчининг меҳнати жуда мураккаб, машаккатли, жавобгарли ва шу билан бир каторда кизикарли меҳнатдир. Ўқитувчи мана шундай шароитда хаётимизни кайта куришда энг мухим таъсир курсатувчи сиймо булмоги лозим. Бунинг учун эса ўқитувчи ҳар томонлама билимли мутахассис эътиқодли, уз ватанига содик, педагогик кобилият ва маҳоратга эга булган узининг жамият олдида мафкуравий ва касбий педагогик вазифаларини бажаришга тайёр булмоги лозимдир. Педагогика институтининг онгли равищда шу касбни танлаган ҳар бир талабаси шундай билим ва малакаларни эгаллаши лозим, бу билим ва малакалар унга мактабдаги қундалик ишида ёрдам берадиган булсин.

Талабаларни ўқитувчилик ишига мувафаккиятли тайёрлашнинг асосий воситаларидан бири маъруза (лотинча “уқиши, мунозара” демакдир) биринчи булиб урта аср университетларида биронта китобдаги матнни ўқитувчи томонидан уқиб бериш тарикасида кулланилган, ўқув материалини оғзаки изохлаб бериш ҳарактеридаги маъруза XVIII асрда ихтиро этилган. Олий мактабларда тараккиёт тажрибаси шуни курсатадики, мухозара ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий усули

эканлигини тамомила тасдиклади. Мухозаранинг асосий вазифаси талаба билимларининг керакли соҳага йуналтириб маълум фаннинг ютуклари, бу фаннинг ечилган, ечилаётган муаммолари билан таништириш ва келгусида у соҳаларни мустакил ўрганишга тайёрлашдан иборатdir. Мухозара билимларни умумлаштириб бериш ва билим асосларини умумлашган холда эгаллашнинг тежамли усулидир. ўқув курси оғзаки баён этилганда купчилик талабалар материалларнинг асосий мазмунини осонрок тушуниб унинг мантикий тузилишини, ундаги исбот далилларни енгилрок узлаштириб оладилар. Мухозарага куйиладиган талаблар куйидагилардир:

1. Дидактика талаблари: мухозарани илмийлиги, тарихийлиги, изчилиги, тушунарлиги ва тулалиги.
2. Ўқитувчининг баён этишдаги тилига куйиладиган талаблар.
3. Кургамалилиқ, техника воситаларидан фойдаланиш.

Фаннинг талабалар томонидан мустахкам ўрганишлари учун кийин буладиган айрим кисмлари ва айрим мавзулари буйича мухозара ўқилганда ўқитувчи энг кийин материални осонрок ва тушунарли килиб баён этган холда талабаларга ёрдам беради. Ўқитувчи мавзунинг барча саволларини узил-кесил жавоб беравермай турли тахминларни олдинга сўрган холда айрим масалаларни куриб чикиб, уларни фанда ва амалиётда кандай ўрганиш йулларини курсатиб беради.

Мухозаранинг барча мавзулари уртасида мустахкам алока ва узаро боғликлек бордир. Бу ҳар бир мавзуни баён этишда сакланади. Шунинг учун ўқитувчи мухозарани бошлашдан аввал талабаларга олдинги мавзуникискача мазмунини эслатиб утиши лозим. Мухозарага куйиладиган талаблардан биттаси материални баён этиш тилига куйиладиган талаблар булиб, мухозаранинг муваффакият куп жихатдан ўқитувчининг тилига, унинг нуткига боғлиkdir. Материални изохлаш тили тушунарли, содда осон булмоги лозим. Хаддан ташкари мураккаб, ута илмий, тушуниб булмайдиган жуда куп кийин иборалар билан тулиб тошган ёки хаддан ташкари оддий тилда изохлаш талабаларда мухозарага булган кизикишни йукотиб, улар уз диккат эътиборини дарсга карата олмайдилар, натижада материални идрок килиш, уни тушуниб этиш ёмонлашади. Материални баён этишда тингловчиларнинг хусусиятларини (курс, факультет, мутахассислик) хам эсдан чикармаслик керак. Агар мавзуда тушуниш кийин булган иборалар куп булса, бундай холларда кийин иборалар айникса куп учрайди. Жумладан онтонегенез, филогенез, фрустрация, конформизм, детерменизм, сенсибилизация ва бошкалар. Талабаларни бундай тушунчалар билан олдиндан таништириш материални баён этишни осонлаштиради.

Маърузаларни янги педагогик технологияга асосланиб бир неча шаклда ташкил этиш мумкин. Педагогик технология – бу ўқитувчи томонидан уқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир курсатиш ва бу фаолият махсуси сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни деб таърифлаш мумкин (В.П.Беспалько «Педагогика и прогрессивные технологии, обучения» М.

1995 год ). Педагогик технология – амалиётга жорий этиш мумкин булган маълум педагогик системанинг энг самарадор лойихасидир. Ўқитувчи талабани ( ўқувчини) «уқитиши» эмас, «уқишига ургатиши» керак, уқитишнинг репродуктив усулига эвристик ёндошиш керакки, токи талаба ҳар бир дарсда узининг «янгилигини» кашф этсин. Янги педагогик технологияга асосан, уқитишнинг анъанавий – монологик усулидан воз кечиб, «интератик» усул – яъни ўқитувчи ва талабанинг хамкорлигига асосланган фаол усуллар кулланилиши мақсадга муваффак.

Таълим жараёнида имкон кадар ЭХМ ва компьютер техникасини куллаш керак. «Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст булиши мукаррар» (Каримов И.А. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори» Тошкент 1997 йил, 15-бет). Педагогик жараённи ташкил этишга янгича ёндошиш талабалар фаолиятини, мустакил ва ижодий фикрлашини фаоллаштиради. Маърузаларни қуидаги шаклларда ташкил этиш мумкин:

7. Маъруза – конференция типидаги дарс.
  8. Муаммоли таълим.
  9. Маъруза – мунозара.
  10. Компьютерлашган таълим (маъруза матнларининг компьютер нусхаси)
  11. Масофали уқитиши.
  12. Интернет тизимидан фойдаланиш
- Маърузаларни бир неча хил усулда, яъни аралаш усулда ташкил этган мақсадга мувофиқдир. Бунда:
2. Талабанинг мустакил фикрлаши ривожланади.
  3. Муаммоларни хал этишда ҳар бир талабанинг масъулияти ошади.
  4. Талабанинг оғзаки ва ёзма нутки ривожланади.
  5. Мавзуларни яхши эсда олиб колишга ёрдам беради.
  6. Илмий – назарий тушунчаларни узлаштиради.
  7. Талаба мустакил равишда саволлар тузишга ўрганади ва х.к.

Лекция – конференция типидаги дарс – таълим тарбиявий ҳарактерга эга булиши лозим – яъни таълим оркали талабаларда дунёкарашни тарбиялаш, хаётий муаммоларни хал этишга тайёр булиш руҳида тарбиялаш, ишлаб чиқаришга, педагогик фаолиятга тайёрлаш керак. Маърузалар жараёнида талабалар психологиядан назарий билим, қўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Бу жараён ўқитувчи ва талабанинг фаолияти хамкорликда булсагина муваффакиятли амалга ошади, улардан бирининг сусткашлиги мувафаккиятсизликка олиб келади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Конунига асосан таълимни шундай ташкил этиш вазифаси қуилмокдаки у ўқувчиларнинг аклий тараккиётини максимал даражада таъминлайдиган, ўқувчи (талаба) шахсини ҳар томонлама маънавий – маърифий ахлокий жихатдан етук баркамол таркиб топтирувчи булмоги лозим. Шунинг учун хозирги даврда маърузаларни ташкил этишда конференция типида ташкил этиш мақсадга

мувофикдир. Масалан умумий психология фанидан 15 та мавзу утилиши режалаштирилган булса улардан 5 ёки 6 тасини шу типда ташкил этиш мумкин. Бу типдаги маъruzаларни ташкил этишда гурухдаги барча талабаларга тайёр маъруза матни аввалдан берилади, улар хаммалари тайёрланадилар (кушимча адабиётлар хам тавсия этилади ва уларни талабалар мустакил ўрганадилар албатта). Улардан бир нечаларини маърузачи килиб тайинланади, мавзудаги саволларни улар навбати билан очиб берадилар, гурухдошларини фаол, мустакил, ижодий фикрлашга чакирадилар ва куйилган муаммоларни биргаликда хал этадилар. Ўқитувчи раҳбарлик килиб, баъзан саволларни йуналтириб, керак пайтда хулоса чикариб, дарсни якунлайди. Фаол иштирок этган талабалар рагбатлантирилиб борилади, фаол булмаган – пассив талабаларга хам эътибор бериб бориш зарур, - уларнинг у ёки бу масаладаги фикрларини сураш, баъзан уртоклари фикрини кайтаришни илтимос килиш, огохлантириш ва бошка усууллар оркали.

Муаммоли таълим усули – дарс жараёнида талабалар олдига турли муаммолар куйиб берилса, уларни факт мул-кул информациялар билан таъминламасдан, уларни фикр юритиш фаолиятига ургатилади. Муаммо куйилган экан – уни хал этиш учун ижодий фикрлаш жараёни юз беради – савол тугилади, вазифа аникланади, жавоб кидириш жараёни вужудга келади.

Маърузачи – педагог маъруза жараёнининг асосий ташкилотчисидир. У узининг фикрлари, суз ва иборалари, шахсий намунаси, талабаларга булган муомала муносабати, акл-идроқи, иродаси, дунёкараши хамда эътиқоди билан таъсир килади. У уз фанини яхши билиши билан бирга одоб-аклоқда хам намуна булиши керак, маънавий-маърифий жихатдан етук – баркамол булмоги, аввало уз Ватанини, миллый тили, урф-одати, кадриятларни эъзозлаши, таълим мазмунини жаҳон мезонлари даражасига интилмоги керак.

У энг аввало педагогик касбига хос хислатларга - педагогик психологик билим, кўникма ва малакаларни эгаллаган булмоги лозим, касб сифатларини эгалламаган педагог талабаларга назарий билимларни бера олади, лекин уларнинг рухиятига, шахсига мақсадга мувофик педагогик-психологик таъсир курсата олмайди, уз фанига кизиктира олмайди. Бундай сифатларга – инсонпарварлик, адолатли булиш, тугрисузлик, талабчанлик узгалар урнига узини куя билиш, ёшларга меҳр-муҳаббатли булиш, уз касбини севиш, педагогик одоб ва маданият кабиларидир.

Педагогик касбининг энг нозик ижтимоий кирраси – талаба билан мулокотда унда инсонпарварлик гоясини, миллый гуур, мустакиллик гоясини сингдириб бориши, маъруза давомида уларнинг маънавиятини, руҳий дунёсини, ички кечинмаларини билиб бориши ва кизикиши зарур.

(«Такт» - атамасининг моҳиятини талабалардан сурайман, бу атама билан улар 2-курсда танишганлар. Такт – ахлокий категория булиб, кишиларнинг узаро муносабатларини бошкаришга ёрдам беради ва у

инсонпарварлик асосига курилади. Хулк тактикаси кишилардан ҳар кандай кийин вазиятларда хам инсонларга хурматни саклаб колишни талаб этади).

Тактли (назокатли) булиш ҳар бир киши учун ахлокий талабдир, айникса шахсни тарбияловчи педагог учун энг юқори талабдир.

Маърузачи – педагогнинг диккати ва кузатувчанлик кобилияти хам маърузанинг муваффакиятли олиб боришида мухим ахамиятга эга. Ўқитувчи изчил ва кузатувчан булиши керак, дарсни тушунтириётганда, сураётганида, доскага ёзаётганида талабалар мавзуни кандай идрок килаётганикларини кузатиб бориши керак, (дарсдан чалгиган талабаларга караб куяди, овозини баландлайди ёки сузга ургу беради ва х.к.) булмаса интизом издан чикади.

Педагог нуткининг хусусиятлари – Талабалар маърузада билимни аввало ўқитувчининг нутки оркали оладилар. Шунинг учун маърузачининг нутки изчил, асосли, талаффузи равон булиши, уз фикрини маълум тизимга солиб баён этиши, нотаниш сузлар ибора ва атамаларни доскага ёзиб, уларни изохлаб бериши керак. Мавзуларни ёритишда янгиликлар, янги маълумотлар ва фактлардан фойдаланиб бориши керак. Чунки тезкор замонда талабалар информациялар – маълумотлар оқимига кумилгандирлар – радио, телевидения, матбуот, хатто интернетдан фойдаланадиганлар хам бор. Шахримиздаги бир катор ўқув юртларидағи компьютерлар интернет тармогига уланган.

Маърузани жуда тез хам, ута секин хам гапирмаслик керак. Жуда тез маъруза утилса, талабалар фикрларни идрок килиб, ёзиб боришига улгурмайдилар, секин олиб борилса, талабалар зерикади, диккатлари чалгийди. Баланд овозда гапириш хам тингловчиларнинг асабига тегади, толикириади.

Мавзуни ёритишда талабаларнинг мустакил фикр юритишига, хулосалар чикаришга ургатиш керак. Бирор коидани айтгач албатта мисоллар билан изохлаши, хаёт билан боғлай олиши, ахамиятини курсатиб бериши керак.

## **МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛ ВА ТОПШИРИКЛАР:**

5. Келажакда маърузачи – педагог сифатида узингизни кандай тасаввур этасиз?
6. Маъруза давомида фаол уқитиш услубларидан кайсиларини танлаган булардингиз? Жавобингизни изохлаб беринг.
7. Педагог ёки ўқитувчилардан кимларга хавас киласиз, улардаги кайси хислатларини ёқтирасиз.
8. Бир талаба атайлаб дарсни бузяпти, кандай йул тутасиз?
9. Маъруза самарадорлигини ошириш учун таклифларингиз?

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

<b>14-МАВЗУ</b>	<b>Психология курсидан семинар ва амалий машғулотларни режалаштириш ва уни ўтказиш олдига қўйиладиган педагогик-психологик талаблар</b>
<b>Мақсад ва вазифалар</b>	Психология фанини уқитиши жараёнида семинар машғулотларидан фойдаланиш талабаларни мантикий фикрлашга, психологик фактларни тахлил килиш ва умумлаштиришга бу фан буйича олган билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ёрдам беради. Семинар машғулотларидан асосий мақсад психология курсидан олинган назарий билимларни мустакил иш билан мустахкамлашдир.
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Психологияда семинар ва амалий машғулотлар ўтказишнинг аҳамияти.</li><li>2. Семинар ва амалий машғулотлар ўтказишга қўйиладиган асосий талаблар.</li><li>3. Семинар ва амалий машғулотларни ташкил этиш турлари.</li><li>4. Билимларини ўзлаштириш ва эгаллаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида оқилона омилкор воситалар ва методлар системасини амалиётга татбиқ этиш.</li></ol>
<b>Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси</b>	<b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва тахлилий ёндашув асосида ўтказилади. <b>Шакл:</b> аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш. <b>Восита:</b> тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар <b>Усул:</b> ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. <b>Назорат:</b> савол-жавоблар
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Маърузачи қисқа вақт ичидаги барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади. <b>Талаба:</b> Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичидаги кўп маълумотга эга бўлади.. Педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётини воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.
<b>Келгуси режалар (тахлил, ўзгаришлар)</b>	

## **14 – М А В З У: Психология курсидан семинар ва амалий машғулотларни режалашибириш ва уни ўтказиш олдига қўйиладиган педагогик-психологик талаблар (2 соат)**

### **Р Е Ж А:**

1. Психологияда семинар ва амалий машғулотлар ўтказишнинг аҳамияти.
2. Семинар ва амалий мушғулотлар ўтказишга қўйиладиган асосий талаблар.
3. Семинар ва амалий машғулотларни ташкил этиш турлари.
4. Билимларини ўзлашибириш ва эгаллаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида оқилона омилкор воситалар ва методлар системасини амалиётга татбиқ этиши.

Келажаги буюк булган мустакил Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги қунини таъминлайдиган шахсни-мутахассисни жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган тарзда тайёрлаш куп жихатдан уни кандай уқитиш ва муҳими нима билан уқитишга boglik. Яъни энг асосий омил таълим мазмуни ва вситасидир.

Ўқув тарбия ишларининг асосий шаклларидан бири талabalар билан семинар машғулотлар ўтказишdir. Психология фанини уқитиш жараёнида семинар машғулотларидан фойдаланиш талabalарни мантикий фикрлаш, психологик фактларни тахлил қилиш ва умумлашибиришга бу фан буйича олган билимларини кенгайтириш ва чуқурлашибиришга ёрдам беради.

Семинар машғулотларида асосий олинган назарий билимларни кенгайтириш ва чуқурлашибиришга ёрдам беради. Семинар машғулотларида асосий мақсад психология курсидан олинган назарий билимларни мустакил иш билан мустахкамлашибdir. ўқув режасига асосан кундузгибўлимларда умумий психология курси буйича жами олти соат «Ёш психологияси ва педагогик психология» буйича ун соат иккинчи боскич талabalari учун семинар машғулотлари куйилган. Шунга асосан кафедрада семинар мавзулари ишлаб чиқилган ва уларда талabalарнинг саволлари янада кенгрок, хамда чуқуррок ёритишлари учун йулланма берувчи адабиётлар руйхати курсатилган.

Семинар машғулотларнинг мавзу режасини тузишда, талabalар курс буйича маъruzalardan тингланган назарий ва услубий билимларини янада туларок очишга, психология буйича илмий адабиётлар билан мустакил ишлашиб имконият яратишга ҳаракат қилинади. Кафедра ўқитувчилари талabalарни семинар машғулотларига тайёрлашда, талabalарни уз жавобларида баъзи баҳсли, мунозарали саволлар билан илмий асосланган ва уз исботини бера оладиган фикрларга таянган холда жавоб беришга ургатадилар. Семинар магулотларнинг самаралиги купинча дарснинг кандай утганлигига boglik.

Энг ассийси фанни пухта узлашибириш: унга кизикиш ва талabalарнинг дарсдаги фаоллигидир. Семинар машғулотларини турли хил

шаклда ўтказиш мулжалланган. Улар: фаол уйинлар, аралаш дискуссия ва реферат шакллариридир.

Услубий томондан тугри ташкил этилган семинарда талабалар жавобларига ижодий ёндашиб, мунозара-бахс куринишида утади. Мунозара вактида талабалар жавоб бераётган уртокларнинг фикрини тинглаш, уз жавоблари билан солишириш ва билимларини тулдиришлари, камчиликларини тугрилашлари, бахсда уз фикрларини баён килишлари мумкин. Ижодий тусда утказиладиган семинарларда талабалар фанга булган кизикишларининг ортиши, уз дунё карашлари кенгайишига ишонч хосил килишлари, билимлари усишига эришишлари мумкин.

Кафедра ўқитувчилари талабаларни семинар машғулотлари оркали уйлашга ургатадилар, илмий асосланган билимларни эгаллашлари учун йулланма берадилар. Мавзуни мустакил ўрганишда чукур кизикиш уйготадилар. Маъруза, реферат, сузга чикиш, бахсли мунозараларда иштирок этиш талабалардан уз фикрини аник, лунда, мантикан асосланган, юқори даражада саводли булиш имкониятини яратади. Семинар машғулотлари мухокамасида факт маъruzачи, балки барчанинг фаол иштирок этишига эътибор килиш мухимdir.

Семинар фаол утиши ўқув-тарбия ишларида алохиди ахамиятга эгадир. Семинарнинг реферат шаклида маъruzачи ва тулдирувчининг аввалдан талабалар орасидан тайинлаб куйилиши, улар уз рефератларини мухокамага тавсия килишлари лозим булади. Семинарнинг аралаш шаклида маъruzалар мухокамаси ва мавзу буйича эркин сузга чикишлар мавзуни ёритишда рухсат этилади.

Кейинги вактларда семинар машғулотларида фаол уйинлардан кенг фойдаланилмокда. Фаол уйинли машғулотларда талабалар гурухи узларининг бўлажак касблари фалияти жараёнида учратиш мумкин булган амалий холатларни хал этишда назарий билимларни синаб курадилар.

Семинар машғулотларига мустакил тайёргарлик куриш талабаларни курсатилган адабиётлар асосида конспект-дарс мавзусини тайёрлашга ургатиш, мавзудаги асосий булган фикрларни ажратиб олиш, режадаги ҳар саволга мантикий тугри жавоб топа билишга ургатади. Семинар машғулотлари талабаларни психологик воеаларнинг асосий магзини тушуниши уларнинг асосий маъносини англашга угатувчи ўқув ишидир. Психологик фанларнинг асосини билиш, бўлажак педагогларни амалий масалаларни муваффакиятли хал этишларига хамда келажак авлод тарбиясида, шунингдек Психология буйича семинар машғулотларини услубий томонидан тугри такил этиш ва уқитишларига ёрдам беради. Маъруза пайтида талабалар уз психологик лугат дафтарини тузади деб айтган эдик, шу дафтарчадаги атамалар ёрдамида амалий машғулотларда фойдаланиш учун психологик кроссворд, ребуслар тузишлари хам талабалар билимини оширишда ёдам беради.

Семинар машғулотларида илгор педагогик технологияни жорий этиш мавзуларни талабалар томонидан кенгрок ва мукаммалрок узлаштириларига, мустакил фикрлашга, ижодий изланишга кенг имконият

яратди. Масалан, дастурга мувофик умумий психологиядан «Характер» мавзусини ёритишида маъруза пайтида – психологияда характер муаммоси, характернинг тузилиши, характер хислатлари ва характернинг шаклланиши масалалари куриб чикилиши кузда тутилган.

Амалий машғулот учун эса, «Миллий характерга этно-психологик ёндошув» масаласини ажратиб олиниб, талабалар эътиборига аввалдан куйидаги саволларни хавола этиш мумкин:

1. Этнопсихология нима?
  2. Характер деганда нимани тушунасиз?
  3. Характернинг кандай хислатларини биласиз?
  4. Характер хислатларига шахснинг узининг муносабатини кандай тушунасиз?
  5. Хулк-атворнинг характерда тутган урни?
  6. Характерда узаро муносабатларнинг роли?
  7. Кандай сифатлар характернинг салбий сифатлари ва кайсилари ижобий сифатлари дейилади ва улар кандай мезонларга асосланиб баҳоланади?
  8. Узбек йигит-қизларининг характерида кандай сифатлар алохида урин тутади?
  9. Шахснинг уз-узини тарбиялаши учун узида кандай сифатлар булиши лозим?
  10. Хозирги замон ўқитувчи (тарбиячиси) кандай хаактер хислатларига эга булиши керак деб хисоблайсиз?
  11. Кишини ураб тўрган мухитнинг характерга кандай таъсири бор?
  12. Миллий характер нима?
- Шунинг билан бирга мавзууни узлаштиришларига ёрдам берадиган адабиётлар хам тавсия этилади:
1. «Таълим тугрисида» ги Конун 1997 йил август.
  2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бусагасида. Хавфсизликка таҳдид. Баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Тошкент 1997 йил.
  3. И.А.Каримов «Маънавий юксалиш йулида» Тошкент 1997 йил.
  4. И.А.Каримов «Баркамол авлод–Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори» Тошкент 1997 й.
  5. В.Каримова, Ф.Акрамова. Психология. Тошкент 2000 йил.
  6. Абдурахмонов Ф. Давлетшин М.Г. Одамлар билан кандай мулокотга киришиш ва ёндашиш керак? Тошкент 1996 йил.
  7. Давлетшин М.Г. Шарқ мутафаккирларининг психологик карашлари. Тошкент 1992 йил.

Талабалар тавсия этилган адабиётлар билан танишиб, амалий машғулот мавзусида кузда тутилган саволларга жавоб беришга тайёрланиб келадилар. Уларнинг узлари хам мавзуга оид яна бошка саволлар хам тайёрлаб келишлари мумкин.

Амалий машғулот янги педагогик технологияга асосан «гурухларга булиб утиш» услубида ташкил этилиб, «гурухий мунозара шаклида ўтказиш мумкин. – бундан мақсад талабаларда «Характер»

мавзусини ўрганишга кизикиш уйготиш ва уларда мавзу устида мустакил, ижодий ишлаш кўникмаларини шакллантиришдир.

Амалий машғулот учун ажратилган 80 минутни бир неча кисмга, масалан, 5 кисмга ажратиш мумкин:

1. Дарснинг 1-кисмида (15 минут давомида) талабалар «юмалок стол» атофига утиришлари таклиф этилади ва 1-2, 3, 4-саволларни қуриб чикиш «савол-жавоб шаклида» олиб борилади. Талабалар ихтиёрий равища, яъни ким жавоб беришни хохласа жавоб берадилар. Барча жавоб берувчиларга битта талаб куйилади – жавобларқисқа, аввалгиларини такрорламайдиган булиши керак. Жавблар ўқитувчи томонидан тахлил этилади.

2. Машғулотнинг 2-кисмида талабалар 4 грухга ихтиёрий равища булинадилар (узлари шерик танлайдилар). Машғулотнинг бу кисмида грухий мунозара усули кулланилади. Мавзудаги колган 8 та савол конвертга солинган булади ва ҳар бир грух иккитадан савол танлаб олади ва уларга жавоб беришга тайёрланадилар ва уз грухларида мухокама киладилар.

3. Машғулотнинг 3-кисмида – 35 минут давомида ҳар бир грух узи учун ажратилган саволга навбати билан жавоб беради. Уларнинг берган жавобларини колган грухлар тахлил этадилар ва баҳолайдилар. Ҳар бир грух узларига берилган баҳога нисбатан фикр-мулоҳазаларини билдиришлари, уз фикрларини химоя килишлари учун имконият берилади. Ўқитувчининг бу едаги вазифаси – вактни тугри таксимлашга эътибор бериш ва мунозарага раҳбарлик килиб туришдир.

4. Машғулотнинг 4-кисмида – 10 минут давомида ўқитувчи утказилган машғулот буйича уз фикрларини билдиради, хулоса чиқаруб яқунлайди, талабаларнинг билими ва фаолликлари баҳоланади, олган баҳоларини талабалар хам уз рейтинг дафтарларига ёзиб оладилар.

5. Машғулотнинг охирги кисмида – 5 минут давомида кейинги машғулот мавзуси ва адабиётлар талабалар эътиборига хавола этилади. Машғулотни кандай шаклда ташкил этиш талабалар иштироқида белгилаб олинади.

Амалий машғулотларда илгор педагогик технология усулларидан – грухларга булинниб утиш савол-жавоб грухий мунозара услубининг ахамияти шундаки, бундай усулни куллаганимизда талаба мавзуни ёритища хам етакчи, хам тахлил этувчи сифатида фаолият курсатаяпти, талабанинг мустакил, ижодий фикрлаши шаклланади ва ривожланади, оғзаки нутки хам, ёзма нутки хам ривожланади, бойийди, машғулот мусобака тарзида ташкил этилгани учун хам кизикарли утади, талабанинг узига нисбатан ишончи ва масъулияти ошади. Узига ва узининг имкониятларига тугри баҳо беришга ўрганади, мавзуни яхши эсда олиб колишга ёрдам беради, психологик билимлардан уз урнида фойдалана олишларига, ёшларни ижтимоий хаётга психологик жихатдан тайёрлашга, уларда инсоний фазилатларни шакллантиришга, юксак, теран ва атрофлича фикр юритадиган инсонларни тарбиялаб этиштиришга ёрдам беради.

## **МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛ ВА ТОПШИРИКЛАР:**

1. Семинар (амалий) машғулотларнинг моҳиятини айтиб беринг.
2. Амалий машғулотларнинг кандай шаклларини биласиз?
3. Битта амалий машғулот давомида унинг кайси шаклларини кушиб олиб бориш яхши самара беради деб хисоблайсиз.
4. Умумий психологиядан «Кобилиятлар» мавзуси юзасидан амалий машғулот ўтказиш режасини тузинг ва амалий машғулот ўтказиш ишланмасини тайёрланг.

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

<b>15-МАВЗУ Мақсад ва вазифалар</b>	<b>Д.Толлингерованинг таълим масалалари таксиономияси.</b> Таълим олувчида билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш. машғулотнинг мақсади тингловчилардаги аниқ қобилиятиларни ривожлантириши, малакаларни ошириш ва янги тажрибадан фойдаланиш бўлса, унда баҳснинг предмети аввало тажриба алмашинувга қаратилиши, бунда айрим машқлар ҳам бажарилиши, уларнинг натижалари таҳлил қилиниши, ролли ўйинларни бажаришгача олиб боришидир.  1. Таълим тарбия жараёнида муаллифни қўлланган усуллари услублари, таҳлили амалиётида қўллашда вужудга келадиган муаммоли вазиятларни бартараф этиш. 2. Психология ўқитиш курсини асосий вазифалари таълим жараёнини бошқаришда илгарилама талабни ўқиш таксономиясини мақсад вазифалари. <b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. <b>Шакл:</b> аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш. <b>Восита:</b> тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар <b>Усул:</b> ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. <b>Назорат:</b> савол-жавоблар
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Маърузачи қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади.
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<b>Талаба:</b> Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.. Педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	

## **15 – мавзу: Д.Толлингерованинг таълим масалалари таксиономияси.**

### **Режа:**

1. Таълим тарбия жараёнида муаллифни қўлланган усуллари услублари, таҳлили амалиётида қўллашда вужудга келадиган муаммоли вазиятларни бартараф этиш.

2. Психология ўқитиш курсини асосий вазифалари таълим жараёнини бошқаришда илгарилама талабни ўқиш таксономиясини мақсад вазифалари.

### **Аудитория билан ишлашнинг ижтимоий психологик шартлари.**

Маълумки, ҳар қандай педагогик жараённинг асосий мақсади - таълим олувчида билим, малака ва кўнималар ҳосил қилишдир. Бу нарса маълумотлар алмашинуви орқали рўй беради. Педагогик мулоқот жараёнидаги маълумотлар алмашинуви асосан уч шаклда амалга оширилади:

монолог;

диалог;

полилог.

**Монолог** - маърузачи ёки ўқитувчининг тингловчилар ёки ўқувчи - талабалар қаршисига чиқиб нутқ сўзлаши, дарсни баён этишидир. Айни шу усул таълим-тарбия жараёнидаги асосий восита эканлиги тўғрисида онгимизга ўрнашиб қолган тасаввур мавжуд. Бу холатда гапирувчи маълумотларнинг асосий таянч манбаи ҳисобланади ва фақат ундангина фаоллик талаб қилинади. Монолог эгаси ўзи мустақил тарзда маълумот мазмунини тингловчиларга етказиш ва ўз мавқенини таъкидлаш имконига эга бўлади. Лекин аудитория, яъни тингловчилар унга нисбатан анча пассив мавқеда бўладилар ва бу нарса маълумотнинг фақат кичик бир қисминигина идрок қилиш ва эслаб қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи бу камчиликнинг олдини олиш учун аудиторияни фаоллаштиришнинг бошқа йўлларини қидиришга мажбур бўлади.

**Диалог** - ўқув мавзуси ёки муаммони гуруҳ шароитида ўқитувчи билан биргаликда ва ҳамкорликда муҳокама қилиш йўлидир. Шунинг учун бу усул тингловчиларни нафақат фаоллаштиради, балки аудиторияда ижодий муҳитнинг бўлиши ва фикрлар алмашинувидан ҳар бир иштирокчининг манфаатдорлигини таъминлайди. Яъни, тингловчилар ўқув жараёнининг объектидан **унинг субъектига** айланадилар.

Диалог жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида фикрлар алмашинуви, билимларни ўзаро муҳокама қила олиш учун реал шароит яратилади. Лекин диалогни ташкил этишдан аввал ўқитувчи аудиториянинг у ёки бу хусусда билимлар ва тасаввурларга эга бўлишини инобатда олиши зарур, акс холда ўзаро мулоқот самарасиз ва мазмунсиз тортишувга айланиб кетиши мумкин. Диалог жараёнида уни ташкил этган шахс аудиториянинг у ёки бу муаммо юзасидан билимларини диагностика қилиш ва шунга мос тарзда ўз ишини ташкил этиш имкониятига эга бўлади. Айнан шу холат диалогнинг энг муҳим психологик аҳамиятидир.

**Полилог** - гуруҳ ичидаги мунозарадир. У тингловчилар ёки ўқувчиларнинг фаоллигини янада ошириш, улардаги ижодий қобилиятларни ривожлантириш мақсадида ишлатилади. Полилог жараёнида гуруҳ аъзоларининг ҳар бири муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятига эга бўлади, ўқитувчи эса ушбу жараённинг ташкилотчи сифатида ўқувчилар ёки талабалар фаолиятига бевосита аралашмайди. Бу усул дарс мавзуси кўпроқ назарий характерли бўлиб, янги ғоялардан уларнинг амалий жиҳатлари келтириб чиқарилиши зарурати бўлгандა қўл келади. Лекин бу усул машғулотлар ёки мулоқот дарслари энди бошланган пайтда ўтказилиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки полилог учун ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлаш тажрибасидан ташқари ёшларга ўша соҳа юзасидан маълум билимлар мажмуи ҳамда ҳамкорликда ишлаш тажрибаси зарур. Диалог ва полилог техникасини яхши эгаллаган муаллим мунозара ёки баҳсни самарали ташкил этишга лаёқатли бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мунозарани самарали ташкил этиш қобилияти ўз-ўзидан шаклланмайди, бунинг учун ўқитувчи умуман мунозара методикаларининг моҳияти ва уни ташкил этиш йўлларини илмий - амалий жиҳатдан билиши керак.

**Фаол ўқитиш методлари ва уларни ташкил этиш.** Баҳснинг самарали бўлиши энг аввало баҳслашувчиларнинг бир-бирларига нисбатан фазовий жойлашувларига боғлиқ. Қуйида келтирилган расмларда тингловчи ва музокарада қатнашувчиларнинг фазовий жойлашувлари ва уларнинг психолигик мавқеларининг моҳияти келтирилган.

Демак, дарс мобайнида ўқитувчи мавзунинг харakterи ва у шакллантириш лозим бўлган билим, малака ва фазилатларга мос тарзда мунозара шароитини танлаши ва шундай кейингина машғулотни бошлиши керак. Кўриниб турибдики, анъанавий синфда ташкил этиладиган машғулотларнинг самарадорлиги деярли йўқ, чунки улар олдинги қаторларда ўтирган тингловчиларнинг фаоллигигагина йўналтирилган, қолганлар “ўйиндан ташқари” холатда, бу нарса уларнинг дарс мазмунига муносабатларида бевосита акс этади.

Кичик, тор доиралардаги компакт гурухларда уюштирилган мунозараларнинг **эркин мавзули, йўналтирилган ва аниқ сценарийли диспүт** турлари мавжуд бўлиб, бу танланган мавзуга ва мунозара гурухларининг мулоқот тажрибасига боғлиқдир (“диспүт” сўзининг луғавий маъноси - “фикrlаяпман”, “тортишаяпман”, деган маънони билдиради). Кичик гурухлардаги мунозаралардаги асосий нарса - гуруҳ аъзоларининг танланган мавзу хусусиятига қараб, ҳар биринг ўз фикр мулоҳазаларини охиригача баён этиш имкониятларининг борлигидир. Бундай гурухда бошловчи ҳам қаторда ўтириб, мавзунинг ечимини батамом хал бўлмагунча фаол мулоқотларнинг иштирокчиси бўлиши мумкин. Лекин асосий рол гурухнинг аъзоларига юклanganligini ва бевосита ажralib чиқсан норасмий лидер асосий баҳс юритувчи бўлиши мумкинligini унутмаслиги зарур. Бундай гурунглар турли шароитда кўпинча баҳс иштирокчилари учун

табиий шароитларда (масалан, синфда, талабалар аудиторияларида, иш хоналарида ва б.к.) ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар баҳлашувчилар гуруҳи одатдагидан каттароқ хажмда (масалан, 30 кишигача) бўлса, унда мунозарани уюштиришнинг ўзига хос томони бор. Бу ҳолда баҳс гуруҳи шартли равишда учга бўлинади. Биринчи гуруҳ - “фикрларни жамловчилар” - генераторлар гуруҳи дейилади; иккинчиси - “танқидчилар” ва учинчи гуруҳ - “фикрларни тезлатувчилар” - катализаторлар” деб аталади. Ҳар бир ажралган гурухнинг ўзига хос функциялари бор: “генераторлар” ўртага ташлаган муаммо ёки баҳс мавзуси бўйича ўзларидаги барча фикрларни ўртага холис ташлайдилар. Гуруҳ аъзоларидан бири - лидер - уларни жамлаб, фикрлар иккига бўлинган тақдирда ҳам уларни умумлаштириб баён этади. Сўнгра ўйинга “танқидчилар” киришади. Уларнинг вазифаси - эшитган фикрларига танқидий муносабат билдириш, яъни танқидий нуқтаи назардан улар ичидаги “мағзни” ва “пучак” фикрларни саралаш. Шундан кейин вазиятга қараб, яна сўз “генераторлар”га ёки “катализаторлар”га берилиши мумкин. Билдирилган фикр ва таклифларда мабодо ҳисобга олинмай қолган жиҳатлар ёки ноўрин фикр бўлса, ёки моҳияттан шу мавзуга алоқадор бўлган, лекин иккала томон ҳисобга олмаган бирор жиҳат аниқланса, томонлар диққатини айнан шунга қаратиши керак. Сўнгра “тезлатувчилар” баҳсни давом эттиришга руҳсат бериб, агар уни яқун қилиш тақозо қилинса, иккала гурухнинг ўйинига ҳолис баҳо берган ҳолда мунозарани тўхтатиши мумкин. Улар кўпинча иккала гуруҳ учун холис орбиторлар - “ҳакамлар” ролини ўйнайдилар.

Мактабда бир синф доирасида ёки талабалар гурухида ахлоқий маънавий мавзуда баҳс уюштирганда, юқоридаги усуслни қўллаш имконияти бўлса, суҳбатдошларнинг учбуручак шаклдаги берк стол атрофига ўтиришлари мумкин. Демак, баҳлашувчиларнинг жойлашишлари ҳам бу ўринда маълум аҳамият касб этади.

Катта гурухларда баҳс ёки мунозара уюштирилганда, бошловчининг роли айниқса каттадир. Чунки у ҳар бир гуруҳдаги тортишувлар ва фикр алмашинувларнинг бошида турмоғи керак бўлса, улар фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда йўналтириб турмоғи лозим. Кичик гуруҳдагидан фарқли ўлароқ, катта гурухларда бошловчи у ёки бу ички гурухга ён босмаслиги ёки уларни ўзининг шахсий фикрига мажбуран эргаштирмаслиги керак. Акс ҳолда, у ўзининг фаолияти билан бошқалар ташаббусига салбий таъсир кўрсатиши ва баҳснинг йўналишини бузуб қўйиши мумкин. Шунинг учун катта гурухлар уюштириладиган мунозараннинг мавзуси олдиндан танланган ва унга бошловчи маълум маънода тайёр бўлиши шарт.

**Дарсда мунозара, брейнштурминг ва тренинглар ўтказиши технологияси.** Мунозаралар юритишнинг яна бир шакли борки, унинг номини рус тилида “мозговая атака”, инглизчасига “brain storming” деб аталади. Бизнинг тилимизда бу тушунчаннинг аниқ аналогик таржимаси йўқ, лекин уни “мияга хужум” ёки “фикрлар тўқнашуви”, “фикрлар жанг майдони” деб аташ мумкин. Методнинг психологик моҳияти шундаки, оддий

мунозарада бахслашувчилар кўпроқ онгли, асосли фикрларни баён этишга харакат қиласидилар. Бунда эса бахслашувчиларга мияга қандай фикр қуиилиб келса, уни танқидсиз ва асосламай эркин, “тилга нима келса”, лекин навбатма-навбат айтиш имконияти берилади. Бу нарса кўпроқ муаммо анча нотаниш, савол мураккаб ёки ноаниқ бўлган шароитларда қўл келади. Яъни, бунда “эркин ассоциациялар”га имкон берилади ва охир оқибат гурухнинг ўзи маълум рационал “мағзни” ажратиб олади.

Бу усулни биринчи марта американлик олим **А.Особорн** 30-йиллардаёқ таклиф этган ва бу усул ёрдамида йирик лойиҳаларни режалаштириш ва олдиндан унинг натижаларини башорат қилишда маълум ютуқларни қўлга киригтан эди. Лекин кейинчалик мутахассислар уни фақат ностандарт, ўзига хос ечими бўлган вазифаларни муҳокама қилгандагина қўллаш мумкин, деган фикрни билдира бошладилар. Бироқ тўғри ташкил этилган брейштормингнинг амалий афзалликлари кўп. Фақат бунда қуидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

Жумлалар жуда қисқа бўлиши керак, уларнинг асосланиши шарт эмас.

Хар қандай жумла ёки фикр танқид қилиниши мумкин эмас, яъни фикрлар танқиддан холидир.

Мантиқий фикрлардан кўра, фантастик ёки қўққисдан, тасодифан мияда пайдо бўлган фикр муҳимроқ.

Фикр ёки билдирилган қисқа мулоҳаза қайд этилади.

Билдирилган фикр ёки ғоялар у ёки бу иштирокчиники, деб ажратилмайди, яъни улар - муаллифсиздир.

Фикр ёки яхши ғояларни танлаш алоҳида “танқидчилар” ёки гурухнинг норасмий лидерлари томонидан амалга оширилади.

Юқоридаги таъкидланган гурух катта бўлган шароитда бахс уюштиришда ҳам генератор, яъни фикрларни бирламчи жамловчиларларга ушбу усулда ишлашга имкон бериш тажрибада яхши натижа беради. Чунки ўтказилган текширувлар ва кўплаб синов машғулотларининг қўрсатишича, айнан шу гуруҳда брейшторминг усулининг қўлланилиши турли-туман ва қарама-қарши фикрларнинг баён этилишига шароит яратади. Акс холда муҳим муаммолар бўйича мунозарани бошлаш ва унда фикрлар ранг-баранглигига эришиш жуда қийин бўлади. Бу усул айниқса, катталар аудиториясида жуда яхши самара беради.

Баҳсда иштирок этиш ва ундан манфаатдорлик ҳисси ҳар бир иштирокчida шакланиши шарт ва бунда бошловчи - ўқитувчининг роли катта. Амалий машғулотларни баҳс - мунозара шаклида ўтказилиши болаларга олдиндан айтилиши ва уларнинг тайёргарлик қўришлари учун саволлар берилиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Баҳс иштирокчилари ҳаяжонланмасликлари учун машғулот бошланишидан аввал уларнинг ўзларини эркин тутишлари учун айрим **енгиллаштирувчи машқлар**, бошқача қилиб айтганда, **психогимнастик машқлар** ўтказиш тавсия этилади. Масалан, ана шу мақсадда ўтказиладиган психогимнастик машқларга қуидагиларни киритиш мумкин:

Ўқитувчи гурухни айлана шаклида туришлари сўрайди ва аъзоларни навбатма-навбат ўртага чиқиб, гурух билан хоҳлаган тарзда, лекин самимий саломлашишни сўрайди. Кейин гуруҳдан кимнинг саломи қўпроқ ёққанини сўрайди.

Гурух аъзолари ўқитувчи атрофида яrim айлана шаклида туришади. Навбат билан гурух аъзолари ўртага чиқиб, ҳоҳлаган аъзо билан сўзсиз, лекин очиқ юз билан мимика воситасида саломлашиш ва бирор фикрни билдириши сўралади.

Ҳамма доира шаклида ўтиради ва ўқитувчи олиб келган копток навбат билан мулоқот қатнашчиларига отиласи, факат кимга отилса, ўша одамнинг кучли, яхши бир сифати айтилиб, сўнг ирғитилади. Ўқитувчи коптокнинг албатта ҳар бир кишига тегишини назорат қиласи.

Бу каби машқлар мунозара қатнашчилари ўртасида ўзаро тангликнинг бўлмаслиги ва ўз фикрини баён этаётганда ўқитувчидан тортинмаслиги учун ўзига хос тренинг ҳисобланади.

Ўқитувчи мунозарани бошлар экан, иштирокчилар онига қуйидагиларни етказа олиши керак:

- а) машғулот ҳар бир иштирокчига албатта фойдали бўлади ва улар бир-бирларига ёрдам бериш учун келганлар;
- б) мунозара ўзаро мулоқотнинг бир шакли бўлиб, ҳар бир иштирокчи бир-бирига очиқ ва самимий муносабатда бўлсин;
- в) мунозара иштирокчиларнинг ўзаро тажрибаларини алмашинишлари учун қулай шароитдир;
- г) фикр баён этишда керак бўлса таваккал қилайлик, лекин индамаслик шиоримиз бўлмасин;
- д) мунозара пайтида кўп ёзиш шарт эмас;
- е) агар бирор нарса тушунарли бўлмаса, уни сўрашдан тортинманг;
- ж) билган билимларимизни бир-биримиздан аямаймиз, чунки бошқалар ҳам бундан манфаатдор бўлсинлар, “яширинган билим - билим эмас”лиги унутмайлик!

**Бахс турлари. Ёзма бахс ўтказиш усуллари.** Агар машғулотлар бир-бирларини яхши танимайдиган бошланғич гуруҳларда бошланган бўлса, “танишиш” машқларини ўтказиш, албатта ишни кичик гуруҳлардан бошлаш лозим. Бунда **эркин йўналтирилмаган баҳс** шаклини қўллаш ўринлироқ. Бунда ўқитувчи иштирокчиларга бир-бирларини яхши таниб олсалар, биргалиқда ҳаракат қилсалар, умумий иш учун манфаатли бўлган натижаларга эришиш мумкинлигини тушунтириши лозим.

Агар иштирокчилар бирор янги маълумотларга эга бўлиши, мураккаброқ масала юзасидан умумий нуқтаи назарга эга бўлиш ва мантиқий хуносаларга эришишни мақсад қилган бўлсалар, унда дарс аввалида ўқитувчи ёки олдиндан тайёргарлик кўрган гурух аъзоси маъруза қилиши, маъруза юзасидан кейин баҳс уюштирилиши, дарс охирида имкон бўлса, ўқитувчи ўзи тайёрлаган тарқатма материалларини ҳар бир аъзога бериши керак. Фаоллаштирувчи усуллар материаллар қўлга берилгач, ишга солинади.

Агар дарснинг ёки амалий машғулотнинг мақсади тингловчилардаги аниқ қобилиятларни ривожлантириши, малакаларни ошириш ва янги тажрибадан фойдаланиш бўлса, унда баҳснинг предмети аввало тажриба алмашинувга қаратилиши, бунда айрим машқлар ҳам бажарилиши, уларнинг натижалари таҳлил қилиниши, ролли ўйинларни бажаришгача олиб борилиши керак. Бунда ўқитувчининг роли анча масъулиятли бўлиб, у машғулотгача конкрет йўриқномаларни ўқувчиларга бериши ва гуруҳ ишини мунтазам кузатиб, назорат қилиб туради.

Агар мунозара дарсларининг мақсади - иштирокчиларнинг янги, мустақил фикрларга келиши, уларни шахсий тажриба ва вазиятларга боғлаб айтиб беришларига олиб келиш бўлса, унда ўқитувчи “Мен”-мунозарадаман” холатида гурухли баҳсни кичик гурухларда ташкил этиши, уларда алоҳида холатлар ва вазиятларнинг таҳлилига барчанинг диққатини қаратиши, иштирокчиларни турли ролларни тасаввур қилишга мажбур қила олиши ва олдиндан тайёрлаб қўйилган саволномаларни дарс охирида тарқатиб, шаклланган янги ғояни ажратиб олиши керак. Демак, бу шаклдаги иш ҳар бир иштирокчидан пухта тайёргарликни ва аниқ кўникмаларни талаб қиласди.

Баҳс шаклида машғулот ўтказганда, қабул қилинадиган қарорларнинг аҳамияти катта. Қарорларнинг самарали бўлиши учун қуидагиларни ёдда тутиш керак:

машғулот бошланишидан олдин ўқитувчи таҳлил қилиниши лозим бўлган муаммони белгилайди ва унга қай тарзда муносабат билдирилиши лозимлигини тушунтиради;

қисқа бўлса-да, бу муаммонинг олдинги дарсларга боғлиқлиги, уйга берилган вазифа, муҳокама қилинадиган масалага оид муҳим фактлар эсга туширилади;

баҳс қатнашчилари кичик гурухчаларга (4-5 киши) бўлиниб, машғулот охирида фикрлар умумлаштирилиши учун қоғозлар таҳт қилиб қўйилади;

гуруҳда ишлаш мобайнида билдирилган фикрларнинг афзал ва камчилик томонлари ҳақидаги ўз мулоҳазаларини оғзаки ёки ёзма тарзда қарорлар шаклида баён этадилар;

иш якунида гурухнинг вакиллари ўз гурухининг иши тўғрисида гапириб, уларни бошқаларники билан қиёслайди. Зарурат бўлса, ўқитувчи ҳар бир гурухнинг қарорларини ўзаро қиёслаб, саволларга жавоб беради, ноаникроқ қарорларга ўз муносабатини билдиради. **Баҳс турлари. Ёзма баҳсни ўтказиш усули.** Педагогик амалиётда баҳснинг моҳияти кўпинча фақат оғзаки диалоглар ва тортишувлар тарзида тасаввур қилинади. Лекин оғзаки баҳсларнинг янада самарали ва таъсиран бўлиши учун ёзма баҳс шакли ҳам қўлланилади. Бу усул ўқувчиларнинг берилган мавзу соҳасидаги билимларини янада чуқурлаштириш, мунозара маданиятини ошириш ва ҳар бир фикрни асослаш қобилиятини ривожлантиради. Ўқитувчи эса ўқувчи ёки талабаларнинг билимларини асосли баҳолаш ва билимдонликни тўла маънода таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади. Бу усул айниқса, миллий ғоя

ва миллий мафкурани шакллантирувчи фанлар - ижтимоий - гуманитар фанлар юзасидан ўтказилса янада самарали бўлади.

Ўқувчилар олдиндан мавзу билан танишириладилар, уйга берилган топшириқлар орасида қай бири ёзма тарзда ўтказилиши маълум қилинади. Ёзма баҳс ўтказиладиган куни ўқитувчи уни қуидаги тарзда амалга оширади:

Ўқитувчи гурӯхни иккига бўлади ва уларни алоҳида қаторларга ўтқазади. Ҳар бир гурӯх мавзу бўйича қайси нуқтаи назарни ҳимоя қилишини маълум қиласди. Масалан, биринчи гурӯх болаларнинг ақлий даражаларини мунтазам ўлчаб туриш ва шу орқали таълим муассасаларига жалб этишни ҳимоя қилса, иккинчи гурӯх - бу фикрни асосли тарзда инкор қиласди.

Шундан сўнг ўқитувчи қарама-қарши гурӯх аъзоларини жуфтлайди ва уларга номери ёзилган вароқларни тарқатади. Ҳар бир иштирокчига бирор фикрни ёзма асослашга 5 дақиқадан берилади. Ёзма далиллар равон тушунарли тилда, асосли тарзда ёзилиши керак.

Ёзилган варакчалар қарама-қарши шерикларга берилади. Улар ўз “рақиблари” фикрига қарши фикрни 8-10 дақиқа мобайнида ўйлаб, ёзишлари керак бўлади ва нариги томондаги шеригига беради.

Ёзма далиллар алмашинувининг бундай тартиби 2-3 марта такрорланади, ҳар сафар ҳар бир ўқувчи шеригининг далил-исботини диққат билан ўрганиб чиқиб, жавоб қайтаради. Охирги раундда ўқувчиларнинг ўзларига якунлаш имкони берилади ва ёзма ишлар йигиб олинади.

Ўқитувчи ёзма баҳларни якунлашда томонларга “Қарши томоннинг энг яхши далил-исботи қайсилар бўлди?” деб сўрайди ва ўқувчилар билан олдиндан келишган холда улар билимларини якка-якка ёки гурӯхий баҳолайди. Юқорида келтирилган ёзма баҳсларни ўтказиш тамойиллари Фред Ньюмен материаллари асосида тайёрланди. Ўйлаймизки, бизнинг шароитимизда ҳам бу усувлар анча самара беради.

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

<b>16-МАВЗУ</b>	<b>Психология курсидан лаборатория машғулотларини ташкил этиш методикаси</b> Лаборатория машғулотларида талабаларнинг маъruzаларда олган назарий билимларига аниклик киритилади, мустахкамланади. Лаборатория машғулотларида талабаларда психологик тадқиқот ўтказиш кўнимаси хосил булади, талабалар тадқиқот методларини узлаштирадилар ва уни кейинчалик мактабда ишлаганларида куллашлари мумкин.
<b>Мақсад ва вазифалар</b>	1. Психологиядан ўтказиладиган лаборатория машғулотларининг аҳамияти. Психологиядан лаборатория машғулотлари ўтказилишига қўйиладиган талаблар. Лаборатория машғулотлари турлари. 4. Лаборатория машғулотлари самарадорлигини ошириш.
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	<b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, “Бахс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. <b>Шакл:</b> аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш. <b>Восита:</b> тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар <b>Усул:</b> ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. <b>Назорат:</b> савол-жавоблар
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Маъruzачи қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади. <b>Талаба:</b> Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.. Педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	

## **16 – М А В З У: Психология курсидан лаборатория машғулотларини ташкил этиш методикаси (2 соат)**

### **Р Е Ж А:**

1. Психологиядан ўтказиладиган лаборатория машғулотларининг аҳамияти.

Психологиядан лаборатория машғулотлари ўтказилишига қўйиладиган талаблар.

Лаборатория машғулотлари турлари.

4. Лаборатория машғулотлари самарадорлигини ошириш

Психология курсини уқитиша лаборатория машғулотлари унинг таркибий кисми хисобланади. Лаборатория машғулотларида талабаларнинг маъruzаларда олган назарий билимларига аниклик киритилади, мустахкамланади. Лаборатория машғулотларида талабаларда психологик тадқиқот ўтказиш кўниумаси хосил булади, талабалар тадқиқот методларини узлаштирадилар ва уни кейинчалик мактабда ишлаганларида куллашлари мумкин булади. Бунда талабалар утказилаётган экспериментларда текширувчи, текширилувчи (тадқиқотчи, синалувчи) сифатида иштирок этиб, уларни мустакил ўтказишга ўрганадилар. Тажрибаларда иштирок этиш, шунингдек турли тест топширикларини бажариш талабаларда алохиди кизикиш уйготадики, бу уларда уз-узини англаш, шахсий психологик сифатларни белгилаш, узининг тараккиёт даражасини аниклаш имконини яратади.

Талабалар турли психологик масалаларни ечиш оркали уз билимларини амалиётда намоён килишлари мумкин. Шундай масалаларни хал кила туриб талабалар келгуси амалий ишларида психологик билимларнинг зарурлигига яна бир бор ишонадилар. Амалий машғулотларнинг ўтказилишида турли масалалардан фойдаланиш ўқитувчилар учун хам кул келади. Бунда ўқитувчилар ўқув матеиалларининг узлаштириш даражаси хакида ахборот оладилар ва шу вактнинг узида бу жараён устидан назоратни кучайтирадилар.

Лаборатория машғулотларида компьютер техникаси кулланилганда талабаларнинг барча аклий имкониятлари мужассамланади, бунда шунчаки якуний натижаларнинг назоратини эмас, балки талабаларнинг уз-узини назорат килиш юзага чикади.

Лаборатория машғулотларини ўтказиш ва куллаш мумкин булган бир канча иш турлари мавжуд. Ҳар бир машғулот учун иш турини танлаш дарснинг мавзуси, ўқитувчининг имконияти ва техник холатларига боғлик булади. Лаборатория машғулотларини бошлашдан аввал ўқитувчилар талабаларнинг назарий тайёргарлигини текшириб куришлари талаб этилади. Тажриба ишини олиб бориш хакида тафсилот белгилари ёзиб бориш учун кора дафтар, иш натижаларини синчковлик билан кайта куриб чикиб, тартибга солинган кейинги хисобот дафтари, хамда қилинган ишлар баёни хам расмийлаштирилади.

Машғулотларни мактаб материали (айникса ёш ва педагогик психология курсидан) яъни у ёки бу методлардан фойдаланган холда, мактаблардан олинган маълумотлар асосида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу талабаларнинг ўқувчи психологияси хакидаги билимларини аниклаштириш ва чукурлаштиришга ёрдам беради, ёш психологияси масалаларига булган кизикишларини устиради. Куйида шундай машғулот «Умумий психология», «Ёш ва педагогик психология» курсидан лаборатория ва амалий машғулотларнинг намунавий ишланмасидан мисоллар тавсия этамиз.

Умумий психологиядан 3-лаборатория машғулоти – Мавзу: «Шахс».

2. Куйидаги тушунчаларни мухокама килиш «Шахс», «Индивид», «Индивидуаллик».

3. ўқувчиларни маънавий талабчанлик даражасини уганишда баъзи методларни куллаш оркали мактабдан олинган материаллар билан талабаларни таништириш, бу материалларни ишлаб чикиб, мухокама килиб шунга муносиб хulosha чикаришларини таклиф килиш методикалари, « ўқувчилар колективи ва ўқувчилар шахсиятини ўрганиш », «Тугалланмаган гап» методикалари.

4. Психологик масалаларини ечишни таклиф килиш. («Умумий психологиядан амалий ( лаборатория)ишлар»). Б Мамажонов ва бошкалар.

4. Уз шахсиятида уз- узини баҳолаш даражасини аниклаш ва бирлаш ва бир пайтнинг узида аник методикалардан фойдалана олишни ўрганиш мақсадида талабаларга уз-узини баҳолаш даражасини аниклаш анкетасини таклиф килиш (С.В.Коволёв «Юқори синф ўқувчиларини хаётга тайёрлаш»).

Ёш ва педагогик психологиядан 5-лаборатория машғулоти.

Успирин ёшининг психологик хусусиятлари.

1. Машғулотларни бошлашдан аввал талабалар педагогика институтидаги уқиш даврининг турли боскичларида учрайдиган кийинчиликлар ҳарактерини аниклаш вазифасини бажаришлари лозим булади. Олинган материални мухокама килиб талабаларнинг олий мактабда уқишнинг ахамияти хакида хulosaga келишади. Талаба узининг ўқув фаолиятида ютукларга эришии учун кандай сифатларни эгаллаши кераклигини аниклаш.

2. Уз-узини тахлил килиш психотренинггининг элементларини куллаш «Уйлаб куринг ва жавоб беринг: Сиз учун нима хакида сухбатлашиш кизикарли? Уқищдаги кийинчиликларингизнинг сабабларини айтинг? Калбингиз качон кувончга тулади? Хаётда нима сизга жуда оғир ботади?»

3. Уз-узини тахлил килишга хulosha чикариш.

а) шу ёшнинг кизикиш ва кийинчиликларини аникланг.

б) таъсирчанлик холатларининг умумий сабабларини аниклаш.

4. Психологик масалаларни ечиш.

Талабалар лаборатория машғулотлари ўтказишга жалб қилинганда ўқув гурухи яна 2 та гурухга булинади хамда ҳар бир талабага мустакил тажриба ўтказиш ва синаувчи ролида булиш имконияти берилади. Тажриба

натижалари протоколга (кайдномага) ёзилади ва ўқитувчи билан биргаликда мухокама қилинади.

Лаборатория машғулотлари режасини тузишда талабаларга маъruzаларда куриб чикилган мавзуларнинг методологик ва назарий томонларини мумкин кадар туларок очиш, илмий адабиёт билан мустакил ишлай олишга ўрганиш, психологик тадқиқот методикаси билан танишиш, мактаб ўқувчилари шахсининг таркиб топиши ва ривожланишини кузата билиш, психологик далилларни тахлил этиш, баҳолаш хамда тугри психологик – педагогик хulosалар чикара билишни ўрганиш имкониятини яратишни назарда тутиш керак.

Лаборатория машғулотлари режаси, мавзуга тааллукли булган адабиётларни олдиндан талабаларга хавола этилади. Кафедрамизда умумий психология, ёш ва педагогик психология фанлари дастури асосида лаборатория машғулотлари ўtkазиш ишланмалари тайёрланган. Тавсия қилинган топшириклар сони ўқув режасида кузда тутилган вакт доирасидан ортиб колади. Бу эса ўқитувчига узи дарс олиб бораётган факультет хусусиятини хисобга олган холда тегишли мавзу ва топширикларни танлаш имконини беради. Шароитга караб баязи иш шакли ва методи узгартирилиши мумкин. Айрим топширикларнинг мазмуни узгартирилиши ёки уларни бошкаси билан алматирилиши, баязиларини эса талабаларга мустакил иш тарикасида топширилиши хам мумкин.

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛ ВА ТОПШИРИКЛАР:**

- Лаборатория машғулотларининг ахамиятини изохлаб беринг?
- Лаборатория машғулотларини кандай турларини биласиз?
- Умумий психологиядан «Шахс» ва «Темперамент» мавзулари юзасидан лаборатория ишланмасини мустакил равишда тузишга ҳаракат қилинг.

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

<b>17-МАВЗУ</b>	<b>Психологияда мустақил ишларни ташкил этиш.</b>
<b>Мақсад ва вазифалар</b>	Талабаларни асосий психологик адабиётлар ва хозирги психологик тадқиқотлар билан танишириб чикишдан иборатдир. Талабаларимизни ўқувчилар билан иш олиб боришга, ўқувчиларнинг психик хусусиятларини ўрганиш буйича илмий тадқиқот ишларининг олиб боришга ургатмоглигимиз зарурдир.
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Психология курсларини ўқитишда талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини ташкил қилиш.</li><li>2. Талабаларда умумлашган таълимий усулларни, фикр юритиши операцияларини шакллантиришни йўлга қўйиш ва режалаштириш.</li><li>3. Психология ўқитишда фаолиятни назорат қилиш воситалари ва методларини танлаш ҳамда уларни амалиётга татбиқ қилиш.</li></ol>
<b>Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси</b>	<p><b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади.</p> <p><b>Шакл:</b> аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш.</p> <p><b>Восита:</b> тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар</p> <p><b>Усул:</b> ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида.</p> <p><b>Назорат:</b> савол-жавоблар</p>
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<p style="text-align: center;"><b>Ўқитувчи:</b></p> <p>Маърузачи қисқа вақт ичida барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади.</p> <p style="text-align: center;"><b>Талаба:</b></p> <p>Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичida кўп маълумотга эга бўлади..</p> <p>Педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.</p>
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	<p><b>17 – М А В З У: Психологияда мустақил ишларни ташкил этиш (2 соат)</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Р Е Ж А:</b></p> <ol style="list-style-type: none"><li>1. Психология курсларини ўқитишда талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини ташкил қилиш.</li><li>2. Талабаларда умумлашган таълимий усулларни, фикр юритиши операцияларини шакллантиришни йўлга қўйиш ва режалаштириш.</li></ol>

**17 – М А В З У: Психологияда мустақил ишларни ташкил этиш (2 соат)**

**Р Е Ж А:**

1. Психология курсларини ўқитишда талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини ташкил қилиш.
2. Талабаларда умумлашган таълимий усулларни, фикр юритиши операцияларини шакллантиришни йўлга қўйиш ва режалаштириш.

3. Психология ўқитишда фаолиятни назорат қилиш воситалари ва методларини танлаш ҳамда уларни амалиётга татбиқ қилиш.

Юқори малакали мутахассис ўқитувчиларни тайёрлаш Республикализ олий мактаблари олдида тўрган мухим вазифаларидан биридир. Мазкур вазифани хал килиш учун биз талабаларимизни ўқувчилар билан иш олиб боришга, ўқувчиларнинг психик хусусиятларини ўрганиш буйича илмий тадқиқот ишларининг олиб боришга ургатмоглигимиз зарурдир.

Олий мактаб тизимида бу масалани хал килиш учун аввало талабалар тадқиқот фаолиятини изчиллик билан тугри ташкил килиш, институтда олган назарий билимларни мактабдаги таълим тарбия ишларида куллашдан олдин тажрибаларни умумлаштириш зарур.

Реферат шаклида ёзилган назорат иши одатда кисмларга ажратилиб берилади. Жумладан «асосий кисм» «ишнинг мақсади» ва «вазифалари», «хulosса ва мулохазалар».

Тадқиқот ҳарактерига эга булган назорат ишларидақисқача назарий кириш кисми ва методик тафсилот бериш кейин эса асосий материал баён этилиб, тахлил килиш ва хulosса чиқариш талаб қилинади. Бундан ташкари тажриба ўтказишда ёзилган карорлар, анкеталар, кундалик ёзиб олинган маълумотлар албатта кушиб топширилиши шарт.

Учинчидан саволларга берилган жавоблар фойдаланилган адабиётлар манбаларига ва кундалик дафтарларида курсатилган кузатиш маълумотларига ёки карор таъкидлаган фикрларга асосланмоги лозим.

Талабалар 4-кисм буйича берилган вазифаларни топширганда уқиган маърузаси ёки маърузасининг батафсил матни, унинг режаси билан биргаликда фойдаланилган адабиётлар руйхатини курсатиб мунозара ёки маъруза уқиганлиги тугрисидаги тасдикланган хужжатларни тақдим этишлари керак.

Ўқитувчи булиб ишлайдиган талабаларга мактабга бориб ишлаш билан boglik вазифаларни бажариш тавсия этилади. Бу эса уларга ўқитувчилик касбига тезрок киришишга ёрдам беради.

Назорат ишини топшириш муддати факультетнинг ўқув жадвалида курсатилади. Назорат ишини бажариш жараёнида учраган кийинчиликлар ва шу муносабат билан юзага келган саволлар буйича талабалар топширик берган асосий ўқитувчига шахсан ёки хат оркали мурожаат килиб, маслаҳат сураши мумкин.

Психология фанидан имтихон топширишда талаба албатта текширилган назорат ишининг тақризи билан келиши лозим. Бунда ўқитувчи назорат ишининг талаба томонидан накадар мустакил бажарилганлигини билиш мақсадида талабадан ишнинг мазмунини оғзаки сураб куради. Агар жавоб коникарли булса, имтихонга куйилади.

Илмий психологик адабиётлардан реферат тузиш: Бу хилда вазифа беришдан асосий мақсад талабаларни асосий психологик адабиётлар ва

хозирги психологик тадқиқотлар билан таништириб чикишдан иборатдир. Шу билан бир каторда реферат тузиш оркали талаба айrim илмий асарларни чуқуррок ўрганиб олади. Бу эса талабага китоб билан ишлашнинг айнан шу бир масала тартибидаги турлича нуктаи назарларнинг хусусиятларини очиб беришга хам, реферат тузётган ишнинг ахамиятини амалий ва назарий томондан баҳолашга хам интилиши зарур. Агар талаба узи тузган рефератида асар муаллифининг гоялари ва хулосаларига нисбатан узининг шахсий муносабатлари ва уз куз карашларини ёритиб берса жуда яхши булади.

## II. Мактабда психологик педагогик тадқиқот ишларини олиб бориш.

Бу хилдаги вазифанинг асосий мақсади талабаларга илмий иш билан шугулланишга, мактабда оддий тажрибаларни олиб боришга ургатишдан иборат.

Бу хилдаги вазифани бажаришдан аввал ўрганиладиган муаммони аниклаб олиш, унинг аник мақсадларини белгилаш, кандай методика асосида маълумотлар туплаш ва у маълумотларни иш устида пухта уйлаб курсатмок лозим. Тажрибалардан олинган маълумотларни талаба узининг амалий фаолиятида куллаши жуда муҳимдир.

Бу ерда куйидаги муаммоларни ўрганишни тавсия этилади:

ўқувчиларнинг кизикишлари, хатти-ҳаракат мотивлари. йўқувчиларнинг маънавий томонлари, ишнинг талабчанлик даражаси, шахслараро муносабатлар. ўқувчилар шахсининг иродавий сифатлари. Дарсда ўқувчиларнинг диккати, хотира типлари, фикрлаш операцияси, тафаккур масалаларини ечиш. Бу хилдаги вазифаларни бажарганда мактабда олиб борилган тажриба карорларини назорат иши билан биргаликда топшириш керак. Мактабда олиб бориладиган ҳар кандай тадқиқот биз учун номаълум масалани аниклашдан иборат. Психологик ва педагогик тадқиқотларда купинча кузатиш, Экперимент (тажриба) тестлар, сухбат, анкета, фаолият самарадорлигини таҳлил килиш, социометрик методлари кулланилади. Ана шу материалларнинг моҳиятини тула тушунган ва уз тадқиқотларида тугри куллай билгандағина назорат ишининг натижаси самарали булади.

## III. Психологик назарияни таълим-тарбия ишларида куллаш.

Педагогик фаолиятнинг муваффакияти маълумки, купинча ўқитувчининг, психологик тайёргарлиги, унинг назарий билимларини амалда куллай олиши маҳоратига боғлик. Шунинг учун хам ўқитувчининг педагогик фаолият томонидан куйиладиган масалаларни хал этишда, психология айникса муҳим рол уйнайди. Бу кисм буйича реферат иши ёзишнинг асосий мақсади хам ўқитувчи олдида тўрган кундалик амалий вазифаларни психологиянинг назарий коидалари билан боғланган холда хал килишга даъват этишдан, у билан бирга у ёки бу хилдаги педагогик таъсирнинг

мақсадга мувофик олиб боришига ёрдам беришдан иборат, вазифалар психология курсининг асосий мавзулари буйича ишлаб чикилган булиб ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятининг психологик хусусиятларини очиб беришга каратилган.

Ҳар бир мавзу буйича материални яхширок ишлаб чикишга ёрдам берадиган ва кишини кизиктирувчи психологик конуниятларни очиб бериш имкониятини яратадиган саволлар тавсия этилади. Шуни хам эсда тушиб лозимки, янги саволлар киритилган булиши ёки саволларнинг изчиллиги узгартирилган булиши хам мумкин.

Ҳар бир мавзуга асосан «Халк таълими», «Соглом авлод учун» ойномалари ва тупламларида нашр этилган психологияга оид масалалар тавсия этилади, аммо баъзи холларда зарур булиб колган такдирда мазкур ишимизнинг I-кисмида берилган адабиётлардан фойдаланишимиз хам мумкин.

Буларнинг барчаси талаба илмий савиасининг кенгайишига, унинг назарий томондан тайёгарлиги, мустакил фикрлашининг шаклланишига имконият яратади.

Реферат тузиш учун психологиядан ёзилган айрим асарлар ва маколалар берилади. Адабиётларни танлашда ва уларни тартибга солишда хозирги замон психологияси фани тараккиётининг мухим томонларини камраб олишга шу билан бирга республикамида нашр этилган психологик адабиётларни ўрганиб чикишга харакат қилинади.

Психология фанининг умумий масалалари буйича берилган адабиётлар билан бир каторда турли факультет талabalariга уз касбларига караб адабиётлар руйхати тақдим этилади. Жумладан тил ва адабиёт факультети талabalari учун тилни узлаштиришнинг психологик асослари, адабиёт ижодиёт психологияси, яккол образли тафаккурнинг тараккий этиши буйича адабиётлар руйхати, бадиий-графика факультетининг талabalari учун тасвирий санъат психологияси буйича адабиётлар руйхати дифектология факультети талabalari учун аномал болалар психологияси буйича адабиётлар руйхати тақдим этилади.

Тавсия этилган адабиётларнинг барчаси хам мазмун ва хажм жихатдан бир хил ахамиятга эга эмас, шунинг учун хам бу адабиётлардаги факт, таъриф ва конун коидаларнигина сузма-суз аник кучириб олиш лозим. Баъзан намойиш килиш учун 1-2-мисолни ёзиб олиш айникса фойдалидир.

Ўрганилаётган асарда тушуниб булмайдиган жойлари хам учраши мумкин. Бундай холларда матнни 2 марта уқиши, баъзан эса унинг давомидаги жумлаларни уқиб чикиш тавсия этилади. Чунки давомидаги жумлалар узидан олдинги жумлаларни тушунишга ёрдам беради. Агар ана шунда хам тушуниш кийин булса ўқитувчига мурожаат килиш керак.

Адабиётлар манбаи билан танишиб чиккандан кейингина реферат тузилади. Реферат тайёрлашда уқиб чикилган асарларнинг мазмунини шунчаки куруккина килиб ёзиб бериш мумкин эмас. Рефератда асарнинг энг мухим назорат конун – коидаларини аник курсатиб бериш бунда асосий диккат эътиборни асарнинг фактат натижасигагина каратиб колмай балки у

ёки бу холдаги масалани ўрганишда кулланилган методикасига хам алохидан эътибор берган холда иш олиб бориш зарур. Илмий адабиёттарни уқигандан танкидий ёндошиш лозим. Шунинг учун хам факат материалнинг асосий мазмунини узлаштириб олишгагина эмас, балки исботлаш усулларига хам айнан шу бир масала тугрисидаги турлича нуктаи назарларнинг хусусиятларини очиб беришга реферат тузатган ишнинг ахамиятини амалий ва назарий томондан баҳолашга интилиш зарур. Агар талаба узи тузган рефератида муаллифнинг гоялари ва хулосаларига нисбатан узининг шахсий муносабатлари ва уз куз карашларини ёритиб булса, жуда яхши булади.

Талабаларимизни мактаблардаги ўқувчилар билан иш олиб боришга, ўқувчиларнинг психик хусусиятларини ўрганиш буйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришга ургатмогимиз зарур.

Талабаларнинг иш фаолиятини ана шу тарика йуналтириб бориш уларни амалий машғулотлар, семинар машғулотлари, назорат ишлари ва курс ишлари хамда диплом ишлари сингари мустакил иш турлари устида кунт билан ишлашга рагбатлантиради. Олий ўқув юртларининг сиртқибўлимларида ўқув ишларининг асосий кисми сессиялар оралигига даврларга режалаштирилади. Бу ишларнинг барчаси институт кафедраларининг курсатмалари асосида талаба томонидан мустакил равишда бажарилади. Психология фанидан ёзиладиган назорат ишлари курсларда булиб, тайёр иш ўқитувчи томонидан маъкуллангандан кейин талаба имтихонга қуйилади.

Талабаларга бериладиган вазифаларни танлашда, бу вазифаларнинг ҳарактерини, хажмини ва мураккаблик даражасини белгилашда талабаларнинг ёш физиологияси ва мактаб гигиенаси курсини ўрганганликлари, умумий психология, ёш психологияси ва педагогик психология фанларидан мухозара курсини тула эшитганликлари, маҳсус психологик адабиётларини ўрганиш буйича ва лаборатория, хамда амалий машғулотларда психологик тадқиқотлар олиб боришда баъзи билим ва малакаларни эгаллаганликлари назарда тутилади.

Бу эса назорат ишини ўқитувчилар томонидан баҳоланишида эътиборга олинади. Психологиядан назорат иши мавзусини танлашда мактабдаги таълим тарбия ишлари купрок назарда тутилади. Тавсия этиладиган вазифалар турт кисмдан иборат булиб, талаба анашу кисмлардан бирини узи танлаб олиши мумкин. Назорат иши учун тавсия этиладиган вазифалар куйидагилардир.

1. Илмий психологик адабиётлардан рефератлар ёзиш.
  2. Мактабда психологик педагогик тадқиқот ишларини олиб бориш.
  3. Психологиянинг назарий конун коидаларини тахлил килган холда уни мактабдаги таълим-тарбия ишларига тадбик этиш.
  4. Мактабнинг ўқувчилари ва ота-оналари уртасида психологик билимларни таргигб этиш.
  5. Маъруза ва мунозаралар тайёрлаб уларни уқиб эшиттириш.
- Тавсия этилаётган вазифалар турлича булишига карамай мактабда олиб бориладиган амалдаги ишлар билан методик курсатмалар бериб ишни

бажаришнинг методикаси хам берилади. Талаба назорат ишининг мавзусини танлашда ўқитувчи билан маслаҳатлашиб олса янада яхширок булади. Психологияда назорат ишининг тузилиши унинг характерига боғлик. Реферат шаклида ёзилган назорат иши одатда кисмларга ажратиб берилади. «Асосий кисм», «Ишнинг мақсади», «Хулоса ва мулоҳазалар».

Психологик педагогик характерга эга булган назорат ишларидақисқача назарий кириш кисми ва методик тавсилот бериш, ундан кейин эса асосий фикр баён этилиб таҳлил килиш ва хулоса талаб қилинади. Психологик назарияни таълим-тарбия ишларида куллаш вазифаси бажарилганда фойдаланилган адабиёт манбалари, кундалик дафтарга курсатилган кузатиш материаллари, карорда таъкидланган асосий фикрлар тула берилиши зарурдир. ўқувчилар ва ота-оналарга психологиядан маъруза ёки мунозаралар уқиган мунозараси ёки маърузасининг батафсил матни унинг режаси билан биргаликда фойдаланилган адабиётлар руйхатини курсатиб, мухозара ёки маъруза утказилганлиги хакидаги тасдиқланган хужжатлар тақдим этилиши лозим.

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛ ВА ТОПШИРИКЛАР:**

1. Назорат ишларига куйиладиган асосий талабларни айтиб беринг?
2. Илмий психологик адабиётлардан рефеат тузишдан асосий мақсад нима?
3. Психологиядан олган назарий билимларингизни таълим-тарбия ишида кандай қуллай оласиз? Мисоллар келтиринг?
4. «Халк таълими» рузномаси «Тафаккур» ва «Соглом авлод учун» ойномаларидан мавзуга оид маколалардан конспект ёзинг.

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

<b>18-МАВЗУ</b>	<b>Педагогик амалиёт даврида психологиядан бериладиган топшириклар</b> Талабанинг назарий тайёргарлигини тулдиради ва бойитади, олган билимларини мустахкамлаш ва чуқурлаштиришга, амалий вазифаларни хал килиш учун ўрганилган фаннинг назарий коидаларидан фойдаланишга имкон яратади. Талабалар узларининг педагогик кобилиятларини синаб курадилар ва ёшларга билим, кўникма ва малакаларни сингдиришда, уларнинг аклий фаолиятларини ривожлантиришда қандай кобилиятларини таркиб топтириш лозимлигини билиб оладилар.
<b>Мақсад ва вазифалар</b>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Малакали мутахассислар тайёрлашда педагогик амалиётнинг ўрни.</li><li>2. Ўқувчи шахсига педагогик – психологик тавсифнома тузиш.</li><li>3. Дарснинг педагогик – психологик таҳлили.</li><li>4. Тарбиявий тадбирларнинг педагогик – психологик таҳлили.</li></ol>
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	<b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, “Баҳс-мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. <b>Шакл:</b> аудитория-дарс шакли, жамоада ишлаш. <b>Восита:</b> тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар <b>Усул:</b> ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. <b>Назорат:</b> савол-жавоблар
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Маърузачи қисқа вақт ичida барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади. <b>Талаба:</b> Янги билимлирни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичida кўп маълумотга эга бўлади.. Педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	

## **18 – М А В З У: Педагогик амалиёт даврида психологиядан бериладиган топшириклар (2 соат)**

### **Р Е Ж А:**

1. Малакали мутахассислар тайёрлашда педагогик амалиётнинг ўрни.
2. Ўқувчи шахсига педагогик – психологик тавсифнома тузиш.
3. Дарснинг педагогик – психологик таҳлили.
4. Тарбиявий тадбирларнинг педагогик – психологик таҳлили.

Педагогика институти талабаларини педагогик фаолиятига тайёрлашда ва уларни юқори малакали мутахассис килиб тарбиялашда мактабларда олиб бориладиган педагогик амалиётнинг роли нихоятда муҳимдир.

Педагогик амалиёт психологик жихатдан талабанинг назарий тайёргарлигини тулдиради ва бойитади, олган билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаширишга, амалий вазифаларни хал килиш учун ўрганилган фаннинг назарий коидаларидан фойдаланишга имкон яратади. Шунинг учун хам педагогик амалиёт талабаларни келгуси фаолиятига тайёрлаш воситасидан бири хисобланади. Чунки, талаба педагогик нуктаи назардан Умумий, Ёш ва педагогик психологиядан олган назарий билимларини амалиёт жараёнида амалда татбик килиш имкониятига эга булади. Амалиётчи талаба ўқитувчи сифатида ўқувчиларнинг ёшлиқ ва индивидуал психологик хусусиятларини билибгина колмай балки таълим, тарбия ва ўқитувчи психологиясидан олган назарий билимлардан таълим – тарбия жараёнида фойдаланишга ўрганади. Психологик маълумотларга суюниб айрим ўқувчиларга ва синф жамоасига тавсифнома тузиш, дарсларни психологик томондан таҳлил килиш тадбирларни ўтказиш ва унинг мазмуни, тузилиши, тарбиявий ахамиятини психологик жихатдан баҳолайдилар. Улар синф раҳбари сифатида уз тарбиявий ишларини ташкил килиш, уз синфи ўқувчиларининг хусусиятларини ўрганиш, бир канча тадбирларни мустакил тайёрлаш каби амалий топширикларни бажарадилар. Шунингдек, талабалар узларининг педагогик кобилияtlарини синаб курадилар ва ёшларга билим, кўникма ва малакаларни сингдиришда, уларнинг аклий фаолиятларини ривожлантиришда кандай кобилияtlарини таркиб топтириш лозимлигини билиб оладилар. Педагогик амалиёт жараёнида талаба ўқитувчигина эмас, у психолог эканлигини ёдда тутмоги лозим. Чунки яхши ўқитувчи булиш учун яхши психолог хам булиши лозим.

Ўқувчиларнинг хусусиятларини билиш, уларнинг калбига йул топа олиш, мулокотда булиш малакасини эгаллаш, уларни фаол ва мустакил фикрлашга ургатиш кобилияtlарини шакллантириш психологияни билишни талаб килади ва талабалар бу уринда психологиядан олган билимлар тизимиға суюнадилар. Педагогик амалиёт фаол профессионал ҳаракатларни амалга ошириш ва профессионал ўқитувчининг дастлабки тажрибалари билан куроллантириш учун кулай шарт-шароит яратади. Педагогик амалиёт давомида III курс (беш йиллик курсларда IV курс) талабалари ўқувчи

шахсига психологияк – педагогик тавсифнома ёзадилар. IV-курс (5 йиллик курсларда V курс) талабалари эса:

1. Синф жамоасига педагогик – психологик тавсифнома
2. Бир соатлик дарснинг педагогик – психологик тахлили
3. Синфдан ташкари олиб бориладиган тарбиявий ишларни психологик томондан тахлил киладилар.

Унингдек, бир ўқувчи шахсига ва жамоага тавсифнома ёзиш учун психологик фактлар туплашлари талаб қилинади. Шу мақсадда улар ўқувчи ва синф жамоасининг узига хос хусусиятларини кузатиб борган маълумотларни ҳар кунлигини ёзиб борадилар. Бу маълумотлар амалиётнинг охирида ўқувчи шахсига ёки синф жамоасига тузиладиган тавсифнома учун «материал» булади. Талаба шуни эсдан чикармаслиги лозимки, у кузатаётган ўқувчи ёки синф жамоаси узини кузатилаётганлигини сезмаслиги лозим. Акс холда ўқувчилар талабадан уялиб узларини эркин тутмайдилар.

Баъзан эса баъзи ўқувчилар узини курсатиш учун жуда билимдонлик килишга, мактанишга мойил буладилар. Натижада биз туплаган маълумотлар объектив ҳарактерга эга булмайди ва биз ўқувчиларга нотугри тавсифнома беришимиз мумкин.

Ҳар бир амалиётчи талаба узи раҳбар булган (ёки ўқувчилар билан куп мулокотда буладиган) синфдан бир ўқувчини танлаб олади. ( ўқувчи аълочи ёки фаол булиши шарт эмас) ва унинг амалиёт бошланган кундан амалиёт охиригача психологик хусусиятларини, дарсдан ташкари иш фаолияти, уйин ва меҳнатда кузатиб боради. Талаба шу ўқувчи хакида туларок билим олиши учун унинг оиласига бориб оилавий шароити билан танишади, ота-онаси билан сухбатлашиб, уни ота-оналари, ака-укаларига булган муносабатларини, дарс тайёрлаш ва меҳнатга булган муносабатини оилада меҳнатга кандай жалб қилинганлигини, уни дарс тайёрлаши учун кандай шарт-шароитлар мавжудлигини, оилада канча болалар бор, бу ўқувчи шу болаларнинг неchanчиси эканлиги, ота-онасининг боласига кандай ёрдам курсатиши мумкинлигини билиб олишлари лозим.

ўқувчи хакида чуқуррок билимга эга булиш учун синф раҳбари ва бошка ўқитувчилар билан сухбатлашадилар. Талаба ўқувчининг жамоасига, уз-узига, уртокларига, мактаб, синф раҳбари ва бошка ўқитувчиларга булган муносабатларини, меҳнатга, уқишига булган муносабатларини ўрганади. Айникса меҳнатга булган иштиёки, унга булган (онгли ва ижобий) муносабатларини кузатади.

ўқувчининг уқишига муносабатини ўрганиш алохидаги ахамиятга эга. Бунда талаба ўқувчининг узлаштириши, билимлар даражаси, дарсга кизикиши, кобилияти: диккат, идроқ, хотира, тафаккур хусусиятларини, уларнинг фаоллик даражасини, психик жараёнларининг ривожланишига таъсир курсатувчи омилларни, укиш малакаларини, узи дарс берган вактда, шу синфга дарс кузатишига кирганда ўргана боради. Бу уринда ҳар бир жараённинг шу ўқувчига хос булган хусусиятларини аниклаш мухимдир. Масалан: ўқувчи узи уқиган материалини яхши эсда саклаши (курув

хотираси) ёки диккати бекарор булиши, тез фикр юритиши ёки мустакил фикрлай олмаслиги мумкин.

Бундай хусусиятлар ўқувчилар эътигоди, идеаллари, орзуси, дунёкарашига хос булган хусусиятларини ўқувчилар билан сухбатда булиш оркали билиб олинади. Унинг ҳарактер хислатлари ва темперамент типларига хос булган маълумотларни тахлил килиб, унинг индивидуал психологик хусусиятларини очиб беради.

ўқувчининг ҳарактер хислатлари ва температменти типларини аниклашда унга хос булган ҳар бир хусусиятни кузатиб, уни ёзиб бориш лозим.

Чунки ҳарактер хислатлари иродага, хиссиётга ва акл-фаросатга (интеллектуал) хос булган хислатларга булинади ва уларни ижобий ва салбий хусусиятлари у ёки бу ўқувчида, албатта, мавжуд булади. Талаба бу хислатларни ўқувчини доимий равишда кузатиш оркалигина билиб олиши мумкин. Баъзи бир талабалар мен кузатган ўқувчининг темперамент холерик ёки меланхолик – деб хулоса чикарадилар.

Бу албатта, тугри эмас чунки у шу ўқувчига хос булган хамма хусусиятларни очиб ёзмайди. Агар ўқувчининг темпераменти хусусиятлари тула курсатилса кейингина биз у кайси темперамент турига мансублигини ёки кайси ҳарактер хислатга мойиллигини аниклай оламиз. ўқувчининг узига хос хусусиятларини ўрганиш факат дарс жараёнидагина олиб борилмай, балки у дарсларни кузатиш, тарбиявий ишлар процессида, болани уйнаётган ва меҳнат килаётган вактида, хатто танаффус вактида, яъни кундалик иш процессида булади.

Кузатиш ва сухбатдан аникланган фактлар «психологик кузатишлар кундалиги» дафтарига системали ёзиб борилади.

### **Психологик кузатишлар кундалиги схемаси.**

ана	ўқувчи хакида уму-мий маълумот ва унинг оилавий ша-роити оила аъзолари дарс ва меҳнатларга муносабати	қувчининг уз-узига, атрофдаги- ларга, меҳнатга ва укишга муносабати	ўқувчи шахснинг йуналиш (кизикиш эътиод, дунёкараш, орзу, идеаллари)	ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятлари (ҳарактер темперамент, кобилият)
)IV 2000	III «А» синфи ўқувчиси Эрматова Холика 1991 йил 18 июнда тугилган	Эрта кла укишга кизикади, аммо математика ни яхши билмайди.		

)IV 2000	<p>Синф раҳбари билан сухбатлашиши, унинг ота-онаси бола тарбияси учун яхши имкониятларга эга эканлигини аникладим.</p>		<p>Синф раҳбари унинг идеалидир. Ўқитувчининг билими, ўқувчи ларга муносабати ни жуда ёқтиради ва унга ухшашни орзу килади</p>	<p>Хамма очик кунгил кувончли оиласидаги воеани уртокларига кулиб-кулиб айтиб беради.</p>
-------------	---	--	--	---

Кундаликда тупланган маълумотлар талабанинг ўқувчига психологик – педагогик тавсифнома ёзиши учун асос булади. Талаба ўқувчига ёзилган тавсифномани «психологик кузатиш дафтари» билан бирга психология ўқитувчисига топширади. Ўқитувчи аввал талабанинг психологик маълумотларини куриб чикади ва бу маълумотларни тавсифномада баён этилганлигига караб уни бахолайди.

### I. ўқувчи шахсини ўрганиш ва унга педагогик психологик тавсифнома тузишнинг тахминий схемаси

#### 1. ўқувчи хакида умумий маълумот.

ўқувчининг исми ва фамилияси, тугилган йили, синфи, умумий жисмоний ривожланиши, соглиги, оилавий шароити, оила аъзолари билан муносабати. Оилавий тарбия хусусиятлари.

### II. Синф жамоаси билан узаро муносабати, мактабга муносабати

- Синфга умумий тавсифнома ( ўқувчиларнинг ривожланиши, тарбияси, синф жамоасининг анъаналари ва талаблари)
- Жамоада тутган урни (уртоклари орасидаги хурмати, уртокларининг унга муносабати).
- Синфдагиларга муносабати (уртокларини хурмат киладими, уларнинг фикрлари билан келиша оладими, ким билан дустлашган ва унинг сабаби, ўқувчилар билан келишмовчиликлар буладими ва унинг сабаблари)
- Синф жамоасида тутган урни коникитирадими ва у синф жамоаси орасида кандай булишни хохлар эди.
- Мактабга булган муносабати.
- Тарбиячи ва ўқитувчиларга муносабати, улар билан алокаси, уларга муҳаббати, хурмати.

### III. Уқишига муносабати

1. Узлаштириш (бахолари, хамма фанларни бир хил узлаштирадими) билим даражаси.

2. Билим доираси, билим эгаллашга муносабати.

3. Нуткининг ривожланиши (унинг образлилиги, эмоционаллиги, нутк бойлиги, оғзаки ва ёзма фикрларни баён килиш малакаси).

4. Ўрганишдаги кобилияти:

Диккатнинг хусусиятлари (ихтиёрий диккатнинг ривожланганлик даражаси, унинг марказлашганлиги, баркарорлиги, таксимланиши).

Материални англаб идрок килиш ва унинг тезлиги. Мазмунига тушуниб хотирада саклаш ҳарактери (тушуниб ёки тушунмай тақрорлаш, мазмунига тушуниб эсда колдириши ва саклаш усувлари, эсда саклашнинг тезлиги ва мустахкамлиги, шунингдек, эсга тушуриш ҳарактери, хотиранинг индивидуал хусусияти).

Тафаккурнинг ривожланиши (предмет ва ходисаларни асосий ва иккинчи даражали хусусиятларини ажратади оладими, умумий ва мавхум тушунчаларни узлаштириш даражаси кандай, умумлаштириш, тақкослашни, мустакил хулосалар чиқаришни биладими, масалаларни тезлик билан хал килиш йулларини топа оладими).

Хаёлнинг ривожланиши (турли ўқув фаолиятида тингловчи ва ижодий хаёлнинг бойлиги).

5. ўқув ишларига интилиши

6. Уқиши малакалари (кун тартибига риоя килиш, уюшкоклиги, китоб устида мустакил ишлай оладими, материални уқиб оладими, узини кандай назорат килади, режа, конспект тузга оладими)

7. Дарсга кизикиши ва таълимга муносабати (кизикиш билан уқийдими, кайси фанларни узлаштиришга кобилиятли, бахоларга муносабати кандай, ўқитувчи ёки ота-оналарнинг макташи ёки танбехига муносабати, ўқув фаолиятининг асосий мотивлари)

#### IV. Мехнат (Мехнат дарси, уйда ва мактабда умумий фойдали меҳнатда иштироки)

1. Мактабга муносабати. (Мехнатни севиши ёки уни ёқтираслиги, меҳнат малакаси, меҳнат материалларига муносабати).

2. Мехнат жараёнида уюшкоклиги ва интизоми.

3. Мехнат малакаси ва кўникмаси, уларни эгаллаш даражаси.

4. Узок вакт ишлашга одатланганми?

5. Кайси меҳнат турини ёқтиради.

#### V. Шахснинг йуналиши ва маҳсус кобилияти

1. Кизикишлари ( ўқувчи нимага кизикади, кизикишларининг чуқурлиги ва ўқувчининг фаоллиги, ўқувчи баъзи фанларга ёки фаолиятга кизикмаслиги, лекин астойдил ҳаракат килиши мумкин – буларни мунтазам

ёзиш лозим). Уқишини яхши курадими ва нималарни купрок уқийди – бадий, илмий оммабоп ёки фантастик асарларними?

2. йўқувчининг эътиқоди, орзуси ва идеаллари. Унинг хулкида кандай мотивларни кузатдингиз?

3. Бирор фаолиятга нисбатан маҳсус кобилиятни борми (мутика, расм, санъат ва х.з. ва у кандай пайдо булган?)

4. Нимани орзу килади ва келгусида ким булмокчи (6-синфдан бошлаб ўқувчига бериладиган тавсифномада буни албатта курсатиш лозим).

## VI. Интизомлилиги

1. Хулкига умумий тавсифнома (узини тута билиши ёки ортикча харакатларни бажариш).

2. Мактаб кун тартибини бажариши (кун тартибига риоя килиши, ундан фойдаланиши).

3. Катталарнинг талабларини бажариши (уларни уз хохиши билан бажарадими ёки рад киладими, нима учун. Интизомдаги типик камчиликларни курсатиш лозим.

## VII. Ҳарактер ва темперамент хусусиятлари

- Ҳарактернинг аник кузга ташланадиган ижобий ва салбий хислатларини шахс йуналишининг хислатлари (одамларга, уқишига, меҳнатга, уз-узига булган муносабати, зийраклиги, сахийлиги, колективизм, эгоизм, одиллиги, уз бурчини англаши) иродавий ҳарактер хислатлари (мустакиллик, катъиятлилик, ужарлик, таъсириларга берилиши ва х.к.)

- Темперамент хусусиятлари (хиссиётга берилиши, меҳнатга кобилиятлилиги, ҳаракатчанлиги, дилкашлиги)

- Устунлик килувчи кайфияти (кувноклик, маъюслик, босиклик) унинг баркарорлиги, кайфиятни кузготиш манбай.

## VIII. Умумий психологик – педагогик хулосалар

1. йўқувчи шахсини шакланишидаги асосий ютуқ ва камчиликлар. Унинг аклий ривожланиш даражасини аниклаш (юқори, урта, паст) ва ахлокий жихатдан кандай тарбияланганлиги. Мавжуд камчиликларнинг (ички ва ташки) сабаблари (оилавий тарбия шароити, касаллик, баъзи кобилиятларнинг йўклиги, ишлаш малакаси ва х.к.)

2. Ўқитувчи олдида тўрган мухим психологик-педагогик вазифаларни, ўқувчи билан келгусида олиб бориладиган тарбиявий иш йулларини белгилаш.

Синф колективини ўрганиш ва унга психологик – педагогик тавсифнома тузиш

Уқиши ўқувчи меҳнатининг асосий тури хисобланади. Унга синф жамоасининг муносабатини аниглаш: яъни ўқувчилар билим эгаллашдаги бурчларини кандай англайдилар, кайси фанларни уқишига кизикишларини билиш зарур. Чунки уларнинг фанларни эгаллашга булган кизикишлари таълимни мувоффакиятли, чукур узлаштириш имконини беради.

Ўқувчиларнинг кайси фан тугаракларига, конференция ва олимпиадаларга катнашиши хам уларнинг кизикишларидан далолат беради.

Синф жамоасини ўрганиш бир ўқувчи шахсини ўрганишга нисбатан мураккабдир. Чунки бунда амалиётчи талаба синфдаги хамма ўқувчиларнинг факат кизикиши ёки фанни узлаштиришларинигина эмас, балки синф жамоаси ҳарактерини, синфдаги анъаналарни, унинг вазифаларини, синф ўқувчиларининг истикболларини ва уларнинг тарбиявий кийматларини аниглаши лозим.

Синф жамоасини ўрганишда жамоа фаолияти мазмуни ва шаклини психологияк нуктаи назардан чуқур тахлил килиш, унинг мухим томонларини ва камчиликларини пухта асослаб беришга ахамият бериш керак. Агар синф фаолияти билимларига ёшлиқ ва индивидуал хусусиятларига мослиги, чуқур ва пухта асосланиб берилмаса, унда тахлил объектив ҳарактерга эга булмайди.

Амалиётчи талаба синф жамоасини ўрганишда, албатта, шу жамоанинг уюшкоклигига алоҳида ахамият бериши лозим. Чунки синф жамоасининг уюшкоклиги ундаги гурухларнинг уюшкоклигини хам белгилайди. Кимматли ориентацияларнинг бирлиги жамоа уюшкоклигини курсатиш билан бирга уларнинг фикрларини, карашларини хам бирлигини курсатади. Шунингдек, жамоада уюшкоклик рухини мисолларда баён килиш, жамоа аъзолари орасида фикрларнинг бирлиги ёки турли – туманлиги, уларни келиштиришга кобиллиги, ҳаракатларнинг аниклиги ва ўқувчиларнинг одиллиги (уртокларини химоя килиши, касал уртогига ёрдам бериши ва х.к.) ёки қаҳри каттиклиги, куполлик, манфаатини кузлаш кабиларни кузатиш ва уларни психологик жихатдан асослаб бериш талаб қилинади.

Амалиётчи – талаба синф ўқувчилари ҳакида умумий маълумот, синф фаолиятининг мазмуни ва ҳарактери яъни уларни хамма фанларни узлаштириши, интизоми ўқувчиларнинг узаро муносабатлари, синфда ва синфдан ташкари олиб бриладиган ишлари, меҳнатга муносабатлари, улар орасидаги фаоллар ва уларнинг иш фаолияти, ҳарактери кабиларни кундалик иш жараёнида мунтазам ўрганадилар. Шунингдек амалиётчи синф ўқувчиларининг сиёсий – гоявий даражаси, етакчи ўқувчиларнинг уз уртоклари орасида тутган урни, уюшкоклиги, ташаббуси, мустакиллиги, жамоа орасидаги узаро муносабатларини аниглаш ва уларни мухокама килиб бориши керак.

Амалиётчи – талаба синф раҳбарининг иш фаолиятини унинг билими, маданияти, кобилиятини, муносабатларини ўрганади ва ундан узига тегишли хулоса чикаради.

Талаба кузатган маълумотларни «Психологияк кундалик » дафтарига (З-схема) ёзиб бориши талаб этилади. Чунки уларни ёзиб бормаса маълумотлар

Эсдан чикади ва психологик далилларсиз жамоага психологик – педагогик тавсифнома бериш мумкин булмайди. (Синф жамоасини психологик – педагогик уганиш схемаси – 3-схема).

Синф жамоасини ўрганиш ва унга психологик – педагогик тавсифнома тузишнинг тахминий схемасини талабалар «Педагогик амалиёт буйича талабаларга амалий ёрдам» (Фаргона 1993 йил) китобидан кучириб оладилар.

### Дарсни психологик тахлил килиш

Дарсни психологик – педагогик тахлил килиш учун талаба аввало шу дарсни кузатиши лозим. Кузатишдан аникланган маълумотлар ва далилларни куйидаги схемага ёзиб борилса, дарсни тахлил этишда талаба кийналмайди.

Сана, Синф. Ўқитувчининг Исми- шарифи,      фан. Мавзу.	Дарсн инг ютуклари	Дарснинг камчиликлари	Фикр ва таклифлар
--	--------------------------	--------------------------	-------------------------

Дарсни тахлил килишда дарснинг мақсади, вазифаси, типи, бошкариш масаласи буйича:

Уни психологик жихатдан мақсадга мувофикалигига эътибор берилади. (кириш, маълумотлар билан танитириш, янги билимларни узлаштириш, малакаларни шакллантириш, такрорлаш ва х.к.) иккинчидан, ўқув информацияларини танлаш, учинчидан дарс утиш услублари билан аникланади. Дарсга баҳо бериш хам дарснинг тузилиши ва типлари оркали белгиланади.

Дарснинг мазмунини психологик томондан тахлил килишда куйидагиларга эътибор бериш тавсиф этилади:

1. Дарс ва уни ташкил килиш масаласида
  - а) таълим жараёнининг моҳияти
  - б) дарснинг мақсади ва тузилишининг багликлиги
  - в) дарс мазмунини психологик томондан баҳолаш.
  
2. ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари ва уни дарсда бошкариш масаласи буйича:
  - а) диккатни ташкил килиш
  - б) идроки, хотирани ва тафаккурни фаоллаштириш даражаси
  - в) таълимда муаммоли вазият
  - г) хаёлни фаоллатириш масаласи
  - д) билиш фаолиятининг индивидуал фарклари
  - е) билиш фаолиятида қўникма ва малакалар
  - ж) дарсда тескари алокани ташкил килиш

3) дарсда ўқитувчининг фаолияти ва унинг ўқувчи шахсига тарбиявий таъсири

### 3. Дарснинг натижаларини умумий баҳолаш.

Хозирги замон педагогик психологиясида таълим ўқувчининг ички ва ташки фаоллигини бошкариш, мустакил ва ижодий фикрлаш қўнимларини шакллантириш, ҳар томонлама етук, баркамол шахсни шакллантирмоги кераклиги назарда тутилади.

Амалиётчи – талаба мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсади нимадан иборат ва уни кандай услублар оркали амалга оширилганига алоҳида эътибор беради. Агар ўқитувчи мавзунинг мақсадини дарснинг турли боскичларида болаларнинг фаоллигини бошкариб бориш билан бояглаб олиб борилса, дарснинг мақсади унинг тузилишига мос келади.

ўқув информаялари фактадарслиқдаги маълумотлар асосида, коида ва конуниятлар, далиллар билан баён қилинибгина клмасдан, у ўқувчининг фаолиятига бояганиши, ўқув материалининг психологик хусусиятларини, ўқувчиларнинг узлаштириши, эслаб колиши хусусиятларини хам хисобга олиши лозим.

Таълимда утиладиган мавзунинг ўқувчининг диккати, идроки, хотира ва тафаккурга хусусиятларига мослиги алоҳида ахамиятга эга. Масалан, агар синф ўқувчиларининг купчилигига мавхум тафаккур яхши шаклланмаган булсаю, ўқитувчи мавхум тушунчалардан купрок фойдаланиб дарс утса, унда мавзуни ўқувчилар яхши узлаштирмайдилар.

Дарсни таҳлил қилинганда ўқитувчи ўқувчиларнинг умумий аклий ривожланишини кандай хисобга олганини ва ундан кандай фойдаланганини, уларда кандай йуллар билан мустакил, фаол, ижодий тафаккурни пайдо килгани, кургазма вужудга келтира олиши, техника воситаларидан фойдалана олиши, ўқувчиларнинг материалларидан фойдаланиш усуллари, муаммоли вазиятларнинг ўқувчилар аклий фаолиятини жадаллаштира олгани, уларнинг кобилиятларининг хисобга олиниши, ижобий ва салбий томонларини ёритиб бериши талаб этилади.

Айникса, ўқитувчининг болалар диккатини ташкил кила олиши, ўқувчиларда турли диккат хусусиятларидан фойдалана олиши, уз диккатини бошкара билиши мухимдир. Идрок жараёнини фаоллаштиришда нуткнинг равонлиги, материалларнинг аниқ, кургазмаларнинг эстетик дидга эга булии керак. Шунингдек, ўқитувчи дарсда кайси хотира типидан (кургазмали – образли, суз-мантиқ ва х.к.) купрок фойдалангани ва нима учун?

ўқувчиларда кайси хотира типини пайдо килгани (таниш, эсда колдириш, кайта тиклаш, кайта-кайта такрорлаш) айникса мухимдир.

Тафаккур жараёни таълимни узлаштиришда хамма психик жараёнлар каби мухимдир. Бунда ўқувчи ўқитувчи томонидан бериладиган билимларни узига хос хусусиятларини, улар орасидаги бояганиш ва кнуниятларни умумлаштириб узлаштиради. Бу билимлар айрим тушунчалар сифатида эмас, балки тушунчалар системасига (тизимиға), айланади. Шунинг учун ўқитувчи

бу тушунчаларни кандай баён этди, ўқувчиларда кандай хукмлар вужудга келтира олганини аниклаш лозим. Айниса, тушунчалар орасидаги сабабий болганишлар кандай баён қилинганилиги ахамиятлидир. Шунингдек, ўқитувчи у ёки бу хукм ва тушунчаларни кандай йуллар билан (индуктив, дедуктив) шакллантира олганлигини алохидати эътиборга олиш лозим. Дарс жараёнида мустакил, фаол ва ижодий тафаккурни ривожлантириш, муаммоли вазиятларни вужудга келтириш ва болаларнинг фикр юритиш жараёнларини (анализ, синтез, абстракция ва х.к.) фаоллаштириш кандай йуллар билан амалга оширилганлигини аниклаш мақсадга мувофиқдир. Дарс жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билиш фаолиятини фаоллаштириш усулларини тахлил килишда болаларнинг индивидуал хусусиятларини хисобга олиши, индивидуал кўникма ва малакаларини пайдо булиши (фикрлаш оркали ёки муносабат усуллари ва унинг самарадорлиги) ни аниклаб олиши керак.

Шунингдек дарсни тахлил килишда ўқитувчи утган мавзуни ўқувчилар кандай узлаштиргани хакидаги информацияни кандай килиб билиб олгани, саволларнинг болани фикр юритишга мажбур килиш руҳида тузганлиги ва жавоб беришга хамма ўқувчиларни жалб кила олганини алохидати таъкидлаш зарур.

Дарсни бахолашда унинг мақсад ва вазифаларини кандай амалга оширилгани, унда кандай ютуқ ва мувоффакиятга эришгани, дарсда кандай камчиликларга йул куйилганлиги ва унинг объектив, субъектив сабаблари ва нихоят, тахлил килувчи шахсларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифлари, уларнинг канчалик мухимлиги хисобга олинади ва дарс бахоланади.

(Талабаларга «педагогик амалиёт буйича талабаларга амалий ёрдам» китобидан Фаргона 1993 йил. 30-34 бетлар. «Дарсни психологик-педагогик тахлил килишнинг тахминий схемаси»ни кучириб ёзиб келиш вазифа килиб берилади).

Тарбиявий тадбирларни психологик асослаб бериш. Амалиётчи талаба томонидан тайёрланадиган ва утказиладиган тарбиявий тадбирларни амалга оширишдан мақсад булгуси педагог – тарбиячиларнинг тарбиявий иш жараёнини олиб боришга ургатишидир. Улар узлари бириктириб куйилган синф жамоасини ўрганадилар, синф раҳбари ва ёшлар ташкилотининг иш тизими билан танишадилар, синф раҳбари билан хамкорликда келгуси давр учун ўқувчилар олдига куйиладиган асосий тарбиявий вазифаларни белгилайдилар, белгиланган тарбиявий вазифаларни хал килиш учун тарбиявий ишлар режасини тузадилар.

Улар конкрет тарбиявий кўникмалар тизимини ўқувчиларга сингдириш, уларда хаётий, илмий ва маънавий эътиқодларни шакллантириш ишларини амалга оширадилар. Шунинг учун хам амалиётчи – талаба узи ва курсдошларининг тарбиявий ишлар тизимини ташкил этишларига алохидати эътибор беришлари лозим. Тарбиявий тадбирларни мувофакиятли уюшириш ва тайёрлаш учун: 1) тадбирни ўтказиш вактини аниклаш лозим. Уни албатта болаларни куп банд булмаган вактларида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бола чарчаган вактда утказилса, болалар унга фаол

катнашмайдилар ёки кочиб кетиш холатлари хам булади. 2) Уни кандай ўтказишни аниклаб олиш ва «сценарий» сини тузиш. Бу шу тадбирга кимлар катнашишини, кандай айёргарлик қуришни, каерда ўтказишни аниклаш. Йигилишга тайёрланиш, мажлис ўтказиш, учрашув кечаларини ташкил килиш ўқувчиларда турли хил кобилиятларни (ташкилотчилик, бадиий, санъатга ва х.к.) талаб килади. Ўқитувчи бу тадбирларни амалга оширишда иш турларини боланинг кобилиятини хисобга олган холда таксимлаши ва бу вазифа шу ўқувчининг кандай хислатларини шакллантириши лозимлигини хисобга олиши керак.

Ўқитувчи баъзи холларда, тадбирларни ўтказишда хамма вазифаларни узи бажаради. Ишни бундай ташкил этиш мақсадга мувофик эмас.

Агар роллар болаларнинг кобилиятларини хисобга олиб таксимлаб берилса ва унда болаларнинг актив фаолиятларини ташкил кила олинса психологик нуктаи назардан шу тадбирнинг мувоффакияти таъминланади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ёши ва мустакиллик даражасини хисобга олиб уз вазифасини аниклаб олиш лозим. Бунда 1) Утказиладиган тадбирнинг умумий мазмунини аниклаш (адабиётлар танлаш, ўқувчиларнинг маъruzаларини текшириш).

2) Тарбиявий ишга тайёрланишни назорат килиш (пул ажратиш, оталик муассаса билан боғланиш) каби вазифаларни аниклаб олиши ва уни кандай бажарилганлиги хисобга олинади.

Ҳар бир амалиётчи талаба узи раҳбар булган синфнинг тарбиявий тадбирларини бажариш билан бирга уз курсдошларидан бирининг 1 соатлик тарбиявий тадбирига психологик тавсифнома ёзмоги лозим. Бунда албатта, танлаб олинган мавзунинг долзарблиги, мавзу мазмунини кандай услублар оркали тушунарли ва таъсирчан баён килишга, унда ўқувчиларнинг ёлик ва индивидуал хусусияларини хисобга олганлигига, тарбиявий тадбирларнинг мотивлари ва уни ўқитувчи томонидан кандай англаганлик даражасига алохига ахамият бериши мухимдир. Шунингдек, унга ўқитувчининг тайёргарлиги, вазифани бажаришда кимлар катнашгани, уланинг уюшкоқлик характеристи, бир-бирига муносабати, ижобий иш мухитини такил кила билишни кузатиш зарур. Тарбиявий тадбир ўқувчиларни кандай ҳарактер хусусиятларини, ахлокий сифатларини, ирода сифатларини тарбиялашга таъсир килганлиги, уларда дустлик, уртоклик, ватанпарварлик, мустакиллик туйгуларини шаклланиши, ўқитувчининг маълумотларини ўқувчилар учун тушунарли, эмоционал, образли булиши, уни уз-узини тута билиши (ўқитувчининг) ўқувчилар билан индивидуал муносабатларни урната олиши ва тарбиячилик маҳоратлари кузатилади ва тахлил қилинади.

Тарбиявий тадбирларни тахлил килишда ўқитувчининг тайёргарлиги, хонанинг ва ўқувчиларнинг умумий гигиеник холатларини, интизоми, уларда рухланиш, таклид каби оммавий ходисаларни пайдо кила олиш даражасига алохига тухталиш лозим.

Тарбиявий тадбирларни баҳолашда мавзунинг мақсад ва вазифаларини кандай амалга оширилганлиги, унинг тарбиявий таъсири ва натижаси кулагай психологик вазиятни пайдо кила олиш имконияти назарда тутилади.

Ишнинг психологик тахлил этишда талаба

5. Тарбиявий тадбирларни ўтказищдаги талабанинг ютуги.

6. Иш жараёнида йул куйилган камчиликлари

7. Тахлил килаётган талабанинг фикр-мулохазалари, таклифлари курсатилиди.

Тахлил албатта, психологик далилларга асосланган объектив харакетга эга булиши зарур. Шунингдек амалиётчи – талаба тарбиявий тадбирни тахлил килишда мустакил фикр юритиши, маълумотларни тахлил кила олиш малакасига эга булиши талаб қилинади.

Бунинг учун у узлуксиз амалиёт давомида куплаб дарслар, тарбиявий соатлар кузатиши, уни ўқитувчилар билан бирга тахлил килиши, ўқитувчилар билан доимо муносабатда булиб туриши ахамиятлидир. (Талабалар «Тарбиявий тадбирларни психологик томондан асослаш ва уни тахлил килиш» ни «Педагогик амалиёт буйича талабаларга амалий ёрдам» китобидан қучириб ёзадилар Фаргона. 1993 йил. 36 – 38 бетлар.)

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН ТОПШИРИКЛАР:**

1. Педагогик амалиётнинг ахамиятини уз фикрингиз билан тушунириб, асослаб беринг.

2. ўқувчи ва синф жамоасини ўрганишда кайси психологик методларни кулаган маъкул?

3. Дарс утиш жараёнида ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари хамда индивидуал хусусиятларини хисобга олишдан мақсад нима?